

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ**  
**ҚОНУН ҲУЖЖАТЛАРИ**  
**ТЎПЛАМИ**

**19-сон**  
**(831)**  
**2018 йил**  
**14 май**

---

*Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами беш бўлимдан иборат:*

*биринчи бўлимда Ўзбекистон Республикаси қонунлари ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорлари эълон қилинади;*

*иккинчи бўлимда Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармон, қарор ва фармойишлари эълон қилинади;*

*учинчи бўлимда Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари эълон қилинади;*

*тўртинчи бўлимда Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судининг қарорлари эълон қилинади;*

*бешинчи бўлимда вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларининг Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари эълон қилинади.*

**МУНДАРИЖА**

*Иккинчи бўлим*

386. «Прокуратура органлари кадрларини тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 8 майдаги ПФ–5438-сон Фармони
387. «Ўзбекистон Республикасида афв этишни амалга ошириш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 8 майдаги ПФ–5439-сон Фармони [Кўчирма]
388. «Адвокатура институти самарадорлигини тубдан ошириш ва адвокатларнинг мустақиллигини кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 12 майдаги ПФ–5441-сон Фармони
389. «Иқтисодиёт тармоқлари ва соҳаларига инновацияларни жорий этиш механизмларини такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 7 майдаги ПҚ–3698-сон қарори

390. «Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Агросаноат мажмуи ва озиқ-овқат хавфсизлиги таъминланиши устидан назорат қилиш инспекцияси фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 7 майдаги ПҚ–3699-сон қарори
391. «Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институтида олий маълумотли кадрлар тайёрлаш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 8 майдаги ПҚ–3702-сон қарори
392. «Самарқанд ветеринария медицинаси институтини ташкил этиш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 8 майдаги ПҚ–3703-сон қарори
393. «Тошкент давлат аграр университетидида олий маълумотли кадрлар тайёрлаш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 8 майдаги ПҚ–3704-сон қарори
394. «Қишлоқ хўжалигини ўз вақтида қишлоқ хўжалиги техникаси билан таъминлаш механизмларини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 10 майдаги ПҚ–3712-сон қарори [Кўчирма]
395. «Федерал давлат автоном олий таълим муассасаси «Миллий технологик тадқиқотлар университети «МИСиС»нинг Олмалиқ шаҳридаги филиали фаолиятини ташкил этиш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 11 майдаги ПҚ–3714-сон қарори
396. «Аллергик касалликларни профилактика қилиш, уларга ташхис қўйиш ва даволашни тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 11 майдаги ПҚ–3715-сон қарори
397. «Муборак Рамазон ойини муносиб тарзда ўтказиш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 11 майдаги ПҚ–3716-сон қарори
398. «Давлат активларини бошқариш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 12 майдаги ПҚ–3720-сон қарори
399. «Халқаро шартномага қўшилиш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 12 майдаги ПҚ–3722-сон қарори

### *Учинчи бўлим*

400. «Ўзбекистон Республикасида мажбурий меҳнатга барҳам беришга доир

қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 10 майдаги 349-сон қарори

### *Бешинчи бўлим*

402. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2018 йил 28 апрелдаги 16/3-сон «Ломбардлар томонидан фаолият ва операцияларни амалга ошириш қоидаларига ўзгартиришлар киритиш ҳақида»ги қарори (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2018 йил 7 майда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1290-2*)
403. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2018 йил 28 апрелдаги 16/1-сон «Микрокредит ташкилотлари томонидан молиявий операцияларни амалга ошириш қоидаларига ўзгартириш ва қўшимча киритиш ҳақида»ги қарори (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2018 йил 7 майда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1642-3*)
404. Ўзбекистон Республикаси ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирининг 2018 йил 1 майдаги 169-мх-сон «Почта алоқаси хизматларини кўрсатиш қоидаларининг 9-бандига ўзгартириш киритиш тўғрисида»ги буйруғи (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2018 йил 7 майда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2219-8*)
406. Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлигининг 2018 йил 11 апрелдаги 168-сон «Давлат органлари ва бошқа бюджет ташкилотларининг ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш учун масъул бўлган раҳбарлари ва бўлинмалари ходимларини аттестациядан ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш тўғрисида»ги буйруғи (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2018 йил 8 майда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3007*)
407. Ўзбекистон Республикаси ички ишлар вазирининг 2018 йил 17 апрелдаги 106-сон «Ўзбекистон Республикасида сиёсий бошпана бериш тўғрисидаги илтимоснома шаклини тасдиқлаш ҳақида»ги буйруғи (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2018 йил 10 майда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3008*)
408. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2018 йил 28 апрелдаги 16/11-сон «Аҳолининг кенг қатлами, шу жумладан ёш оилалар учун уй-жой қурилишини ва реконструкция қилишни молиялаштириш ва кредитлаш тартиби тўғрисида низомнинг 10-бандига ўзгартириш киритиш ҳақида»ги қарори (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2018 йил 10 майда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1727-3*)

409. Ўзбекистон Республикаси адлия вазирининг 2018 йил 10 майдаги 268-мх-сон «Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги хузуридаги Олий малака комиссияси тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги буйруққа ўзгартиришлар киритиш тўғрисида»ги буйруғи (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2018 йил 10 майда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2166-4*)
410. Ўзбекистон Республикаси адлия вазирининг 2018 йил 10 майдаги 269-мх-сон «Нотариус стажёрининг фаолиятини ташкил этиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги буйруққа ўзгартиришлар киритиш тўғрисида»ги буйруғи (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2018 йил 10 майда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2149-8*)
411. Ўзбекистон Республикаси адлия вазирининг 2018 йил 10 майдаги 270-мх-сон «Қорақалпоғистон Республикаси Адлия вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар адлия бошқармалари хузуридаги малака комиссиялари тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги буйруққа ўзгартиришлар киритиш тўғрисида»ги буйруғи (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2018 йил 10 майда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2151-5*)
412. Ўзбекистон Республикаси адлия вазирининг 2018 йил 10 майдаги 271-мх-сон «Фуқаролик ҳолати далолатнома ёзувларининг шакллари ва уларни тўлдириш бўйича қоидаларни тасдиқлаш ҳақида»ги буйруқнинг муқаддимасига ўзгартириш киритиш тўғрисида»ги буйруғи (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2018 йил 10 майда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2397-3*)
413. Ўзбекистон Республикаси молия вазирининг 2018 йил 9 апрелдаги 75-сон «Давлат бюджетининг пул маблағларини режалаштириш ва бошқариш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги буйруқни, шунингдек унга ўзгартириш ва қўшимчаларни ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида»ги буйруғи (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2018 йил 11 майда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2112-2*)
414. Ўзбекистон Республикаси молия вазирининг 2018 йил 9 апрелдаги 76-сон «Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети пул маблағларини кассали режалаштириш ва бошқаришни амалга ошириш бўйича ҳужжат шакллари ва уларни тақдим қилиш тартиби тўғрисидаги йўриқномани тасдиқлаш ҳақида»ги буйруғи (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2018 йил 11 майда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3009*)
415. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Ички ишлар вазирлигининг 2018 йил 25 апрелдаги 23, 32-сон «Хайдовчи ва ҳайдовчиликка номзодларни транспорт воситаларини бошқаришга яроқлилли-

гини текшириш учун тиббий кўрикдан ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартириш ва кўшимчалар киритиш ҳақида»ги қарори (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2018 йил 12 майда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2472-1*)

416. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2018 йил 31 мартдаги 12/13-сон «Пул ресурсларининг банклараро электрон бозорида операцияларни амалга ошириш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарорни ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида»ги қарори (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2018 йил 12 майда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1535-1*)

417. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2018 йил 31 мартдаги 12/12-сон «Банклараро пул бозорида электрон савдо платформаси орқали операцияларни амалга ошириш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарори (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2018 йил 12 майда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3010*)

418. Ўзбекистон Республикаси молия вазирининг 2018 йил 8 майдаги 91-сон «Пахта толасининг ички ва ҳақиқатда сотилган нархлари ўртасидаги ижобий фарқ маблағларини «Пахтасаноат» ҳудудий акциядорлик бирлашмасининг махсус ҳисоб рақамига тўплаш ва унинг ишлатилиши тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги буйруқни, шунингдек унга ўзгартиришларни ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида»ги буйруғи (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2018 йил 12 майда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1922-4*)

419. Ўзбекистон Республикаси адлия вазирининг 2018 йил 12 майдаги 278-мқ-сон «Норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ижрочиларга етказиш ҳамда уларнинг моҳияти ва аҳамиятини аҳоли ўртасида тушунтириш бўйича намунавий «Йўл харитаси»ни тасдиқлаш тўғрисида»ги буйруғи (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2018 йил 12 майда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3011*)

Вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларнинг норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини давлат рўйхатидан ўтказиш ҳолати тўғрисида 2018 йил 7 майдан 12 майгача бўлган маълумот

## ИККИНЧИ БЎЛИМ

### ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ

## **386** Прокуратура органлари кадрларини тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида\*

Мамлакатда амалга оширилаётган ўзгаришлар, ижтимоий-иқтисодий ривожланишнинг янги устувор йўналишлари ҳамда қонун устуворлигини таъминлаш ва қонунийликни мустаҳкамлаш вазифалари прокуратура органлари кадрларини тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини оширишни ташкил этиш тизимини янада такомиллаштириш заруриятини тақозо этмоқда.

Ўтган давр мобайнида ҳуқуқни қўллаш ҳолатини комплекс таҳлил қилиш, қонунбузилишлар содир этилишининг сабаб ва шарт-шароитларини ўз вақтида бартараф этиш чораларини кўриш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари ҳимоясини таъминлаш, тадбиркорлик субъектларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш юзасидан прокуратура органлари ходимларини зарур билим ва кўникмаларга ўргатиш борасида муайян таълим ва илмий салоҳият шакллантирилди.

Хусусан, 2007 йилдан Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси тузилмасида раҳбар кадрларни қайта тайёрлаш ва прокуратура органлари ходимларининг малакасини ошириш билан шуғулланувчи Олий ўқув курслари фаолият юритмоқда. Олий ўқув курсларида 2007 — 2017 йиллар давомида 4 318 нафар ходимнинг малакасини ошириш ва 186 нафар раҳбар кадрларни қайта тайёрлаш таъминланди.

Шу билан бирга, прокуратура органлари фаолиятининг мутлақо янги йўналишлари белгиланганлиги, уларнинг амалга оширилаётган ислохот ва ўзгаришлардаги ўрни кучайтирилганлиги юклатилган вазифаларни самарали бажара оладиган муносиб кадрлар таркибини шакллантиришни талаб этмоқда.

2017 — 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида белгиланган вазифаларга мувофиқ, шунингдек, прокуратура органлари кадрларини тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини оширишнинг замонавий тизимини яратиш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасининг Олий ўқув курслари Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси Академияси (кейинги ўринларда Академия деб юритилади) этиб қайта ташкил этилсин.

---

\* Ушбу Фармон «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2018 йил 10 майда эълон қилинган.

2. Қуйидагилар Академия фаолиятининг асосий вазифалари ва йўналишлари этиб белгилансин:

прокуратура органлари ходимларида билим ва кўникмаларни, шу жумладан, тизимли таҳлил ва танқидий фикрлашни, шахсий ва ишчанлик сифатларини ривожлантириш ва такомиллаштиришни, қонунларга, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларига сўзсиз риоя этилиши юзасидан адолат ва масъулият каби юксак туйғуларини шакллантириш ва мустаҳкамлашни таъминловчи ходимларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва улар малакасини оширишнинг ягона тизимини ташкил этиш;

замонавий педагогик ва ахборот-коммуникация технологияларини, масофавий таълимни, ўқитиш ва тренингларни интерфаол ҳамда муаммоли-вазиятли услубларини кенг жорий этиш;

прокуратура органлари фаолиятини илмий-методик жиҳатдан таъминлаш, фундаментал, амалий ва инновацион тадқиқотлар ўтказиш, қонун устуворлигини таъминлаш, қонунийликни мустаҳкамлаш, фуқаролар ҳамда тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқ ва эркинликларини, жамият ва давлатнинг қонун билан муҳофаза қилинадиган манфаатларини қўриқлаш, ҳуқуқбузарликлар профилактикасининг долзарб муаммолари юзасидан тизимли асосда илмий-тадқиқот дастурлари ва лойиҳаларини, шу жумладан, миллий, хорижий ва халқаро грантларни жалб қилган ҳолда амалга ошириш;

қонунчиликни такомиллаштириш ва ягона ҳуқуқни қўллаш амалиётини шакллантириш бўйича илмий асосланган хулоса ва тавсиялар ишлаб чиқиш;

ўқитишнинг амалий хусусиятига ва прокуратура органларининг касбий фаолияти билан узвий боғлиқликка таянган ҳолда магистратура мутахассисликлари бўйича кадрлар тайёрлаш;

прокуратура органлари фаолияти йўналишлари бўйича олий малакали илмий ва илмий-педагог кадрлар тайёрлаш;

ҳуқуқбузарликлар профилактикаси, жиноятчилик ва коррупцияга қарши курашиш соҳасида ўзаро ҳамкорлик масалалари юзасидан давлат органлари ва бошқа ташкилотлар ходимларининг малакасини ошириш;

прокуратура органлари фаолиятини психологик жиҳатдан таъминлаш, номзодларни хизматга қабул қилишда касбий-психологик танлов ўтказиш, прокуратура органларидаги маънавий-психологик муҳитни ўрганиш ва уни яхшилаш юзасидан тавсиялар ишлаб чиқиш;

қўшма илмий тадқиқотлар ўтказиш, норматив-ҳуқуқий, методик ва таҳлилий хусусиятга эга бўлган маълумотларни алмашиш, ўқув жараёнига хорижий мутахассисларни жалб қилиш, педагог, илмий ходимлар ва тингловчиларнинг стажировкаларини тизимли равишда ташкил этиш соҳаларида халқаро ҳамкорликни амалга ошириш;

ўқув жараёнининг сифатини ошириш бўйича тажриба алмашиш, саъй-ҳаракатларни бирлаштириш мақсадида юридик кадрларни тайёрловчи, қайта тайёрловчи ва уларнинг малакасини оширувчи таълим ва илмий-тадқиқот, шу жумладан хорижий давлатлар муассасалари билан самарали идораларо ҳамкорликни чуқурлаштириш.

3. Белгилансинки:

а) Академияда касбий қайта тайёрлаш ва малака ошириш қўйидаги дастурлар бўйича амалга оширилади:

прокурор-тергов иши ва прокуратура органларида иш юритишни ташкил қилиш асосларини ўқитишга йўналтирилган, давомийлиги 576 соатдан кам бўлмаган прокуратура органларида лавозимларни эгаллаш учун номзодларни бирламчи ихтисослашув шаклида касбий қайта тайёрлаш;

прокурор-тергов ва таҳлилий ишларни юритиш, норма ижодкорлиги фаолиятида иштирок этиш юзасидан касбий билим ҳамда кўникмаларни чуқурлаштиришга, шунингдек, ишни ташкил этишнинг инновацион шакллари ва методларини ҳамда бошқарув асосларини ўзлаштиришга йўналтирилган, давомийлиги 576 соатдан кам бўлмаган прокуратура органларида раҳбарлик лавозимларини эгаллаш учун захирада турган кадрларни касбий қайта тайёрлаш;

қонунчиликдаги янгиликлар мазмун-моҳиятини етказиш, касбий кўникма ва малакаларни такомиллаштириш, прокурор-тергов ишининг илғор ютуқларини ўргатиш, шунингдек, прокуратура органлари ходимлари фаолиятидаги тизимли камчиликларни бартараф этишга йўналтирилган, давомийлиги 144 соатдан кам бўлмаган прокуратура органлари ходимлари малакасини ошириш;

б) прокуратура органлари ходимлари малакасини оширишнинг даврийлиги ҳар уч йилда камида бир мартани ташкил этади;

в) прокуратура органларида лавозимларни эгаллаш учун номзодлар прокуратура иш ўрганувчилари лавозимига тайинлангунига қадар мазкур Фармон 3-банди «а» кичик бандининг иккинчи хатбошисида назарда тутилган касбий қайта тайёрлашдан ўтадилар.

Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорига:

Академияда асосий иш жойидан ажралган ёки ажралмаган ҳолда қисқа муддатли ва бошқа курсларни ташкил этиш;

истисно тариқасида, мазкур Фармон 3-банди «а» кичик бандининг иккинчи хатбошисида назарда тутилган касбий қайта тайёрлашдан ўтмаган шахсларни прокуратура органларига хизматга қабул қилиш ҳуқуқи берилсин.

4. Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳамда Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг Академияда 2019/2020 ўқув йилидан бошлаб магистрларни, шу жумладан, бошқа мутахассислик йўналишлари бўйича олий маълумотга ва прокуратура органларида камида 5 йиллик иш стажига эга бўлган прокуратура органлари ходимлари ҳисобидан тайёрлаш ҳақидаги таклифи билан келишилсин.

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси Иқтисодиёт вазирлиги билан биргаликда Академия магистратурасига қабул қилиш квоталарини белгиласин.

5. Қўйидагилар:

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси Академиясининг тузилмаси 1-иловага\* мувофиқ;

---

\* 1-илова «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.



Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси Академиясининг самарали фаолият кўрсатишини таъминлаш ва моддий-техник базасини мустаҳкамлаш бўйича «Йўл харитаси» 2-иловага\* мувофиқ тасдиқлансин.

Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорига:

Академиянинг тузилмасига белгиланган умумий штатлар сони доирасида ўзгартиришлар киритиш;

ўқув жараёнини таълимнинг кундузги, кечки, сиртки ва масофавий шакллари асосида ташкил этиш ҳуқуқи берилсин.

6. Белгилаб қўйилсинки:

Академия прокуратура органлари ходимларини тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш учун масъул таълим ва илмий-тадқиқот муассасаси бўлиб ҳисобланади;

Академияга Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори томонидан лавозимга тайинланадиган ва лавозимидан озод этиладиган бошлиқ раҳбарлик қилади;

прокуратура органлари ходимлари келгусида прокуратура органларининг ўзлари эгаллаб турган лавозимига тенг бўлган бошқа лавозимларида хизматни давом эттиришини таъминлаган ҳолда Академияда хизмат ўташ учун ротация тартибида жалб этилиши мумкин;

Академия ходимларига Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ходимлари учун белгиланган меҳнатга ҳақ тўлаш ва моддий рағбатлантириш шартлари татбиқ этилади;

даражали унвонга эга бўлган Академия ходимлари прокуратура органлари тармоқларида стажировка ўташ даврида прокуратура органлари ходимларининг тегишли ваколатларидан фойдаланадилар ва мақом бўйича Академия тегишли тармоқлари (бўлимлари)нинг прокурорлари бўлиб ҳисобланадилар;

2018 йилнинг 1 июнидан Мажбурий ижро бюросини ривожлантириш жамғармаси ҳисобидан Академия ходимларига прокуратура органлари ходимлари учун белгиланган оширилган тариф коэффиценти ва алоҳида меҳнат шароитлари учун ҳар ойлик устама ҳамда қонун ҳужжатларида белгиланган бошқа рағбатлантирувчи қўшимча ҳақ ва устамаларни ўз таркибига олувчи лавозим маошига 100 фоиз миқдорда ҳар ойлик қўшимча устама тўланади;

Академия фаолияти Давлат бюджети, Мажбурий ижро бюросини ривожлантириш жамғармаси ва прокуратура органларининг бюджетдан ташқари жамғармалари, шунингдек, қонун ҳужжатлари билан тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобидан молиялаштирилади.

7. Белгилаб қўйилсинки, Академияда тўлов-контракт асосида ўқитишдан келиб тушадиган маблағлар Академиянинг ўқув ва моддий-техник базасини ривожлантириш ҳамда унинг ходимларини моддий рағбатлантиришга йўналтирилади.

8. Академияга:

етақчи ўқув муассасалари, илмий-тадқиқот институтлари, давлат орган-

---

\* 2-илова «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

лари ва бошқа ташкилотларнинг, шу жумладан, хорижий мамлакатларнинг юқори малакали мутахассис ва экспертларини шартнома асосида ўқув жараёнига жалб қилишга;

прокуратура органларида лавозимларни эгаллаш учун бирламчи ихтисослашув шаклидаги касбий қайта тайёрлаш дастури бўйича таълим олаётган номзодларнинг яшаш ва овқатланиш харажатлари учун тўловларни прокуратура органларининг бюджетдан ташқари жамғармалари маблағлари ҳисобидан амалга оширишга рухсат берилсин.

9. Олий суд, Адлия вазирлиги, Ички ишлар вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Инновацион ривожланиш вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси, бошқа манфаатдор вазирлик ва идоралар Академияга ўқув жараёнини самарали ташкил этиш, шу жумладан, тажрибали мутахассисларни жалб этиш ҳамда илмий-амалий стажировкаларни ташкил этиш борасида ҳар томонлама қўмақлашсин.

10. Академия:

Ўзбекистон Республикаси қонунлари, Олий Мажлиси палаталари қарорлари, Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишлари, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва фармойишлари, вазирлик ва идораларининг норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари;

Академия ахборот-ресурс марказини мустақкамлаш учун босма ва китоб маҳсулотлари (ҳуқуқий, ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий нашрлар)нинг бепул назорат нусхалари (бир нусхада);

Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси, Ички ишлар вазирлиги, Олий суди, бошқа вазирлик ва идораларнинг статистик ахборотлари мажбурий юбориладиган ташкилотлар рўйхатига киритилсин.

11. Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси уч ой муддатда:

Академия Уставини, прокуратура органлари ходимларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш курслари тўғрисидаги Низомни, қайта тайёрлаш ва малака ошириш курслари ўқув режалари ва дастурларини, Академия магистратурасига қабул қилиш ва ўқитишни ташкил этиш тартиби тўғрисидаги Низомни тасдиқласин;

Мазкур Фармон талабларига мувофиқ Академия штатлар жадвали ва харажатлар сметасини тасдиқласин;

Академияни ўқитишнинг замонавий шакл ва услубларини қўллаш кўникмаларига ҳамда амалий иш тажрибасига эга, шунингдек, хорижий тилларни эгаллаган малакали кадрлар билан тўлдирсин.

12. Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги, Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси:

Академиянинг ўқув жараёни ва илмий-тадқиқот ишларини ташкил этиш учун ахборот-коммуникация технологияларидан, шу жумладан, видеоконференцалоқа ва масофавий таълим усулларида фойдаланган ҳолда «Электрон таълим» миллий тармоғига уланишини;

Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонасининг ахборот-кутубхона фондига ва етакчи хорижий ахборот-кутубхона ресурслари фондларига доимий ва узлуксиз равишда киришини таъминласин.

13. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги мазкур Фармон талабларига мувофиқ Академияга зарур маблағларни 2018 йил учун ажратсин, 2019 йилдан бошлаб эса уларни Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети харажатлари параметрларида назарда тутсин.

14. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси бир ой муддатда Академияни жойлаштириш ва Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси биноларининг ягона мажмуини қуриш доирасида Академия қурилишини ташкил этиш тўғрисида қарор қабул қилсин.

15. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 7 ноябрдаги «Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасининг Олий ўқув курсларини ташкил этиш тўғрисида»ги ПҚ-727-сон қарори ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

16. Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим ҳужжатларига ва Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг баъзи қарорларига 3-иловага мувофиқ ўзгартиш ва қўшимчалар киритилсин.

17. Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси Адлия вазирлиги билан биргаликда уч ой муддатда Вазирлар Маҳкамасига қонун ҳужжатларига мазкур Фармондан келиб чиқадиган ўзгартиш ва қўшимчалар тўғрисидаги таклифларни киритсин.

18. Мазкур Фармоннинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н. Арипов, Ўзбекистон Республикасининг Бош прокурори О.Б. Муродов ва Ўзбекистон Республикаси Президенти Давлат маслаҳатчисининг биринчи ўринбосари Б.М. Мавлонов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси  
Президенти**

**Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент ш.,  
2018 йил 8 май,  
ПФ-5438-сон

Ўзбекистон Республикаси  
Президентининг 2018 йил 8 майдаги  
ПФ–5438-сон Фармониغا  
3-ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим  
хужжатларига ва Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг  
баъзи қарорларига киритилаётган ўзгартиш ва қўшимчалар**

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 18 апрелдаги «Ижтимоий-иқтисодий ислохотларни амалга ошириш, мамлакатни модернизация қилиш, инсон ҳуқуқ ва эркинликларининг ишончли ҳимоясини таъминлашда прокуратура органларининг ролини кучайтириш тўғрисида»ги ПФ–5019-сон Фармони 1-иловасида «Олий ўқув курслари» блоки «Бош прокуратура Академияси» блоки билан алмаштирилсин.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2013 йил 12 сентябрдаги ПҚ–2036-сон қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси прокуратураси органлари ва муассасаларида хизматни ўташ тўғрисидаги низомда:

а) 18-бандда:

биринчи хатбошидаги «Олий ўқув курсларида» сўзлари «Академиясида» сўзи билан алмаштирилсин;

учинчи хатбошидаги «Раҳбар кадрларни қайта тайёрлаш» сўзлари «Раҳбарлик лавозимларини эгаллаш учун захирада турувчи кадрларни касбий қайта тайёрлаш» сўзлари билан алмаштирилсин;

б) 26-банди қуйидаги мазмундаги хатбоши билан тўлдирилсин:

«Фан номзоди ёки фалсафа доктори (Doctor of Philosophy), фан доктори (Doctor of Science) илмий даражасига, шунингдек, уларга тенглаштирилган, хорижий мамлакатларда олинган ҳамда Ўзбекистон Республикасида ўрнатилган тартибда тан олинган бошқа илмий даражаларга ёки профессор ёхуд доцент илмий унвонига эга бўлган прокуратура органлари ходимларига улар эгаллаб турган лавозимларидан қатъи назар, навбатдан ташқари тартибда «адлия кичик маслаҳатчиси» ҳамда «адлия маслаҳатчиси» даражали унвонлари берилади. Илмий унвони мавжудлиги учун ходимларга қонун ҳужжатларига мувофиқ устама ҳақлар тўланади»;

в) 35-банднинг биринчи хатбошиси қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«35. Навбатдаги адлия катта маслаҳатчиси даражали унвони, қоида тариқасида, Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси Академиясининг раҳбарлик лавозимларини эгаллаш учун захирадаги кадрларни касбий қайта тайёрлаш дастури бўйича ёки Академия магистратурасини муваффақиятли тамомлаган прокуратура органлари ходимларига берилади»;

г) 62-банддаги «Олий ўқув курсларида» сўзлари «Академиясида» сўзи билан алмаштирилсин.

3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2013 йил 13 ноябрдаги «Ўзбекистон Республикаси прокуратура органлари ходимларини моддий

рағбатлантириш ва ижтимоий муҳофаза қилишни кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ–2065-сон қарори 1-илоvasи матни қуйидаги тахрирда баён қилинсин:

**«Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси  
ходимларининг меҳнатига ҳақ тўлашнинг  
Ягона тариф сеткаси бўйича  
РАЗРЯДЛАРИ**

| Лавозим номи   | Разряд |
|--|--------|
| Бош прокурор   | 21     |
| Бош прокурорнинг биринчи ўринбосари  | 20     |
| Бош прокурор ўринбосари  | 19     |
| бошқарма бошлиғи, Бош прокуратура Академияси бошлиғи   | 18     |
| мустақил бўлим бошлиғи, бошқарма таркибидаги бўлим бошлиғи, Бош прокуратура Академияси кафедраси (бўлими, маркази) бошлиғи, кафедра профессори | 17     |
| алоҳида муҳим ишлар бўйича катта терговчи, Бош прокурор ёрдамчиси, Бош прокуратура Академияси кафедраси доценти                                | 16     |
| алоҳида муҳим ишлар бўйича терговчи, бошқарма катта прокурори, Бош прокуратура Академияси катта ўқитувчиси                                     | 15     |
| катта терговчи, бўлим катта прокурори, бошқарма прокурори, Бош прокуратура Академияси ўқитувчиси, бўлими (маркази) катта прокурори             | 14     |
| бўлим прокурори, прокурор ёрдамчиси, Бош прокуратура Академияси бўлими (маркази) прокурори   | 13     |
| бош мутахассис   | 12     |
| етақчи мутахассис  | 11     |
| мутахассислар:   |        |
| 1-тоифали мутахассис   | 10     |
| 2-тоифали мутахассис   | 9      |

».

4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2014 йил 5 мартдаги ПҚ–2142-сон қарори билан тасдиқланган Хорижий мамлакатларга хизмат сафарига чиқиши Ўзбекистон Республикаси Президенти девони тегишли хизматлари билан махсус келишувни талаб қиладиган мансабдор шахсларнинг Рўйхатидаги «Олий ўқув курслари» сўзлари «Академияси» сўзи билан алмаштирилсин.

5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 30 майдаги ПҚ–3016-сон қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Мажбурий ижро бюросида хизматни ўташ тўғрисидаги низомнинг 25-бандининг биринчи хатбошисидаги «рахбар кадрларни қайта тайёрлаш дастури бўйича» сўзлари «рахбарлик лавозимларини эгаллаш учун захирада турувчи кадрларни касбий қайта тайёрлаш дастури бўйича ёки магистратурасини» сўзлари билан алмаштирилсин.

6. Вазирлар Маҳкамасининг 1997 йил 3 июлдаги 339-сон қарори билан тасдиқланган Давлат хизматчиларининг лавозимлари Рўйхатининг «Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасининг Олий ўқув курслари» бўлими қўйидаги таҳрирда баён қилинсин:

**«Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасининг  
Академияси**

Бошлиқ  
Бошлиқнинг биринчи ўринбосари  
Бошлиқнинг ўринбосари  
Кафедра (бўлим, марказ) бошлиғи  
Профессор  
Доцент  
Катта ўқитувчи  
Ўқитувчи  
Бўлим (марказ) катта прокурори  
Бўлим (марказ) прокурори  
Бош мутахассиси  
Етакчи мутахассис  
1-тоифали мутахассис  
2-тоифали мутахассис».

7. Вазирлар Маҳкамасининг 2001 йил 6 июлдаги 291-сон қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси прокуратураси ҳузуридаги Солик, валютага оид жиноятларга ва жинойд даромадларни легаллаштиришга қарши курашиш департаментида хизматни ўташ тўғрисида низомнинг (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2001 й., 7-сон, 37-модда) 21-банди биринчи хатбоши-си қўйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«Навбатдаги адлия катта маслаҳатчиси даражали унвони, қоидага кўра, Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси Академиясини раҳбарлик лавозимларини эгаллаш учун захирада турувчи кадрларни касбий қайта тайёрлаш дастури бўйича ёки Академия магистратурасини муваффақиятли тамомлаган Департамент ходимларига берилади».

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ  
ФАРМОНИ**387** Ўзбекистон Республикасида афв этишни амалга ошириш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида\***[Кўчирма]**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг афв этишни амалга ошириш бўйича конституциявий ваколатини рўёбга чиқариш механизмларини янада такомиллаштириш мақсадида ва Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 93-моддаси 23-бандига мувофиқ:

1. Ўзбекистон Республикасида афв этишни амалга ошириш тартиби тўғрисидаги низом иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2009 йил 13 мартдаги «Ўзбекистон Республикасида афв этишни амалга ошириш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги ПФ-4094-сон Фармони ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

4. Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги манфаатдор идоралар билан биргаликда бир ой муддатда қонун ҳужжатларига ушбу Фармондан келиб чиқадиган ўзгартиш ва қўшимчалар тўғрисида таклифлар киритсин.

5. Мазкур Фармоннинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Президенти Давлат маслаҳатчисининг биринчи ўринбосари Б.М. Мавлонов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси  
Президенти**

**Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент ш.,  
2018 йил 8 май,  
ПФ-5439-сон

---

\* Ушбу Фармон «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2018 йил 10 майда эълон қилинган.

Ўзбекистон Республикаси  
Президентининг 2018 йил 8 майдаги  
ПФ–5439-сон Фармониغا  
ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикасида афв этишни амалга ошириш  
тартиби тўғрисида  
НИЗОМ**

**1-боб. Умумий қоидалар**

1. Ушбу Низом афв этиш тўғрисидаги илтимосномаларни тақдим этиш, расмийлаштириш ва кўриб чиқиш, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Афв этиш масалалари бўйича комиссия (кейинги ўринларда Комиссия деб юритилади) фаолиятини ташкил этиш тартибини белгилайди.

2. Афв этиш маҳкумни жазодан тўлиқ ёки қисман озод этадиган ёки суд томонидан тайинланган жазони бошқа енгилроқ жазо билан алмаштирадиган ёхуд судланганликни олиб ташлайдиган инсонпарварлик акти ҳисобланади.

Афв этиш муайян маҳкумга нисбатан индивидуал тартибда амалга оширилади ҳамда уни оқлайдиган ва у томонидан жиноят содир этганлик фактини бартараф қиладиган ҳолат ҳисобланмайди.

Афв этиш Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан Ўзбекистон Республикаси Президенти Фармони қабул қилиш орқали амалга оширилади.

3. Ўзбекистон Республикаси Президенти ўз ихтиёрига кўра исталган маҳкумни ёки жазони ўтаб бўлган шахсни афв этиши мумкин.

4. Афв этиш Ўзбекистон Республикаси судлари томонидан ҳукм қилинган Ўзбекистон Республикаси фуқароларига, чет эл фуқароларига ва фуқаролиги бўлмаган шахсларга нисбатан қўлланилади.

5. Афв этиш қўйидаги шаклларда амалга оширилади:  
асосий ва ижро этилмаган қўшимча жазодан тўлиқ ёки қисман озод қилиш;

жазодан муддатидан илгари шартли озод қилиш;

умрбод озодликдан маҳрум қилиш жазосини ёки жазонинг ўталмаган қисмини енгилроқ жазо билан алмаштириш;

судланганликни олиб ташлаш.

**2-боб. Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги  
Афв этиш масалалари бўйича комиссия фаолиятини  
ташкил этиш**

6. Афв этиш тўғрисидаги илтимосномаларни дастлабки тарзда кўриб чиқиш Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги маслаҳат-кенгаш органи ҳисобланган Комиссия томонидан амалга оширилади.



7. Ўзбекистон Республикаси Президенти девони Ислохотларни ҳуқуқий таъминлаш ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш фаолиятини мувофиқлаштириш хизматининг Фуқаролик, афв этиш ва сиёсий бошпана бериш масалалари бўйича шўъбаси (кейинги ўринларда — Шўъба) Комиссиянинг ишчи органи ҳисобланади.

8. Комиссиянинг таркиби Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан тасдиқланади.

9. Комиссия таркибига Ўзбекистон Республикаси Олий суди, Бош прокуратураси, Давлат хавфсизлик хизмати, Ички ишлар вазирлиги, Адлия вазирлиги, шунингдек, Ўзбекистон Ёшлар иттифоқи ва Хотин-қизлар қўмитаси, Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича республика кенгаши ҳамда «Нуроний» жамғармаси вакиллари киритилади.

Комиссия таркибига Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатлари ва Сенати аъзолари, шунингдек, бошқа давлат органлари, нодавлат нотижорат ташкилотлар вакиллари ҳамда бошқа шахслар ҳам киритилиши мумкин.

10. Комиссия мажлисларини Комиссия раиси ёки унинг топшириғига кўра ўринбосар ўтказиши мумкин.

11. Комиссия мажлислари афв этиш тўғрисидаги илтимосномалар келиб тушишига қараб ўтказилади.

12. Комиссия мажлисларида Ўзбекистон Республикаси Олий суди раиси, Бош прокурори, Давлат хавфсизлик хизмати раиси, ички ишлар ва адлия вазирлари, улар бўлмаган тақдирда ўринбосарлари иштирок этиши мумкин.

13. Комиссия афв этиш тўғрисидаги илтимосномаларни кўриб чиқиш билан боғлиқ масалаларни муҳокама қилиш учун ўз мажлисларига давлат органлари, нодавлат нотижорат ташкилотлар вакиллари ва бошқа шахсларни таклиф этиш ҳуқуқига эга.

14. Комиссия мажлисида баённома юритилади.

### **3-боб. Афв этиш тўғрисидаги илтимосномаларни тақдим этиш тартиби**

15. Афв этиш тўғрисидаги илтимоснома маҳкум ёки жазони ўтаб бўлган шахс, шунингдек, қонун ҳужжатлари билан афв этиш тўғрисида илтимоснома қўзғатиш ҳуқуқи берилган шахс (орган)лар томонидан Ўзбекистон Республикаси Президенти номига ёзма шаклда берилади.

Агар илтимоснома қонун ҳужжатлари билан афв этиш тўғрисида илтимоснома қўзғатиш ҳуқуқи берилган шахс (орган) томонидан берилган бўлса, маҳкумнинг ёзма розилиги олиниши шарт. Бундай ҳолатда афв этиш тўғрисидаги илтимоснома ушбу Низомнинг 19-бандида кўрсатилган органларга маҳкумнинг розилигини олиш, тегишли материалларни белгиланган тартибда расмийлаштириш учун юборилади. Афв этиш тўғрисидаги илтимоснома маҳкумнинг ёзма розилиги ва ушбу Низом талабларига мувофиқ расмийлаштирилган бошқа материаллар билан бирга Шўъбага юборилади.

16. Афв этиш тўғрисидаги илтимоснома суд ҳукми қонуний кучга киргандан кейин қуйидаги муддатларда берилиши мумкин:

а) умрбод озодликдан маҳрум қилишга ҳукм этилган шахс томонидан у тайинланган жазонинг йигирма беш йилини ҳақиқатда ўтаб бўлганидан кейин, агар жазони ўташ даврида маҳкум қатъий тузалиш йўлига ўтган, белгиланган тартибни бузганлик учун интизомий жазо олмаган, меҳнат ва ўқишга нисбатан виждонан муносабатда бўлаётган, тарбиявий тадбирлар ўтказишда фаол иштирок этаётган тақдирда эса, тайинланган жазонинг йигирма йилини ҳақиқатда ўтаб бўлганидан кейин;

б) узоқ муддатга озодликдан маҳрум қилишга ҳукм этилган шахс томонидан у тайинланган жазо муддатининг йигирма йилини ҳақиқатда ўтаб бўлганидан кейин, агар жазони ўташ даврида маҳкум қатъий тузалиш йўлига ўтган, белгиланган тартибни бузганлик учун интизомий жазо олмаган, меҳнат ва ўқишга нисбатан виждонан муносабатда бўлаётган, тарбиявий тадбирлар ўтказишда фаол иштирок этаётган тақдирда эса, тайинланган жазонинг ўн беш йилини ҳақиқатда ўтаб бўлганидан кейин;

в) бошқа жазога ҳукм этилган шахс томонидан ўталган (ижро этилган) жазо муддати (ҳажми)дан қатъи назар, ушбу банднинг «г» кичик бандида кўрсатилган шахслар бундан мустасно;

г) илгари амнистия акти асосида жиноий жавобгарликдан озод этилган, шартли ҳукм қилинган, муддатидан илгари шартли равишда, амнистия акти ва афв этиш асосида жазодан озод қилинган, шунингдек, ўзига нисбатан енгилроқ жазо билан алмаштириш қўлланилган ҳамда яна қасдан жиноят содир этган шахс, худди шунингдек, ўта хавфли рецидивист томонидан у тайинланган жазо муддатининг камида учдан бир қисмини ҳақиқатда ўтаб бўлганидан кейин, ушбу банднинг «а» ва «б» кичик бандларида кўрсатилган шахслар бундан мустасно.

17. Афв этиш тўғрисидаги илтимоснома Шўъбага:

а) жазони ижро этиш муассасасининг маъмурияти ёки ҳукми ижро этувчи бошқа орган (кейинги ўринларда — муассаса маъмурияти) орқали;

б) судланганликни олиб ташлаш бўйича афв этиш тўғрисидаги илтимоснома берилган ҳолларда мустақил равишда юборилади.

#### **4-боб. Афв этиш учун ҳужжатларни расмийлаштириш тартиби ва тақдим этиш муддатлари**

18. Афв этиш тўғрисидаги илтимоснома муассаса маъмурияти томонидан афв этиш тўғрисидаги илтимосномалар ҳисоби юритиладиган махсус журналда илтимоснома берилган кунда рўйхатдан ўтказилади, бу ҳақда маҳкум имзо қўйдирилган ҳолда хабардор этилади.

19. Афв этиш тўғрисидаги илтимоснома муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиш, мажбурий жамоат ишлари, ахлоқ тузатиш ишлари, озодликни чеклаш, озодликдан маҳрум қилиш, узоқ муддатга озодликдан маҳрум қилиш ёхуд умрбод озодликдан маҳрум қилиш тариқасидаги жазога ҳукм қилинган шахс

томонидан берилган кундан бошлаб ўн кундан кечикмай Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигига ёки суд томонидан жазони ижро этиш зиммасига юкланган бошқа органга юборилади.

Жарима тариқасидаги жазога ҳукм қилинган шахсни афв этиш тўғрисидаги илтимоснома Бош прокуратура ҳузуридаги Мажбурий ижро бюроси томонидан, хизмат бўйича чеклаш ва интизомий қисмга жўнатиш тариқасидаги жазога ҳукм қилинган шахсни афв этиш тўғрисидаги илтимоснома Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ёки жазони ижро этувчи бошқа орган томонидан ушбу Низомда белгиланган тартибда Шўъбага юборилади.

20. Ушбу Низомнинг 16 ва 34-бандлари талабларига мувофиқ берилган афв этиш тўғрисидаги илтимосномани юборишни муассаса маъмурияти томонидан рад этиш мумкин эмас. Муассаса маъмурияти томонидан илтимоснома юборилганлиги ҳақида маҳкум икки кун давомида имзо қўйдирилган ҳолда хабардор этилади.

Ушбу низомнинг 16 ва 34-бандларида кўрсатилган муддатлар ўтгунга қадар афв этиш тўғрисидаги илтимоснома билан мурожаат қилинган ҳолларда муассаса маъмурияти томонидан ушбу илтимоснома кейинчалик кўриб чиқиш учун юборилмаган ҳолда рўйхатдан ўтказилади, маҳкумга эса афв этиш тўғрисидаги илтимосномани бериш тартиби имзо қўйдирилган ҳолда тушунтирилади.

21. Афв этиш тўғрисидаги илтимосномага муассаса маъмурияти томонидан кўйидаги ҳужжатлар илова қилинади:

а) маҳкумнинг шахсини тасдиқловчи ҳужжатнинг муассаса маъмурияти томонидан тасдиқланган нусхаси;

б) маҳкумнинг биографик маълумотлари, унинг оилавий ҳолати ҳақидаги маълумотлар, шунингдек, маҳкумнинг олдинги афв этиш тўғрисидаги илтимосномаларини кўриб чиқиш натижалари кўрсатилган сўровнома;

в) маҳкумнинг жазони ўташ давридаги хулқ-атвори, меҳнат ва ўқишга муносабати, содир этилган қилмишга муносабати тўғрисидаги маълумотларни ўз ичига олган муассаса маъмуриятининг маҳкум ҳақидаги тавсифномаси;

г) маҳкумнинг соғлиги ҳолати ҳақида маълумотнома;

д) маҳкумнинг жазони ўташига асос бўлган суд ҳукми (ҳукмлари)нинг муассаса маъмурияти томонидан тасдиқланган нусхаси ва юқори турувчи суд инстанцияларининг ушбу суд ҳукми (ҳукмлари) бўйича қарорларининг, шунингдек, маҳкумга нисбатан чиқарилган бошқа суд қарорларининг муассаса маъмурияти томонидан тасдиқланган нусхалари;

е) муассаса маъмуриятининг суд ҳукми қонуний кучга кириши, маҳкумга нисбатан амнистия акти ёки афв этиш қўлланилиши, шунингдек, жиноят оқибатида етказилган зарар маҳкум томонидан қопланиши ҳақидаги маълумотларни ўз ичига олган ахбороти.

Афв этиш тўғрисидаги илтимосномага маҳкумнинг илтимосига кўра афв этиш ҳақидаги масалани ҳал қилиш учун аҳамиятга эга бошқа материаллар илова қилиниши мумкин.

22. Ушбу Низомнинг 19-бандида кўрсатилган органлар афв этиш тўғрисидаги илтимосномани олган кундан бошлаб ўн кун давомида:

афв этиш тўғрисидаги илтимосномани келиб тушган материаллар билан бирга ўрганади ва ҳар бир маҳкум бўйича мазкур органлар раҳбарларининг ўринбосарлари томонидан тасдиқланадиган умумлаштирилган маълумотнома-жадвал тайёрлайди;

илтимосномани умумлаштирилган маълумотнома-жадвал ва бошқа материаллар билан бирга Шўъбага юборади. Оғир ва ўта оғир жиноятлар учун ҳукм қилинган шахсларга нисбатан илтимоснома, маълумотнома-жадвал, суд қарори ёки унинг қарор қилувчи қисми ҳамда бошқа материалларнинг нусхалари Ўзбекистон Республикаси Олий суди ва Бош прокуратурасига, Жиноят кодексининг 150 — 163, 244<sup>1</sup>, 244<sup>2</sup>, 244<sup>3</sup> ва 246-моддаларида (диний экстремизм, сепаратизм ва ақидапарастликни тарғиб қилувчи материалларга доир қисми бўйича) назарда тутилган жиноятлар бўйича илтимоснома, маълумотнома-жадвал, суд қарори ёки унинг қарор қилувчи қисми ҳамда бошқа материалларнинг нусхалари Давлат хавфсизлик хизматига ҳам юборилади.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди, Бош прокуратураси ва Давлат хавфсизлик хизмати бир ой давомида Шўъбага мазкур органлар раҳбарлари ўринбосарлари томонидан тасдиқланадиган маҳкумни афв этиш мумкинлиги масаласи юзасидан хулоса тақдим этади. Хулосада маҳкумнинг шахси ва содир этилган жиноятнинг ҳолатлари тўғрисидаги маълумотлар, шунингдек, маҳкумга нисбатан қабул қилинган суд қарорларининг мазмуни кўрсатилади.

23. Материаллар рўйхат қилинган, ип ўтказиб боғланган ва муҳрланган шаклда Шўъбага юборилади.

24. Ушбу Низомнинг 19-бандида кўрсатилган органлар:

а) маҳкум вафот этганда;

б) маҳкум сақлаш шароити ўзгарганлиги муносабати билан бошқа муассасага ўтказилганда;

в) афв этиш ҳақидаги масалани ҳал қилишга таъсир этиши мумкин бўлган бошқа ҳолатлар юзага келганда, жумладан маҳкумга нисбатан жазодан озод қилишнинг бошқа турлари қўлланилганда, Шўъбани дарҳол хабардор қилиши шарт.

### **5-боб. Шўъбанинг афв этиш тўғрисидаги илтимосномаларни кўриб чиқиш учун материалларни тайёрлаш бўйича ваколатлари**

25. Шўъба ҳужжат айланишини ва ҳисоботни юритиш, дастлабки материаллар ва тегишли хулосаларни тўплаш, маълумотнома-жадвал ва баённомалар лойиҳаларини, шунингдек, Комиссия мажлисларини ўтказиш учун зарур бўлган бошқа ҳужжатларни тайёрлашни ўз ичига олган Комиссия ишини ташкил этади.

26. Тегишли материаллар билан бирга афв этиш тўғрисида келиб тушган ҳар бир илтимоснома Шўъба томонидан ушбу Низом талабларига риоя қилинганлиги юзасидан ўрганилади.

Шўъба ўрганиш натижалари бўйича афв этиш тўғрисидаги илтимоснома келиб тушган кундан бошлаб ўн кун давомида:

илтимосномани белгиланган тартибда кўриб чиқиш учун қабул қилади; агар ҳужжатларни беришда ёки расмийлаштиришда ушбу Низом талаблари бузилишига йўл қўйилган бўлса, илтимосномани кўриб чиқиш учун қабул қилишни рад этади ва илтимосномани у келган органга ёхуд уни юборган шахсга қайтаради. Бунда афв этиш тўғрисидаги илтимоснома аниқланган камчиликлар бартараф этилгандан кейин, у қайтарилган кундан бошлаб бир ойдан кечиктирмасдан такроран тақдим этилиши мумкин.

Ҳукмнинг асосизлигига ёки қонунийлик бузилганлигига доир текширилиши зарур бўлган маълумотлар келтирилган афв этиш тўғрисидаги илтимосномалар Шўъба томонидан текшириш учун тегишли органларга юборилади.

27. Шўъба, зарурат бўлганда, тегишли органлар ва ташкилотларга қўйидагиларни олиш учун сўровлар юборишга ҳақли:

маҳкумнинг содир этилган жиноятга, меҳнатга, ўқишга нисбатан муносабатини, унинг хулқ-атворини, соғлиғи ҳолатини, шунингдек, жиноят оқибатида етказилган зарар қопланганлигини акс эттирувчи ахборотни;

маҳкумга нисбатан амнистия акти ёки афв этиш қўлланилганлиги, шартли ҳукм қилинганлиги, ҳукм ижроси кечиктирилганлиги, жазодан муддатидан илгари шартли озод қилинганлиги, жазонинг ўталмаган қисми енгилроқ жазо билан алмаштирилганлиги, касаллик ёки меҳнат қобилиятини йўқотиш оқибатида жазодан озод этилганлиги, муқаддам судланганлиги, судланганлиги олиб ташланганлиги ва тугалланганлиги ҳақидаги маълумотларни;

афв этиш тўғрисидаги илтимосномани кўриб чиқиш учун зарур бўлган бошқа маълумотларни.

Тегисли органлар ва ташкилотлар сўров келиб тушган кундан бошлаб ўн кун давомида сўралган ахборотни ва маълумотларни тақдим этади.

28. Шўъба тўпланган материалларни ўрганиш якунлари бўйича умумлаштирилган маълумотнома-жадвал тузади. Унда қўйидагилар акс эттирилади:

а) маҳкумнинг биографик маълумотлари, оилавий ахволи, соғлиғи ҳолати ва унинг шахсини тавсифловчи бошқа маълумотлар;

б) маҳкумнинг муқаддам судланганлиги, унга нисбатан амнистия акти ва афв этиш қўлланилганлиги, шартли ҳукм қилинганлиги, жазодан муддатидан илгари шартли озод қилинганлиги, ҳукм ижроси кечиктирилганлиги, жазонинг ўталмаган қисми енгилроқ жазо билан алмаштирилганлиги, касаллиги сабабли жазони ўташдан озод қилинганлиги, судланганлиги олиб ташланганлиги ва тугалланганлиги ҳақидаги маълумотлар;

в) ҳукм чиқарган суд номи ва ҳукм чиқарилган сана, суд ҳукми қонуний кучга кириши ҳақидаги маълумотлар, маҳкумга нисбатан ҳукмнинг хулоса қисми мазмуни (Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг маҳкум ҳукм қилинган моддалари, тайинланган жазо тури, муддати ёки ҳажми, ундирилиши лозим бўлган зарар суммаси);

г) маҳкум жазони ўтаётган жой, жазони ижро этиш муассасаларида унинг белгиланган режимга риоя қилиши, жиноят оқибатида етказилган зарарнинг қопланганлиги, жазо муддати (ҳажми)нинг ўталган ва ўталмаган қисмлари, шунингдек, афв этиш тўғрисидаги олдинги илтимосномаларни кўриб чиқиш натижалари ҳақидаги маълумотлар;

д) Ўзбекистон Республикаси Олий суди, Бош прокуратураси ва Давлат хавфсизлик хизматининг маҳкумларни афв этиш мумкинлиги ҳақидаги хулосалари;

е) афв этиш ҳақидаги масалани кўриб чиқиш учун зарур бўлган бошқа материаллар.

29. Афв этиш тўғрисидаги илтимоснома ва тайёрланган тегишли материаллар Шўъба томонидан Комиссия мажлисида кўриб чиқиш учун киритилади.

### **6-боб. Афв этиш тўғрисидаги илтимосномани кўриб чиқиш**

30. Афв этиш тўғрисидаги илтимосномани Комиссия томонидан кўриб чиқиш муддати илтимоснома келиб тушган кундан бошлаб уч ойдан ошмаслиги лозим.

31. Афв этиш тўғрисидаги илтимосномани кўриб чиқишда Комиссия томонидан қуйидагилар эътиборга олинади:

а) содир этилган жиноятнинг хусусияти ва ижтимоий хавфлилик даражаси;

б) жазони ўташ ёки ижро этиш вақтида маҳкумнинг хулқ-атвори (тузалиши);

в) ўталган (ижро этилган) жазо муддати (ҳажми);

г) маҳкумга нисбатан муқаддам амнистия акти, афв этиш қўлланилганлиги ёки жазодан муддатидан илгари шартли озод этилганлиги, жазонинг енгилроқ жазо билан алмаштирилганлиги;

д) жиноят оқибатида етказилган зарарнинг қопланганлиги;

е) маҳкумнинг шахси, соғлиги ҳолати, судланганлиги, оилавий аҳволи ва ёши;

ж) Ўзбекистон Республикаси Олий суди, Бош прокуратураси ва Давлат хавфсизлик хизматининг хулосалари;

з) Комиссия илтимосномани кўриб чиқиш учун муҳим деб ҳисоблаган бошқа ҳолатлар.

32. Афв этиш тўғрисидаги илтимосномани кўриб чиқишда қўшимча текширилиши зарур бўлган масалалар келиб чиққан ҳолларда, Комиссия илтимосномани кўриб чиқишдан олиб ташлаш, илтимоснома кўриб чиқиладиган муддат давомида, жумладан жойига чиққан ҳамда манфаатдор органлар ва ташкилотлар вакиллари жалб қилган ҳолда тегишли органларга ўрганиш ўтказиш ҳақида топшириқ бериш ёки ўрганишни мустақил ташкил этишга ҳақли. Ўрганиш якуни бўйича Комиссияга ўрганилган масала юзасидан хулоса киритилади.

33. Комиссия мажлиси унда Комиссия аъзолари умумий сонининг камида учдан икки қисми иштирок этса, ваколатли ҳисобланади.

Комиссия афв этиш тўғрисидаги илтимосномани дастлабки тарзда кўриб чиқиш натижалари бўйича оддий кўпчилик овоз билан баённома қарорини қабул қилади.

Овозлар тенг бўлиб қолганда, Комиссия раисининг овози ҳал қилувчи овоз ҳисобланади.

Афв этиш тўғрисидаги илтимоснома ижобий кўриб чиқилганда, Комиссия Ўзбекистон Республикаси Президентига таклиф киритади.

Афв этиш тўғрисидаги илтимоснома рад этилганда, Шўъба бу ҳақда бир кун давомида илтимоснома берган шахсни хабардор қилиш учун илтимоснома келиб тушган органга ёки илтимосномани мустақил равишда юборган шахсга хабар беради.

Муассаса маъмурияти афв этиш тўғрисидаги илтимоснома рад этилганлиги ҳақидаги маълумотни олгандан сўнг кейинги кундан кечиктирмасдан илтимоснома берган маҳкумни имзо қўйдирган ҳолда хабардор қилади.

34. Оғир ва ўта оғир жиноятлар учун ҳукм қилинган шахсларни афв этиш тўғрисидаги такрорий мурожаатга олдинги илтимоснома рад этилган кундан бошлаб бир йил ўтгандан сўнг, бошқа жиноятлар учун ҳукм қилинган шахсларни афв этиш тўғрисидаги такрорий мурожаатга эса олдинги илтимоснома рад этилган кундан бошлаб олти ой ўтгандан кейин йўл қўйилади, жиддий аҳамиятга эга бўлган янги ҳолатлар юзага келган ҳоллар бундан мустасно.

### **7-боб. Афв этиш тўғрисидаги қарорнинг ижроси**

35. Ўзбекистон Республикаси Президентининг афв этиш тўғрисидаги фармони ижро қилиш учун:

жарима жазосига ҳукм қилинган шахсларга нисбатан — Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Мажбурий ижро бюросига;

муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиш, мажбурий жамоат ишлари, ахлоқ тузатиш ишлари, озодликни чеклаш, озодликдан маҳрум қилиш, узоқ муддатга озодликдан маҳрум қилиш ёхуд умрбод озодликдан маҳрум қилиш тариқасидаги жазога ҳукм қилинган шахсларга, шунингдек, судланганлиги олиб ташланган шахсларга нисбатан — Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигига ёки суд томонидан жазони ижро этиш зиммасига юкланган бошқа органга;

хизмат бўйича чеклаш, интизомий қисмга жўнатиш тариқасидаги жазога ҳукм қилинган шахсларга нисбатан — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлигига ёки жазони ижро этувчи бошқа органларга юборилади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг афв этиш тўғрисидаги фармони маълумот учун ва ижроси устидан назоратни амалга ошириш учун тегишли равишда Ўзбекистон Республикаси Олий суди ва Бош прокуратурасига юборилади.

36. Ушбу Низомнинг 19-бандида кўрсатилган органлар Комиссияга Ўзбе-

кистон Республикаси Президентининг афв этиш масалалари бўйича фармонлари ижроси хақида уларнинг ижро этилишига қараб ахборот беради.

37. Ўзбекистон Республикаси Президентининг афв этиш тўғрисидаги фармони ижросини назорат қилиш Шўба томонидан амалга оширилади.

### 8-боб. Яқунловчи қоида

38. Ушбу Низом талаблари бузилишида айбдор бўлган шахслар белгиланган тартибда жавоб берадилар.

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ

### **388** Адвокатура институти самарадорлигини тубдан ошириш ва адвокатларнинг мустақиллигини кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида\*

Сўнги йилларда мамлакатимизда суд-ҳуқуқ ислохотларининг муҳим таркибий қисми сифатида жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишни таъминлашнинг самарали институтларидан бири бўлган адвокатуранинг роли ва аҳамиятини кучайтириш бўйича салмоқли ишлар амалга оширилди.

Суд ишини юритишнинг барча босқичларида томонларнинг тортишуви принципининг лозим даражада ишлашини ташкил этишга қаратилган чора-тадбирлар изчил амалга оширилди, адвокатларнинг профессионал фаолиятини бажариши учун зарур қонунчилик базаси яратилди.

Шу билан бирга, таҳлиллар кўрсатганидек, адвокатура ҳанузгача одамлар ишончини қозонган ҳуқуқни ҳимоя қилувчи институтга айлана олмади, адвокатларнинг ҳуқуқларини тўлиқ рўёбга чиқаришга тўсқинлик қилаётган ва улар томонидан сифатли юридик ёрдам кўрсатилишига ҳалал бераётган қатор омиллар мавжуд. Хусусан:

биринчидан, суриштирув ва тергов органларининг айрим ходимлари томонидан адвокатлар ўзларининг ишонч билдирувчилари (ҳимояси остидагилари) олдиға киришларига юзаки сабабларға кўра тўсқинлик қилинмоқда, бундай ҳолатларда адвокатларнинг шикоятларини кўриб чиқишнинг амалдаги механизмлари адвокатлик фаолиятиға тўсқинлик қилиш ҳолатларининг самарали олдини олишни таъминламаяпти;

---

\* Ушбу Фармон «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2018 йил 14 майда эълон қилинган.



иккинчидан, адвокатларнинг жисмоний ва юридик шахслар ҳуқуқ ва манфаатларини самарали ҳимоя қилиш учун турли ташкилотларга йўллаётган сўровлари кўп ҳолларда, энг аввало, давлат органларининг мансабдор шахслари томонидан эътиборсиз қолдирилмоқда, адвокатнинг сўровини кўриб чиқишнинг аниқ тартиби ва муддатлари, билатуриб ёлғон ёки нотўғри ахборотни тақдим этганлик учун жавобгарлик белгиланмаган;

учинчидан, Ўзбекистон Республикаси Адвокатлар палатасининг (кейинги ўринларда Адвокатлар палатаси деб юритилади) адвокатура институти ҳимоячиси сифатидаги роли пасайиб кетган, унинг адвокатлар билан ўзаро ҳамкорлиги статистика йиғиш билан чекланиб қолмоқда ҳамда ортиқча бюрократиядан иборат бўлмоқда;

тўртинчидан, адвокатлик тузилмаларининг амалдаги ташкилий-ҳуқуқий шакллари юридик хизматлар кўрсатиш бозорида рақобатнинг ривожланишига хизмат қилмаяпти, юридик маслаҳат хизматларини кўрсатиш адвокатлик фаолиятдан ажратилмаганлиги соҳанинг ривожланишига салбий таъсир кўрсатмоқда;

бешинчидан, адвокатлик фаолиятини лицензиялаш тизими юридик амалиётнинг тегишли соҳаларга бўлинишини ҳисобга олмайди, бу эса адвокатлик касбининг ихтисослашувига салбий таъсир этмоқда;

олтинчидан, адвокатлик лицензиясининг амал қилишини тўхтатиб туриш ва тугатиш масалаларини кўриб чиқишда салмоқли маъмурий таъсир кўрсатишга йўл қўйилмоқда, натижада адвокатуранинг эркинлиги ва мустақиллигига путур етмоқда;

еттинчидан, билими етмаслиги, ўзининг касбий мажбуриятларига виждонсиз муносабатда бўлиши сабабли адвокатлар томонидан Адвокатларнинг касб этикаси қоидалари талаблари, адвокатлик сири ва адвокат қасамёдини бузиш ҳоллари кўплаб учрамоқда, бу эса ишонч билдирувчиларнинг (ҳимоя остидагиларнинг) норозилигига сабаб бўлмоқда.

Адвокатура тизимини тубдан такомиллаштириш, профессионал юридик ёрдам сифатини ва адвокат касбининг нуфузини ошириш, шунингдек, суд ишини юритишда тенглик ва тортишув принципларини тўлиқ рўёбга чиқариш мақсадида:

1. Белгилаб қўйилсинки, 2018 йил 1 июлдан бошлаб:

адвокат низоларни судгача ҳал қилиш, томонларни яраштириш бўйича чоралар кўриш, шунингдек ҳакамлик судьяси сифатида фаолият юритиш ҳуқуқига эга бўлади, адвокат томонлардан бирининг вакили бўлган ҳолатлар бундан мустасно;

адвокатлик фаолияти билан шуғулланиш ҳуқуқини берувчи лицензияни олиш учун адвокатлик тузилмасида мажбурий стажировка ўташ муддати олти ойдан уч ойга қисқартирилади, бунда давлат органлари ва ташкилотларининг юридик хизмати ходимлари ва судья, терговчи ёки прокурор лавозимида камида уч йил фаолият юритган шахслар мажбурий стажировкадан озод этилади;

лицензияни тугатиш учун асос бўладиган адвокат томонидан узрли са-

бабларсиз ўз касб мажбуриятларини бажармаслик муддати амалдаги уч ойдан олти ойга узайтирилади;

суднинг адвокатни жиноят содир этишда айбдор деб топиш тўғрисидаги айблов ҳукми кучга кирган тақдирда, судья бир сутка ичида Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигини ва Адвокатлар палатасини белгиланган тартибда ёзма хабардор қилади;

фаолият юритаётган адвокатлар ва янгидан адвокат мақомини олган шахслар Адвокатлар палатаси томонидан Адлия вазирлиги билан биргаликда белгиланган ҳар бир танланган мутахассислик бўйича алоҳида лицензия асосида юридик ёрдам кўрсатадилар. Бунда фаолият юритаётган адвокатларнинг лицензияларини қайта расмийлаштириш уларни танлаган мутахассисликлари бўйича қайта аттестациядан ва йиғимларни тўлашдан озод этган ҳолда амалга оширилади;

адвокат томонидан адвокатура тўғрисидаги қонун ҳужжатлари, Адвокатнинг касб этикаси қоидалари талаблари, адвокатлик сири ва адвокат қасамёди мунтазам равишда ёки бир марта қўпол равишда бузилганда, адвокатнинг шаъни ва кадр-қимматига доғ туширадиган ҳамда адвокатуранинг обрўсини туширадиган қилмиш содир этилганда, шунингдек, лицензиясининг амал қилиши тўхтатиб турилган шахс лицензиянинг амал қилиши тўхтатиб турилишига олиб келган ҳолатларни лицензиянинг амал қилиши тўхтатиб турилган муддатларда бартараф этмаганда, лицензиянинг амал қилишини тугатиш Олий малака комиссияси хулосасига асосан Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг мурожаати бўйича фақат суд томонидан амалга оширилади;

адвокат мақомини олиш бўйича малака имтиҳонини такроран топшириш муддати бир йилдан олти ойгача қисқартирилади.

## 2. Белгилаб қўйилсинки:

адвокатларнинг ўзларининг ҳимоя остидаги шахслар билан аудио ва видеокузатув қурилмалари бўлмаган махсус хоналарда ҳамда бегона шахсларнинг иштирокисиз ўз вақтида ва ҳеч қандай тўсиқларсиз учрашиши таъминланади, бунда адвокат ва ҳимоя остидаги шахснинг суҳбатини учинчи шахслар эшитишини истисно этган ҳолда уларни визуал кўриб туриш имконияти сақланиб қолиниши шарт;

адвокат ўз профессионал фаолиятини амалга ошириши учун, Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексининг 19-моддасига қатъий риоя этган ҳолда, суд биносига компьютер, мобиль ва бошқа алоқа воситаларини монеликсиз олиб кириш ҳуқуқига эга, ёпиқ суд мажлислари бундан мустасно. Бунда қайд этилган қурилмалардан суд биноси ичкарасида фойдаланиш суд жараёнини ўтказиш тартибини бузмаслиги керак;

адвокатларнинг малакали юридик ёрдам кўрсатиш учун зарур бўлган, давлат ва бошқа органлардан ҳамда корхона, муассаса ва ташкилотлардан маълумотномалар, тавсифномалар ва бошқа ҳужжатлар ёки уларнинг нусхаларини олиш учун сўровлари сўров қабул қилинган пайтдан бошлаб кўпи билан ўн беш кун муддатда бажарилиши шарт, давлат сири ёки қонун би-

лан қўриқланадиган бошқа сирни ўз ичига олган маълумотлар бундан мустасно;

адвокатлик бюроларини таъсис этган адвокатлар ўз фаолиятини мулк ҳуқуқи асосида ёки бошқа қонуний асосда ўзларига тегишли бўлган турар жойларида амалга оширишлари мумкин, бунда ушбу турар жойларни адвокатлик бюроси фаолиятида фойдаланиш учун нотурар жой тоифасига ўтказиш талаб қилинмайди;

адвокат сўровига кўра маълумотларни ўз вақтида тақдим этмаслик, ёлгон ёки нотўғри маълумотларни тақдим этганликда айбдор мансабдор шахслар адвокатнинг судга тўғридан-тўғри муурожаатига асосан белгиланган тартибда маъмурий жавобгарликка тортиладилар.

3. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ва Адвокатлар палатасининг 2018 йилнинг 1 августидан бошлаб қуйидаги тартибни жорий этган ҳолда ҳуқуқий маслаҳат хизматлари кўрсатувчи субъектлар доирасини кенгайтириш ҳақидаги таклифига розилик берилсин:

тижорат ташкилотлари юридик маслаҳат хизматларини лицензия олмасдан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланган тартибда амалга ошириши мумкин. Бунда қайд этилган ташкилотлар фуқаролик, жиноий, иқтисодий ва маъмурий ишлар бўйича судларда вакиллик қилиш ҳуқуқига эга бўлмайдилар;

адвокатлик тузилмалари юридик маслаҳат хизматларини Ўзбекистон Республикасининг «Адвокатура тўғрисида»ги Қонунига мувофиқ амалга оширади.

Адлия вазирлиги Адвокатлар палатаси билан биргаликда икки ой муддатда рухсат бериш тартиб-таомилларидан ўтмасдан умумий талабларни назарда тутган ҳолда Тижорат ташкилотлари томонидан юридик маслаҳат хизматларини кўрсатиш тўғрисидаги низом лойиҳасини Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

4. Адвокатура институтини янада такомиллаштиришга доир комплекс чора-тадбирлар дастури иловага\* мувофиқ тасдиқлансин.

5. Адвокатлар палатасига:

замонавий талаблар, мазкур Фармоннинг мақсад ва вазифаларига мувофиқ адвокатура фаолиятининг кафолатларини амалда таъминлаш, адвокатлик тузилмалари ва адвокатларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, уларнинг давлат органлари билан ўзаро муносабатларида қонуний манфаатларини қўллаб-қувватлашга алоҳида эътибор қаратган ҳолда ўз ишини қайта йўналтириш бўйича комплекс чора-тадбирлар кўриш;

Адвокатлар палатаси ҳузурида малакали юридик ёрдам кўрсатиш стандартлари ва бошқа адвокатлик фаолияти стандартларини ишлаб чиқиш, Адвокатлар касб этикаси қоидаларини қўллаш бўйича Адвокатлар палатасининг ҳудудий бошқармалари, барча адвокатлик тузилмалари ва адвокатлар учун мажбурий бўлган тушунтиришлар бериш, шунингдек, адвокатлик фаолиятининг юксак стандартларини таъминлаш бўйича бошқа функцияларни амалга оширадиган Этика комиссиясини тузиш;

\* Илова «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

адвокатура тизимида иш стажига кўра малака комиссияларининг хулосалари асосида Адвокатлар палатаси раиси томонидан бериладиган адвокатларнинг малака даражаларини таъсис этиш;

Адвокатлар палатаси фаолиятининг очиклиги ва ошкоралиги, шу жумладан унинг молиявий-иқтисодий фаолияти шаффофлигини таъминлаш бўйича чоралар кўриш;

гумон қилинувчи, айбланувчи ёки судланувчига давлат ҳисобидан юридик ёрдам кўрсатадиган адвокатлик тузилмасини автоматик равишда белгиловчи, бир адвокатнинг қайта-қайта жалб этилишига, учинчи шахсларнинг бу жараёнга аралашувига йўл қўймайдиган янгиланган тартиб ва мезонларни белгилаш тавсия этилсин.

6. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги Адвокатлар палатаси билан келишган ҳолда уч ой муддатда:

адвокатлик мақомини олиш учун малака имтиҳони жараёнларининг шаффофлигини таъминлаш, шу жумладан зарур ҳужжатларни онлайн тартибда топшириш имкониятидан фойдаланиш, уларнинг рўyxатини мақбуллаштириш ва имтиҳон жараёнини Интернет тармоғида реал вақт режимида трансляция қилиш;

адвокатлик тузилмалари ва адвокатлар томонидан аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламига бепул ихтиёрий юридик ёрдам кўрсатишни (pro bono) ривожлантириш;

адвокатлар томонидан ўз ишонч билдирувчилари (ҳимоя остидагилари)га сифатли юридик ёрдам кўрсатиш учун хорижий давлатлар органларига сўров юбориш механизмларини жорий этиш бўйича чоралар кўрсин.

7. Белгилаб қўйилсинки:

адвокатлик фаолияти ва суд ишини юритиш билан боғлиқ норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг лойиҳалари Адвокатлар палатаси билан келишилиши шарт;

Адвокатлар палатаси раиси Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг қонун лойиҳаларини муҳокама қилиш бўйича мажлисларида иштирок этиш ва уларга доир фикр билдириш ҳуқуқига эга;

адвокатларга нисбатан интизомий иш юритуви фақат тегишли малака комиссиялари ёки Олий малака комиссияси қарори билан қўзғатилиши мумкин.

8. Суриштирув ва дастлабки тергов органлари ходимлари адвокатлик фаолиятига ҳар қандай шаклларда, шу жумладан ишонч билдирувчи (ҳимоя остидаги) шахс билан учрашиш ҳуқуқини чеклаш орқали тўсқинлик қилишга йўл қўйиб бўлмаслиги ҳақида огоҳлантирилсин.

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси айбдор мансабдор шахсларга, аввало суриштирув ва дастлабки тергов органлари мансабдор шахсларига энг катъий жавобгарлик чораларини кўрган ҳолда адвокатлик фаолияти кафолатлари тўғрисидаги қонунларнинг сўзсиз ижро этилиши устидан прокурорлик назоратини кучайтирсин.

9. Ўзбекистон Республикаси Президенти девонининг Ислохотларни

ҳуқуқий таъминлаш ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш фаолиятини мувофиқлаштириш хизмати Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги билан биргаликда:

адвокатлар томонидан жисмоний ва юридик шахсларга юридик ёрдам кўрсатилишида уларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари бузилишига оид амалиётни ўрганиш ва умумлаштириш, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар билан биргаликда жиноий ва маъмурий иш юритиш, фуқаролик ва иқтисодий низоларни ҳал қилишда жисмоний ва юридик шахслар ҳимояга бўлган ҳуқуқларининг бузилишига йўл қўяётган мансабдор шахсларга нисбатан жавобгарлик чораларини кўриш бўйича комплекс чора-тадбирлар кўрсин;

адвокатларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларига риоя этилиши ҳолатини вақти-вақти билан кўриб чиқсин ҳамда жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳимояга бўлган ҳуқуқларини таъминлаш бўйича таҳлилий маълумотлар киритиб борсин.

10. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда икки ой муддатда қонун ҳужжатларига ушбу Фармондан келиб чиқадиган ўзгартиш ва қўшимчалар тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

11. Ушбу Фармоннинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н. Арипов, Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори О.Б. Муродов, Ўзбекистон Республикаси Президенти Давлат маслаҳатчисининг биринчи ўринбосари Б.М. Мавлонов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси  
Президенти**

**Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент ш.,  
2018 йил 12 май,  
ПФ-5441-сон

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ  
ҚАРОРИ**389 Иқтисодиёт тармоқлари ва соҳаларига инновацияларни жорий этиш механизмларини такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида\***

Қайд этилсинки, мамлакатда қисқа муддатда инновацияга йўналтирилган иқтисодиётни шакллантиришга ва инновацияларни кенг жорий этиш учун шарт-шароитлар яратишга қаратилган кенг кўламли ишлар амалга оширилди.

Республикани инновацион ва илмий-техник ривожлантириш соҳасида ягона давлат сиёсатини амалга оширувчи орган ташкил этилганлиги, унинг хузурида Инновацион ривожланиш ва новаторлик ғояларини қўллаб-қувватлаш жамғармаси шакллантирилганлиги мазкур йўналишдаги муҳим босқичлардан бири бўлди.

Шу билан бирга, илмий тадқиқотлар билан ишлаб чиқариш тармоқлари ўртасидаги ўзаро ҳамкорликнинг самарали механизмларини йўлга қўйишга, алоқаларни мустахкамлашга тўсиқ бўлаётган бир қатор муаммолар сакланиб қолмоқда, уларга, авваламбор:

биринчидан, олий таълим муассасалари илмий ишлари ва илмий-тадқиқот ташкилотлари тадқиқотларининг натижаларини тижоратлаштириш кўрсаткичларининг пастлиги ҳамда қониқарсизлиги;

иккинчидан, инновацион жараёнларни рағбатлантириш, ҳудудлар ва тармоқлар даражасида инновацион ривожланиш ва инновацион фаоллик комплекс дастурларини амалга ошириш, инновацион фаол тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлаш механизмлари мавжуд эмаслиги;

учинчидан, хусусий сектор вакилларининг инновацион фаолиятга, жумладан уларнинг манфаатдорлиги пастлиги сабабли етарли даражада жалб қилинмаслиги;

тўртинчидан, давлат илмий-техник дастурлари доирасида грантларни тақсимлаш ва улардан оқилона фойдаланиш самарадорлигини ошириш бўйича таъсирчан чора-тадбирларнинг мавжуд эмаслиги;

бешинчидан, илмий тадқиқотлар ва инновацияларни жорий қилиш соҳасида халқаро ҳамкорлик ва инвестициялар жалб этиш даражасининг қониқарсизлиги каби омиллар сабаб бўлмоқда.

Инновация фаолиятини давлат томонидан тартибга солиш механизмларини тубдан такомиллаштириш, иқтисодиёт тармоқлари ва соҳаларига инновацияларни янада самарали жорий этиш учун шарт-шароитларни яратиш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси Инновацион ривожланиш вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Фанлар академиясининг:

олий таълим муассасаларида илмий ишлар бўйича проректор лавозими

---

\* Ушбу қарор «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2018 йил 8 майда эълон қилинган.

ўрнига илмий ишлар ва инновациялар бўйича проректор лавозимини жорий этиш;

Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси илмий-тадқиқот муассасаларининг илм-фан бўйича директор ўринбосарларини бир вақтда тегишли йўналишдаги олий таълим муассасаларининг илмий ишлар ва инновациялар бўйича проректори лавозимларига тайинлаш;

олий таълим муассасалари тузилмасида инновацион жамғармалар ва илмий-инновацион ишланмаларни тижоратлаштириш бўйича бўлинмалар ташкил этиш;

Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағларидан молиялаштирилган қўшимча 10 та штат бирлигини ажратган ҳолда, Ўзбекистон Республикаси Инновацион ривожланиш вазирлиги тузилмасида Фан ва илмий-техник тадқиқотларни ривожлантириш бошқармасини ташкил этиш тўғрисидаги таклифларига розилик берилсин.

## 2. Белгилаб қўйилсинки:

олий таълим муассасаларининг илмий ишлар ва инновациялар бўйича проректорларини ҳамда Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси, давлат ва хўжалик бошқаруви органлари илмий-тадқиқот муассасаларининг илм-фан бўйича директор ўринбосарларини (кейинги ўринларда илмий ишлар ва инновациялар бўйича проректорлар ҳамда илм-фан бўйича директор ўринбосарлари деб юритилади) лавозимга тайинлаш Ўзбекистон Республикаси Инновацион ривожланиш вазирлиги билан келишилган ҳолда амалга оширилади;

илмий ишлар ва инновациялар бўйича проректорлар ҳамда илм-фан бўйича директор ўринбосарлари инновация фаолиятига оид масалалар, илмий-инновацион ишланмаларни жорий этиш ва тижоратлаштириш натижалари бўйича бевосита Ўзбекистон Республикаси Инновацион ривожланиш вазирлигига ҳисобдордир;

Ўзбекистон Республикаси Инновацион ривожланиш вазирлиги йилига камида икки марта Ўзбекистон Республикаси Президенти девонига илмий ишлар ва инновациялар бўйича проректорлар ҳамда илм-фан бўйича директор ўринбосарларининг илмий-инновацион фаолиятини баҳолаш юзасидан ахборот киритади;

Ўзбекистон Республикаси инновацион ривожланиш вазирининг ўринбосари вазифасини бажарувчи А.Ю. Умаров илмий ишлар ва инновациялар бўйича проректорлар ҳамда илм-фан бўйича директор ўринбосарларининг фаолиятини самарали мувофиқлаштириш бўйича шахсан масъул ҳисобланади;

олий таълим муассасаларининг инновацион жамғармаларини (кейинги ўринларда — инновацион жамғармалар) шакллантириш инновацион маҳсулотларни тижоратлаштиришдан олинган даромадлар, олий таълим муассасаларининг иш хақи, стипендия тўлаш, шунингдек, бошқа жорий харажатлари қоплангандан кейин тўлов-контракт маблағларининг 5 фоиздан кам бўлмаган миқдорини йўналтириш ҳисобига амалга оширилади.

Инновацион жамғармаларнинг маблағлари:

илмий тадқиқотлар ва инновацион ишланмаларни рағбатлантиришга;

илмий-лаборатория ускуналари, сарфлаш материаллари ва бутловчи буюмлар сотиб олишга;

илмий-тадқиқот инфратузилмасини шакллантириш ва янгилашга, илмий ходимларни моддий рағбатлантиришга;

инновация фаолияти билан боғлиқ бошқа харажатларни амалга оширишга йўналтирилиши белгилаб қўйилсин.

3. Қуйидагилар олий таълим муассасаларининг илмий-инновацион ишланмаларни тижоратлаштириш бўйича бўлинмаларининг асосий вазифалари ва фаолият йўналишлари этиб ҳисоблансин:

бозорни тизимли равишда таҳлил қилиш ва инновацион маҳсулот (иш, хизмат)ларга бўлган талабни ўрганиш, ўзини қоплаш муддатини, рентабеллик ва инновацион маҳсулотларни тижоратлаштириш билан боғлиқ хатарларни баҳолаш;

юқори тижорат салоҳиятига эга ва амалга оширишга тайёр бўлган, ўзлаштириш учун истиқболли лойиҳаларни танлаб олиш;

инновацион лойиҳаларни амалга ошириш учун инвесторлар, шериклар ва бошқа манфаатдор шахсларни жалб қилиш;

янги технологияларни жорий қилиш ва инновацион маҳсулотларни ишлаб чиқариш мақсадида саноат корхоналари билан ўзаро ҳамкорлик қилиш.

Белгилансинки, олий таълим муассасаларининг илмий-инновацион ишланмаларни тижоратлаштириш бўйича бўлинмалари фаолияти инновацион жамғармалар маблағлари ва қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобидан молиялаштирилади.

4. Давлат ва хўжалик бошқаруви органлари раҳбарлари:

бир ой муддатда раҳбар ўринбосарларидан бирини инновацион ривожланиш масалалари бўйича масъул этиб белгиласин;

ҳар йил 1 октябрга қадар Ўзбекистон Республикаси Инновацион ривожланиш вазирлиги билан келишган ҳолда тадбирларни молиялаштиришнинг аниқ миқдор ва манбаларини белгилаб келгуси йил учун тегишли тармоқ ва соҳаларни инновацион ривожлантиришнинг «йўл хариталари» ишлаб чиқирилишини, шунингдек, уларнинг самарали амалга оширилишини таъминласин.

5. Қуйидагилар:

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 29 ноябрдаги «Ўзбекистон Республикаси Инновацион ривожланиш вазирлигини ташкил этиш тўғрисида»ги ПФ–5264-сон Фармонига мувофиқ Инновацион ривожланиш ва новаторлик ғояларини қўллаб-қувватлаш жамғармаси ташкил этилганлиги;

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 1 ноябрдаги ПҚ–3365-сон қарори билан тасдиқланган 2017 — 2021 йилларда илмий-тадқиқот муассасаларининг инфратузилмасини мустаҳкамлаш ва инновацион фаолиятини ривожлантириш бўйича комплекс чора-тадбирлар дастурини молиялаштириш манбалари этиб, тегишли қисмларда, бошқа манбалар билан бир қаторда Инновацион ривожланиш ва новаторлик ғояларини қўллаб-қувватлаш жамғармаси маблағлари белгиланганлиги маълумот учун қабул қилинсин.



Инновацион ривожланиш ва новаторлик ғояларини қўллаб-қувватлаш жамғармаси Кузатув кенгаши Жамғармага келиб тушадиган маблағларнинг, биринчи навбатда, Ўзбекистон Республикаси Инновацион ривожланиш вазирлиги зиммасига юклатилган вазифаларни бажаришга йўналтирилишини таъминласин.

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Инвестициялар бўйича давлат қўмитаси билан биргаликда 2017 — 2021 йилларда илмий-тадқиқот муассасаларининг инфратузилмасини мустаҳкамлаш ва инновацион фаолиятини ривожлантириш бўйича комплекс чора-тадбирлар дастурининг етишмаётган қисмида ўз вақтида, жумладан Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан молиялаштирилишини таъминлансин.

6. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги устувор инновацион, илмий-тадқиқот, тажриба-конструкторлик, «стартап» лойиҳаларини ўз харажатларини ўзи қоплаш асосида молиялаштириш учун 2018 йилда Инновацион ривожланиш ва новаторлик ғояларини қўллаб-қувватлаш жамғармасига 50 миллиард сўм миқдорида бюджет маблағларини ажратсин ҳамда маблағларни ўзлаштириш натижалари бўйича Ўзбекистон Республикаси Инновацион ривожланиш вазирлигининг асосланган таклифларига кўра Жамғарма маблағларини шакллантиришнинг қўшимча манбалари юзасидан таклифлар киритсин.

Ўзбекистон Республикаси Инновацион ривожланиш вазирлиги:

грантлар асосида амалга оширилаётган фундаментал, амалий ва инновацион тадқиқотлар бўйича давлат илмий-техник дастурларининг тизимли мониторингини, шу асосда мақсадсиз ишлатилаётган грант маблағларини бошқа истиқболли ва талаб юқори бўлган мавзуга оид лойиҳаларни амалга ошириш учун қайта йўналтириш бўйича аниқ чора-тадбирлар қабул қилишни;

фундаментал, амалий ва инновацион тадқиқотлар бўйича давлат илмий-техник дастурларини молиялаштириш учун ажратилган ҳамда молия йили давомида ўзлаштирилмаган маблағлардан келгусида мақсадли фойдаланишни;

фундаментал, амалий ва инновацион тадқиқотларнинг долзарб йўналишлари бўйича мавзуга оид грантлар бериш юзасидан мунтазам равишда танловлар эълон қилишни амалга оширсин.

7. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Инновацион ривожланиш вазирлигининг хўжалик бошқаруви органлари ҳамда йирик давлат корхоналарининг инновацион фаолиятни қўллаб-қувватлаш жамғармалари маблағларининг 0,1 фоизини Инновацион ривожланиш ва новаторлик ғояларини қўллаб-қувватлаш жамғармасига йўналтириш ҳамда уларни келгусида инновацион ғоялар, ишланмалар ва технологияларни жорий этишга мақсадли ишлатиш тўғрисидаги таклифи қабул қилинсин.

8. 2022 йил 1 январга қадар муддатда:

белгиланган тартибда тасдиқланадиган рўйхатлар бўйича илмий-тадқиқот ташкилотлари томонидан олиб кириладиган илмий асбоб-ускуналар, бутловчи буюмлар, сарфлаш материаллари, реактивлар, дастурий таъминот божхона тўловларидан (божхона расмийлаштируви учун йиғимлар бундан мустасно);

илмий-тадқиқот ташкилотлари уларнинг асосий фаолияти бўйича барча турдаги солиқлар ва мажбурий ажратмалардан озод қилинсин, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига ажратмалар бундан мустасно, бўшаётган маблағлар уларнинг ходимларини моддий рағбатлантириш учун мақсадли йўналтирилсин.

9. Белгилансинки, Ўзбекистон Республикаси Инновацион ривожланиш вазирлиги ходимларининг меҳнатига Инновацион ривожланиш ва новаторлик ғояларини қўллаб-қувватлаш жамғармаси маблағлари ва бюджетдан ташқари бошқа манбалар ҳисобидан ҳақ тўлаш шартлари вазирлик ҳайъати томонидан белгиланади.

10. Ўзбекистон Республикаси Инновацион ривожланиш вазирлиги манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда инновацион ғоялар муаллифларини, мазкур ғояларни амалга оширувчи ташкилотчилар ва ҳомийларни моддий рағбатлантиришни таъминлаган ҳолда республикада инновацияларни ривожлантиришга кўмаклашган алоҳида тадбиркорлик субъектларини тақдирлаш маросимини ўтказишни назарда тутиб, республикада ҳар йили Инновацион ғоялар ҳафталиги — «InnoWeek.Uz» ўтказилишини ташкил қилиш чораларини кўрсин.

11. Ўзбекистон Республикаси Президентининг ва Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига иловага мувофиқ ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.

12. Ўзбекистон Республикаси Инновацион ривожланиш вазирлиги манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда икки ой муддатда қонун ҳужжатларига мазкур қарордан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

13. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н. Арипов, Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари — Инвестициялар бўйича давлат қўмитаси раиси С.Р. Холмурадов, Ўзбекистон Республикасининг Бош прокурори О.Б. Муродов ва Ўзбекистон Республикаси Президенти Давлат маслаҳатчисининг биринчи ўринбосари Б.М. Мавлонов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси  
Президенти**

**Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент ш.,  
2018 йил 7 май,  
ПҚ-3698-сон

Ўзбекистон Республикаси  
Президентининг 2018 йил 7 майдаги  
ПҚ-3698-сон қарорига  
ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикаси Президентининг ва Ўзбекистон  
Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига  
киритилаётган ўзгартириш ва қўшимчалар**

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Илмий-тадқиқот муассасаларининг инфратузилмасини янада мустаҳкамлаш ва инновацион фаолиятини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 2017 йил 1 ноябрдаги ПҚ-3365-сон қарорида:

а) 4-банднинг тўртинчи хатбошиси «Инновацион ривожланиш ва новаторлик гояларини қўллаб-қувватлаш жамғармаси» сўзларидан кейин «Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети» сўзлари билан тўлдирилсин;

б) 2-илованинг рус тилидаги матнидаги «Выделение средств будет осуществляться по мере поступления средств в Фонд поддержки и развития научно-технической деятельности» сўзлари «Выделение средств будет осуществляться по мере поступления средств в Фонд поддержки инновационного развития и новаторских идей. При этом по недостающей части средств Фонда расходы осуществляются за счет и в пределах выделенных бюджетных средств» сўзлари билан алмаштирилсин.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикаси Инновацион ривожланиш вазирлиги фаолиятини ташкил этиш тўғрисида»ги 2017 йил 30 ноябрдаги ПҚ-3416-сон қарорида:

а) 3-илованинг 42-банди «Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети» сўзларидан кейин «Инновацион ривожланиш ва новаторлик гояларини қўллаб-қувватлаш жамғармаси» сўзлари билан тўлдирилсин;

б) 6-илованинг 7-бандида:

саққизинчи хатбоши «ходимларини моддий рағбатлантириш» сўзларидан кейин «ва моддий-техник таъминлаш» сўзлари билан тўлдирилсин;

тўққизинчи хатбошидаги «Вазирлик Илмий-техник ахборот маркази ва нашриётининг» сўзлари «Вазирлик Илмий-техник ахборот маркази, нашриёти, шунингдек, Вазирлик қарори билан ташкил этиладиган илмий кадрлар тайёрлаш ва ходимлар малакасини ошириш бўйича идоравий илмий ҳамда ўқув марказлари, маслаҳат ва ахборот марказлари, илмий лабораторияларнинг» сўзлари билан алмаштирилсин.

3. Вазирлар Маҳкамасининг 2016 йил 7 октябрдаги 336-сон қарори билан тасдиқланган Раҳбарлари ходимларни Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятида доимий прописка қилиш тўғрисида илтимоснома киритиши мумкин бўлган давлат ҳокимияти органлари, давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, республика аҳамиятига молик бошқа давлат ташкилотлари рўйхати қуйидаги мазмундаги 28<sup>2</sup>-банд билан тўлдирилсин:

«28<sup>2</sup>. Ўзбекистон Республикаси Инновацион ривожланиш вазирлиги».

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ  
ҚАРОРИ**390 Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Агросаноат мажмуи ва озиқ-овқат хавфсизлиги таъминланиши устидан назорат қилиш инспекцияси фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида\***

Қишлоқ хўжалиги, озиқ-овқат хавфсизлиги ва сув истеъмоли соҳасида назорат тизимини тубдан такомиллаштириш, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Агросаноат мажмуи ва озиқ-овқат хавфсизлиги таъминланиши устидан назорат қилиш инспекцияси фаолиятини самарали ташкил этиш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 17 апрелдаги ПФ-5418-сон «Қишлоқ ва сув хўжалиги давлат бошқаруви тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармониға мувофиқ:

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Агросаноат мажмуи ва озиқ-овқат хавфсизлиги таъминланиши устидан назорат қилиш инспекцияси (кейинги ўринларда Инспекция деб юритилади) ташкил этилганлиги;

2018 йил 1 августдан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат дон инспекцияси, Машина ва асбоб-ускуналарнинг техник ҳолатини назорат қилиш бош давлат инспекцияси, Чорвачиликда наслчилик ишлари бош давлат инспекцияси, «Ўзсувназорат» республика сув инспекцияси, «Ўздавуруғназоратмарказ» қишлоқ хўжалиги экинлари уруғини сертификациялаш ва сифатини назорат қилиш давлат маркази тугатилаётганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

2. 2018 йил 1 августдан «Ўзстандарт» агентлигининг «Ўзбекистон пахта маҳсулотларини сертификатлаш «Сифат» маркази» давлат корхонаси тугатилсин.

3. Белгилаб қўйилсинки:

Инспекция тугатилаётган ташкилотларнинг ҳуқуқлари, мажбуриятлари ва шартномалари бўйича ҳуқуқий вориси ҳисобланади;

тугатилаётган ташкилотларнинг қонун ҳужжатларида белгиланган вазифалари, функциялари ва ваколатлари Инспекцияга ўтказилади.

Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги тугатилаётган ташкилотлар ходимларининг ишга жойлаштирилишини таъминлашга қўмаклашсин.

4. Қўйидагилар Инспекциянинг асосий вазифалари этиб белгилансин:

а) қишлоқ ва сув хўжалиги, шунингдек, озиқ-овқат хавфсизлиги соҳасидаги қонун ҳужжатлари ва норматив ҳужжатлар талабларига риоя этилиши ҳолати;

---

\* Ушбу қарор «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2018 йил 11 майда эълон қилинган.

пахта ва дон экинларининг уруғларини давлат томонидан буюртма қилиш, тайёрлаш, алоҳида қайта ишлаш ҳамда сақлаш бўйича талабларга риоя қилиниши;

қишлоқ хўжалиги ва озиқ-овқат маҳсулотлари захираларини давлат буюртмасининг режали амалга оширилишига мувофиқ ҳажмларда шакллантириш бўйича талаблар бажарилиши;

дон экинлари, пахта ва бошқа қишлоқ хўжалиги экинлари уруғлари, шунингдек, улардан қайта ишланган маҳсулотлар давлат ресурсларининг сифати, улардан оқилона ҳамда мақсадли фойдаланилиши, уларнинг сифатли сақланиши ҳамда нобудгарчилиги камайтирилиши таъминланиши;

қишлоқ хўжалиги экинлари навларининг генетик софлиги ва уруғлари сифати соҳасидаги давлат сиёсатининг ижро қилиниши, аккредитация соҳасига мувофиқ уруғларни сертификатлаш, уруғ ҳамда кўчат материалларининг сифатини аниқлаш ва назорат қилиш бўйича ишларнинг амалга оширилиши;

қишлоқ хўжалиги ерларидан оқилона фойдаланиш ва уларни муҳофаза қилиш, Инспекция зиммасига юклатилган вазифалар доирасида айбдор шахсларни қонун ҳужжатларида белгиланган жавобгарликка тортиш орқали қонунчилик талабларига сўзсиз риоя этилиши;

сунъий сув объектларида сувдан оқилона ва самарали фойдаланилиши ҳамда сувдан фойдаланиш қоидаларига риоя этилиши;

идоравий бўйсунувидан ва мулкчилик шаклидан қатъи назар барча корхоналар, муассасалар ҳамда ташкилотларда чорвачиликда наслчилик ишлари тўғрисидаги қонун ҳужжатларига ва бошқа норматив ҳужжатларга риоя этилиши;

қишлоқ хўжалиги, мелиорация ва йўл-қурилиш техникаларининг, уларнинг эксплуатация қилиниши, сифати самарадорлигининг, сервис ва таъмирлаш хизматларининг техник ҳолати устидан назоратни амалга ошириш;

б) экспорт-импорт ва республика ичидаги ташишларда дон экинлари, пахта хом ашёси, қишлоқ хўжалиги экинлари уруғлари ва улардан қайта ишланган маҳсулотлар сифатини мажбурий давлат текширувидан ўтказиш;

в) ҳуқуқбузарликларни аниқлаш, уларнинг келиб чиқиш сабаблари ва шарт-шароитларини бартараф этиш чораларини кўриш борасида комплекс чора-тадбирларни амалга ошириш;

г) қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни юритиш.

5. Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ва Молия вазирлигининг:

Инспекция ҳузурида «Агросаноат мажмуида хизмат кўрсатиш маркази» давлат унитар корхонасини (кейинги ўринларда Марказ деб юритилади);

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Агросаноат мажмуи ва озиқ-овқат хавфсизлиги таъминланиши устидан назорат қилиш инспекциясини ривожлантириш жамғармасини (кейинги ўринларда Жамғарма деб юритилади) ташкил этиш тўғрисидаги таклифлари мақуллансин.

Марказ томонидан Инспекциянинг назорат функцияларини амалга ошириш учун кўрсатиладиган хизматлар солиқ солинадиган базага киритилмайди.

6. Белгилансинки:

а) қўйидагилар Марказнинг асосий вазифалари ҳисобланади:

норматив ҳужжатлар талабларига мувофиқ намуналар танлаб олиш ва махсулотни идентификациялаш;

кўрсатилган аккредитация соҳасига мувофиқ тарзда пахта толаси, пахта момиғи, пахта ва қишлоқ хўжалиги экинлари уруғлари, шунингдек, дон ва улардан қайта ишланган махсулотлар синовларини ташкил этиш ҳамда ўтказиш;

мувофиқлик сертификати бериш, ўлчовлар бир хиллигини ва метрологик назоратни амалга оширишни таъминлаш ишларини бажариш;

пахта толаси ширадорлигини аниқлаш, пахта толаси ва момиғи тойлари массаси назоратини амалга ошириш;

пахта тозалаш ва ёғ-мой саноати корхоналари, пахта махсулотларининг харидорлари ҳамда бошқа ташкилотлар учун сертификатланадиган пахта махсулотлари ташқи кўринишининг стандарт намуналарини тайёрлаш, реставрация қилиш ва улар билан таъминлаш;

районлаштирилган ва истиқболли қишлоқ хўжалиги экинлари навларининг нав софлигини тупроқдаги таҳлил орқали текшириш ҳамда натижаларини манфаатдор ташкилотларга юбориш;

б) Жамғарма маблағлари қўйидаги манбалардан шакллантирилади:

Марказ даромадларининг 20 фоизи;

қишлоқ хўжалиги, озиқ-овқат хавфсизлиги ва сув истеъмоли соҳасидаги қонун ҳужжатлари талабларини бузганлик учун Инспекция ваколатлари доирасида қўлланилган жарима санкциялари умумий суммасининг 40 фоизи;

Инспекция ходимлари томонидан солинадиган жарималар миқдорларининг 50 фоизи;

тракторлар, трактор тиркамалари, мелиорация ва йўл-қурилиш техникалари, ўзи юрар машиналар, шунингдек, қишлоқ хўжалиги техникаларини техник кўрикдан ўтказиш, гувоҳномалар, рақам белгилари ва техник паспортлар бериш учун ундириладиган йиғимлар миқдорининг 80 фоизи;

Жамғарманинг вақтинча бўш маблағларини жойлаштиришдан олинadиган даромадлар;

қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа даромадлар.

7. Қўйидагилар:

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Агросаноат мажмуи ва озиқ-овқат хавфсизлиги таъминланиши устидан назорат қилиш инспекцияси марказий аппарати тузилмаси 1-иловага\* мувофиқ;

Агросаноат мажмуи ва озиқ-овқат хавфсизлиги таъминланиши устидан назорат қилиш инспекцияси Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлар бошқармаларининг, туманлар (Қувасой шаҳар) бўлимларининг намунавий тузилмалари 2 ва 3-иловаларга\* мувофиқ;

---

\* 1 — 3-иловалар «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Агросаноат мажмуи ва озиқ-овқат хавфсизлиги таъминланиши устидан назорат қилиш инспекцияси тўғрисидаги низом 4-иловага мувофиқ;

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Агросаноат мажмуи ва озиқ-овқат хавфсизлиги таъминланиши устидан назорат қилиш инспекциясини ривожлантириш жамғармаси тўғрисидаги низом 5-иловага мувофиқ;

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Агросаноат мажмуи ва озиқ-овқат хавфсизлиги таъминланиши устидан назорат қилиш инспекцияси марказий аппарати, Агросаноат мажмуи ва озиқ-овқат хавфсизлиги таъминланиши устидан назорат қилиш инспекциясининг Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлар бошқармалари, туман (Кувасой шаҳар) бўлимлари ходимларининг Ягона тариф сеткаси бўйича меҳнатга ҳақ тўлаш разрядлари 6 — 8-иловаларга\* мувофиқ;

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Агросаноат мажмуи ва озиқ-овқат хавфсизлиги таъминланиши устидан назорат қилиш инспекцияси фаолиятини самарали ташкил этиш бўйича «Йўл харитаси» 9-иловага\* мувофиқ тасдиқлансин.

8. Инспекция бошқарув ва ишлаб чиқариш ходимларининг чекланган сони 1 795 нафар этиб белгилансин.

Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорига:

зарур ҳолларда, Инспекция ва унинг ҳудудий бўлинмалари ташкилий-штат тузилмаларига белгиланган умумий штат бирликлари доирасида ўзгартиришлар киритиш;

Инспекция ва унинг ҳудудий бўлинмалари ходимларининг қўшимча штат бирликларини Жамғарма маблағлари ҳисобидан киритиш ҳуқуқи берилсин.

9. Белгилаб қўйилсинки, Инспекция:

Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан лавозимига тайинландиган ҳамда лавозимидан озод этиладиган бошлиқ томонидан бошқарилади; ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорига ҳисобдордир.

Инспекция бошлиғи мақоми, меҳнатига ҳақ тўлаш, тиббий ва транспорт хизмат кўрсатиш шартлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори ўринбосарига тенглаштирилсин.

10. Белгилансинки:

Инспекция таъминоти Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, Сув хўжалиги вазирлиги, шунингдек, тугатилаётган идоралар, муассасаларнинг 9 896 та штат бирлиги оптималлаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетининг бўшаётган маблағлари ҳамда Жамғарма маблағлари ҳисобидан амалга оширилади. Бунда иш ҳақи фонди ва мажбурий ажратмаларни оптималлаштириш ҳисобидан шаклландиган иш ҳақи фондининг тежалган суммаси Инспекциянинг моддий-техник базасини мустаҳкамлашга ҳамда бошқа харажатларига йўналтирилади;

Инспекция ходимлари лавозимларига олий ёки ўрта махсус маълумотга

---

\* 6 — 9-иловалар «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

эга бўлган шахслар (хуқуқшунослар, агрономлар, иқтисодчилар, молиячилар, муҳандислар ва бошқалар) тайинланади;

Инспекциянинг хуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ва бошқа органлардан ишга қабул қилинган ходимларига даражали унвонлар бериш Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори томонидан ҳал этилади;

даражали унвонларга эга бўлган Инспекция ходимлари прокуратура органлари ходимлари ҳисобланади ҳамда уларга прокуратура органлари ходимлари учун белгиланган имтиёзлар, моддий ва ижтимоий ҳимоя чоралари татбиқ этилади;

Инспекция органлари зиммасига юклатилган вазифаларни бажариш учун зарур бўлган ахборот, ҳужжатлар ва бошқа материаллар уларнинг қонуний талабига кўра бепул тақдим этилади;

давлат органлари, шу жумладан хуқуқни муҳофаза қилувчи ва назорат қилувчи тузилмалар мазкур қарорга мувофиқ Инспекцияга унинг зиммасига юклатилган вазифа ва функцияларни бажаришда ҳар томонлама кўмаклашиши шарт.

#### 11. Инспекция:

2018-2019 йиллар давомида Жамғарма маблағлари ҳисобидан юқори малакали мутахассислар ва ўқитувчиларни жалб қилган ҳолда тегишли равишда Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасининг Олий ўқув курсларида, Тошкент давлат аграр университети, Тошкент кимё-технология институти ҳамда Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институтининг педагогик кадрларни қайта тайёрлаш ҳамда уларнинг малакасини ошириш тармоқ марказларида янгидан тўлдирилган, шу жумладан раҳбар кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш бўйича қисқа муддатли курслар ташкил этилишини таъминласин, шунингдек, кейинчалик қайта тайёрлаш ва малака ошириш амалиётини ҳар уч йилда жорий этсин;

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасининг Олий ўқув курслари, Тошкент давлат аграр университети, Тошкент кимё-технология институти ҳамда Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти билан биргаликда бир ой муддатда ўқитишнинг интерфаол ва инновацион усуллари қўллашни, синов лабораторияларида, қайта ишлаш корхоналарида (заводларда) ва бошқа объектларда ўқув машғулотлари ўтказишни назарда тутган ҳолда кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш бўйича ўқув дастурларни тасдиқласин.

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги Тошкент давлат аграр университети, Тошкент кимё-технология институти ҳамда Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институтида кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини оширишни ташкил этиш учун аудиториялар ажратилиши ҳамда жиҳозланишини таъминласин.

12. Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари, хуқуқни муҳофаза қилувчи ва назорат қилувчи тузилмалар томонидан Инспекция ходимлари зиммасига уларнинг ваколатига кирмайдиган вазифаларнинг юкланиши тақиқланади.



13. Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ва Молия вазирлиги: бир ҳафта муддатда Инспекциянинг штатлар жадвали ва харажатлар сметаларини тасдиқласин;

бир ой муддатда зиммасига юклатилган вазифаларни лозим даражада бажарганлиги учун Инспекция ходимларини моддий рағбатлантириш тартибини ишлаб чиқсин ва тасдиқласин.

14. Белгилансинки, Инспекция талабномалари бўйича:

«Ўзавтосаноат» АЖ Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ва Молия вазирлиги томонидан тасдиқланадиган меъёрларга мувофиқ хизматда фойдаланиш учун автотранспорт воситалари ажратилишини таъминлайди;

«Ўзбекнефтгаз» АЖ «Ўздавнефтгазинспекция» ДИ билан келишилган ҳолда хизмат ва махсус автотранспорт воситалари ҳамда генераторлар учун керакли ҳажмда автобензин ва дизель ёқилғиси ўрнатилган тартибда ажратилишини таъминлайди.

15. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси икки ой муддатда тугатилаётган Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат дон инспекцияси, Машина ва асбоб-ускуналарнинг техник ҳолатини назорат қилиш бош давлат инспекцияси, Чорвачиликда наслчилик ишлари бош давлат инспекцияси, «Ўзсувназорат» республика сув инспекцияси, «Ўздавуруғназоратмарказ» кишлоқ хўжалиги экинлари уруғини сертификациялаш ва сифатини назорат қилиш давлат маркази, «Ўзстандарт» агентлигининг «Ўзбекистон пахта маҳсулотларини сертификатлаш «Сифат» маркази» давлат корхонаси балансида турган ва улар томонидан фойдаланилаётган бинолар, иншоотлар ва бошқа моддий-техник қимматликлар, шунингдек, уларнинг тегишли маълумот базалари ҳамда реестрлари Инспекция балансида ўтказилишини таъминласин.

16. Инспекция Тошкент шаҳри, Шайхонтохур тумани, Обиназир кўчаси, 109-уйда жойлаштирилсин.

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари Инспекция, Ўзбекистон Республикаси Хусусийлаштирилган корхоналарга кўмаклашиш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси билан биргаликда икки ой муддатда Инспекция ҳудудий тузилмаларининг тўлақонли фаолият юритишини таъминлаш мақсадида уларнинг жойлаштирилишини, жиҳозланишини ташкил этсин ҳамда бошқа ташкилий масалаларни ҳал этсин.

17. Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси икки ой муддатда:

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги ҳамда бошқа манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда Инспекция ҳамда унинг ҳудудий бўлинмаларининг мебель, компьютер техникаси, алоқа воситалари ва бошқа моддий-техник ресурсларга бўлган эҳтиёжини ўргансин ҳамда жиҳозланишини таъминласин;

Инспекция ва унинг ҳудудий бўлинмаларини юклатилган вазифаларнинг юқори ҳамда профессионал даражада бажарилишини таъминлай оладиган

малакали кадрлар билан, шу жумладан тугатилаётган ташкилотлар ходимлари орасидан тўлдирилишини таъминласин.

18. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги мазкур қарорда назарда тутилган чора-тадбирларни амалга ошириш учун зарур бўлган маблағлар асосланган ҳисоб-китоблар бўйича ажратилишини таъминласин.

19. Инспекция Давлат статистика қўмитаси, Молия вазирлиги, Марказий банк, Ташқи савдо вазирлиги, Давлат солиқ қўмитаси, Давлат божхона қўмитаси, шунингдек, бошқа вазирлик ва идораларнинг статистик ахбороти юборилиши шарт бўлган реестрга киритилсин.

20. Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси 2018 йил якунлари бўйича мазкур қарорни амалга ошириш самарадорлигини ўргансин ҳамда, зарурат бўлганда, Инспекциянинг фаолиятини ҳамда ташкилий-штат тузилмасини янада такомиллаштириш бўйича Ўзбекистон Республикаси Президенти девонига таклифлар киритсин.

21. Ўзбекистон Республикаси Президентининг ва Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига 10-иловага мувофиқ ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.

22. 2018 йил 1 августдан Ўзбекистон Республикаси Президентининг ва Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорлари 11-иловага мувофиқ ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

23. Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси Адлия вазирлиги, Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, Сув хўжалиги вазирлиги ва бошқа манфаатдор вазирлик ҳамда идоралар билан биргаликда икки ой муддатда қонун ҳужжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

24. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н. Арипов, Ўзбекистон Республикаси Президенти Давлат маслаҳатчисининг биринчи ўринбосари Б.М. Мавлонов ва Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори О.Б. Муродов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси  
Президенти**

**Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент ш.,  
2018 йил 7 май,  
ПҚ-3699-сон

Ўзбекистон Республикаси  
Президентининг 2018 йил 7 майдаги  
ПҚ-3699-сон қарорига  
4-ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги  
Агросаноат мажмуи ва озиқ-овқат хавфсизлиги таъминланиши  
устидан назорат қилиш инспекцияси тўғрисидаги  
НИЗОМ**

**1-боб. Умумий қоидалар**

1. Мазкур Низом Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Агросаноат мажмуи ва озиқ-овқат хавфсизлиги таъминланиши устидан назорат қилиш инспекциясининг (кейинги ўринларда Инспекция деб юритилади) асосий вазифалари, функциялари, ҳуқуқлари ва мажбуриятларини, шунингдек, фаолиятини ташкил этиш тартибини белгилайди.

2. Инспекция Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси (кейинги ўринларда Бош прокуратура деб юритилади) ҳузуридаги мустақил ҳуқуқни муҳофаза қилувчи орган ҳисобланади.

3. Инспекция ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва қонунларига, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорларига, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари ва қарорларига, бошқа қонун ҳужжатларига, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг (кейинги ўринларда Бош прокурор деб юритилади) буйруқ ва кўрсатмаларига амал қилади.

4. Инспекция тизимига қуйидагилар киради:

Инспекциянинг марказий аппарати;

Инспекциянинг Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлар бошқармалари;

Инспекциянинг туманлар (Қувасой шаҳар) бўлимлари.

5. Инспекция ўз фаолиятини қуйи турувчи раҳбарларнинг юқори турувчи раҳбарларга, шунингдек, Бош прокурорга, тегишинча Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, туманлар (Қувасой шаҳар) прокурорларига бўйсунishi ҳамда ҳисобдорлиги асосида амалга оширади.

6. Инспекция ўз вазифа ва функцияларини амалга оширишда давлат органлари ва бошқа ташкилотлар билан ўзаро ҳамкорлик қилади.

7. Инспекция фаолияти Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети ва Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Агросаноат мажмуи ва озиқ-овқат хавфсизлиги таъминланиши устидан назорат қилиш инспекциясини ривожлантириш жамғармаси (кейинги ўринларда Жамғарма деб юритилади) маблағлари ҳисобидан молиялаштирилади.

8. Инспекция юридик шахс ҳисобланади, Ўзбекистон Республикаси Давлат герби тасвирланган ва ўз номи ёзилган муҳрга, шунингдек, қонун ҳужжатларига мувофиқ очиладиган банк ҳисоб рақамларига эга бўлади.

## 2-боб. Инспекциянинг асосий вазифалари ва функциялари

9. Қуйидагилар Инспекциянинг асосий вазифалари ҳисобланади:

а) қишлоқ ва сув хўжалиги, шунингдек, озиқ-овқат хавфсизлиги соҳасидаги қонун ҳужжатлари ва норматив ҳужжатлар талабларига риоя этилиши ҳолати;

пахта ва дон экинларининг уруғларини давлат томонидан буюртма қилиш, тайёрлаш, алоҳида қайта ишлаш ҳамда сақлаш бўйича талабларга риоя қилиниши;

қишлоқ хўжалиги ва озиқ-овқат маҳсулотлари захираларини давлат буюртмасининг режали амалга оширилишига мувофиқ ҳажмларда шакллантириш бўйича талаблар бажарилиши;

дон экинлари, пахта ва бошқа қишлоқ хўжалиги экинлари уруғлари, шунингдек, улардан қайта ишланган маҳсулотлар давлат ресурсларининг сифати, улардан оқилона ҳамда мақсадли фойдаланилиши, уларнинг сифатли сақланиши ҳамда нобудгарчилиги камайтирилиши таъминланиши;

қишлоқ хўжалиги экинлари навларининг генетик софлиги ва уруғлари сифати соҳасидаги давлат сиёсатининг ижро қилиниши, аккредитация соҳасига мувофиқ уруғларни сертификатлаш, уруғ ҳамда кўчат материалларининг сифатини аниқлаш ва назорат қилиш бўйича ишларнинг амалга оширилиши;

қишлоқ хўжалиги ерларидан оқилона фойдаланиш ва уларни муҳофаза қилиш, Инспекция зиммасига юклатилган вазифалар доирасида айбдор шахсларни қонун ҳужжатларида белгиланган жавобгарликка тортиш орқали қонунчилик талабларига сўзсиз риоя этилиши;

сунъий сув объектларида сувдан оқилона ва самарали фойдаланилиши ҳамда сувдан фойдаланиш қоидаларига риоя этилиши;

идоравий бўйсунувидан ва мулкчилик шаклидан қатъи назар барча корхоналар, муассасалар ҳамда ташкилотларда чорвачиликда наслчилик ишлари тўғрисидаги қонун ҳужжатларига ва бошқа норматив ҳужжатларга риоя этилиши;

қишлоқ хўжалиги, мелиорация ва йўл-қурилиш техникаларининг, уларнинг эксплуатация қилиниши, сифати самарадорлигининг, сервис ва таъмирлаш хизматларининг техник ҳолати устидан назоратни амалга ошириш;

б) экспорт-импорт ва республика ичидаги ташишларда дон экинлари, пахта хом ашёси, қишлоқ хўжалиги экинлари уруғлари ва улардан қайта ишланган маҳсулотлар сифатини мажбурий давлат текширувидан ўтказиш;

в) ҳуқуқбузарликларни аниқлаш, уларнинг келиб чиқиш сабаблари ва шарт-шароитларини бартараф этиш чораларини кўриш борасида комплекс чора-тадбирларни амалга ошириш;

г) қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни юритиш.

10. Инспекция ўзига юклатилган вазифаларни бажариш учун қуйидаги функцияларни амалга оширади:

а) қишлоқ ва сув хўжалиги, шунингдек, озиқ-овқат хавфсизлиги соҳасидаги қонун ҳужжатлари ва норматив ҳужжатлар талабларига риоя этилиши ҳолати устидан назорат қилиш соҳасида:

қишлоқ хўжалигида иқтисодий ислохотларни чуқурлаштиришга оид қонунларнинг, Ўзбекистон Республикаси Президенти фармонлари ва қарорларида ва Ҳукумат қарорларида баён этилган талаблар ва қоидаларнинг ўз вақтида ва тўлиқ ижро этилиши устидан назоратни амалга оширади;

давлат органлари, хўжалик бошқаруви органлари ва бошқа ташкилотларнинг Ўзбекистон Республикасида озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш соҳасидаги фаолияти устидан назоратни амалга оширади;

агросаноат мажмуи ва озиқ-овқат хавфсизлиги соҳасидаги қонун ҳужжатлари ижросининг доимий тизимли таҳлилини олиб боради, таҳлил натижалари бўйича мазкур соҳадаги қонун ҳужжатларини ва норматив ҳужжатларни такомиллаштиришга оид таклифлар ишлаб чиқади;

қишлоқ хўжалиги экинлари ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини жойлаштириш, ишлаб чиқариш шартномавий мажбуриятларининг бажарилиши, прогноз кўрсаткичларининг ишончли шакллантирилиши ва бажарилиши устидан назоратни амалга оширади;

қонун ҳужжатлари талабларига мувофиқ барча ташкилотларда қишлоқ хўжалиги товарларини ишлаб чиқариш, олиб кириш, сақлаш ва сотиш устидан назоратни амалга оширади;

б) пахта ва дон экинларининг уруғларини буюртма қилиш, тайёрлаш, алоҳида қайта ишлаш ҳамда сақлаш бўйича талабларга риоя қилиниши соҳасида:

асосий қишлоқ хўжалиги экинлари (пахта ва ғалла) учун ажратилган экин майдонларини мунтазам назорат қилади, экин майдонларининг ишлаб чиқарувчилар — фермер хўжаликлари ва бошқа хўжаликлар, туманлар ва вилоятлар томонидан қабул қилинган ҳамда тасдиқланган шартномавий мажбуриятларга мувофиқлиги бўйича танлаб текширишларни амалга оширади;

қишлоқ хўжалиги экинларининг уруғ навларини синаш ишларини, шунингдек, мазкур соҳада қонун ҳужжатлари ижросини назорат қилади;

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида экишга тавсия этилган қишлоқ хўжалиги экинлари Давлат реестрининг юритилиши устидан назоратни амалга оширади;

пахта ва дон экинларининг уруғлари сифатини назорат қилади;

пахта ва дон экинларининг уруғлари сифатини аниқлаш методларини ишлаб чиқиш, такомиллаштириш ва тасдиқлашда иштирок этади;

уруғлик ишлаб чиқариш ва унинг сифатини аниқлаш бўйича давлат стандартлари, янги методикалар ва йўриқномаларни ишлаб чиқишда иштирок этади;

уруғчилик соҳасидаги жаҳон ютуқларини татбиқ этишда, уруғларнинг сифатини жаҳон стандартлари асосида аниқлашда, стандарт уруғларга сифат сертификатларини беришда иштирок этади;

қишлоқ хўжалиги экинлари ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини жойлаштириш, ишлаб чиқариш шартномавий мажбуриятларининг бажарилиши, прогноз кўрсаткичларининг ишончли шакллантирилиши ва бажарилиши, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги томонидан тасдиқланадиган миқдорда навлар бўйича районлаштириш, навлар бўйича жойлаштириш ва навли уруғларни тайёрлаш режаларининг бажарилиши устидан назоратни амалга оширади;

в) қишлоқ хўжалиги ва озиқ-овқат маҳсулотлари захираларини давлат буюртмасининг режали амалга оширилишига мувофиқ ҳажмларда шакллантириш бўйича талаблар бажарилиши соҳасида:

давлат органлари, хўжалик бошқаруви органлари ва бошқа ташкилотларнинг Ўзбекистон Республикасида озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш соҳасидаги фаолиятини мувофиқлаштириш устидан назоратни амалга оширади;

аҳоли ва бошқа истеъмолчиларни янги мева-сабзавот маҳсулотлари билан йил давомида ва узлуксиз таъминлаш мақсадида мева-сабзавот маҳсулотлари захираларининг давлат буюртмаси параметрларига мувофиқ ҳажмларда шакллантирилиши ва унинг режали реализация қилиниши устидан назоратни амалга оширади;

аҳолини йил давомида ва узлуксиз таъминлаш учун зарур ҳажмларда қишлоқ хўжалиги ва озиқ-овқат маҳсулотлари захираларини шакллантириш устидан назоратни амалга оширади;

давлат буюртмасига мос ҳажмларда пахта хом ашёси ва дон экинлари етиштирилишини молиялаштириш механизмини, ўзаро ҳисоб-китобларнинг ўз вақтида амалга оширилишини ҳамда хизматлар ва моддий-техник ресурслар билан тўлиқ таъминланишини назорат қилади;

давлат буюртмасининг режали реализация қилинишига мувофиқ тарзда қишлоқ хўжалиги ва озиқ-овқат маҳсулотлари захираларини шакллантиришнинг прогноз ҳажмлари бажарилишини назорат қилади;

мева-сабзавот маҳсулотлари тайёрлаш ва қиш-баҳор мавсумига ғамлаш бўйича давлат буюртмасининг тўлиқ бажарилиши, шунингдек, республика аҳолиси ва ижтимоий соҳа муассасалари озиқ-овқат маҳсулотларининг асосий турлари ва мавсумий мева-сабзавот маҳсулотлари билан йил давомида узлуксиз таъминланишини назорат қилади;

экспорт-импорт операцияларини амалга оширишда пахта хом ашёси давлат ресурси, дон ва ундан қайта ишланган маҳсулотлар давлат ресурси ва давлат захираси ҳажмлари ҳамда баланс тузилмасининг тўғри келишилганлигини, шунингдек, ҳажмлари ва тузилмаси бўйича таклифлар шакллантирилганлигини назорат қилади;

кредит ресурсларининг ҳудудлар, ойлар ва давлат хариди бўйича дон экинлари ва пахта хом ашёси ҳосилини етиштириш харажатларини молиялаштириш учун ажратиладиган харажат турларига кўра тақсимланиши ҳамининг бажарилишини назорат қилади;

г) дон экинлари, пахта ва бошқа қишлоқ хўжалиги экинлари уруғлари, шунингдек, улардан қайта ишланган маҳсулотлар давлат ресурсларининг

сифати, улардан оқилона ҳамда мақсадли фойдаланилиши, уларнинг сифатли сақланиши ҳамда нобудгарчилиги камайтирилиши таъминланиши соҳасида:

пахта тайёрлаш пунктлари, донни қабул қилиш ва қайта ишлаш корхоналари томонидан пахта хом ашёси, дон экинлари, уруғлар ва улардан қайта ишланган маҳсулотлар тегишли равишда жойлаштирилишини, қайта ишланишини ҳамда уларнинг сифатли сақланиши таъминланишини назорат қилади;

пахта хом ашёси, дон экинлари, уруғ, улардан қайта ишланган маҳсулотлар сифатини аниқлашнинг, товар ишлаб чиқарувчилар ва бошқа етказиб берувчилар билан ҳисоб-китобларнинг, давлат ресурсидаги, давлат захирасидаги пахта хом ашёси, уруғлар, дон экинлари, улардан қайта ишланган маҳсулотлар ҳисобини юритишнинг ишончилигини, зарарни ҳисобдан чиқаришнинг асосланганлигини назорат қилади;

давлат ресурсларидаги пахта хом ашёси, уруғлар, дон экинлари, улардан қайта ишланган маҳсулотлар сифати ёмонлашиши, нобуд бўлиши ҳолатлари ва сабабларини ўрганади, зарур ҳолларда уларни бартараф этиш бўйича кўрсатмалар беради, пахта хом ашёси, уруғлар, дон экинлари, улардан қайта ишланган маҳсулотлардан иборат давлат ресурсларини сақлаш ва улардан фойдаланиш билан боғлиқ ишларнинг ҳолати тўғрисида маҳаллий давлат ҳокимияти органларига ахборот беради;

дон ва ундан қайта ишланган маҳсулотларнинг сарфланган партиялари юзасидан тозалаш далолатномаларини кўриб чиқади ва тасдиқлайди;

пахта хом ашёси, дон экинлари, уруғлар ва улардан қайта ишланган маҳсулотларни қабул қилувчи, сақловчи ва қайта ишловчи корхоналарнинг техник ҳолатини назорат қилади;

нобудгарчиликнинг белгиланган нормаларининг тўғри ва асосли қўлланилиши, пахта тайёрлаш пунктлари, дон қабул қиладиган ва уни қайта ишлайдиган корхоналарда маҳсулотнинг чиқиш нормаларига ва сифатига риоя этилиши юзасидан назоратини амалга оширади;

Инспекцияга юклатилган вазифалар доирасида текшириш қоидаларини, сифат сертификатлари шаклларини белгиланган тартибда ишлаб чиқади ва тасдиқлайди;

дон экинлари, пахта хом ашёси, қишлоқ хўжалиги экинлари уруғлари ва улардан қайта ишланган маҳсулотлар сифати бўйича хўжалик юритувчи субъектлар ўртасида низоли масалалар келиб чиққан тақдирда, назорат синовларини ўтказиши ҳамда мамлакат ичида ва экспорт-импорт операцияларини амалга оширишида фойдаланиладиган жисмоний ва юридик шахслар учун мажбурий бўлган хулосалар беради.

д) қишлоқ хўжалиги экинлари навларининг генетик софлиги ва уруғлари сифати соҳасидаги давлат сиёсатининг ижро этилиши, аккредитация соҳасига мувофиқ уруғларни сертификатлаш, уруғ ҳамда кўчат материалларининг сифатини аниқлаш ҳамда назорат қилиш бўйича ишларнинг амалга оширилиши соҳасида:

қишлоқ хўжалиги экинлари навларининг генетик софлиги ва уруғлари

сифати соҳасидаги давлат сиёсатининг амалга оширилиши, қишлоқ хўжалиги экинлари навларини жойлаштириш, навларини районлаштириш ва навли уруғлар тайёрлаш режалари бажарилишини назорат қилади;

юқори сифатли элита уруғлар, биринчи ва кейинги репродукциялардан ҳосил қилинган уруғлар етиштирилишини, уруғларнинг давлат стандартига, мавжуд йўриқномалар ва қоидаларга риоя қилган ҳолда тежаб сарфланишини назорат қилади;

қишлоқ хўжалиги экинлари апробацияси тўғри ўтказилишини назорат қилади;

қишлоқ хўжалиги экинлари, шу жумладан, ғўза ва бошоқли дон экинлари уруғларини тайёрлаш, улардан фойдаланиш, уларни экспорт ва импорт қилишнинг замонавий тизимини шакллантириш устидан назоратни амалга оширади;

қишлоқ хўжалиги экинларининг маҳаллий ва хорижий селекция навлари, шу жумладан биотехнологик навларнинг бирламчи уруғчилиги ташкил этилишини ва ривожлантирилишини назорат қилади;

тармоқ корхоналари томонидан қишлоқ хўжалиги экинларининг экиладиган уруғларини тайёрлаш, қайта ишлаш васаклаш бўйича норматив талабларнинг халқаро стандартлар ва техник регламентларга мувофиқ ишлаб чиқирилишини назорат қилади;

ишлаб чиқаришда кимёвий препаратларнинг самарали қўлланилиши устидан назоратни амалга оширади;

уруғчилик бўйича халқаро ва миллий органлар билан ўзаро фаол ҳамкорлик қилиш, уруғларни экишдан олдин ишлов бериш ва қайта ишлашга оид инновацион технологияларни, ушбу соҳадаги ноу-хауларни жорий этиш устидан назоратни амалга оширади;

уруғчилик соҳасида илмий ва тажриба-экспериментал тадқиқотларни олиб боришга, тармоқ корхоналарининг илмий салоҳияти ва моддий-техника базасини мустаҳкамлашга кўмак берилишини назорат қилади;

аккредитация соҳасига мувофиқ уруғларни сертификатлаштириш ҳамда уруғ ва кўчат материалларининг сифатини аниқлаш ва назорат қилиш ишларини мувофиқлаштиради;

давлат стандартига жавоб бермайдиган ва сертификатлаштирилмаган уруғларнинг тарқатилишини тақиқлайди;

уруғ ишлаб чиқаришнинг, сифатини аниқлашнинг давлат стандартларини, янги методикалари ва йўриқномаларини ишлаб чиқишда қатнашади;

экинлар бўйича уруғлар архивининг таркибини, уруғлар архивини юриштишни назорат қилади;

е) қишлоқ хўжалиги ерларидан оқилона фойдаланиш ва уларни муҳофаза қилиш, Инспекция зиммасига юклатилган вазифалар доирасида қонунчилик талабларига сўзсиз риоя этилиши устидан назоратни амалга ошириш соҳасида:

фермер ва деҳқон хўжаликларига ер ажратиш бўйича қонун ҳужжатларида ҳамда меъёрий ҳужжатларда ўрнатилган тартиб бузилишининг олдини олишга доир комплекс чора-тадбирлар амалга оширилиши, бунда масъул



шахслар томонидан хизмат мавқеи суиистеъмол қилинишига, қариндош-уруғчилик ва ошна-оғайнигарчилик муносабатларидан фойдаланиш ҳолларига йўл қўйилмаслиги устидан назоратни амалга оширади;

ерлардан қатъий равишда мақсадли фойдаланиш, суғориладиган экин майдонлари муомаладан чиқарилишига йўл қўйилмаслиги, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш бўйича қабул қилинган шартнома мажбуриятларига риоя этилиши устидан назоратни амалга оширади;

давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг, юридик ва жисмоний шахсларнинг ердан фойдаланиш, тупроқ унумдорлиги сақланиши ва оширилишини таъминлаш борасидаги фаолияти устидан назоратни амалга оширади;

фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар билан ҳамкорликда ер ресурсларидан мақсадли ва самарали фойдаланилишини таъминлашга, ер муносабатларини тартибга солишга, ерлардан нооқилона фойдаланилишининг ўз вақтида олдини олишга қаратилган тизимли ишларни мунтазам ташкил этади ва бажаради, тарғибот ва тушунтириш ишларини олиб боради;

қишлоқ хўжалиги экинлари жойлаштирилишини ташкил этиш устидан назоратни амалга оширади;

ўзгаришларни ўз вақтида аниқлаш, салбий жараёнларнинг олдини олиш ва оқибатларини бартараф этиш мақсадида қишлоқ хўжалиги ер ресурсларининг ҳолати ва улардан фойдаланиш устидан назоратни амалга оширади;

ердан мақсадсиз фойдаланилиши, ерларни фойдаланишдан чиқаришга, уларнинг ҳосилдорлиги пасайишига, тупроқнинг бузилиши ёки йўқ бўлиб кетишига олиб келган бошқа ҳаракатларнинг содир этилиши, шунингдек, таназзулга юз тутган қишлоқ хўжалиги ерларини консервациялашнинг белгиланган тартиби бузилиши устидан назоратни амалга оширади;

ж) сунъий сув объектларида сувдан оқилона ва самарали фойдаланилиши ҳамда сувдан фойдаланиш қоидаларига риоя этилиши соҳасида:

сув ресурсларини бошқариш соҳасида ягона сиёсат амалга оширилиши, шунингдек, давлат органлари, хўжалик бошқаруви органлари ҳамда бошқа ташкилотларнинг сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш ва уларни муҳофаза қилиш соҳасидаги фаолияти мувофиқлаштирилиши, сувнинг зарарли таъсири олди олиниши ва бартараф этилиши устидан назоратни амалга оширади;

худудлар ва иқтисодиёт тармоқлари сув ресурслари билан доимий ҳамда оқилона таъминланишини, ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш ва барқарорлигини таъминлаш бўйича чоралар кўрилишини назорат қилади;

ирригация ва мелиорация тизимлари, сув омборлари, насос станциялари ҳамда бошқа сув хўжалиги ва гидротехника иншоотларининг ишончли фаолияти таъминланишини, сув хўжалигининг йирик ва ўта муҳим объектлари муҳофазаси ташкил этилишини назорат қилади;

сув ресурсларидан тежамли ва оқилона фойдаланиш учун сувдан фойдаланувчилар ҳамда сув истеъмолчилари жавобгарлигини ошириш, сувдан

фойдаланиш маданияти даражасини юксалтириш бўйича чора-тадбирлар кўрилишини назорат қилади;

оқова сувлардан (очик ва ёпик каналлар, коллектор-дренаж тизимлари), сув ҳавзаларидан (сув омборлари, сел сувлари тўпланадиган жойлар, кўллар ва бошқалар) ҳамда бошқа сунъий сув объектларидан олинадиган сувлардан фойдаланиш ва сув истеъмоли устидан назоратни амалга оширади;

сув ва сув объектларининг ҳолатига таъсир этувчи гидротехник ва бошқа ишларнинг бажарилиши устидан амалдаги қонун ҳужжатларига мувофиқ назоратни амалга оширади;

давлат сув кадастрини юритишга қўйилган талабга мувофиқ унинг юритилишини, сув хўжалиги иншоотлари ва иморатларидан фойдаланиш қоидаларига риоя этилишини назорат қилади;

сунъий сув ресурсларидан нооқилона фойдаланишнинг, ирригация объектлари ва гидротехник иншоотлардан хўжасизларча фойдаланишнинг олдини олиш бўйича чора-тадбирлар кўрилиши устидан назоратни амалга оширади;

ирригация объектлари ва гидротехник иншоотлари куриш ҳамда реконструкция қилишда белгиланган стандартларга риоя этилиши, шунингдек, ажратилган бюджет маблағлари мақсадли ва оқилона сарфланиши устидан назоратни амалга оширади;

з) идоровий бўйсунувидан ва мулкчилик шаклидан қатъи назар барча корхоналар, ташкилотлар ҳамда муассасаларда чорвачиликда наслчилик ишлари тўғрисидаги қонун ҳужжатларига ва бошқа норматив ҳужжатларга риоя этилиши соҳасида:

наслдор моллар етказиб берувчи корхоналар ва истеъмомчилар томонидан чорва молларининг сифат (насл) кўрсаткичлари тўғри аниқланганлигини назорат қилади;

наслчилик заводлари, наслчилик хўжаликлари ва наслчилик фермаларини давлат аттестациясидан ўтказиши;

наслдор моллардан оқилона фойдаланиш, ҳайвонлар ва улар уруғларини экспорт ва импорт қилиш устидан назорат қилади;

чорвачиликда наслчилик ишлари бўйича ҳисобга олишни назорат қилади;

чорвачиликда давлат, идоровий ва хусусий секторлардаги наслчилик хизмати мутахассислари фаолиятини назорат қилади ва мувофиқлаштиради;

қишлоқ хўжалиги ҳайвонларини зоти бўйича районлаштириш режаларининг бажарилишини текширади;

наслдор чорваларни, наслдор хўжаликларни ва подаларни давлат рўйхатидан ўтказиши, селекция жараёнида фойдаланадиган наслдор ресурсларнинг келиб чиқиши, маҳсулдорлиги, тури бўйича ва бошқа сифатлари бўйича баҳоланишининг ишончли рўйхатга олинишини таъминлаш устидан назоратни амалга оширади;

чорвачиликда наслчилик билан шуғулланувчи хўжаликларга ер майдонлари ажратилиши ва улардан самарали фойдаланилиши, корхоналар томонидан ишлаб чиқариладиган омукта ем, шелуха, шрот маҳсулотларининг сифат кўрсаткичлари устидан назоратни амалга оширади;

наслчилик маҳсулоти (материали) ишлаб чиқариш ва унинг технологик жараёнларини ташкил этиш мувофиқлаштирилиши устидан назоратни амалга оширади;

и) қишлоқ хўжалиги, мелиорация ва йўл-қурилиш техникаларининг техник ҳолати, уларни эксплуатация қилиш самарадорлиги, уларнинг сифати, сервис ва таъмирлаш хизматлари соҳасида:

мулкчилик шаклидан қатъи назар тракторлар, трактор тиркамалари, мелиорация ва йўл-қурилиш техникалари, ўзиюар машиналар ҳамда қишлоқ хўжалиги техникаси микдорининг ҳисобини юритади (Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги, Ички ишлар вазирлиги, Давлат хавфсизлик хизматининг техникалари бундан мустасно);

тракторлар, трактор тиркамалари, мелиорация ва йўл-қурилиш техникалари, ўзиюар машиналар, усқуналар ҳамда қишлоқ хўжалиги техникаларидан фойдаланиш, уларни таъмирлаш, уларга хизмат кўрсатиш ва уларни таъмирлаш хизматлари, сақлаш ва ҳисобдан чиқариш қоидаларига риоя этилишини назорат қилади;

тракторлар, трактор тиркамалари, мелиорация ва йўл-қурилиш техникалари, ўзиюар машиналар, шунингдек, қишлоқ хўжалиги техникаларини рўйхатдан ўтказди, давлат рақами белгилари ва техник паспортларни беради;

тракторчи-машинист гувоҳномасини ва огоҳлантириш талонларини бериш учун имтиҳонлар олади;

тракторлар, трактор тиркамалари, мелиорация ва йўл-қурилиш техникалари, ўзиюар машиналар, шунингдек, қишлоқ хўжалиги техникаларини йиллик техник кўрикдан ўтказди;

тракторлар, трактор тиркамалари, мелиорация ва йўл-қурилиш техникалари, ўзиюар машиналар ҳамда қишлоқ хўжалиги техникаларининг техник тайёрлигини ошириш, уларни эксплуатация қилиш ва таъмирлашни яхшилаш бўйича илғор тажриба татбиқ этилишини назорат қилади;

тракторлар, трактор тиркамалари, мелиорация ва йўл-қурилиш техникалари, ўзиюар машиналар ҳамда қишлоқ хўжалиги техникаларини эксплуатация қилишнинг кафолат муддати мобайнида аниқланган камчиликлар бартараф этилиши устидан назоратни амалга оширади;

пахта, ғалла ва бошқа қишлоқ хўжалиги экинларини етиштириш ва йиғиб олиш бўйича агротехник тадбирларни ўтказишда техника ва агрегатларнинг бутлиги ҳамда улардан тўғри фойдаланилиши устидан назоратни амалга оширади;

машина-трактор паркларини янгилаш бўйича давлат дастурлари ижро этилишини, эксплуатация қилинаётган қишлоқ хўжалиги, мелиорация ва йўл-қурилиш техникаларининг модернизация қилинишини ва янги намуналари ишлаб чиқилишини, шунингдек, қишлоқ хўжалиги экинлари етиштиришнинг ресурс тежовчи замонавий технологиялари ишлаб чиқилишини ва жорий этилишини назорат қилади;

қишлоқ хўжалиги, мелиорация ва йўл-қурилиш техникаларини, қишлоқ хўжалиги экинлари етиштиришнинг ресурс тежовчи замонавий технология-

ларини синовдан ўтказиш бўйича норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар талабларининг бажарилишини назорат қилади;

машинасозлик ва таъмирлаш корхоналарида қишлоқ хўжалиги, мелиорация ва йўл-қурилиш техникаларини, ускуналарни ва эҳтиёт қисмларни юклашдан олдин уларнинг сифат кўрсаткичлари текширилишини амалга оширади;

к) экспорт-импорт ва республика ичидаги ташишларда дон экинлари, пахта хом ашёси, қишлоқ хўжалиги экинлари уруғлари ва улардан қайта ишланган маҳсулотлар сифатини мажбурий давлат текширувидан ўтказиш соҳасида:

дон экинлари, пахта хом ашёси, қишлоқ хўжалиги экинлари уруғлари ва улардан қайта ишланган маҳсулотлар сифатининг давлат томонидан мажбурий текширилишини амалга оширади;

экспорт-импорт ва республика ичидаги ташишларда дон экинлари, пахта хом ашёси, қишлоқ хўжалиги экинлари уруғлари ва улардан қайта ишланган маҳсулотлар сифати сақланишини назорат қилади;

л) ҳуқуқбузарликларни аниқлаш, уларнинг келиб чиқиш сабаблари ва шарт-шароитларини бартараф этиш чораларини кўриш борасида комплекс чора-тадбирларни амалга ошириш, шунингдек, қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни юритиш соҳасида:

маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни юритади, Инспекция ваколатига тааллуқли ишларни кўриб чиқади ва маъмурий жазоларни қўллайди;

маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни юритиш амалиётини таҳлил қилади, уларнинг ҳисобини олиб боради ҳамда ушбу соҳада ягона амалиётни шакллантириш чораларини кўради;

Инспекция ваколатига тааллуқли ишлар бўйича терговга қадар текширув ўтказилади;

терговга қадар текширувлар ўтказиш, процессуал қарорлар қабул қилиш амалиётини ўрганиб боради, уларнинг ҳисобини юритади ва бу борада фаолият самарадорлигини ошириш чораларини кўради.

Инспекция қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа функцияларни ҳам амалга ошириши мумкин.

### **3-боб. Инспекциянинг ҳуқуқлари ва жавобгарлиги**

11. Инспекция ўз зиммасига юклатилган вазифаларни ва функцияларни бажариш учун қуйидаги ҳуқуқларга эга:

давлат органларидан ва бошқа органлардан, ташкилотлардан ҳамда уларнинг мансабдор шахсларидан зарур ҳужжатларни ва ахборотни олиш;

давлат органларига ва бошқа органларга, ташкилотларга ҳамда уларнинг мансабдор шахсларига, шунингдек, фуқароларга бажарилиши мажбурий бўлган кўрсатмалар бериш;

зиммасига юклатилган вазифалар доирасида тадбиркорлик субъектла-

ри — юридик шахслар фаолияти устидан текширувларни мувофиқлаштирувчи ваколатли орган билан қўшимча келишувсиз текширишларни амалга ошириш;

текширув далолатномаларини тузиш ва камчиликларни бартараф этиш юзасидан кўрсатмалар бериш;

қишлоқ хўжалиги ерларидан нооқилона фойдаланиш ва уларни қўриқлаш, сув ресурслари исрофгарчилиги, минерал ўғитларни, ёқилғи-мойлаш материалларини ўғирлаш, гидротехника, мелиорация иншоотларидан ва қишлоқ хўжалиги техникасидан фойдаланишда хўжасизлик ҳолатларини аниқлаш;

Инспекция ва унинг таркибий бўлинмалари раҳбарлари даражасида терговга қадар текширувни бошлашга, жиноят ишини қўзғатишга ёки иш қўзғатишни рад этишга ёхуд аризани, хабарни терговга тегишлилигига кўра ўтказиш;

Инспекция ваколатига кирувчи масалалар юзасидан судга ёки бошқа органга мурожаат этиш;

зарур ҳолларда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ходимларини ва уларнинг воситаларини ўз мажбуриятларини бажариш жараёнида жалб этиш бўйича чора кўриш;

маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишлар бўйича иш юритувини амалга ошириш, Инспекция ваколатига юклатилган ишларни кўриб чиқиш, маъмурий жазо чораларини қўллаш.

Инспекция қонунчиликка мувофиқ бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлиши мумкин.

12. Инспекция қуйидагилар учун жавобгардир:

агросаноат мажмуи, озиқ-овқат хавфсизлиги ва сувдан фойдаланиш ҳолати, мазкур соҳага оид қонун ҳужжатлари ва норматив ҳужжатлар талаблари ижроси устидан назоратни амалга ошириш;

пахта ва дон экинлари уруғлари буюртмаси, тайёрланиши, алоҳида қайта ишланиши ва сақланишига қўйилган талабларнинг бажарилиши устидан қатъий назоратни таъминлаш;

юклатилган бошқа вазифаларни самарали ижро этиш.

#### **4-боб. Инспекция фаолиятини ташкил этиш**

13. Инспекция Бош прокурорнинг тақдимномасига кўра Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан лавозимига тайинланадиган ҳамда лавозимидан озод этиладиган бошлиқ томонидан бошқарилади.

14. Инспекция бошлиғи:

Инспекция бошлиғининг тақдимномасига кўра Бош прокурор томонидан тайинланадиган тўрт нафар ўринбосарга, шу жумладан бир нафар биринчи ўринбосарга эга бўлади;

мақоми, меҳнатига ҳақ тўлаш, тиббий ва транспорт хизмати кўрсатиш шартлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг ўринбосарига тенглаштирилган;

ўз фаолиятида Бош прокурорга бўйсунди ва унга ҳисобот беради.

15. Зиммасига юклатилган вазифаларни бажариш учун Инспекция бошлиғи:

а) Инспекция фаолиятига умумий раҳбарликни амалга оширади;

б) Инспекция ходимларини белгиланган тартибда лавозимга тайинлайди ва лавозимдан озод этади;

в) Инспекциянинг ҳудудий бўлинмалари бошлиқларининг ҳисоботларини эшитади;

г) Бош прокурорга қўйидагиларни киритади (тақдим этади):

Инспекция ваколат доирасига кирадиган масалалар юзасидан норматив-ҳуқуқий ва бошқа ҳужжатларнинг лойиҳаларини;

Инспекция ва унинг ҳудудий бўлинмалари ташкилий-штат тузилмаларига ўзгартиришлар киритиш тўғрисидаги таклифларни;

ушбу Низом 17-бандининг иккинчи хатбошисида кўрсатилган шахсларни лавозимга тайинлаш ва лавозимдан озод этиш тўғрисидаги тақдимномаларни;

Инспекциянинг тегишли ходимларига даражали унвонлар бериш тўғрисидаги таклифларни;

Инспекция ходимларини рағбатлантириш ва уларни Ўзбекистон Республикаси давлат мукофотларига тавсия этиш тўғрисидаги таклифларни;

Инспекция фаолияти тўғрисидаги ҳисоботларни;

д) белгиланган тартибда Инспекциянинг ва унинг ҳудудий бўлинмаларининг штат жадвалини, Инспекция марказий аппаратининг бошқармалари ва бўлимлари тўғрисидаги низомларни тасдиқлайди, шунингдек, Жамғарма маблағлари ҳисобига фуқаролик-ҳуқуқий шартномалар асосида қўшимча жалб этиладиган мутахассислар ва бошқа шахслар миқдорини белгилайди;

е) ўз ваколатлари доирасида Инспекциянинг фаолиятини ташкил этиш масалаларига доир Инспекциянинг барча ходимлари томонидан бажарилиши мажбурий бўлган буйруқлар чиқаради, кўрсатма ва фармойишлар беради;

ж) ажратилган маблағлар доирасида Инспекция ходимларига устамалар, мукофотлар ва бошқа тақдирлаш пуллари тўлаш тартиби ва шартларини қонун ҳужжатларига мувофиқ белгилайди;

з) Инспекция зиммасига юклатилган вазифаларнинг ижроси учун шахсан жавоб беради;

и) Инспекциянинг тегишли ходимларига махсус тоифалар беради;

к) Инспекциянинг куч ва воситалари самарали тақсимланишини ташкил этади, шу жумладан, муайян функцияларни бажарадиган ходимларни Инспекцияга юклатилган бошқа ишларга жалб этади;

л) Инспекция фаолиятига тааллуқли масалалар бўйича тезкор йиғилишлар ўтказиши;

м) қонун ҳужжатларига ва ушбу Низомга мувофиқ бошқа ваколатларни амалга оширади.

16. Инспекция бошлиғи бўлмаган ҳолларда унинг ваколатларини Бош прокурорнинг буйруғига асосан унинг ўринбосарларидан бири амалга оширади.

17. Лавозимга тайинлаш ва лавозимдан озод этиш:

Инспекция марказий аппарати таркибий тузилмалари ва унинг ҳудудий бошқармалари бошлиқлари (бош инспекторларни истисно этган ҳолда) Инспекция бошлиғи тақдимномасига биноан Бош прокурор томонидан амалга оширилади;

Инспекция марказий аппарати таркибий бўлинмалари ва унинг ҳудудий бошқармалари бошлиқларининг ўринбосарлари Бош прокуратура билан келишилган ҳолда Инспекция бошлиғи томонидан амалга оширилади;

Инспекция марказий аппаратининг бошқа ходимлари, ҳудудий бошқармаларнинг таркибий бўлинмалари, туманлар (Қувасой шаҳар) бўлимлари бошлиқлари Инспекция бошлиғи томонидан амалга оширилади;

Инспекциянинг туманлар (Қувасой шаҳар) бўлимлари бошлиқларининг ўринбосарлари Инспекция бошлиғи билан келишилган ҳолда ҳудудий бошқармалар бошлиқлари томонидан амалга оширилади;

Инспекция ҳудудий бўлинмаларининг бошқа ходимлари Инспекциянинг ҳудудий бошқармалари бошлиқлари томонидан амалга оширилади.

18. Инспекциянинг марказий аппарати ва ҳудудий бошқармаларининг бошқарув ходимлари (молия-хўжалик тузилмалари бундан мустасно), туманлар (Қувасой шаҳар) бўлимлари бошлиқлари, уларнинг ўринбосарлари ўзининг мақоми бўйича прокуратура органлари ходимлари ҳисобланади. Ушбу ходимларга даражали унвонлар берилади ва улар Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан тасдиқланадиган Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Мажбурий ижро бюросида ва Агросаноат мажмуи ва озиқ-овқат хавфсизлиги таъминланиши устидан назорат қилиш инспекциясида хизматни ўташ тўғрисидаги низомга мувофиқ хизматни ўтайдилар.

19. Инспекциянинг даража унвонларига эга бўлган, шунингдек, махсус тоифалар бериладиган мансабларни эгаллаб турган ходимлари белгиланган тартибда тасдиқланадиган намунадаги тегишли хизмат кийими кийиб юрадилар ва алоҳида кўринишдаги белгиларни тақиб оладилар.

Хизмат кийими буюмлари билан таъминлаш меъёрлари Инспекция бошлиғи томонидан тасдиқланади.

Хизмат кийими билан таъминлаш Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан амалга оширилади.

### **5-боб. Яқунловчи қоидалар**

20. Инспекция кўрсатмалари, йўл-йўриқлари, тақдимномалари ва бошқа ҳужжатларини бажармаслик, шунингдек, Инспекция фаолиятига аралаштириш ҳамда юклатилган вазифалар ва функцияларнинг қонуний ижро этилишига тўсқинлик қилиш мақсадида Инспекция ходимларига ҳар қандай шаклда таъсир кўрсатиш тақиқланади ва қонунда белгиланган тартибда жавобгарликка сабаб бўлади.

21. Инспекцияни қайта ташкил этиш ёки тугатиш Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарори билан амалга оширилади.

Ўзбекистон Республикаси  
Президентининг 2018 йил 7 майдаги  
ПҚ-3699-сонли қарорига  
5-ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги  
Агросаноат мажмуи ва озиқ-овқат хавфсизлиги таъминланиши  
устидан назорат қилиш инспекциясини ривожлантириш  
жамғармаси тўғрисидаги  
НИЗОМ**

1. Агросаноат мажмуи ва озиқ-овқат хавфсизлиги таъминланиши устидан назорат қилиш инспекциясининг (кейинги ўринларда Инспекция деб юритилади) вазифаларини самарали амалга ошириш, ходимларни касбий жиҳатдан ривожлантириш ва моддий рағбатлантириш, шунингдек, Инспекциянинг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш ва модернизация қилиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Агросаноат мажмуи ва озиқ-овқат хавфсизлиги таъминланиши устидан назорат қилиш инспекциясини ривожлантириш жамғармаси (кейинги ўринларда Жамғарма деб юритилади) ташкил этилган.

2. Жамғарма қуйидагилардан шакллантирилади:

«Агросаноат мажмуида хизмат кўрсатиш маркази» давлат унитар корхонаси даромадларининг 20 фоизи;

қишлоқ хўжалиги, озиқ-овқат хавфсизлиги ва сув истеъмоли соҳасидаги қонун ҳужжатлари талаблари бузилганлиги учун Инспекциянинг ваколоти доирасида қўлланиладиган умумий жарима санкцияларининг 40 фоизи;

Инспекция ходимлари ундирадиган жарималар миқдорларининг 50 фоизи; тракторлар, трактор тиркамалари, мелиорация ва йўл-қурилиш техникалари, ўзиюрар машиналар, шунингдек, қишлоқ хўжалиги техникаларини техник кўрикдан ўтказиш, давлат рақам белгилари, техник паспортлар ва гувоҳномалар бериш учун ундириладиган йиғимлар миқдорининг 80 фоизи;

Жамғарманинг вақтинча бўш маблағларини жойлаштиришдан олинadиган даромадлар;

қонун ҳужжатлари билан тақиқланмаган бошқа даромадлар.

3. Жамғарма маблағларининг тушиши ва сарфланиши ҳисоби миллий валютада амалга оширилади.

4. Жамғарма маблағларидан қуйидагилар учун фойдаланилади:

Инспекциянинг вазифаларини самарали амалга ошириш;

Инспекция ходимларини моддий рағбатлантириш;

Инспекция ходимларини тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш;

ахборот технологияларини жорий этиш ва модернизация қилиш, Инспекциянинг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш;

қонунчиликда тақиқланмаган Инспекция фаолиятини ривожлантиришга йўналтирилган бошқа тадбирлар.



5. Инспекция бошлиғи томонидан тасдиқланган харажатлар сметасига кўра Жамғарма маблағларидан фойдаланиш Инспекция фаолияти билан боғлиқ аниқ тадбирларни ёки ривожлантириш дастурларини бевосита молиялаштириш асосида амалга оширилади. Тегишли дастурлар, уларни молиялаштириш лимитлари ва Жамғарманинг захирага қўйиладиган ҳар йилги қисми миқдори Жамғарма Кенгаши томонидан белгиланади.

Жамғарма Кенгашига Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори ўринбосари бошчилик қилади, у Кенгашнинг шахсий таркибини тасдиқлайди.

Жамғарма маблағларидан фойдаланиш бўйича қарорлар Жамғарма Кенгаши аъзоларининг кўпчилик овози билан қабул қилинади. Жамғарма Кенгаши томонидан белгиланган лимитлар доирасида дастурлар бўйича харажатлар сметаларини тасдиқлаш ва тузатиш, шунингдек, Жамғарманинг захира маблағларидан фойдаланиш Инспекция бошлиғи зиммасига юклатилади.

6. Жамғарма маблағларидан фойдаланиш тўғрисидаги ҳисобот ҳар йили Жамғарма Кенгашида кўриб чиқилади ҳамда Инспекция томонидан белгиланган тартибда Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ва Молия вазирлигига тақдим этилади.

7. Жамғарма маблағларини тўплаш ва сарфлаш операцияларига техник хизмат кўрсатиш бўйича амалий ишлар Инспекция марказий аппарати томонидан амалга оширилади. Бу мақсадларда мустақил ташкилотлар тузилмайди.

Ўзбекистон Республикаси  
Президентининг 2018 йил 7 майдаги  
ПҚ–3699-сон қарорига  
10-ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикаси Президентининг ва Ўзбекистон  
Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига  
қиритилаётган ўзгартириш ва қўшимчалар**

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2013 йил 12 сентябрдаги ПҚ–2036-сон «Ўзбекистон Республикаси прокуратураси органлари ва муассасаларида хизматни ўташ тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарорида:

а) илованинг 81<sup>1</sup>-банди иккинчи хатбошисидаги «бошқа давлат органлари ва ташкилотларига» сўзлари «бошқа ишга» сўзлари билан алмаштирилсин;

б) Низомга 1-илованинг 7-бандида:

ўн тўққизинчи хатбоши қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Шевроннинг юқори қисмида «O‘ZBEKISTON» ёзуви, пастки қисмида «PROKURATURA» ёзуви тикилган. Департамент, Бюро ва Инспекция ходимлари учун формали кийим бош шевронининг пастки қисмида тегишлича «PROKURATURA DEPARTAMENTI», «PROKURATURA BYUROSИ» ва «PROKURATURA INSPEKSIYASI» ёзуви тикилган»;

йигирма учинчи хатбоши қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Белги прокуратура органлари эмблемасидан (чап тарафда) — иккита ўткир тиғлари пастга йўналтирилган диагонал кесишган қиличлар устига туширилган қалқон, шунингдек, Департамент, Бюро ва Инспекция органлари ходимлари учун тегишлича «O‘ZBEKISTON PROKURATURASI», «O‘ZBEKISTON PROKURATURA DEPARTAMENTI», «O‘ZBEKISTON PROKURATURA BYUROSИ», «O‘ZBEKISTON PROKURATURA INSPEKSIYASI» ёзувларидан иборат».

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 30 майдаги ПҚ–3016-сон «Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Мажбурий ижро бюроси фаолиятини ташкил этиш тўғрисида»ги қарорига 5-иловада:

а) номланиши қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

**«Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги  
Мажбурий ижро бюросида ва Агросаноат мажмуи ва озиқ-  
овқат хавфсизлиги таъминланиши устидан назорат қилиш  
инспекциясида хизматни ўташ тўғрисидаги  
НИЗОМ»;**

1-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«1. Ушбу Низом Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Мажбурий ижро бюроси (кейинги ўринларда — Бюро) ва Агросаноат мажмуи ва озиқ-овқат хавфсизлиги таъминланиши устидан назорат қилиш инспекциясига (кейинги ўринларда — Инспекция) хизматга қабул қилиш ва хизматни ўташ, ходимларга даражали унвонлар бериш ва улардан маҳрум қилиш, рағбатлантириш ва интизомий жавобгарликка тортиш тартибини белгилайди»;

2-банд «Бюронинг» сўзидан кейин «ва Инспекциянинг» сўзлари билан тўлдирилсин;

3-банд «Бюрода», «Бюро директорининг» сўзларидан кейин «ва Инспекцияда» ва «ва Инспекция бошлиғининг» сўзлари билан тўлдирилсин;

4-банд «Бюрода» сўзидан кейин «ва Инспекцияда» сўзлари билан тўлдирилсин;

2-боб номланишидаги «Бюрога» сўзи чиқариб ташлансин;

6-банд «Бюрода», «иктисодиёт» сўзларидан кейин тегишлича «ва Инспекцияда», «қишлоқ ва сув хўжалиги» сўзлари билан тўлдирилсин;

7-банднинг биринчи ва иккинчи хатбошилари «Бюрога» сўзидан кейин «ва Инспекцияга» сўзлари билан тўлдирилсин;

8-банднинг биринчи хатбошиси «Бюро директори», «Бюронинг» сўзларидан кейин тегишлича «Инспекция бошлиғининг», «ва Инспекциянинг» сўзлари билан тўлдирилсин;

9-банднинг бешинчи ва олтинчи хатбошилари «Бюрога» сўзидан кейин «ва Инспекцияга» сўзлари билан тўлдирилсин;

10-бандда «Бюро» сўзидан кейин «ва Инспекция» сўзлари билан тўлдирилсин;

12-бандда:

биринчи хатбошидаги «Бюро директори» сўзлари «тегишлича Бюро директори ва Инспекция бошлиғи» сўзлари билан алмаштирилсин;

иккинчи хатбоши қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Бюро ва Инспекция фаолиятининг ички тизимини ташкил этиш тегишлича Бюро директори ва Инспекция бошлиғи томонидан тасдиқланадиган Бюро ва Инспекция Регламентлари ҳамда ҳудудий бошқармаларнинг Намунавий регламенти билан белгиланади»;

13-банднинг биринчи хатбошиси «Бюро» сўзидан кейин «ва Инспекция» сўзлари билан тўлдирилсин;

14-бандда:

биринчи хатбоши қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«14. Ходимлар хизматни ўташ даврида тегишлича Бюро директори ва Инспекция бошлиғи томонидан тасдиқланадиган Бюро, Инспекция ходимларининг касбий одобномасига риоя қилишлари шарт»;

иккинчи ва тўртинчи хатбошилар «Бюро», «Бюро директори» сўзларидан кейин тегишлича «ва Инспекция», «ва Инспекция бошлиғи» сўзлари билан тўлдирилсин;

16-бандда:

биринчи хатбоши «Бюро» сўзидан кейин «ва Инспекция» сўзлари билан тўлдирилсин;

учинчи хатбошидаги «Бош прокурор билан келишилган ҳолда Бюро директори» сўзлари «Бюро директори ва Инспекция бошлиғи» сўзлари билан алмаштирилсин;

17-бандда:

биринчи — учинчи хатбошилар қўйидаги мазмундаги биринчи — тўртинчи хатбошилар билан алмаштирилсин:

«17. Бюро ва Инспекция ходимларига Бюро директори, Инспекция бошлиғи томонидан белгиланган шаклда ва тартибда хизмат гувоҳномалари берилади.

Бюронинг давлат инспекторларига Бюро директори томонидан ўрнатилган шаклда ва тартибда жетонлар берилади.

Бюро директори ва Инспекция бошлиғига хизмат гувоҳномалари Ўзбекистон Республикаси Президенти имзоси қўйилган ҳолда берилади.

Бюро ва Инспекциянинг Бош прокурор томонидан лавозимга тайинланадиган ходимларига хизмат гувоҳномалари Бош прокуратура томонидан берилади»;

тўртинчи хатбоши бешинчи хатбоши деб ҳисоблансин;

18-бандда:

биринчи хатбоши «Бюро директори» сўзларидан кейин «ва Инспекция бошлиғи» сўзлари билан тўлдирилсин;

иккинчи хатбоши қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Лавозимига Бош прокурорнинг буйруқлари билан тайинланадиган хо-

димлар Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасининг (кейинги ўринларда Бош прокуратура деб юритилади) аттестация комиссияси томонидан, лавозимига Бюро директори, Инспекция бошлиғи, Бюро ва Инспекциянинг ҳудудий бошқармалари бошлиқларининг буйруқлари билан тайинланадиган ходимлар эса — тегишлича Бюро, Инспекция ва уларнинг ҳудудий бошқармаларининг аттестация комиссиялари томонидан аттестациядан ўтказилади»;

19-бандда:

биринчи — тўртинчи хатбошилар қўйидаги мазмундаги биринчи — учинчи хатбошилар билан алмаштирилсин:

«19. Даражали унвонга эга бўлган ходимлар хизмат вазифаларини бажариш даврида прокуратура органлари ходимлари учун тасдиқланган намунадаги алоҳида белгили хизмат кийими кийиб юрадilar.

Даражали унвонга эга бўлган ходимлар бепул хизмат кийими билан таъминланади.

Ходимларнинг хизмат кийимини кийиб юриш тартиби тегишлича Бюро директори ва Инспекция бошлиғи томонидан белгиланади»;

бешинчи ва олтинчи хатбошилар тегишлича тўртинчи ва бешинчи хатбошилар деб ҳисоблансин;

22-бандда:

биринчи — еттинчи хатбошлари қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«22. Ходимларга эгаллаб турган лавозимига мутаносиб равишда қўйидаги даражали унвонлар берилади:

2-даражали Давлат адлия маслаҳатчиси — Бюро директори, Инспекция бошлиғи;

3-даражали Давлат адлия маслаҳатчиси — Бюро директори, Инспекция бошлиғи ўринбосарлари;

адлия катта маслаҳатчиси — Бюро ва Инспекциянинг марказий аппарати бошқарма ва бўлим бошлиқлари, Бюронинг Ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш маркази директори (кейинги ўринларда — Марказ), Бюро ва Инспекциянинг ҳудудий бошқарма бошлиқлари;

адлия маслаҳатчиси — Бюро директори ва Инспекция бошлиғи ёрдамчилари, бошқарма ва бўлим бошлиқлари ўринбосарлари, Бюронинг марказий аппарати бош суриштирувчиси, бош ревизори, бош инспекторлари, Марказ директори ўринбосари, бўлим бошлиқлари, Инспекциянинг марказий аппарати бошқарма бошлиқлари ўринбосарлари, Бюро ва Инспекциянинг ҳудудий бошқарма бошлиқлари ўринбосарлари, Бюро ҳудудий бошқармаларининг бўлим бошлиқлари, жамоатчилик билан алоқалар ва ҳуқуқий ахборот бўйича катта инспекторлари, ички хавфсизликни таъминлаш бўйича катта инспекторлари, Инспекция ҳудудий бошқармаларининг бўлим бошлиқлари, бош инспекторлари, Бюро туман (шаҳар) бўлим бошлиқлари — катта давлат ижрочилари, Инспекциянинг туманлар (Қувасой шаҳар) бўлимлари бошлиқлари;

адлия кичик маслаҳатчиси — Бюро марказий аппарати катта суриштирувчилари, катта инспекторлари, катта криминалисти ва криминалисти,

Марказ дастурчилари, маъмурлари, муҳандислари, шўъба мудирлари, веб-дизайнери, ахборот хавфсизлиги бўйича мутахассиси, ахборот технологиялари мутахассиси, Бюро худудий бошқармаларининг катта суриштирувчилари, суриштирувчилари, катта инспекторлари, инспекторлари, бош ревизорлари, катта ревизорлари, ахборот технологиялари мутахассислари, туман (шаҳар) бўлим бошлиқлари ўринбосарлари, Инспекция марказий аппаратининг бош инспекторлари, катта инспекторлари, Инспекция худудий бошқармаларининг катта инспекторлари, инспекторлари, туманлар (Қувасой шаҳар) бўлимлари бошлиқ ўринбосарлари;

1 ва 2-даражали юрист — Бюро туман (шаҳар) бўлимлари давлат ижрочилари, суриштирувчилари, шунингдек, катта инспекторлари, инспекторлари, тезкор шўъбалар криминалислари, қидирув бўйича катта инспекторлари, инспекторлари, Инспекциянинг туманлар (Қувасой шаҳар) бўлимлари бош инспекторлари, катта инспекторлари, инспекторлари»;

24-банднинг иккинчи ва учинчи хатбошиларидаги «Бюро директорининг» ва «Бюрога» сўзлари тегишлича «тегишлича Бюро директорининг ва Инспекция бошлигининг» ва «Бюро ва Инспекцияга» сўзлари билан алмаштирилсин;

26-банднинг биринчи хатбошиси «Бюрога» ва «Бюрода» сўзларидан кейин тегишлича «Инспекцияга», «Инспекцияда» сўзлари билан тўлдирилсин;

28-банд «Бюродан» сўзидан кейин «Инспекциядан» сўзлари билан тўлдирилсин;

34-бандда:

иккинчи хатбоши «Бюро директори» сўзларидан кейин «Инспекция бошлиғи, Бюро ва Инспекциянинг» сўзлари билан тўлдирилсин;

учинчи хатбоши «Бюро директори» сўзларидан кейин «ва Инспекция бошлиғи» сўзлари билан тўлдирилсин;

35-банднинг биринчи хатбошиси қўйидаги тахрирда баён этилсин:

«35. Рағбатлантириш ҳақида буйруқ чиқарилиб, ходим ишлаётган Бюро, Инспекция тузилмаси ходимларига эълон қилинади, зарур ҳолларда эса барча ходимлар эътиборига етказилади»;

35<sup>1</sup>-банд «Бюро директори» сўзларидан кейин «Инспекция бошлиғи» сўзлари билан тўлдирилсин;

36-банд «Бюро» сўзидан кейин «ва Инспекция» сўзлари билан тўлдирилсин;

38-банд иккинчи хатбошисининг биринчи жумласи қўйидаги тахрирда баён этилсин:

«Бюро директори, Инспекция бошлиғи, Бюро ва Инспекциянинг худудий бошқармалари бошлиқлари бўйсунувидаги ходимларга нисбатан ҳайфсан ва жарима шаклидаги интизомий жазоларни қўллашлари мумкин»;

39-банднинг олтинчи хатбошисидаги «Бюронинг тегишли тузилмаси», «Бюронинг барча ходимларга» сўзлари тегишлича «тегишли тузилма», «Бюронинг, Инспекциянинг барча ходимларига» сўзлари билан алмаштирилсин;

40-банд «ваколати доирасида Бюро директори», «ёки Бюро директори» сўзларидан кейин «Инспекция бошлиғи» сўзлари билан тўлдирилсин;

41-банднинг иккинчи хатбошиси «Бюро директори» сўзларидан кейин «Инспекция бошлиғи» сўзлари билан тўлдирилсин;

43-банд «Бюро директори» сўзларидан кейин «Инспекция бошлиғи» сўзлари билан тўлдирилсин;

44-банднинг биринчи хатбошиси «Бюро директорига» сўзларидан кейин «Инспекция бошлиғига» сўзлари билан тўлдирилсин;

44<sup>1</sup>-банд «Бюро директори» сўзларидан кейин «Инспекция бошлиғи» сўзлари билан тўлдирилсин;

45-банднинг учинчи-тўртинчи хатбошиларидаги «Бюрода», «Бюро директори» сўзларидан кейин тегишлича «Инспекцияда», «Инспекция бошлиғи» сўзлари билан тўлдирилсин;

6-боб номидан «Бюронинг» сўзи чиқариб ташлансин;

46-банднинг биринчи ва иккинчи хатбошилари «Бюрода», «Бюрога» сўзларидан кейин тегишлича «ва Инспекцияда», «Инспекцияга» сўзлари билан тўлдирилсин;

47-банднинг иккинчи, учинчи ва еттинчи хатбошилари «Бюрога», «иқтисодий», «Бюро» сўзларидан кейин тегишлича «Инспекцияга», «кишлоқ хўжалиги, техникавий», «ва Инспекция» сўзлари билан тўлдирилсин;

48-бандда:

биринчи ва иккинчи хатбошилар «Бюро», «Бюро директори ўринбосарлари» сўзларидан кейин тегишлича «ва Инспекция», «Инспекция бошлиғининг ўринбосарлари, Бюро ва Инспекция» сўзлари билан тўлдирилсин;

иккинчи хатбошидаги «Бюронинг марказий аппарати» сўзлари «Бюронинг, Инспекциянинг марказий аппаратлари» сўзлари билан алмаштирилсин;

49-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«49. Кадрлар захирасига номзодлар Бюро директори, Инспекция бошлиғи, уларнинг ўринбосарлари, Бюро, Инспекция марказий аппаратлари таркибий тармоқлари раҳбарлари ва ҳудудий бошқармалар бошлиқлари, шунингдек, прокуратура органлари, Бюро ва Инспекция аттестация комиссиялари томонидан тақдим этилади.

Масъулиятли, малакали ва тажрибали ходимларнинг хизмат поғонасида юқорилаб боришини таъминлаш мақсадида Бюронинг, Инспекциянинг кадрлар бошқармалари томонидан ички хавфсизликни таъминлаш бошқармалари ва Бюронинг, Инспекциянинг бошқа тузилмалари билан биргаликда кадрлар захирасига номзодларни холисона танлаш, уларни ўрганиш ҳамда касбга тизимли равишда тайёрлаш амалга оширилади»;

50-банднинг иккинчи хатбошиси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Бюро, Инспекция ва уларнинг ҳудудий бошқармаларининг раҳбар лавозимларига кадрлар захираси тегишлича Бюро, Инспекция ва уларнинг ҳудудий бошқармаларининг ҳайъатларида тасдиқланади»;

53-банднинг биринчи хатбошиси «махсус воситалар билан» сўзларидан кейин «Инспекция ходимлари хизмат автотранспорти ва махсус воситалар билан» сўзлари билан тўлдирилсин;

55-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«55. Бюро ва Инспекция ходимларини моддий рағбатлантириш бюджетдан ажратиладиган маблағлар, тегишлича Мажбурий ижро бюросини ривожлантириш жамғармаси ҳамда Агросаноат мажмуи ва озиқ-овқат хавфсизлиги таъминланиши устидан назорат қилиш инспекциясини ривожлантириш Жамғармаси маблағлари, шунингдек, қонун ҳужжатлари билан тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобидан Бош прокурор томонидан белгиланган тартибда амалга оширилади»;

8-боб номидан «Бюрода» сўзи чиқариб ташлансин;

63-бандда:

биринчи — олтинчи хатбошилар қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«63. Бюро ва Инспекцияда хизматни ўташ ходим ишдан бўшатиладиган тугатилади.

Хизматни ўташ:

Бош прокурор, Бюро директори, Инспекция бошлиғи, Бюро ва Инспекция ҳудудий бошқармалари бошлиқларининг ташаббуси билан;

ходимнинг ташаббуси билан;

тарафларнинг ихтиёрига боғлиқ бўлмаган ҳолларда тугатилади.

Бош прокурор, Бюро директори, Инспекция бошлиғи, Бюро ва Инспекциянинг ҳудудий бошқармалари бошлиқларининг ташаббуси билан хизмат ўташни тугатиш учун қуйидагилар асос бўлади»;

ўн иккинчи хатбоши «Бюрода» сўзидан кейин «ва Инспекцияда» сўзлари билан тўлдирилсин;

64-банднинг иккинчи хатбошиси «Бюро директорининг», «Бюрода» сўзларидан кейин тегишлича «ёхуд Инспекция бошлиғининг», «ва Инспекцияда» сўзлари билан тўлдирилсин;

66-банд «Бюро директори» сўзларидан кейин «Инспекция бошлиғи» сўзлари билан тўлдирилсин;

67-бандда:

иккинчи хатбошидаги «бошқа давлат органлари ва ташкилотларига» сўзлари «бошқа ишга» сўзлари билан алмаштирилсин;

учинчи хатбоши «Бюродаги» сўзидан кейин «ва Инспекциядаги» сўзлари билан тўлдирилсин;

68-банднинг биринчи, учинчи ва тўртинчи хатбошилари «Бюро» сўзидан кейин «ва Инспекция» сўзлари билан тўлдирилсин;

қуйидаги мазмундаги 69<sup>1</sup>-банд билан тўлдирилсин:

«69<sup>1</sup>. Ушбу Низомнинг 67 — 69-бандларининг амал қилиши ходимларга улар прокуратура органларининг амалдаги кадрлар захирасига киритилган пайтдан бошлаб татбиқ этилади»;

70-71-бандлар «Бюрода», «Бюро» сўзларидан кейин тегишлича «ва Инспекцияда», «ва Инспекция» сўзлари билан тўлдирилсин;

72-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«72. Бюро, Инспекция ходимларининг меҳнат низолари Бош прокурор ва Бюро директори, Инспекция бошлиғи томонидан кўриб чиқилади»;

б) Низомга илова қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Ўзбекистон Республикаси  
Бош прокуратураси ҳузуридаги Мажбурий  
ижро бюросида ва Агросаноат мажмуи ва  
озиқ-овқат хавфсизлиги таъминланиши  
устидан назорат қилиш инспекциясида  
хизматни ўташ тўғрисидаги низомга  
ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги  
Мажбурий ижро бюросининг ва Агросаноат мажмуи ва  
озиқ-овқат хавфсизлиги таъминланиши устидан назорат  
қилиш Инспекциясининг даражали унвонларга эга бўлган  
ходимлари мансаб маошларига алоҳида меҳнат  
шароитлари учун ҳар ойлик устамалар  
МИҚДОРЛАРИ**

| Бўлимларнинг номланиши   | Мансаб маошига<br>устамаларнинг миқдори<br>(фоизларда) |
|--|--|
| Марказий аппарат   | 50   |
| Тошкент шаҳри, Қорақалпоғистон Республикаси<br>ва вилоятларнинг бошқармалари | 50   |
| Туман (шаҳар) бўлимлари  | 50   |

Изоҳ: алоҳида меҳнат шароитлари учун ҳар ойлик устама қонун ҳужжатларида белгиланган рағбатлантирувчи қўшимча ҳақ ва устамаларни ҳисоблашда ходимларнинг мансаб маоши таркибига киритилади».

3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 15 июндаги ПҚ–3060-сон «Мажбурий ижро бюросини ривожлантириш жамғармаси фаолиятини ташкил этиш тўғрисида»ги қарорида:

а) қуйидаги мазмундаги 3<sup>1</sup> ва 3<sup>2</sup>-бандлар билан тўлдирилсин:

«3<sup>1</sup>. Қуйидагиларнинг:

а) Ўзбекистон Республикаси Марказий банки, Бош прокуратураси, Молия вазирлиги ва «Асака» акциядорлик-тижорат банкининг прокуратура органлари ходимларига ўзларининг хизмат вазифаларини оператив ва ўз вақтида бажаришида уларни қўллаб-қувватлаш мақсадида мамлакатимизда ишлаб чиқарилган енгил автотранспорт воситалари (кейинги ўринларда — автотранспорт воситалари) сотиб олиш учун кредитлар бериш тўғрисидаги таклифи;

б) «Асака» акциядорлик-тижорат банкининг Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси томонидан тақдим этилган рўйхат бўйича прокуратура органлари ходимларига автотранспорт воситалари сотиб олиш учун қуйидаги шартлар билан кредитлар бериш тўғрисидаги таклифи маъқуллансин:

кредитни бериш муддати — 10 йил;



дастлабки бадал суммаси — сотиб олинаётган автотранспорт воситаси қийматининг 25 фоизи;

фоизли ставка миқдори — Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг кредит бериш санасидаги амалда бўлган қайта молиялаштириш ставкаси миқдорида;

кредит бўйича таъминлаш — автотранспорт воситаси чиққунгача ва у кафолат бўйича расмийлаштирилгунгача, кредитни қайтариш юзасидан мажбуриятларни қисқа муддатли суғурталашни ҳисобга олган ҳолда кредит бўйича сотиб олинаётган автотранспорт воситаси кафолати;

фоизларни ҳисоблаб ёзиш, асосий қарзни ва кредит бўйича асосий қарзни ва ҳисоблаб ёзилган фоизларни тўлаш, ҳисоблаб ёзилган фоизларни ва асосий қарзни тўлаш бўйича олти ойлик имтиёзли даврни ҳисобга олган ҳолда, банк ҳисоб-китоб методи бўйича амалга оширилади.

3<sup>2</sup>. «Ўзавтосаноат» АЖ Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси томонидан тақдим этиладиган прокуратура органлари ходимлари рўйхати асосида улар томонидан «Асака» акциядорлик-тижорат банки кредитлари ҳисобига автотранспорт воситалари сотиб олиш учун автотранспорт воситалари ажратилишини таъминласин»;

б) 1-илова қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Ўзбекистон Республикаси  
Президентининг 2017 йил 15 июндаги  
ПҚ–3060-сон қарорига  
1-ИЛОВА



Бошқарув ходимларининг умумий штатлар сони — 11 та»;

в) 2-иловада:

4-бандда:

иккинчи хатбоши қуйидаги мазмундаги жумла билан тўлдирилсин:  
«Мазкур тартиб Ўзбекистон Республикаси Президенти қарорларига мувофиқ ажратиладиган, шу жумладан Ўзбекистон Республикаси Сув хўжалиги вазирлигининг сув хўжалиги ташкилотлари томонидан истеъмол қилинадиган электр энергияси ҳақини тўлашдан келиб тушадиган мақсадли маблағларга татбиқ этилмайди»;

қуйидаги мазмундаги еттинчи хатбоши билан тўлдирилсин:

«Бюро, шунингдек, прокуратура органларининг Жамғарма маблағлари ҳисобидан харид қилинган асосий воситаларини сотишдан олинган маблағларнинг 50 фоизи, қолган 50 фоизи давлат бюджетига ўтказилади. Бюро ва прокуратура органлари томонидан асосий воситалар оммавий савдоларда сотилган тақдирда, маблағларни тақсимлаш уларни баҳолаш ва сотиш харажатлари чиқариб ташлангандан кейин амалга оширилади»;

еттинчи хатбоши саккизинчи хатбоши деб ҳисоблансин;

7-бандда:

иккинчи хатбоши «Бюро» сўзидан кейин «прокуратура органлари ва Жамғарма дирекцияси» сўзлари билан тўлдирилсин;

еттинчи, ўнинчи, ўн иккинчи ва ўн бешинчи хатбошилар «Бюро» сўзидан кейин «ва Жамғарма дирекцияси» сўзлари билан тўлдирилсин;

қуйидаги мазмундаги саккизинчи хатбоши билан тўлдирилсин;

«прокуратура органлари ходимларига уй-жой ва автотранспорт воситаларини сотиб олиш бўйича кредитларнинг дастлабки бадалини киритиш учун қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда фоизсиз қарз бериш»;

саккизинчи — ўн бешинчи хатбошилар тегишлича тўққизинчи — ўн олтинчи хатбошилар деб ҳисоблансин;

8-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«8. Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати қарорларига мувофиқ Жамғарма маблағлари республикани ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш билан боғлиқ бошқа мақсадларга, шунингдек, бошқа прокуратура органлари, шу жумладан прокуратура органлари кадрлар захирасига киритилган ва ҳисобда турган ходимларнинг лавозим маошига ҳар ойлик устама ҳақи тўлашга ва Жамғарма Кузатув кенгаши қарорига асосан уларнинг моддий-техника базасини мустаҳкамлашга йўналтирилиши мумкин»;

9-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«9. Жамғарманинг даромадлари ва харажатлари прогнози тушумлар ва келгуси йилдаги харажатлар йўналишлари бўйича Бюро ва прокуратура органлари томонидан ҳисобот йилининг 1 ноябрь ҳолатига тақдим этиладиган маълумотлар асосида Жамғарма Дирекцияси томонидан ишлаб чиқилади. Бунда режалаштирилаётган йил бошидаги қолдиқ маблағлар ва, қоида тариқасида, сўнги 2 йилдаги тушумларнинг динамикаси инобатга олинади»;

10-банд «Бюро директори» сўзлари «Бюро ва прокуратура органлари раҳбарлари» сўзлари билан алмаштирилсин;

12-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«12. Харажатларни молиялаштириш Бюро ва прокуратура органлари

томонидан Жамғарма Дирекциясига тақдим этиладиган талабномалар, тўловлар жадвалига мувофиқ амалга оширилади»;

13-банд қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«13. Жамғарма, Бюро ва прокуратура органлари маблағларини сарфлаш Жамғарма даромадлари ва харажатларининг тасдиқланган сметасига мувофиқ унинг ғазна ҳисоб рақамларидан амалга оширилади, хато ва ортиқча ўтказилганлиги учун қайтарилаётган маблағлар бундан мустасно»;

14-банд қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«14. Жамғармадан ажратилган маблағлардан фойдаланиш тўғрисидаги маълумот Бюро ва прокуратура органлари томонидан Жамғарма Дирекциясига ҳар чорак якунига кўра, ҳисобот ойдан кейинги ойнинг 10 санасидан кечиктирмасдан тақдим этилади»;

қўйидаги мазмундаги 17<sup>1</sup>-банд билан тўлдирилсин:

«17<sup>1</sup>. Республика истеъмолчиларига электр энергияси ва табиий газни сотишдан, шунингдек, сув таъминоти ва сув чиқариш хизмати кўрсатишдан тушган маблағлар бўйича Жамғарманинг шахсий ғазна ҳисобварағига ортиқча (хато) ўтказилган маблағлар республика истеъмолчиларига электр энергияси ва табиий газни сотишдан, шунингдек, сув таъминоти ва сув чиқариш хизмати кўрсатишдан келгусида тушадиган маблағлар ҳисобидан қайта ҳисоб-китоб қилинади.

Чет эл валютасида тўланган тўловлар бўйича ортиқча (хато) ўтказилган маблағларни қайтариш Бюронинг асослантирувчи ҳужжатлар билан Жамғармага тақдим этиладиган хулосасига кўра Бюронинг валюта ҳисоб рақамларига ўтказиб бериш орқали амалга оширилади»;

21-банд қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«21. Жамғарма Кузатув кенгашининг қарори унинг мажлисларида аъзоларининг камида 2/3 қисми иштирок этганда, оддий кўпчилик овоз билан қабул қилинади ва Кузатув кенгаши раиси томонидан имзоланади.

Зарур ҳолларда юзага келган масалаларни тезкор ҳал этиш мақсадида, кенгаш аъзоларининг камида 2/3 қисмининг резолюцияси бўлганда, уларнинг розиликлари ва имзоларини йиғиш орқали Кузатув кенгаши қарорлари қабул қилиниши мумкин.

Овозлар тенг бўлганда, Жамғарма Кузатув кенгаши раисининг овози ҳал қилувчи ҳисобланади»;

24-бандда:

учинчи хатбоши «суммаси бўйича» сўзларидан кейин «Бюро, тижорат банклари ва» сўзлари билан тўлдирилсин;

тўртинчи хатбоши қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Жамғармадан ажратилган маблағларнинг мақсадли фойдаланилишини мониторинг қилиш, зарур ҳолларда тегишли ҳужжатларни сўраб олиш»;

еттинчи хатбоши қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Жамғарма Кузатув кенгаши розилиги билан бўш маблағларни миллий ва чет эл валютасида Ўзбекистон Республикасининг тижорат банклари депозитларига жойлаштириш, шунингдек, чет эл валютасидаги пул маблағлари бўйича айирбошлаш ва бошқа операцияларни амалга ошириш. Бунда

Жамғарманинг вақтинча бўш маблағларини тижорат банкларида жойлаштиришдан фоизлар тарзида олинадиган даромадларига солиқ солинмайди»;

саккизинчи хатбоши «газ таъминоти» сўзларидан кейин «сув таъминоти ва сув чиқариш» сўзлари билан тўлдирилсин;

28-банд қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«28. Жамғарма Дирекцияси ҳар ҳисобот чорагидан кейинги ойнинг 10 санасидан кечиктирмасдан Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорига, Бюрога даромадлари ва харажатлари бўйича маълумотлар, шунингдек, Жамғарма Кузатув кенгашига йиллик ҳисобот тақдим этади. Дирекция ҳар чоракда Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигига Жамғарма маблағларидан фойдаланилиши тўғрисида қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ҳисобот тақдим этади»;

29-бандда:

иккинчи хатбошидан «(техник ва хизмат кўрсатувчи ходимлар бундан мустасно)» сўзлари чиқариб ташлансин;

қуйидаги мазмундаги учинчи ва тўртинчи хатбошилар билан тўлдирилсин:

«Жамғарма бошқарув ходимларининг лавозим маошини аниқлашда тариф коэффициентлари икки барабар миқдорда қўлланилади.

Жамғарма бошқарув ходимларига Бюронинг даражали унвонларга эга бўлган ходимларига белгиланган моддий-ижтимоий таъминот ва имтиёзлар берилади»;

г) 5-илова қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«Ўзбекистон Республикаси  
Президентининг 2017 йил 15 июндаги  
ПҚ–3060-сон қарорига  
5-ИЛОВА

**Мажбурий ижро бюросини ривожлантириш жамғармаси  
Дирекцияси ходимларининг ягона тариф сеткаси бўйича  
меҳнатига ҳақ тўлаш  
РАЗРЯДЛАРИ**

| Лавозимлар номи   | Разрядлар |
|---|-----------|
| Ижро этувчи директор                                      | 18        |
| Директор ўринбосари — мониторинг ва таҳлил бўлими бошлиғи | 17        |
| Бош бухгалтер   | 17        |
| Катта бухгалтер   | 14        |
| Иқтисодчи-тафтишчи  | 14        |
| Бухгалтер   | 12        |
| Юрисконсулт   | 14        |

».

4. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2001 йил 6 июлдаги 291-сон «Иқтисодий ва солиқ соҳасидаги жиноятларга қарши курашишни кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига 64<sup>1</sup>-банди иккинчи хатбошисидаги «бошқа давлат органлари ва ташкилотларига» сўзлари «бошқа ишга» сўзлари билан алмаштирилсин.

5. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 22 июндаги 408-сон «Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Мажбурий ижро бюроси ходимларининг намунавий формали кийимини ва фарқловчи белгиларини ҳамда махсус автотранспортларни бўялиши рангтасвир чизмалари намуналарини тасдиқлаш тўғрисида»ги қарориди:

- а) номланишидан «ходимларининг намунавий формали кийимини ва фарқловчи белгиларини ҳамда» сўзлари чиқариб ташлансин;
- б) 1-банднинг иккинчи ва учинчи хатбошилари чиқариб ташлансин;
- в) 1 ва 2-иловалар ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

Ўзбекистон Республикаси  
Президентининг 2018 йил 7 майдаги  
ПҚ–3699-сон қарорига  
11-ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикаси Президенти ва  
Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг ўз кучини  
йўқотадиган айрим қарорлари  
РЎЙХАТИ**

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 8 августдаги ПҚ–3179-сон «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат дон инспекцияси фаолиятини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори.

2. Вазирлар Маҳкамасининг 1995 йил 12 июлдаги 268-сон «Чорвачиликда наслчилик ишларини яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорининг 5 ва 6-бандлари.

3. Вазирлар Маҳкамасининг 1995 йил 10 октябрдаги 393-сон «Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигининг Чорвачиликда наслчилик ишлари давлат Бош инспекцияси тўғрисида низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарори.

4. Вазирлар Маҳкамасининг 1996 йил 4 ноябрдаги 377-сон «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузурида Давлат дон инспекциясини ташкил қилиш тўғрисида»ги қарори.

5. Вазирлар Маҳкамасининг 1997 йил 18 декабрдаги 553-сон «Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги Қишлоқ хўжалиги экинлари уруғларини сертификациялаш ва сифатини назорат қилиш давлат маркази тўғрисидаги низомни ҳамда Ўзбекистон Республикаси ҳудуди-

да экишга тавсия қилинган қишлоқ хўжалиги экинларининг давлат реестри тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарори.

6. Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 20 мартдаги 122-сон «Сифат» Ўзбекистон пахта толасини сертификатлаш марказини ташкил этиш тўғрисида»ги қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 1998 й., 3-сон, 11-модда).

7. Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 7 майдаги 220-сон «Сифат» Ўзбекистон пахта толасини сертификатлаш маркази фаолиятини такомиллаштириш тўғрисида»ги қарори.

8. Вазирлар Маҳкамасининг 2005 йил 31 мартдаги 93-сон «Пахта чигити ресурсларидан фойдаланиш устидан назоратни кучайтириш ва улардан фойдаланиш самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорининг (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2005 й., 6-сон, 46-модда) 1, 2, 4, 5 ва 11-бандлари ҳамда 1 — 3-иловалари.

9. Вазирлар Маҳкамасининг 2005 йил 10 майдаги 117-сон «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги «Сифат» Ўзбекистон пахта толасини сертификатлаш маркази тўғрисидаги Низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2005 й., 5-сон, 24-модда).

10. Вазирлар Маҳкамасининг 2010 йил 5 июндаги 108-сон «Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг вазирликлар, давлат қўмиталари ва идоралар тўғрисидаги низомларни тасдиқлаш бўйича айрим қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2010 й., 6-сон, 27-модда) иловасининг 56-банди.

11. Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 6 декабрдаги 345-сон «Қишлоқ хўжалиги ва мелиоратив техникани, асбоб-ускуналарни ҳисобга олиш ва уларнинг техник ҳолатини назорат қилиш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2012 й., 12-сон, 83-модда).

12. Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил 6 февралдаги 29-сон «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги «Сифат» Ўзбекистон пахта толасини сертификатлаш маркази ҳайъати аъзоларини тасдиқлаш тўғрисида»ги қарори.

13. Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 11 августдаги 612-сон «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат дон инспекцияси тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарори.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ  
ҚАРОРИ**391 Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институтида олий маълумотли кадрлар тайёрлаш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида\***

Қишлоқ ва сув хўжалиги соҳасида муҳандис-техник кадрлар тайёрлаш бўйича олий ва ўрта махсус, касб-хунар таълим муассасаларини Мувофиқлаштирувчи кенгаши ҳамда Қишлоқ хўжалиги йўналишидаги олий таълим муассасаларини қўллаб-қувватлаш жамғармаси ташкил этилиши таълим жараёнини замонавий талаблар асосида такомиллаштириш, моддий-техника базасини мустаҳкамлаш имкониятларини яратди.

Шу билан бирга, сув хўжалиги, ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш соҳасида кадрлар тайёрлаш борасида бугунги кунда ўз ечимини кутаётган долзарб муаммолар ва камчиликлар сақланиб қолмоқда. Бунда:

биринчидан, соҳада амалга оширилаётган ислохотлар, жадаллик билан жорий этилаётган замонавий интенсив, сувтежамкор технологиялар ҳамда илғор тажрибалар фан дастурларида ўзининг аксини топмаганлиги, таълим йўналишлари бўйича замонавий талаблар асосида яратилган методик қўлланмалар билан тўлиқ таъминланмаганлиги ҳамда институт ўқув-лаборатория базаси маънан ва жисмонан эскирганлиги натижасида талабалар замонавий билим ва кўникмаларга эга бўлмаётганлиги сабабли битирувчиларнинг мутахассислиги бўйича ишга жойлашишида муаммолар мавжуд;

иккинчидан, мутахассислар тайёрлаш юзасидан эҳтиёжлар чуқур таҳлил қилинмаганлиги оқибатида соҳага инновацион ва ахборот-коммуникацион технологияларни жорий этиш, гидроэнергетика ва гидротехника иншоотларидан фойдаланиш, гидроэкология, гео ва гидроинформатика каби йўналишларда олий маълумотли кадрларга эҳтиёж мавжуд;

учинчидан, профессор-ўқитувчиларнинг илмий салоҳияти, касбий билим даражаси, шунингдек, амалий тажрибаларини доимий ошириб бориш механизмларини жорий этиш, уларнинг касбий компетентлигини оширишда соҳа бўйича хорижий илмий-тадқиқот ва олий таълим муассасаларининг илғор тажрибаларидан самарали фойдаланилмаяпти;

тўртинчидан, илмий ва илмий-педагог кадрлар тайёрлашнинг тизимли ташкил этилмаганлиги, илмий изланишларнинг соҳада мавжуд долзарб илмий муаммолар ечимларига қаратилмаганлиги оқибатида илмий фаолиятнинг замонавийлик ва натижадорлик даражаси пастлигича қолмоқда;

бешинчидан, талабаларнинг ишлаб чиқариш ва малакавий амалиётла-

---

\* Ушбу қарор «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2018 йил 10 майда эълон қилинган.

рини соҳавий корхона ва ташкилотларнинг ишлаб чиқариш жараёнлари билан чамбарчас боғланмаганлиги оқибатида битирувчиларнинг амалий кўникмалари талаб даражасида эмас.

Сув хўжалиги, ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш тармоқлари учун мутахассис кадрлар тайёрлаш сифатини яхшилаш, Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти мавжуд салоҳиятидан самарали фойдаланишни ташкил этиш, моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, илмий ва илмий-педагогик салоҳиятини ошириш, юқори малакали рақобатбардош кадрларни тайёрлаш жараёнларини тубдан такомиллаштириш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, Сув хўжалиги вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳамда Иқтисодиёт вазирлигининг таклифлари асосида Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти (кейинги ўринларда Институт деб аталади) унинг Бухоро филиали ва академик лицейлари билан биргаликда Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги тизимига ўтказилсин.

2. Қуйидагилар Институт ва унинг Бухоро филиалида олий маълумотли кадрлар тайёрлашнинг устувор йўналишлари этиб белгилансин:

сув хўжалигида инновацион ресурстежамкор техника ва технологияларни қўллаш, геодезия ва геоинформатика, дарё ва сув омборлари гидрологияси бўйича янги ва замонавий билимларга эга бўлган олий маълумотли мутахассис кадрлар тайёрлаш;

ўқув-лаборатория базасини модернизациялаш, ўқув режаси ва фан дастурларида соҳа бўйича замонавий ишлаб чиқариш жараёнлари, юқори унумли ва ресурстежамкор илғор технологиялар бўйича билимларни акс эттириш, таълим бериш жараёнида назария ва амалиёт бирлигини таъминлаш орқали олий таълим муассасалари битирувчиларининг меҳнат бозоридаги рақобатбардошлигини ошириш;

талабаларга таълим йўналишлари ва мутахассисликлари бўйича соҳада амалга оширилаётган модернизация ва жорий этилаётган замонавий технологияларга оид янги билим ва кўникмаларни сингдирган ҳолда сифатли таълим бериш;

профессор-ўқитувчиларнинг касбий билими, педагогик маҳорати ва илмий салоҳиятини мунтазам равишда ошириш, хорижий илмий-тадқиқот ва олий таълим муассасаларида профессор-ўқитувчилар, илмий ва илмий-педагог кадрларнинг малакасини ошириш ва стажировкаларини ташкил этишда халқаро ҳамкорликни ривожлантириш;

фан, таълим ва ишлаб чиқаришнинг самарали интеграциясини таъминлаш орқали манфаатдор ташкилотлар билан ҳамкорликда фундаментал, амалий ва инновацион тадқиқотлар олиб бориш ҳамда уларнинг натижаларини амалиётга жорий этиш, илмий-тадқиқот институтлари билан ҳамкорликда илмий-техник вазифаларни ҳал этишга йўналтирилган амалий ва инновацион изланишларни амалга ошириш;



соҳа учун кадрлар тайёрлашнинг узвий тизимини яратиш, бириктирилган академик лицей ва касб-хунар коллежлари таълим дастурларининг узлуксизлиги ва изчиллигини таъминлаш, уларда сифатли таълим берилишини ташкил этиш;

олий таълим муассасаларини битираётган кадрларни ўз мутахассислиги бўйича ишга йўналтириш, уларнинг касбий фаолияти мониторингини тизимли ташкил этиш.

### 3. Қўйидагилар:

Институт ва унинг Бухоро филиали тузилмаси 1 ва 1а-иловаларга\* мувофиқ;

Институтда олий маълумотли кадрлар тайёрлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича йўл харитаси 2-иловага\* мувофиқ;

Институт ва унинг Бухоро филиалига давлат ва хўжалик бошқарув органлари, вилоят ҳокимликларининг буюртмаларига асосан 2018/2019 ўқув йили учун давлат гранти ва тўлов контракт асосида бакалаврият таълим йўналишлари ва магистратура мутахассисликлари бўйича қабул квотаси 3-иловага\* мувофиқ;

2018/2019 ўқув йилида Институт бакалаврият таълим йўналишларига давлат гранти асосида мақсадли қабул квотасини кадрлар буюртмачиларининг таклифларига асосан республика ҳудудлари бўйича тақсимооти 3а-иловага\* мувофиқ;

2018-2019 йилларда Институт ва унинг Бухоро филиалида амалга ошириладиган қурилиш-таъмирлаш ва жиҳозлаш ишлари параметрлари 4-иловага\* мувофиқ тасдиқлансин.

Белгилансинки, Институт ва унинг Бухоро филиалида амалга ошириладиган қурилиш-таъмирлаш ва жиҳозлаш ишларини молиялаштириш Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги Таълим ва тиббиёт муассасаларининг моддий-техника базасини ривожлантириш жамғармаси маблағлари ҳисобидан амалга оширилади.

4. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, зарур ҳолларда, Институт ҳамда унинг Бухоро филиалини тасдиқланган тузилмаларига ўзгартиришлар киритиш ҳуқуқи берилсин.

5. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги Институт ҳамда унинг Бухоро филиали уставларини икки ой муддатда тасдиқланишини ва белгиланган тартибда давлат рўйхатидан ўтказилишини таъминласин.

6. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси бир ой муддатда Институт таркибидан чиқарилаётган Ирригация ва сув муаммолари илмий-тадқиқот институти ҳамда Қишлоқ хўжалигини механизациялаш ва электрлаштириш илмий-тадқиқот институти фаолиятини таҳлил қилган ҳолда уларнинг идоравий мансублигини аниқласин.

7. 2018/2019 ўқув йилидан бошлаб Институт ҳамда унинг Бухоро филиалида қишлоқ ва сув хўжалиги билим соҳаси магистратура мутахас-

---

\* 1 — 4-иловалар «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

сисликларига қабул Ўзбекистон Республикаси фуқаролари учун тўлиқ давлат гранти асосида амалга оширилсин.

8. Институт ва унинг Бухоро филиалининг кадрлар буюртмачилари рўйхати ва уларга тақсимланган талабалар сони 5-иловага\* ҳамда бакалаврият таълим йўналишлари ва магистратура мутахассисликларининг амалиёт ўташ объектларига бириктирилиши 6-иловага\* мувофиқ тасдиқлансин.

9. Қуйидагилар Институт ва унинг Бухоро филиалида юқори малакали кадрлар тайёрлаш бўйича кадрлар буюртмачиларининг асосий вазифалари этиб белгилансин:

корхона ва ташкилотлар объектларида талабаларнинг амалиётини ташкил қилиш ва устоз-шоғирд тизими асосида ўтилишини таъминлаш ҳамда талабаларни ишлаб чиқаришнинг янги меъёрий ҳужжатлари, замонавий информацион дастурий таъминот маҳсулотлари билан яқиндан таништириш;

ишлаб чиқариш корхона ва ташкилотларидан тайинланган малакавий амалиёт раҳбарларига асосий иш жойидан қўшимча иш ҳақларини тайинлаш;

манфаатдор вазирлик ва идоралар тасарруфидаги бошқармалар ва уларнинг таркибидаги корхона ва ташкилотлардан малакали, тажрибали мутахассисларни таълим жараёнида иштирокини таъминлаш;

корхона ва ташкилотларда профессор-ўқитувчиларнинг стажировкалари учун шарт-шароитлар ҳамда кафедраларнинг филиалларини ташкил этиш ва амалий машғулотлар ўтиш имкониятини яратиш.

Кадрлар буюртмачилари талаба билан ўқишни битирганидан сўнг 5 йил ишлаб бериш мажбуриятини белгиловчи шартнома тузиш орқали унинг базавий тўлов контрактини 2-босқичда камида 50 фоиз, 3-босқичда камида 75 фоиз ва 4-босқичда 100 фоиз миқдорда тўлаб бериши мумкинлиги қайд этилсин.

10. Тошкент шаҳар, Мирзо Улуғбек тумани, Қори Ниёзий кўчаси 39а-уйда жойлашган Тошкент иқтисодиёт ва бизнес касб-хунар коллежининг бино-иншоотлари тегишли ҳудуди билан биргаликда талабалар турар жойи сифатида фойдаланиш учун Институтга оператив бошқарув ҳуқуқи асосида текин берилсин.

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда мазкур бандга асосан Институтга берилаётган бинонинг Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Таълим ва тиббиёт муассасаларининг моддий-техника базасини ривожлантириш жамғармаси ҳисобидан реконструкция қилинишини таъминласин.

11. Институт ва унинг Бухоро филиали фаолиятини молиялаштириш манбалари этиб қуйидагилар белгилансин:

Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағлари;

ўқитишнинг тўлов-контракт шаклидан тушган маблағлар;

---

\* 5-6-иловалар «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

хўжалик фаолиятдан ва шартнома асосида хизматлар кўрсатишдан тушадиган тушумлар;

жисмоний ва юридик шахсларнинг хомийлик ва хайрия маблағлари;

халқаро молия ташкилотларининг грантлари;

қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар.

12. Ўзбекистон Республикаси Инновацион ривожланиш вазирлиги ва Фанлар академияси Сув хўжалиги вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги билан биргаликда сув хўжалиги соҳасига оид долзарб илмий-техник муаммолар бўйича фундаментал, амалий ва инновацион лойиҳаларни амалга оширишда илмий-тадқиқот муассасаларининг Институт билан ўзаро мувофиқлашган ва узвий ҳамкорлигини таъминлаш ҳамда илмий ишланмаларнинг натижадорлигини ошириш юзасидан зарурий чораларни кўрсин.

13. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги Адлия вазирлиги, Сув хўжалиги вазирлиги ҳамда бошқа манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда икки ой муддатда қонун ҳужжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклиф киритсин.

14. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Президентининг давлат маслаҳатчиси Р.С. Касимов, Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосарлари Қ.В. Акмалов ва З.Т. Мирзаев зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси  
Президенти**

**Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент ш.,  
2018 йил 8 май,  
ПҚ-3702-сон

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ  
ҚАРОРИ**392 Самарқанд ветеринария медицинаси институтини ташкил этиш тўғрисида\***

2017 — 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида назарда тутилган ислохотлар доирасида юқори малакали, чуқур назарий билим ва амалий кўникмаларга эга бўлган кадрларни тайёрлаш борасида бир қатор тизимли чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

Ветеринария соҳасида давлат бошқаруви тизимини тубдан такомиллаштириш, ҳайвонларнинг соғлигини сақлаш бўйича самарали ишларни ташкил этиш, давлат ветеринария назоратини кучайтириш ва ветеринария сервиси сифатини ошириш, эпизоотик осойишталикни ва озиқ-овқат маҳсулотлари хавфсизлигини таъминлаш, ички ва ташқи бозорларда талаб юқори бўлган рақобатбардош ва келиб чиқиши ҳайвонотга мансуб маҳсулотларни ишлаб чиқариш учун қулай шарт-шароитлар яратиш, ветеринария хизмати тизимини янада ривожлантириш мақсадида Давлат ветеринария қўмитаси ташкил этилди.

Шу билан бирга, бугунги кунда ветеринария соҳасида юксак малакали кадрлар тайёрлаш ҳамда мавжуд таълим муассасаларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш борасида ўз ечимини кутаётган долзарб муаммолар ва камчиликлар сақланиб қолмоқда. Бунда:

биринчидан, ветеринария соҳасига кадрлар тайёрлашнинг мақсадли тизими мавжуд эмаслиги, мутахассислар тайёрлаш юзасидан ҳақиқий талаб ва эҳтиёжлар чуқур таҳлил қилинмаганлиги оқибатида олий ва ўрта махсус маълумотли кадрлар етишмаслиги юзага келди;

иккинчидан, ветеринария соҳасида кадрлар тайёрлайдиган Тошкент давлат аграр университети ва Самарқанд қишлоқ хўжалиги институти ўқув-лаборатория базаси маънан ва жисмонан эскирганлиги, таълим бериш жараёнида назария ва амалиёт бирлиги таъминланмаганлиги натижасида кадрлар тайёрлаш сифати тушиб кетишига ҳамда битирувчиларнинг меҳнат бозоридаги рақобатбардошлигининг пасайишига олиб келмоқда;

учинчидан, мутахассис чиқарувчи кафедралар профессор-ўқитувчиларининг илмий салоҳияти, амалий тажрибасини узлуксиз ривожлантириб бориш, уларни амалиётдаги муаммолар ва янгиликлар билан тизимли таништириш, мазкур соҳада илғор хорижий тажрибалардан фойдаланиш етарли даражада йўлга қўйилмаган;

тўртинчидан, таълим жараёнида инновацион ва ахборот-коммуникацион технологияларни жорий этиш, илғор ўқитиш усулларида фойдаланиш, мутахассислик фанлари бўйича замонавий ўқув адабиётларини яратиш даражаси етарли эмас;

\* Ушбу қарор «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2018 йил 10 майда эълон қилинган.

бешинчидан, соҳа учун кадрларни мақсадли тайёрлашнинг узлуксизлиги таъминланмаган, олий ўқув юртларига бириктирилган касб-хунар коллежларидаги таълим сифати талабга жавоб бермайди;

олтинчидан, фан, таълим ва ишлаб чиқаришнинг самарали интеграцияси таъминланмаган, илмий ва илмий-педагог кадрлар тайёрлашда амалиёт билан узвий ҳамкорлик даражаси талабга жавоб бермайди, олиб борилаётган илмий-тадқиқот ишлари соҳанинг долзарб илмий муаммоларига йўналтирилмаган;

еттинчидан, битирувчиларнинг ўз мутахассислиги бўйича ишга жойлашиши, уларнинг касбий фаолияти мониторинги тизимли ташкил этилмаган.

Ветеринария соҳаси кадрларини тайёрлаш тизимини мақбуллаштириш, таълим сифатини яхшилаш, мавжуд имкониятлардан самарали фойдаланиш, моддий-техника базани мустаҳкамлаш, илмий ва илмий-педагогик кадрлар тайёрлаш салоҳиятини ошириш, юқори малакали рақобатбардош кадрлар тайёрлаш жараёнларини тубдан такомиллаштириш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги, Давлат ветеринария қўмитаси ҳамда Самарқанд вилояти ҳокимлигининг таклифлари асосида Самарқанд қишлоқ хўжалиги институти негизида Самарқанд ветеринария медицинаси институти ташкил этилсин ҳамда институт ва унинг қошидаги академик лицей Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги тизимида ўтказилсин.

2. Қўйидагилар Самарқанд ветеринария медицинаси институтида олий маълумотли кадрлар тайёрлашнинг устувор йўналишлари этиб белгилансин:

меҳнат бозорининг эҳтиёжига мувофиқ ветеринария ва чорвачилик соҳаси учун янги ва замонавий билимларга эга бўлган олий маълумотли мутахассис кадрлар тайёрлаш;

ривожланган хорижий давлатларнинг ветеринария ва чорвачилик соҳаси бўйича илғор тажрибасини ўрганиш асосида давлат таълим стандартлари, малака талаблари, ўқув режа ва фан дастурларини ишлаб чиқиш, ўқув ва илмий-методик таъминотини шакллантириш ва такомиллаштириш;

ветеринария таълими мазмунида соҳа бўйича замонавий ишлаб чиқариш жараёнлари, инновацион ғоялари ва ишланмалари, юқори унумли ва ресурстежамкор илғор технологиялари бўйича билимларни акс эттириш, ўқув-лаборатория базасини модернизациялаш, таълим бериш жараёнида назария ва амалиёт уйғунлигини таъминлаш;

хорижий илмий-тадқиқот ва олий таълим муассасаларининг профессор-ўқитувчилари, олим ва мутахассисларини жалб этган ҳолда ветеринария ва чорвачилик соҳалари бўйича педагог ва мутахассис кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш курсларини ташкил этиш, ўқув жараёнига замонавий таълим технологияларини ва масофадан ўқитиш усуллари жорий этиш;

профессор-ўқитувчиларнинг илмий салоҳияти, касбий билим даража-

си, шунингдек, амалий тажрибасини узлуксиз ривожлантириб бориш механизмларини жорий этиш, уларнинг касбий салоҳиятини ривожлантиришда хорижий илмий-тадқиқот ва олий таълим муассасаларининг илғор тажрибасидан кенг фойдаланиш, хорижий илмий ва олий таълим муассасаларида профессор-ўқитувчилар, илмий ва педагог кадрларнинг малакасини ошириш ва тажриба орттиришини ташкил этишда халқаро ҳамкорликни ривожлантириш;

ветеринария ва чорвачилик соҳасидаги долзарб муаммоларни ҳал этишга йўналтирилган илмий изланишларни ташкил этиш, соҳа бўйича илмий ва илмий-педагог кадрлар тайёрлаш, илмий-тадқиқот институтлари билан ҳамкорликда соҳанинг илмий муаммоларини ҳал этишга йўналтирилган амалий ва инновацион изланишларни амалга ошириш;

чорвачилик маҳсулотларини ишлаб чиқариш, сақлаш, дастлабки қайта ишлаш, сотишга ихтисослашган барча тоифадаги корхона, ташкилот ва хўжаликлар базасида талабаларнинг амалиётларини ташкил этиш;

Давлат ветеринария кўмитаси билан ҳамкорликда соҳа учун кадрлар тайёрлашнинг узлуксиз тизимини яратиш, институтга бириктирилган касбхунар коллежларидаги таълим сифатини ошириш;

битирувчиларни ўз мутахассислиги бўйича ишга жойлаштириш ва касбий фаолияти мониторингини тизимли ташкил этиш.

### 3. Қўйидагилар:

Самарқанд ветеринария медицинаси институтининг тузилмаси 1-иловага\* мувофиқ;

Самарқанд ветеринария медицинаси институти фаолиятини ташкил этиш бўйича йўл харитаси 2-иловага\* мувофиқ;

Самарқанд ветеринария медицинаси институтига давлат ва хўжалик бошқарув органлари, вилоятлар ҳокимликларининг буюртмаларига асосан 2018/2019 ўқув йили учун давлат гранти ва тўлов контракт асосида бакалаврият таълим йўналишлари ва магистратура мутахассисликлари бўйича қабул квотаси 3-иловага\* мувофиқ;

2018/2019 ўқув йилида Самарқанд ветеринария медицинаси институти бакалаврият таълим йўналишларига давлат гранти асосида мақсадли қабул квотасини кадрлар буюртмачиларининг таклифларига асосан республика ҳудудлари бўйича тақсимооти 3а-иловага\* мувофиқ;

2018-2019 йилларда Самарқанд ветеринария медицинаси институтида амалга ошириладиган қурилиш-таъмирлаш ва жиҳозлаш ишлари параметрлари 4-иловага\* мувофиқ тасдиқлансин.

Самарқанд ветеринария медицинаси институтида амалга ошириладиган қурилиш-таъмирлаш ва жиҳозлаш ишлари параметрларини молиялаштириш Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги Таълим ва тиббиёт муассасаларининг моддий-техника базасини ривожлантириш жамғармаси маблағлари ҳисобидан амалга оширилади.

### 4. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, за-

---

\* 1 — 4-иловалар «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

рур ҳолларда, Самарқанд ветеринария медицинаси институтининг тасдиқланган тузилмасига ўзгартиришлар киритиш ҳуқуқи берилсин.

5. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги Самарқанд ветеринария медицинаси институтининг уставини икки ой муддатда тасдиқланишини ва белгиланган тартибда давлат рўйхатидан ўтказилишини таъминласин.

6. 2018/2019 ўқув йилида Самарқанд ветеринария медицинаси институтида магистратура мутахассисликларига қабул Ўзбекистон Республикаси фуқаролари учун тўлиқ давлат гранти асосида амалга оширилсин.

7. Самарқанд ветеринария медицинаси институтининг кадрлар буюртмачилари рўйхати ва уларга тақсимланган талабалар сони 5-иловага\* ҳамда бакалаврият таълим йўналишлари ва магистратура мутахассисликларининг амалиёт ўташ объектларига бириктирилиши 6-иловага\* мувофиқ тасдиқлансин.

8. Қўйидагилар Самарқанд ветеринария медицинаси институтида юқори малакали кадрлар тайёрлаш бўйича кадрлар буюртмачиларининг асосий вазифалари этиб белгилансин:

корхона ва ташкилотлар объектларида талабаларнинг амалиётини ташкил қилиш ва устоз-шогирд тизими асосида ўтилишини таъминлаш ҳамда талабаларни ишлаб чиқаришнинг янги меъёрий ҳужжатлари, замонавий информацион дастурий таъминот маҳсулотлари билан яқиндан таништириш;

ишлаб чиқариш корхона ва ташкилотларидан тайинланган малакавий амалиёт раҳбарларига асосий иш жойидан қўшимча иш ҳақларини тайинлаш;

манфаатдор вазирлик ва идоралар тасарруфидаги бошқармалар ва уларнинг таркибидаги корхона ва ташкилотлардан малакали, тажрибали мутахассисларни таълим жараёнида иштирокини таъминлаш;

корхона ва ташкилотларда профессор-ўқитувчиларнинг стажировкалари учун шарт-шароитлар ҳамда кафедраларнинг филиалларини ташкил этиш ва амалий машғулотлар ўтиш имкониятини яратиш.

Кадрлар буюртмачилари талаба билан ўқишни битирганидан сўнг 5 йил ишлаб бериш мажбуриятини белгиловчи шартнома тузиш орқали унинг базавий тўлов контрактини 2-босқичда камида 50 фоиз, 3-босқичда камида 75 фоиз ва 4-босқичда 100 фоиз миқдорда тўлаб бериши мумкинлиги қайд этилсин.

9. Ўзбекистон Республикаси Давлат ветеринария қўмитаси, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги:

икки ой муддатда Самарқанд вилояти ҳокимлиги билан биргаликда тугатилаётган Самарқанд қишлоқ хўжалиги институтининг Самарқанд вилояти, Самарқанд шаҳри, М. Улугбек кўчаси, 77-уй манзилида жойлашган бино ва иншоотлари, тегишли ҳудуди, ўқув ва лаборатория жиҳозлари, компьютер техникаси, ўқув адабиётлари ҳамда бошқа мол-мулки Самарқанд вете-

---

\* 4-5-иловалар «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

ринария медицинаси институтига белгиланган тартибда бепул берилишини таъминласин;

тугатилаётган Самарқанд қишлоқ хўжалиги институтининг 2017/2018 ўқув йилида тегишли таълим йўналишлари ва мутахассисликларида таҳсил олаётган талабаларга уларнинг ўқишини тугатгунига қадар Самарқанд ветеринария медицинаси институтида ўқишини яқунлаш имкониятини яратсин.

10. Самарқанд ветеринария медицинаси институтининг фаолиятини молиялаштириш манбалари этиб қўйидагилар белгилансин:

Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағлари;

ўқитишнинг тўлов-контракт шаклидан тушган маблағлар;

хўжалик фаолиятдан ва шартнома асосида хизматлар кўрсатишдан тушадиган тушумлар;

жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳомийлик ва хайрия маблағлари;

халқаро молия ташкилотларининг грантлари;

қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар.

11. Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳамда Давлат ветеринария қўмитаси билан биргаликда Самарқанд қишлоқ хўжалиги институти тугатилиши муносабати билан унинг ишдан бўшайдиган ходимларини ўрнатилган тартибда ишга жойлаштириб бориш чораларини кўрсин.

12. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Адлия вазирлиги, Давлат ветеринария қўмитаси ҳамда манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда икки ой муддатда қонун ҳужжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклиф киритсин.

13. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Президентининг давлат маслаҳатчиси Р.С. Касимов, Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосарлари Қ.В. Акмалов ва З.Т. Мирзаев зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси  
Президенти**

**Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент ш.,  
2018 йил 8 май,  
ПҚ-3703-сон



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ  
ҚАРОРИ**393 Тошкент давлат аграр университетидида олий маълумотли кадрлар тайёрлаш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида\***

Республика ҳудудлари ва аграр соҳа тармоқларининг олий маълумотли кадрларга бўлган эҳтиёжларини ҳисобга олган ҳолда 2017/2018 ўқув йилидан бошлаб қишлоқ хўжалиги йўналишидаги олий таълим муассасаларида ҳудудлар бўйича мақсадли қабул ташкил этилди.

Тошкент давлат аграр университетининг Термиз филиалини ташкил этилиши мамлакатимиз жанубий минтақасининг аграр соҳаси учун олий маълумотли кадрлар тайёрлаш имкониятини яратди.

Таълим жараёнининг узвийлиги ва узлуксизлигини таъминлаш мақсадида академик лицейлар тегишли олий таълим муассасалари тасарруфига ўтказилди, соҳа учун олий маълумотли мутахассислар тайёрлаш сифатини оширишда аграр тармоқлар иштирокини кенгайтириш чоралари белгиланди.

Шу билан бирга, қишлоқ хўжалиги соҳасида кадрлар тайёрлаш борасида бугунги кунда ўз ечимини кутаётган долзарб муаммолар ва камчиликлар сақланиб қолмоқда. Бунда:

биринчидан, аграр соҳада амалга оширилаётган ислохотлар, жадаллик билан жорий этилаётган замонавий интенсив, ресурстежамкор технологиялар ҳамда илғор тажрибалар фан дастурларида ўзининг аксини топмаганлиги, таълим йўналишлари бўйича замонавий талаблар асосида яратилган методик таъминотлар билан тўлиқ таъминланмаганлиги ҳамда университетнинг ўқув-лаборатория базаси маънан ва жисмонан эскирганлиги натижасида талабалар замонавий билим ва кўникмаларга эга бўлмаётганлиги сабабли битирувчиларнинг мутахассислиги бўйича ишга жойлашишида муаммолар мавжуд;

иккинчидан, мутахассислар тайёрлаш юзасидан эҳтиёжлар чуқур таҳлил қилинмаганлиги оқибатида соҳада илғор агротехнология, инновацион ва ахборот-коммуникацион технологияларни жорий этиш каби йўналишларда олий маълумотли кадрлар етишмаслиги юзага келди;

учинчидан, профессор-ўқитувчиларнинг илмий салоҳияти, касбий билим даражаси, шунингдек, амалий тажрибаларини доимий ошириб бориш механизмларини жорий этиш, уларнинг касбий салоҳиятини оширишда хорижий илмий-тадқиқот ва олий таълим муассасаларининг илғор тажрибаларидан самарали фойдаланилмапти;

тўртинчидан, фан, таълим ва ишлаб чиқаришнинг самарали интеграцияси таъминланмаганлиги, илмий ва илмий-педагог кадрлар тайёрлашнинг тизимли ташкил этилмаганлиги, қишлоқ хўжалиги соҳасидаги олиб борилган илмий изланишларнинг соҳадаги мавжуд долзарб илмий муаммолар ечимларига қаратилмаганлиги оқибатида илмий фаолиятнинг самарадорлиги пастлигича қолмоқда;

---

\* Ушбу қарор «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2018 йил 10 майда эълон қилинган.

бешинчидан, талабаларнинг ишлаб чиқариш ва малакавий амалиётларини қишлоқ хўжалиги экинларининг агротехник тадбирлари мавсумига мослаштирилмаганлиги ва самарали ташкил этилмаганлиги оқибатида битирувчиларнинг амалий кўникмалари талаб даражасида эмас.

Қишлоқ хўжалиги соҳаси учун кадрлар тайёрлаш сифатини яхшилаш, олий таълим муассасаларининг мавжуд салоҳиятидан самарали фойдаланишни ташкил этиш, моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, илмий ва илмий-педагогик салоҳиятини ошириш, ўқув жараёнини ташкил этишнинг замонавий усуллари жорий қилиш, соҳа учун юксак малакали кадрлар тайёрлаш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, Сув хўжалиги вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳамда Иқтисодиёт вазирлигининг таклифлари асосида:

Тошкент давлат аграр университети, унинг филиаллари ва таркибидаги академик лицейлари билан биргаликда Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги тизимида ўтказилсин;

Анджон қишлоқ хўжалиги институти негизида Тошкент давлат аграр университетининг Анджон филиали ташкил этилсин.

2. Қўйидагилар Тошкент давлат аграр университети ва унинг филиалларида олий маълумотли кадрлар тайёрлашнинг устувор йўналишлари этиб белгилансин:

қишлоқ хўжалигида инновацион ресурстежамкор техника ва технологияларни қўллаш, интенсив агротехнологияларни жорий қилиш, қишлоқ хўжалиги экинларида ҳосилдорликни ошириш, уларнинг селекцияси ва уруғчилигини ташкил этиш, касалликлар ва зараркунандаларга қарши курашиш, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини сақлаш, дастлабки қайта ишлаш, стандартлаштириш, сертификатлаш, доривор ўсимликларни етиштириш ва қайта ишлаш, ўрмончилик, балиқчилик бўйича янги ва замонавий билимларга эга бўлган юксак малакали кадрлар тайёрлаш;

ўқув-лаборатория базасини модернизациялаш, ўқув режаси ва фан дастурларида соҳа бўйича замонавий ишлаб чиқариш жараёнлари, юқори унумли ва ресурстежамкор илғор технологиялар бўйича билимларни акс эттириш, ўқув жараёнида назария ва амалиёт уйғунлигини таъминлаш орқали олий таълим муассасалари битирувчиларининг меҳнат бозоридаги рақобатбардошлигини ошириш;

соҳада амалга оширилаётган ислохотлар ва жорий этилаётган замонавий технологияларга оид билим ва кўникмаларини чуқурлаштиришни ҳисобга олган ҳолда талабаларни ўқитишнинг илғор усуллари ишлаб чиқиш ва ўқув жараёнига жорий этиш;

профессор-ўқитувчиларнинг касбий билими, педагогик маҳорати ва илмий салоҳиятини мунтазам равишда ошириш, хорижий илмий-тадқиқот ва олий таълим муассасаларида профессор-ўқитувчилар, илмий ва илмий-педагог кадрларнинг малакасини ошириш ва стажировкаларини ташкил этишда халқаро ҳамкорликни ривожлантириш;

фан, таълим ва ишлаб чиқаришнинг самарали интеграциясини таъмин-

лаш орқали манфаатдор ташкилотлар билан ҳамкорликда фундаментал, амалий ва инновацион тадқиқотлар олиб бориш ҳамда уларнинг натижаларини амалиётга жорий этиш, илмий-тадқиқот институтлари билан ҳамкорликда илмий-техник вазифаларни ҳал этишга йўналтирилган амалий ва инновацион изланишларни амалга ошириш;

аграр соҳа учун кадрлар тайёрлашнинг узлуксиз тизимини яратиш, университетга бириктирилган академик лицей ва касб-хунар коллежлари таълим дастурларининг узлуксизлиги ва изчиллигини таъминлаш, уларда сифатли таълим берилишини ташкил этиш;

олий таълим муассасасини битираётган кадрларни ўз мутахассислиги бўйича ишга жойлаштириш, уларнинг касбий фаолияти мониторингини тизимли ташкил этиш.

### 3. Қўйидагилар:

Тошкент давлат аграр университети ва унинг Андижон, Нукус ва Термиз филиаллари тузилмаси 1, 1а, 1б ва 1в-иловаларга\* мувофиқ;

Тошкент давлат аграр университетида олий маълумотли кадрлар тайёрлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича йўл харитаси 2-иловага\* мувофиқ;

Тошкент давлат аграр университети ва унинг Андижон, Нукус, Термиз филиалларига давлат ва хўжалик бошқарув органлари, вилоятлар ҳокимликларининг буюртмаларига асосан 2018/2019 ўқув йили учун давлат гранти ҳамда тўлов контракт асосида бакалаврият таълим йўналишлари ва магистратура мутахассисликлари бўйича қабул квотаси 3-иловага\* мувофиқ;

2018/2019 ўқув йилида Тошкент давлат аграр университети бакалаврият таълим йўналишларига давлат гранти асосида мақсадли қабул квотасини кадрлар буюртмачиларининг таклифларига асосан республика ҳудудлари бўйича тақсимоти 3а-иловага\* мувофиқ;

2018-2019 йилларда Тошкент давлат аграр университети ва унинг филиалларида амалга ошириладиган қурилиш-таъмирлаш ва жиҳозлаш ишлари параметрлари 4-иловага\* мувофиқ тасдиқлансин.

Тошкент давлат аграр университети ва унинг филиалларида амалга ошириладиган қурилиш-таъмирлаш ва жиҳозлаш ишларини молиялаштириш Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Таълим ва тиббиёт муассасаларининг моддий-техника базасини ривожлантириш жамғармаси маблағлари ҳисобидан амалга оширилади.

4. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлига, зарур ҳолларда, Тошкент давлат аграр университети ва унинг филиалларининг тасдиқланган тузилмасига ўзгартиришлар киритиш ҳуқуқи берилсин.

5. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги Тошкент давлат аграр университети ва унинг филиаллари уставларини икки ой муддатда тасдиқланишини ва белгиланган тартибда давлат рўйхатидан ўтказилишини таъминласин.

6. Қишлоқ хўжалиги йўналишидаги олий таълим муассасаларини қўллаб-

---

\* 1 — 4-иловалар «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

қувватлаш жамғармаси тугатилсин ва унинг функциялари ҳамда у учун назарда тутилган молиялаштириш манбалари Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Таълим ва тиббиёт муассасаларининг моддий-техника базасини ривожлантириш жамғармасига ўтказилсин.

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Қишлоқ хўжалиги вазирлиги Қишлоқ хўжалиги йўналишидаги олий таълим муассасаларини қўллаб-қувватлаш жамғармаси маблағларини, шу жумладан, кредиторлик ва дебиторлик қарздорлигини Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Таълим ва тиббиёт муассасаларининг моддий-техника базасини ривожлантириш жамғармасига ўтказилишини таъминласин.

Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ва Сув хўжалиги вазирлиги қишлоқ ва сув хўжалиги соҳасидаги олий таълим муассасалари объектларини қуриш ва жиҳозлаш бўйича бошланган ишларнинг охирига етказилишини таъминласин.

7. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси бир ой муддатда:

Тошкент давлат аграр университети таркибидан чиқарилаётган Қишлоқ хўжалиги иқтисодиёти илмий-тадқиқот институти фаолиятини таҳлил қилган ҳолда унинг идоравий мансублигини аниқласин;

қишлоқ ва сув хўжалиги соҳасидаги олий таълим муассасалари ҳузуридаги фермер хўжаликлари раҳбарлари ва мутахассисларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш минтакавий марказлари фаолиятини танқидий қайта кўриб чиқиб, фермер хўжаликлари раҳбарлари ва мутахассисларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тизимини такомиллаштириш чораларини кўрсин.

8. 2018/2019 ўқув йилидан бошлаб Тошкент давлат аграр университетининг магистратура мутахассисликларига қабул Ўзбекистон Республикаси фуқаролари учун тўлиқ давлат гранти асосида амалга оширилсин.

9. Тошкент давлат аграр университети ва унинг Андижон, Нукус, Термиз филиалларининг кадрлар буюртмачилари рўйхати ва уларга тақсимланган талабалар сони 5-иловага\* ҳамда бакалаврият таълим йўналишлари ва магистратура мутахассисликларининг амалиёт ўташ объектларига бириктирилиши 6-иловага\* мувофиқ тасдиқлансин.

10. Қуйидагилар Тошкент давлат аграр университети ва унинг Андижон, Нукус, Термиз филиалларида юқори малакали кадрлар тайёрлаш бўйича кадрлар буюртмачиларининг асосий вазифалари этиб белгилансин:

корхона ва ташкилотлар объектларида талабаларнинг амалиётини ташкил қилиш ва устоз-шогирд тизими асосида ўтилишини таъминлаш ҳамда талабаларни ишлаб чиқаришнинг янги меъёрий ҳужжатлари, замонавий ахборот дастурий таъминот маҳсулотлари билан яқиндан таништириш;

ишлаб чиқариш корхона ва ташкилотларидан тайинланган малакавий амалиёт раҳбарларига асосий иш жойидан қўшимча иш ҳақларини тайинлаш;

манфаатдор вазирлик ва идоралар тасарруфидаги бошқармалар ва улар-

---

\* 5-6-иловалар «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

нинг таркибидаги корхона ва ташкилотлардан малакали, тажрибали мутахассисларни таълим жараёнида иштирокини таъминлаш;

корхона ва ташкилотларда профессор-ўқитувчиларнинг стажировкалари учун шарт-шароитлар ҳамда кафедраларнинг филиалларини ташкил этиш ва амалий машғулотлар ўтиш имкониятини яратиш.

Кадрлар буюртмачилари талаба билан ўқишни битирганидан сўнг 5 йил ишлаб бериш мажбуриятини белгиловчи шартнома тузиш орқали унинг базавий тўлов контрактини 2-босқичда камида 50 фоиз, 3-босқичда камида 75 фоиз ва 4-босқичда 100 фоиз миқдорда тўлаб бериши мумкинлиги қайд этилсин.

11. Тошкент давлат аграр университетининг Тошкент вилояти Қибрай туманида жойлашган «Қишлоқ хўжалиги илмий-тадқиқот ва ўқув-тажриба станцияси» ДУК ўрнида «Қишлоқ хўжалигида инновацион ишланмалар ва маслаҳат маркази» ДУК ташкил этилсин.

«Қишлоқ хўжалигида инновацион ишланмалар ва маслаҳат маркази» ДУКнинг асосий вазифалари этиб қуйидагилар белгилансин:

марказ ҳудудида талабаларнинг малакавий амалиётларини ўтказиш, уларнинг назарий билимларини амалиётда қўллаш орқали малака ва кўникмаларини шакллантириш;

Тошкент давлат аграр университетининг профессор-ўқитувчилари, докторантлари, мустақил тадқиқотчилари, магистрантлари ва иқтидорли талабаларининг илмий-тадқиқот тажрибаларини олиб боришлари учун шарт-шароитлар яратиш, илмий-тадқиқотлар натижаларини амалиётга жорий этиш;

қишлоқ хўжалигини ривожлантириш ва илмий салоҳиятли кадрларни тайёрлашга йўналтирилган халқаро ва давлат грантлари доирасида илмий-тадқиқотларни амалга ошириш;

қишлоқ хўжалик экинларининг коллекцияларини яратиш, мевали ва манзарали дарахтларнинг кўчатларини тайёрлаш;

фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари ҳамда ишлаб чиқариш корхоналарига қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш, сақлаш ва қайта ишлаш бўйича мунтазам равишда маслаҳатлар, тавсиялар бериб бориш.

12. Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги:

Нукус педагогика коллежининг Нукус шаҳри, П. Сеитов кўчаси, 12-уй манзилида жойлашган биносининг Тошкент давлат аграр университети Нукус филиалига бир ой муддатда белгиланган тартибда бепул берилишини ҳамда Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Таълим ва тиббиёт муассасаларининг моддий-техника базасини ривожлантириш жамғармаси ҳисобидан капитал таъмирланишини таъминласин.

икки ой муддатда Андижон вилояти ҳокимлиги билан биргаликда тугатилаётган Андижон қишлоқ хўжалиги институтининг Андижон вилояти, Андижон тумани, Куйганёр шаҳарчаси, Олийгоҳ кўчаси, 1-уй манзилида жойлашган бино ва иншоотлари, тегишли ҳудуди, ўқув ва лаборатория жиҳозлари, компьютер техникаси, ўқув адабиётлари ҳамда бошқа мол-мул-

ки Тошкент давлат аграр университетининг Андижон филиалига белгиланган тартибда бепул берилишини таъминласин;

тугатилаётган Андижон қишлоқ хўжалиги институтининг 2017/2018 ўқув йилида тегишли таълим йўналишлари ва мутахассисликларида таҳсил олаётган талабаларига уларнинг ўқишини тугатгунига қадар Тошкент давлат аграр университетининг Андижон филиалида ўқишини яқунлаш имкониятини яратсин.

13. Тошкент давлат аграр университети ва унинг филиалларини молиялаштириш манбалари этиб қуйидагилар белгилансин:

Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағлари;

ўқитишнинг тўлов-контракт шаклидан тушган маблағлар;

хўжалик фаолиятдан ва шартнома асосида хизматлар кўрсатишдан тушадиган тушумлар;

жисмоний ва юридик шахсларнинг хомийлик ва хайрия маблағлари;

халқаро молия ташкилотларининг грантлари;

конун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар.

14. Ўзбекистон Республикаси Инновацион ривожланиш вазирлиги, Фанлар академияси, Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги билан биргаликда қишлоқ хўжалиги соҳасига оид долзарб илмий-техник муаммолар бўйича фундаментал, амалий ва инновацион лойиҳаларни амалга оширишда илмий-тадқиқот муассасаларининг Тошкент давлат аграр университети билан ўзаро мувофиқлашган ва узвий ҳамкорлигини таъминлаш ҳамда илмий ишланмаларнинг натижадорлигини ошириш юзасидан зарурий чораларни кўрсин.

15. Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Қишлоқ хўжалиги вазирлиги билан биргаликда Андижон қишлоқ хўжалиги институти тугатилиши муносабати билан унинг ишдан бўшайдиган ходимларини ўрнатилган тартибда ишга жойлаштириб бориш чораларини кўрсин.

16. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги Адлия вазирлиги, Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ҳамда бошқа манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда икки ой муддатда конун ҳужжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклиф киритсин.

17. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Президентининг давлат маслаҳатчиси Р.С. Касимов, Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосарлари Қ.В. Акмалов ва З.Т. Мирзаев зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси  
Президенти**

**Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент ш.,  
2018 йил 8 май,  
ПҚ-3704-сон

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ  
ҚАРОРИ**394 Қишлоқ хўжалигини ўз вақтида қишлоқ хўжалиги техникаси билан таъминлаш механизмларини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида\*****[Кўчирма]**

Сўнги вақтларда қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини янада такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирларни амалга ошириш доирасида маҳаллий қишлоқ хўжалиги машинасозлигини ривожлантириш масалаларига алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Ушбу мақсадларда қишлоқ хўжалиги машинасозлиги тизими қайта ташкил қилинди. Натижада биргина 2017 йилда қишлоқ хўжалиги техникасини ишлаб чиқариш ва лизинг бўйича хизматлар кўрсатиш ҳажми 1,7 баравар, механизация хизматлари ҳажми 2,5 баравар ошди.

Шу билан бирга, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштирувчиларни мамлакатимизда ишлаб чиқарилган сифатли ва арзон техника билан таъминлаш, техника паркини янгилаш, шунингдек, уларга ўз вақтида сервис хизматини кўрсатиш ишларида жиддий камчиликлар сақланиб қолмоқда, хусусан:

биринчидан, реал эҳтиёж, агротехника тадбирларини ўтказиш муддатлари ва молиялаштириш манбаларидан келиб чиқиб, машина-трактор парклари, тегишли хизматлар кўрсатувчи хусусий ташкилотлар, шунингдек, фермер хўжаликларига қишлоқ хўжалиги техникасини етказиб бериш бўйича буюртмаларни шакллантириш, шартномалар тузишнинг бозор механизмлари мавжуд эмас;

иккинчидан, энг мақбул агротехник муддатларда оммавий қишлоқ хўжалиги ишларини амалга ошириш учун ўзиюрар қишлоқ хўжалиги техникаси етарли эмас, ўз вақтида ишлаб чиқаришни режалаштириш ва ташкил этиш бўйича ишлар тизимли йўлга қўйилмаган;

учинчидан, ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш даражасининг пастлиги, оқибатда, ишлаб чиқарилаётган қишлоқ хўжалиги техникаси таннархининг рақобатбардош эмаслиги механизация хизматлари ва ишлаб чиқарилаётган якуний маҳсулот нархининг ошиб кетишига олиб келмоқда;

тўртинчидан, қишлоқ хўжалиги техникасини ишлаб чиқаришни молиялаштириш механизми мукамал эмас, лизинг механизмлари, хусусий сервис ташкилотлари ва фермер хўжаликлари маблағларини жалб этишдан етарли даражада фойдаланилмаяпти.

Қишлоқ хўжалиги техникаси паркини янгилаш ва модернизация қилиш ҳисобидан қишлоқ хўжалигини техник жиҳатдан жиҳозлаш даражасини янада

---

\* Ушбу қарор «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2018 йил 11 майда эълон қилинган.

ошириш, агротехника ишларининг ўз вақтида ва сифатли бажарилишини таъминлаш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ва «Ўзагротехсаноатхолдинг» АЖ томонидан шакллантирилган 2018 йилда ҳудудлар кесимида, жумладан, лизинг асосида қишлоқ хўжалиги техникасини етказиб беришнинг қўшимча ҳажмлари параметрлари 1 ва 2-иловаларга\* мувофиқ тасдиқлансин.

2. Шундай тартиб ўрнатилсинки, унга мувофиқ:

қишлоқ хўжалиги техникасини етказиб бериш учун буюртмалар портфелини шакллантириш устувор равишда бир йилда икки марта — февраль-март ва сентябрь-октябрь ойларида маҳаллий ва жаҳоннинг етакчи ишлаб чиқарувчилари иштирокида ўтказиладиган ҳудудий ярмаркалар давомида амалга оширилади. Бунда февраль-март ойларида қишлоқ хўжалиги техникасини жорий йил учун, сентябрь-октябрь ойларида — келгуси йил учун етказиб бериш бўйича қўшимча шартномалар тузилади;

ишлаб чиқарувчиларга қишлоқ хўжалиги техникаси учун олдиндан тўлов етказиб берилган техника нархининг 80 фоизидан кам бўлмаган миқдорда техникани етказиб бериш бошланишидан 120 кундан кам бўлмаган муддатда, яқуний ҳисоб-китоб эса етказиб берилган техника қабул қилингандан кейин 10 иш куни давомида амалга оширилади;

«Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Лойиха бошқаруви миллий агентлиги қошидаги Лойихалар ва импорт контрактларини комплекс экспертиза қилиш маркази» ДУК 1-иловага мувофиқ етказиб бериладиган қишлоқ хўжалиги техникасини ишлаб чиқариш учун товарларни сотиб олиш бўйича импорт контрактларининг комплекс экспертизасини амалга оширади.

3. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси бир ҳафта муддатда:

2018 йилда туманлар кесимида қишлоқ хўжалиги техникасини етказиб беришнинг қўшимча ҳажмлари параметрларини, шунингдек, ушбу қарорни инобатга олган ҳолда, уларни молиялаштириш ва етказиб беришнинг ойма-ой графикларини;

буюртмалар портфелини шакллантириш ва шартномалар тузиш, қишлоқ хўжалиги техникасини ишлаб чиқариш ва етказиб беришни молиялаштириш, шунингдек, қишлоқ хўжалиги товар ишлаб чиқарувчиларига механизациялашган хизмат кўрсатиш ишларини ташкил этиш схемаларини тасдиқласин.

4. «Ўзагротехсаноатхолдинг» АЖ Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги, Молия вазирлиги ва Инвестициялар бўйича давлат қўмитаси билан биргаликда уч ой муддатда Вазирлар Маҳкамасига:

қишлоқ хўжалиги техникасининг маҳаллий брендини ишлаб чиқиш ва ишлаб чиқаришга жорий этишни назарда тутган ҳолда Мамлакатимизда қишлоқ хўжалиги машинасозлигини ривожлантириш концепциясини;

2018 — 2020 йилларда қишлоқ хўжалиги машинасозлиги корхоналарининг янги ишлаб чиқаришларини яратиш ва мавжудларини модернизация қилиш, техник ва технологик қайта жиҳозлаш юзасидан инвестиция лойи-

---

\* 1-2-иловалар «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.



ҳалари рўйхати билан бирга қишлоқ хўжалиги техникасининг ҳар бир тури бўйича ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш дастурини;

2018 — 2020 йилларда ишлаб чиқарувчи корхоналар томонидан тармоқ кооперацияси доирасида ишлаб чиқарилаётган қишлоқ хўжалиги техникаси ва унинг компонентлари таннархини пасайтириш дастурини;

қишлоқ хўжалиги техникасини ишлаб чиқариш ва етказиб беришни молиялаштиришни яхшилаш учун халқаро молия институтларининг маблағларини жалб этиш бўйича таклифларни киритсин.

6. Тижорат банкларига қишлоқ хўжалиги техникасини лизинг асосида етказиб беришни келгусида молиялаштириш учун асосий қарз ва фоизларни тўлдириш бўйича 4 ойдан кам бўлмаган муддатга имтиёзли давр билан лизинг ташкилотларига кредитлар ажратиш тавсия этилсин.

7. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Фанлар академияси, Қишлоқ хўжалиги вазирлиги Молия вазирлиги ва «Ўзагротехсаноатхолдинг» АЖ билан биргаликда бир ой муддатда Қишлоқ хўжалигини механизациялаш ва электрлаштириш илмий-тадқиқот институти (кейинги ўринларда Институт деб юритилади) фаолиятини такомиллаштириш бўйича таклифлар киритсин, бунда:

қишлоқ хўжалиги техникаси ишлаб чиқаришга ва қишлоқ хўжалигига илмий ютуқларни жорий этиш муддатларини қисқартириш мақсадида Институт фаолиятини тубдан яхшилаш;

Институтнинг «Ўзагротехмаш» АЖ, қишлоқ хўжалиги машинасозлиги ташкилотлари, шунингдек, қишлоқ хўжалиги соҳасида фаолият юритувчи бошқа илмий-тадқиқот ва таълим муассасалари билан самарали илмий-техник кооперацияси ва ўзаро ҳамкорлигини ўрнатиш;

жаҳон бозорида янги, рақобатбардош қишлоқ хўжалиги техникаси турлари ва моделларини ишлаб чиқиш, яратиш, тайёрлаш, синовдан ўтказиш ва ишлаб чиқаришга жорий этишнинг ягона режасини ишлаб чиқиш, тасдиқлаш ҳамда юқорида кўрсатилган ташкилотлар фаолиятига жорий қилиш назарда тутилсин.

8. Ўзбекистон Республикаси Ҳисоб палатаси Бош прокуратура ва бошқа манфаатдор идоралар билан биргаликда:

а) Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги Қишлоқ хўжалигини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш жамғармаси маблағлари ҳисобидан қишлоқ хўжалиги техникасини етказиб бериш учун маблағларнинг ўз вақтида ажратилиши устидан тизимли мониторинг ва назорат ўрнатсин;

б) 2018 йил 1 сентябрга қадар муддатда «Ўзагротехсаноатхолдинг» АЖ ва унинг таркибига кирувчи ташкилотлар фаолиятини ўргансин, сабзавотчилик, узумчиликни жадал ривожлантириш истиқболларидан келиб чиқиб, қишлоқ хўжалиги техникаси паркини тўлиқ хатловдан ўтказсин ҳамда молиялаштириш, қишлоқ хўжалиги техникасини ишлаб чиқариш, етказиб бериш, хизматлар кўрсатиш тизимини янада такомиллаштириш бўйича таклифлар киритсин, бунда қуйидагиларга алоҳида эътибор қаратилсин:

қишлоқ хўжалиги техникаси паркини унификация қилиш ва жойларда уларга сервис хизмати кўрсатишни ташкил этиш, зарур эҳтиёт қисмларни

ишлаб чиқариш ва етказиб беришни ўзлаштиришни назарда тутган ҳолда агротехника тадбирларининг турлари бўйича қишлоқ хўжалиги техникасига бўлган миқдорий эҳтиёж, фойдаланишга яроқсиз ҳамда ҳисобдан чиқарилиши лозим бўлган техникани инобатга олган ҳолда уларнинг амалда мавжудлиги;

мавжуд қишлоқ хўжалиги техникаси паркини ҳисобга олиш ва назорат қилиш тизимини такомиллаштириш;

қисқа муддатли режа асосида республиканинг қишлоқ хўжалиги техникасига бўлган эҳтиёжини қоплаш усуллари ва йўллари аниқлаш;

машина-трактор паркларининг молиявий операциялари устидан назорат тизимини яратиш ва улар томонидан қарздорликнинг ўсишига олиб келувчи тўловларсиз хизмат кўрсатиш амалиётини тугатиш;

хорижий бозорларда ўхшаш техниканинг сифати ва нархини таҳлил қилган ҳолда ишлаб чиқарилаётган қишлоқ хўжалиги техникасини маҳаллийлаштириш имкониятларини ўрганиш.

9. «Ўзагротехсаноатхолдинг» АЖ Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ҳамда бошқа манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда икки ой муддатда қонун ҳужжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгартиш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

10. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосарлари Н.С. Отажонов, З.Т. Мирзаев, Ж.А. Қўчқоров, Ўзбекистон Республикасининг Бош прокурори О.Б. Муродов, Ўзбекистон Республикаси Ҳисоб палатаси раиси М.М. Икромов ва Ўзбекистон Республикаси Президенти Давлат маслаҳатчисининг биринчи ўринбосари Б.М. Мавлонов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси  
Президенти**

**Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент ш.,  
2018 йил 10 май,  
ПҚ-3712-сон

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ  
ҚАРОРИ**395** **Федерал давлат автоном олий таълим муассасаси «Миллий технологик тадқиқотлар университети «МИСиС»нинг Олмалиқ шаҳридаги филиали фаолиятини ташкил этиш тўғрисида\***

Республика ишлаб чиқариш-саноат тармоғи учун юқори малакали муҳандис-техник кадрлар тайёрлашни янада ривожлантириш ва такомиллаштириш, олий техник таълим соҳасида халқаро ҳамкорликни кенгайтириш мақсадида, шунингдек, 2017 — 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясига мувофиқ:

1. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, «Олмалиқ ТМК» АЖ, «Навоий КМК» ДК, Тошкент вилояти ҳокимлиги ва Федерал давлат автоном олий таълим муассасаси «Миллий технологик тадқиқотлар университети «МИСиС»нинг (Россия Федерацияси) Олмалиқ шаҳрида (Тошкент вилояти) Федерал давлат автоном олий таълим муассасаси «Миллий технологик тадқиқотлар университети «МИСиС»нинг филиалини (кейинги ўринларда Филиал деб юритилади) ташкил этиш тўғрисидаги тақлифига розилик берилсин.

2. Қўйидагилар Филиал фаолиятининг асосий йўналишлари этиб белгилансин:

республиканинг ишлаб чиқариш-саноат тармоғи учун муҳим илмий-технологик вазифаларни ҳал қилишга қодир юқори малакали муҳандис-техник кадрларни халқаро таълим стандартлари даражасида тайёрлаш;

металлургия, кончилик иши ва саноат ишлаб чиқаришнинг бошқа тармоқларида фундаментал ва амалий илмий тадқиқотлар олиб бориш;

мутахассислар ҳамда илмий кадрлар тайёрлаш тизимини таълим ва фаннинг узвийлиги ҳамда узлуксизлиги, шунингдек, жаҳон таълим ва илмий ҳамжамиятига мажбурий интеграция ҳисобига ривожлантириш;

муҳандис-техник кадрлар тайёрлаш тизимини такомиллаштириш ва модернизация қилишга йўналтирилган янги таълим дастурлари ҳамда ўқитиш шакллари ишлаб чиқиш ва жорий этиш;

таълим ва илмий фаолиятнинг ишлаб чиқариш-саноат фаолияти билан узвий интеграцияси учун шарт-шароитлар яратиш;

педагогик салоҳиятни ривожлантиришни қўллаб-қувватлаш, педагогик технологияларни ва ўқитиш услубларини фаол такомиллаштириш;

таълим ва илмий-техник соҳаларда хорижий мамлакатларнинг етакчи таълим муассасалари, илмий-тадқиқот марказлари ҳамда бизнес-ҳамжамиятлари билан узоқ муддатли алоқаларни ривожлантириш ва мустаҳкамлаш.

---

\* Ушбу қарор «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2018 йил 14 майда эълон қилинган.

3. Белгилаб қўйилсинки:

Филиал Федерал давлат автоном олий таълим муассасаси «Миллий технологик тадқиқотлар университети «МИСиС»нинг (кейинги ўринларда — «МИСиС» МТТУ) алоҳида таркибий бўлинмаси ҳамда кадрларга бўлган эҳтиёжни инобатга олган ҳолда, таълимнинг келишилган асосий йўналиш (мутахассислик)лари бўйича барча даражадаги мутахассисларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини оширишни, жумладан илмий-педагогик кадрлар тайёрлашни амалга оширадиган олий таълим муассасаси ҳисобланади;

Филиалда ўқитиш Ўзбекистон Республикаси давлат таълим стандартлари талабларини эътиборга олган ҳолда «МИСиС» МТТУ томонидан тасдиқланган ўқув режалар ва дастурлар бўйича амалга оширилади;

абитуриентларни қабул қилиш ва Филиал битирувчиларининг аттестацияси «МИСиС» МТТУ томонидан Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги билан келишилган ҳолда белгиланадиган талаблар, тартиб ва муддатларга мувофиқ амалга оширилади;

Филиал битирувчиларига Ўзбекистон Республикасида олий таълим тўғрисидаги ҳужжат сифатида тан олинadиган «МИСиС» МТТУнинг белгиланган намунадаги дипломи берилади.

4. Федерал давлат автоном олий таълим муассасаси «Миллий тадқиқот технологик университети «МИСиС»нинг Олмалиқ шаҳридаги филиалида мутахассисларни ўқитиш ва тайёрлашнинг асосий йўналиш (мутахассислик)лари 1-иловага\* мувофиқ маъқуллансин.

5. Филиалга текин фойдаланиш учун:

Навоий давлат кончилик институтининг Тошкент вилояти, Олмалиқ шаҳри, Амир Темур кўчаси, 56-уй манзилида жойлашган биноси;

2017/2018 ўқув йили якуни бўйича фаолияти тугатилаётган Олмалиқ sanoat касб-ҳунар коллежининг Тошкент вилояти, Олмалиқ шаҳри, Амир Темур кўчасида жойлашган биноси берилсин.

6. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги:

«МИСиС» МТТУ ва «Олмалиқ ТМК» АЖ билан биргаликда бир ой муддатда ўрнатилган тартибда Филиал таъсис ҳужжатларининг ишлаб чиқиши, келишилиши ҳамда унинг белгиланган тартибда давлат рўйхатидан ўтказилишини таъминласин;

бир ой муддатда «МИСиС» МТТУ билан Филиалнинг ташкилий тузилмасини келишсин ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига тегишли ҳукумат қарори лойиҳасини киритсин;

2018 йил 1 сентябрга қадар муддатда Филиални танлов асосида юқори малакали профессор-ўқитувчилар таркиби билан таъминласин.

7. Филиалга 2018/2019 ўқув йили учун таълимнинг кундузги шакли бўйича қабул квотаси жами 150 киши, жумладан бакалавриятнинг «Кончилик иши» таълим йўналиши бўйича 75 киши, «Металлургия» таълим йўналиши бўйича 50 киши, «Технологик жараёнлар ва ишлаб чиқаришни авто-

---

\* 1-илова рус тилидаги матнда берилган.

матлаштириш ва бошқариш (тармоқлар бўйича)» таълим йўналиши бўйича 25 киши этиб белгилансин.

8. «МИСиС» МТТУ:

ўқув жараёнига илғор педагогик ҳамда ахборот технологияларини, фан ва техниканинг энг янги ютуқларини жорий этишга;

мутахассисларнинг малакасини оширишга ва Филиалнинг профессор-ўқитувчилари таркибини қайта тайёрлашга;

Филиалнинг кутубхона фондини замонавий ўқув, ўқув-методик ҳамда илмий-техник адабиётлар билан шакллантириш ва тўлдиришга кўмаклашиши маълумот учун қабул қилинсин.

9. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги «Олмалиқ ТМК» АЖ, «Навоий КМК» ДК, «Ўзметкомбинат» АЖ, «Ўзиккиламчиранглиметалл» АЖ, бошқа давлат ва хўжалик бошқаруви органлари билан биргаликда ҳар йили юқори малакали кадрларни тайёрлашга бўлган эҳтиёжни таҳлил қилсин ва унинг натижаси юзасидан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига кейинги ўқув йилларида Филиалга таълим йўналишлари ҳамда мутахассисликлари бўйича қабул қилинадиган талабалар сони юзасидан таклифлар киритиб борсин.

10. Федерал давлат автоном олий таълим муассасаси «Миллий тадқиқот технологик университети «МИСиС»нинг Олмалиқ шаҳридаги филиали Васийлик кенгашининг (кейинги ўринларда — Васийлик кенгаши) шахсий таркиби 2-иловага\* мувофиқ маъқуллансин.

11. Белгилаб қўйилсинки:

а) Филиал фаолиятини молиялаштириш:

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигига талабаларни, лекин Филиалга таълим олиш учун қабул қилинадиган талабалар умумий сонининг 40 фоизидан ортиқ бўлмаган ҳолда, давлат гранти асосида ўқитишга ажратиладиган Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағлари;

талабаларни тўлов-контракт асосида ўқитишдан тушадиган маблағлар; юридик ва жисмоний шахсларнинг ҳомийлик хайриялари ҳамда мақсадли бадалларидан Васийлик кенгаши қарорлари асосида шакллантириладиган пул маблағлари;

халқаро молия институтлари грантлари;

конун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобидан амалга оширилади;

б) Филиални ташкил қилиш, унинг моддий-техник ва ўқув базасини шакллантириш бўйича ташкилий тадбирларни, жумладан таъмирлаш-тиклаш ишларини олиб боришни, бино ва иншоотларни зарур мебель, инвентарь, замонавий ўқув ҳамда лаборатория жиҳозлари, компьютер ва бошқа оргтехника, кутубхона фонди билан таъминлашни, шунингдек, «МИСиС» МТТУ мутахассисларини жалб қилиш билан боғлиқ хизмат сафари харажатларини, Филиал маҳаллий ўқитувчиларининг стажировкаси ва малакасини оши-

---

\* 2-илова «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

риш харажатларини молиялаштириш «Олмалиқ ТМК» АЖ маблағлари ҳисобидан амалга оширилади;

в) «МИСиС» МТТУдан Филиалга жалб қилинадиган профессор-ўқитувчиларнинг хизмат сафари харажатларини тўлаш:

30 кунгача бўлган қисқа муддатли хизмат сафари бўйича — Россия Федерациясининг қонун ҳужжатлари билан олий ўқув юртлари ходимлари учун белгиланган нормаларга мувофиқ;

узоқ муддатли хизмат сафари бўйича — ўқув жараёни эҳтиёжларидан келиб чиққан ҳолда, тузилган шартномаларга мувофиқ амалга оширилади.

12. Филиалга ўқитувчилик ва илмий ишлар учун таклиф қилинадиган хорижий профессор-ўқитувчиларнинг яшаш ҳамда транспорт харажатларини тузиладиган шартномалар асосида Ўзбекистон Республикаси фуқаролари учун белгиланган тарифлар бўйича тўлашга рухсат берилсин.

13. Белгилаб қўйилсинки, Филиални сақлаш учун бюджет маблағлари 2018 йилда Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетининг ижтимоий соҳа бўйича тасдиқланган харажатлар параметрлари доирасида ажратилади, 2019 йилдан бошлаб эса мазкур соҳанинг йиллик харажатлар параметрларида назарда тутилади.

14. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Филиалга иккита авто-транспорт воситасини, жумладан битта хизмат ва битта навбатчи енгил автотранспорт воситасини сақлашга лимит ажратсин.

15. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 27 июлдаги «Тошкент вилоятида саноат ишлаб чиқариш соҳаси учун муҳандис-техник кадрлар тайёрлаш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ–3153-сон қарори билан тузилган, Федерал давлат автоном олий таълим муассасаси «Миллий технологик тадқиқотлар университети «МИСиС»нинг Олмалиқ филиалини ташкил этиш бўйича ташкилий қўмита:

2018 йил 1 июлга қадар муддатда Филиалнинг бино ва иншоотлари реконструкция қилинишини, шунингдек, Филиал талаба ва ўқитувчилари яшаши учун ётоқхона тайёрланишини;

2018 йил 31 августга қадар муддатда Филиал жойлаштирилишини ва уни зарур мебель, инвентарь, замонавий ўқув ва лаборатория жиҳозлари, компьютер ва бошқа оргтехника, кутубхона фонди билан жиҳозланишини таъминласин.

16. Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳамда Филиал буюртмаларига биноан мазкур қарорни амалга ошириш доирасида жалб қилинадиган хорижий профессор-ўқитувчилар ва маъмурий ходимлар, шунингдек, уларнинг оила аъзолари учун кириш визалари консуллик ҳамда бошқа йиғимлар ундирилмасдан, белгиланган тартибда расмийлаштирилишини таъминласин.

17. Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳамда Филиал буюртмаларига биноан мазкур қарорни амалга ошириш доирасида жалб қилинадиган хорижий профессор-ўқитувчилар ва маъмурий ходимларга ҳамда уларнинг оила аъзоларига давлат божлари тўлашдан озод этган ҳолда кўп марталик визалар берилиши ва узайти-

рилишини, шунингдек, уларнинг яшаш жойида вақтинчалик рўйхатдан ўтказилиши ҳамда вақтинчалик рўйхатдан ўтказиш муддати узайтирилишини белгиланган тартибда таъминласин.

18. Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳамда Филиал буюртмаларига биноан Филиални ташкил қилишда ва унинг фаолиятида иштирок этадиган малакали хорижий мутахассисларни республикага жалб этиш учун белгиланган тартибда рухсатномалар берилишини (муддати узайтирилишини), шунингдек, хорижий фуқароларнинг Ўзбекистон Республикаси ҳудудида меҳнат фаолияти ҳуқуқига тасдиқномалар берилишини (муддати узайтирилишини) таъминласин.

19. 2019 йил 1 январга қадар муддатда Филиални жиҳозлаш ва унинг фаолиятини таъминлаш учун белгиланган тартибда тасдиқланадиган рўйхат бўйича олиб кириладиган Ўзбекистон Республикасида ишлаб чиқарилмайдиган замонавий ўқув ва илмий лаборатория жиҳозлари, компьютер техникаси, дастурий маҳсулотлар, ўқув ва илмий-услубий адабиёт, инвентарь ва моддий-техника ресурслари божхона тўловларидан (божхона расмийлаштируви йиғимларидан ташқари) озод этилсин.

20. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг Касб-ҳунар таълими маркази Тошкент вилояти ҳокимлиги билан биргаликда:

Олмалиқ саноат касб-ҳунар коллежи ходимларини ишга жойлаштириш;

Олмалиқ саноат касб-ҳунар коллежи ўқувчилар контингентини яқин бўлган тегишли касб-ҳунар коллежларига йўналиш (касб)лар бўйича жойлаштириш орқали уларнинг келгусида таълим олишини таъминлаш чораларини кўрсин.

21. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда бир ой муддатда қонун ҳужжатларига мазкур қарордан келиб чиқадиган ўзгартиш ва қўшимчалар тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

22. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосарлари Қ.В. Акмалов, А.С. Султонов, Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазири И.У. Маджидов ҳамда «Олмалиқ ТМК» АЖ бошқаруви раиси А.Қ. Фармонов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси**

**Президенти**

**Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент ш.,  
2018 йил 11 май,  
ПҚ-3714-сон

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ  
ҚАРОРИ**396 Аллергик касалликларни профилактика қилиш, уларга ташхис қўйиш ва даволашни тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида\***

Мамлакатимизда соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилиш бўйича комплекс чора-тадбирлар амалга оширилмоқда, ихтисослаштирилган, шошилинич ва тез тиббий ёрдамни, фуқароларнинг соғлиғини сақлаш ва мустаҳкамлаш соҳасидаги фаолиятни такомиллаштиришга доир бир қатор норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинди.

Эришилган ижобий натижаларга қарамай, аллергия касалликларга ташхис қўйиш, уларни даволаш ҳамда профилактика қилиш соҳасида жиддий муаммо ва камчиликлар сақланиб қолмоқда. Хусусан:

биринчидан, аллергологиянинг фундаментал ва амалий асослари амалий тиббиётдан ажралган ҳолда ривожланиши принципиал янги, молекуляр даражада аллергия касалликларга ташхис қўйиш ва даволашнинг замонавий усуллари амалиётга кенг жорий этишга ҳамда қўллашга етарлича эътибор қаратиш имконини бермаяпти;

иккинчидан, тиббиёт муассасаларини даволаш-диагностика аллергенлари билан таъминлашдаги камчиликлар тиббиёт амалиётида антибиотиклар, антигистамин ва гормонал дори воситаларининг асоссиз равишда кенг қўлланилишига олиб келмоқда;

учинчидан, жойларда аллергия касалликларнинг бирламчи ва иккиламчи олдини олиш, ихтисослашган аллергологик ёрдамни таъминлаш борасида зарур чора-тадбирлар кўрилмаяпти, оқибатда беморлар вилоят марказларида ва республиканинг пойтахтида даволанишга мажбур бўлмоқдалар;

тўртинчидан, мазкур соҳада кадрларни тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тизими замон талабларига жавоб бермайди, бунинг оқибатида тиббиёт муассасаларини малакали врач-аллерголог ва иммунологлар билан тўлдириш қониқарсиз аҳволда қолмоқда;

бешинчидан, ахборот тўплаш, таҳлил қилиш ва алмашиш, ишончли статистик ҳисобот юритишнинг самарали механизми йўлга қўйилмаган, аллергологик ёрдам кўрсатиш соҳасида тиббиёт муассасаларининг ихтисослашган бўлимларини назорат қилиш ва мувофиқлаштириш бўйича ягона тизим мавжуд эмас;

олтинчидан, тиббиёт муассасаларининг, жумладан, Республика илмий-ихтисослаштирилган аллергология марказининг моддий-техник базаси, замонавий тиббиёт ускуналари билан жиҳозланганлик даражаси аллергия касалликларга самарали ташхис қўйиш ва уларни даволаш имконини бермайди.

Ихтисослаштирилган аллергологик ёрдам кўрсатишни такомиллаштириш,

---

\* Ушбу қарор «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2018 йил 14 майда эълон қилинган.



унинг сифатини яхшилаш ва ундан фойдаланиш имкониятларини кенгайтириш, аллергик касалликларга ташхис қўйиш ва уларни даволашда илгор услубларни жорий этиш, шунингдек, соҳада фаолият кўрсатувчи тиббиёт муассасаларининг моддий-техник базасини ва кадрлар салоҳиятини мустаҳкамлаш мақсадида:

1. Қуйидагилар Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги Республика илмий-ихтисослаштирилган аллергология марказининг асосий вазифалари ва фаолият йўналишлари этиб белгилансин:

аллергология соҳасида фундаментал ва амалий тадқиқотлар олиб бориш асосида аллергик касалликларни профилактика қилиш, уларга молекуляр ташхис қўйиш ва даволаш бўйича ягона марказлаштирилган тизимни яратиш ҳамда аллергик касалликларни эрта аниқловчи скрининг дастурларни барча жойларда босқичма-босқич жорий этиш;

соғлиқни сақлаш амалиётига илм-фаннинг ижобий натижаларини жорий этиш имконини берадиган биотиббиётнинг умумжаҳон ютуқлари билан боғлиқ ҳолда аллергология соҳасида илмий-амалий тадқиқотлар олиб бориш, аллергик касалликларнинг олдини олиш, уларга ташхис қўйиш ва даволашнинг инновацион усулларини ишлаб чиқиш;

аллергик касалликларга ташхис қўйиш ва уларни даволаш учун зарур бўлган дори-дармон воситалари, тиббиётда қўллаш учун мўлжалланган буюмлар ва тиббиёт техникаси, жумладан, ташхис қўйиш ва даволаш аллергенлари, реагентлари ва сарфлаш материаллари билан таъминлаш даражасини ошириш;

клиник аллергология ва иммунология соҳасида кадрлар тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тизимини такомиллаштириш, тиббиёт муассасаларининг кадрлар салоҳиятини ошириш, бу соҳада етакчи хорижий тиббиёт таълим муассасалари билан яқин ҳамкорлик ўрнатиш;

қўшма илмий лойиҳаларни амалга ошириш, аллергология соҳасига грантлар ва инвестицияларни жалб қилиш, тажриба алмашиш мақсадида хорижий илмий-тадқиқот марказлари билан ҳамкорлик алоқаларини ривожлантириш, шунингдек, аллергология соҳасини ривожлантиришга бағишланган конференциялар, симпозиумлар ва семинарлар ўтказиш.

2. Аллергик касалликларнинг олдини олиш, уларга ташхис қўйиш ва даволашни такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлар (кейинги ўринларда комплекс чора-тадбирлар деб юритилади) иловага\* мувофиқ тасдиқлансин.

Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар бўйича давлат қўмитаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги билан биргаликда комплекс чора-тадбирларни амалга ошириш учун хорижий давлатлар, халқаро молия ташкилотларининг имтиёзли кредитлари (қарзлари) ва грантларини ҳамда бошқа бюджетдан ташқари маблағларни жалб қилиш бўйича зарур чора-тадбирлар кўрсин.

3. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг аллергик касалликларни эрта аниқлаш учун 18 ёшга тўлмаган ва хавф остида бўлган

---

\* Илова «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

болаларни 2019 йил 1 январдан 1 июлгача текшириш бўйича бир марталик умумдавлат акциясини (кейинги ўринларда — бир марталик акция) эълон қилиш тўғрисидаги таклифига розилик берилсин.

Белгилансинки, бир марталик акция оилавий поликлиникалар ва қишлоқ врачлик пунктларида, шунингдек, мактаб ва мактабгача таълим муассасаларига борган ҳолда фуқаролик жамияти институтлари вакилларининг фаол иштирокида бепул асосда ўтказилади.

4. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги бир ой муддатда «Соғлиқни сақлаш» тармоғи бўйича ҳар йили назарда тутиладиган бюджет маблағлари доирасида:

ушбу қарорда белгиланган вазифалар ва йўналишларни ҳисобга олган ҳолда Республика илмий-ихтисослаштирилган аллергология марказининг янгиланган ташкилий-штат тузилмасини ва таъсис ҳужжатларини тасдиқласин;

давлат тиббиёт муассасаларининг даволаш-ташхис қўйиш аллергенларига бўлган эҳтиёжини аниқласин ҳамда давлат тиббиёт муассасалари эҳтиёжлари учун ўз вақтида ва узлуксиз етказиб бериш мақсадида уларни харид қилишни ташкил этиш чораларини кўрсин.

5. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги Фармацевтика тармоғини ривожлантириш агентлиги «Дори-Дармон» АК ва Республика илмий-ихтисослаштирилган аллергология маркази билан биргаликда 2018 йил 1 сентябрга қадар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда талаб энг юқори бўлган даволаш-ташхис аллергенлари давлат томонидан рўйхатдан ўтказилишини таъминласин.

6. Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар бўйича давлат қўмитаси Иқтисодиёт вазирлиги, Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Инновацион ривожланиш вазирлиги, Фанлар академияси, Фармацевтика тармоғини ривожлантириш агентлиги билан биргаликда икки ой муддатда аллергияга қарши дори воситаларини, профилактика рекомбинант аллергия вакциналарини, даволаш ва ташхис қўйиш аллергенларини устувор равишда эркин иқтисодий зоналар ҳудудида ишлаб чиқаришни ташкил этиш бўйича таклифлар киритсин.

7. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги икки ой муддатда:

а) Инновацион ривожланиш вазирлиги билан биргаликда Республика илмий-ихтисослаштирилган аллергология марказида лаборатория амалиёти халқаро стандартларига (GLP) жавоб берадиган замонавий юқори технологик усқуналар билан жиҳозланган клиник-иммунология лабораториясини ташкил этиш бўйича таклиф киритсин;

б) Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги билан биргаликда олий тиббиёт таълим муассасаларидаги ўқув дастурлари ва юкламаларини танқидий ўрганиш асосида:

Тошкент тиббиёт академияси ва Тошкент педиатрия тиббиёт институтида аллергология ва клиник иммунология кафедрасини ташкил этиш;

2018/2019 ўқув йилидан клиник ординатурага қабул қилиш квотасини кўпайтириш;

2019/2020 ўқув йилидан «аллергология ва клиник иммунология» мутахассислиги бўйича магистратура йўналишини очиш;

Тошкент врачлар малакасини ошириш институтида аллергологларнинг малакасини ошириш ўқув дастурларини такомиллаштириш;

аллергик касалликларга ташхис қўйиш ва даволаш учун зарур бўлган дори воситалари ва тиббиёт буюмларини яратиш ва ишлаб чиқариш соҳасидаги замонавий ютуқларни ҳисобга олган ҳолда фармацевтика тармоғи учун кадрларни тайёрлашнинг ўқув дастурларини такомиллаштириш чораларини кўрсин;

в) Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги билан биргаликда аллергик реакциялар ва касалликларни ҳисобга олиш ва мониторинг қилишнинг автоматлаштирилган ахборот тизимини яратиш учун техник вазифаларни ишлаб чиқсин ҳамда тасдиқласин, уни босқичма-босқич жорий этиш бўйича чора-тадбирларни амалга оширсин;

г) республика, вилоят ва туман (шаҳар) миқёсида тиббий хизмат кўрсатиш ҳажмини назарда тутувчи аллергология йўналишида тиббий ёрдам кўрсатиш тартибини, мутахассисларнинг функционал вазифаларини белгилаган ҳолда аллергология хонаси ва бўлимини жиҳозлаш стандартларини тасдиқласин;

д) Инновацион ривожланиш вазирлиги билан биргаликда қўшма илмий лойиҳаларни амалга ошириш, илмий-таълим жараёнига хорижий ўқитувчилар ва мутахассисларни жалб қилиш, илмий-педагогик кадрларнинг хорижда малакасини ошириш ва стажировка ўташини ташкил этиш мақсадида аллергология ва иммунология соҳасидаги етакчи хорижий ташкилотлар ва муассасалар, жумладан, Аллергологлар ва клиник иммунологларнинг Европа академияси билан ҳамкорлик муносабатларини ўрнатиш ва изчил ривожлантириш бўйича ташкилий-амалий чораларни кўрсин.

Белгилансинки, мазкур бандда кўрсатилган таълим жараёнларини ташкил этиш олий тиббиёт таълим муассасалари ва ихтисослаштирилган тиббиёт марказлари, мамлакатимиз тиббиёт муассасалари аллергология бўлималари ва етакчи хорижий клиникаларнинг илмий-амалий базасидан фойдаланган ҳолда амалга оширилади.

8. Ўзбекистон Республикаси Инновацион ривожланиш вазирлиги икки ой муддатда халқаро тажрибани ҳисобга олган ҳолда:

Фанлар академияси, Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси, Фавқулодда вазиятлар вазирлиги билан биргаликда аллергия ўсимликлар чанги тўпланишини кузатишни ва муайян ҳудудда аллергия патологияси билан касалланган беморларни хабардор қилишни назарда тутадиган аэробиологик мониторинг тизимини яратиш;

Инвестициялар бўйича давлат қўмитаси билан биргаликда аллергия касалликлар ташхисини ультразамонавий биологик микрочипларни қўлла-

ган ҳолда ташкил этиш, шунингдек, келгусида Ўзбекистон Республикаси аҳолисининг «аллергик паспортини» ишлаб чиқиш;

Соғлиқни сақлаш вазирлиги билан биргаликда етакчи халқаро мутахассисларни жалб қилган ҳолда аллергиялогия ва иммунология соҳасида илмий-ташхис, таълим ва ишлаб чиқариш инновацияларини ривожлантириш мақсадида лаборатория ва илмий амалиётнинг халқаро стандартларига (GLP, GSP) жавоб берувчи Халқаро молекуляр аллергиялогия ва иммунология марказини ташкил этиш бўйича таклифларни ишлаб чиқсин ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

9. Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси, Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги, Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги аҳоли орасида аллергия касалликларни профилактика қилиш, барвақт ташхис қўйиш ва даволаш масалалари бўйича тизимли равишда ахборот-маърифий ишларни олиб борсин.

10. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда икки ой муддатда:

қонун ҳужжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгартиш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин;

улар томонидан қабул қилинган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ушбу қарорга мувофиқлаштирсин.

11. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Президентининг давлат маслаҳатчилари Р.С. Қосимов, Р.Р. Иноятов ва Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Қ.В. Акмалов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси  
Президенти**

**Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент ш.,  
2018 йил 11 май,  
ПҚ-3715-сон

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ  
ҚАРОРИ**397 Муборак Рамазон ойини муносиб тарзда ўтказиш тўғрисида\***

Халқимиз учун эзгулик, саховат, меҳр-шафқат рамзи ҳисобланган муборак Рамазон ойининг ижтимоий ҳаётимизда ўзаро аҳиллик ва ҳамжиҳатлик муҳитини янада мустаҳкамлаш борасидаги алоҳида ўрни ва аҳамиятини инobatга олган ҳолда ҳамда муқаддас ислом динининг инсонпарварлик моҳиятини, унинг тинчлик, бағрикенглик, шукроналик каби олижаноб ғояларини кенг тарғиб этиш, диний-маърифий кадриятларимизни асраб-авайлаш ва улуглаш мақсадида:

1. 2018 йил муборак Рамазон ойининг бошланиши 17 май кунига тўғри келиши ҳақидаги Ўзбекистон мусулмонлари идорасининг ахбороти маълумот учун қабул қилинсин.

2. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари Ўзбекистон фахрийларининг ижтимоий фаолиятини қўллаб-қувватлаш «Нуроний» жамғармаси, Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича Республика кенгаши ва бошқа жамоат ташкилотлари билан биргаликда Рамазон ойини азалий анъана ва кадриятларимиз руҳида ҳар томонлама муносиб ўтказиш билан боғлиқ чора-тадбирларни амалга оширсин.

Жойларда Рамазон ойининг мазмун-моҳиятида мужассам бўлган эзгу ғоялар, динимиз арконларини эъзозлаш, ҳозирги тинч ва осуда ҳаётимизнинг кадрига етиш, одамларни бир-бирига яхшилик қилишга, аҳил ва ҳамжиҳат бўлиб яшашга даъват этадиган, ёш авлодимизни Ватанга муҳаббат, миллий ва диний кадриятларимизга ҳурмат руҳида тарбиялашга хизмат қиладиган маърифий тадбирлар ва тарғибот ишлари ташкил этилсин.

Ушбу муқаддас ойда ёрдамга муҳтож ва эҳтиёжманд кишиларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, оилалар ва маҳаллаларда меҳр-оқибат ва ўзаро ҳурмат муҳитини мустаҳкамлаш, буюк алломалар, азиз-авлиёларимизнинг зиёратгоҳларини, қабристонларни ободонлаштиришга қаратилган тадбирларни янада кучайтиришга алоҳида аҳамият берилсин.

3. Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси, Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги ва бошқа оммавий ахборот воситаларига Рамазон ойини ўтказиш билан боғлиқ тадбирларни кенг ёритиш тавсия этилсин.

---

\* Ушбу қарор «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2018 йил 12 майда эълон қилинган.

4. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н. Арипов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси**  
**Президенти**

**Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент ш.,  
2018 йил 11 май,  
ПҚ-3716-сон

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ**  
**ҚАРОРИ**

**398 Давлат активларини бошқариш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида\***

Устав фондида давлат улуши устувор бўлган давлат корхоналари ва бошқа юридик шахслар (кейинги ўринларда давлат корхоналари деб юритилади) устувор соҳаларда, энг аввало, ёқилғи-энергетика, агросаноат, тоғ-кон комплексларида, машинасозлик, транспорт, кимё саноати, телекоммуникация соҳаларида ҳал қилувчи ўринларни эгаллаган ҳолда миллий иқтисодиётда муҳим роль ўйнайди.

Шу билан бирга, бугунги кунда давлат корхоналарига ўз вазифаларини тўлиқ бажариш ва мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ва технологик ривожлантиришга кўмаклашиш имконини бермайдиган қатор муаммолар мавжуд. Хусусан:

биринчидан, корпоратив бошқарув жараёнида давлат корхоналарининг бошқарув органларида ижро этувчи ҳокимиятнинг соҳавий комплекслари ва давлат бошқарув органлари раҳбарлари иштироқи оқибатида юзага келадиган манфаатлар тўқнашувининг мавжудлиги;

иккинчидан, давлат корхоналарида оптимал бошқарув қарорлари қабул қилиш, моддий-техника, молиявий ва меҳнат ресурсларидан оқилона ва самарали фойдаланишни таъминловчи инвестициявий жараёнларни бошқаришнинг йўлга қўйилган тизими мавжуд эмаслиги;

учинчидан, корпоратив бошқарувнинг шаффоф эмаслиги, давлат корхоналарининг молиявий ва ҳўжалик фаолиятини мунтазам таҳлил қилиш, уларга юклатилган вазифа ва функцияларнинг бажарилиши ва натижадорлигини самарали назорат қилиш амалиётининг мавжуд эмаслиги;

---

\* Ушбу қарор «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2018 йил 15 майда эълон қилинган.

тўртинчидан, давлат корхоналарининг корпоратив ва лойиҳа бошқаруви соҳасидаги раҳбар ходимлари ва мутахассисларини тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимининг самарасиз эканлиги.

Давлат активларини бошқаришнинг самарадорлигини янада ошириш, давлат корхоналари фаолиятини такомиллаштириш, уларнинг Ўзбекистон Республикасини иқтисодий, технологик ва ижтимоий жиҳатдан янада ривожлантиришдаги ролини ошириш мақсадида:

1. Давлат корхоналари фаолиятини ташкил этишда кенг кўламли ўзгаришларни амалга ошириш, шунингдек, давлат активларининг қийматини ва уларни бошқариш самарадорлигини оширишни кўзда тутувчи давлат корхоналарини трансформация қилиш дастурларини амалга оширишнинг халқаро тажрибаси маълумот учун қабул қилинсин.

2. Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Лойиҳа бошқаруви миллий агентлиги, Молия вазирлиги, Хусусийлаштирилган корхоналарга кўмаклашиш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитасининг қуйидагиларни назарда тутувчи 2018 — 2020 йилларда устав фондида давлат улуши устувор бўлган давлат корхоналари ва бошқа юридик шахсларни трансформация қилиш дастурини (кейинги ўринларда — Дастур) амалга ошириш тўғрисидаги таклифига розилик берилсин:

бошқарув ходимларига юклатилган вазифаларнинг сифатли ва ўз вақтида бажарилиши учун уларнинг масъулиятини таъминловчи корпоратив бошқарув тизимини жорий этиш;

давлат корхоналари фаолияти самарадорлигини таъминлаш бўйича ташаббусларни амалга ошириш;

давлат корхоналари раҳбарлари ва мутахассисларининг касбий кўникмаларини, жумладан тегишли тармоқлар бўйича етакчи хорижий корпорациялар билан тажриба алмашинишни ташкил этиш орқали ривожлантириш;

давлат корхоналарини трансформация қилиш тадбирларини амалга оширишда лойиҳа бошқаруви воситаларидан фойдаланиш.

### 3. Белгилаб қўйилсинки:

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Лойиҳа бошқаруви миллий агентлиги Дастурнинг стратегик мақсадлари ва муҳим вазифаларни аниқлаш ва тасдиқлаш, шунингдек, уни амалга ошириш масалалари бўйича қарорлар қабул қилишга ваколатли Лойиҳа офиси (кейинги ўринларда — Лойиҳа офиси) функцияларини бажаради;

Дастурнинг амал қилиши «Ўзбекнефтгаз», «Ўзкимёсаноат», «Ўзбекэнерго», «Ўзбекгидроэнерго», «Олмалик кон-металлургия комбинати», «Ўзбекистон темир йўллари» акциядорлик жамиятлари, «Ўзбектелеком» АК, «Навоий кон-металлургия комбинати» ДК, «Ўзбекистон ҳаво йўллари» МАК ва АТ Халқ банкига (кейинги ўринларда — давлат компаниялари) татбиқ қилинади.

Лойиҳа офисига Дастурнинг амал қилиши муддатини узайтириш, шунингдек, унга бошқа давлат корхоналарини киритиш бўйича таклифларни белгиланган тартибда киритиш ҳуқуқи берилсин.

### 4. Белгилансинки, Дастурни амалга ошириш даврида:

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг давлат компанияларининг бошқарув органларини шакллантириш бўйича;

Ўзбекистон Республикаси Хусусийлаштирилган корхоналарга қўмаклашиш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси ҳузуридаги Давлат активларини бошқариш марказининг давлат компанияларига нисбатан;

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг АТ Халқ банкига нисбатан вазифа, функция ва ҳуқуқлари Лойиҳа офисига ўтказилади.

Лойиҳа офиси Дастурнинг ижроси бўйича ўз фаолиятини Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси, Молия вазирлиги ҳамда Хусусийлаштирилган корхоналарга қўмаклашиш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитасидан мустақил равишда амалга оширади.

5. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг Молия бозори ва давлат активлари бўйича даромадлар тушумини назорат қилиш бошқармаси тугатилсин ҳамда бўшаётган 5 та штат бирлиги Ўзбекистон Республикаси Хусусийлаштирилган корхоналарга қўмаклашиш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси ҳузуридаги Давлат активларини бошқариш марказига ўтказилсин.

6. Лойиҳа офисига Дастурни амалга ошириш доирасида қўйидаги ваколатлар берилсин:

Дастурга мувофиқ давлат компанияларининг ташаббусларини ишлаб чиқиш ва жорий этиш;

давлат компанияларининг молия-хўжалик фаолияти тўғрисидаги ахборотларни, шу жумладан, тижорат, банк, солиқ сирларини ва бошқа чекланган ахборотларни ўз ичига олувчи маълумотларни сўраб олиш;

давлат компанияларининг фаолиятини, шу жумладан уларнинг ташаббусларини амалга ошириш нуқтаи назаридан мунтазам таҳлил қилиш;

корпоратив бошқарувнинг самарали тизимини, бизнес-жараёнларни такомиллаштириш, асосий ишлаб чиқариш, маъмурий ва оператив жараёнларни оптималлаштириш, замонавий менежмент ва ресурсларни бошқаришни жорий қилиш орқали йўлга қўйиш.

7. Қўйидагилар:

Дастурни амалга ошириш масалалари бўйича Лойиҳа офисининг қарорлари давлат компаниялари томонидан ижро этилиши учун мажбурий ҳисобланади;

Лойиҳа офиси Дастурда назарда тутилган тадбирларни амалга ошириш сифати ва муддатлари устидан мониторинг ўтказиши;

давлат компанияларининг бюджетини шакллантириш Лойиҳа офиси билан мажбурий келишилиши лозим.

Лойиҳа офиси Дастур амалга оширилишининг бориши тўғрисидаги маълумотларни ҳар йили Ўзбекистон Республикаси Лойиҳа бошқарувининг ягона миллий ахборот тизимини жорий этиш бўйича Мувофиқлаштирувчи кенгашга тақдим қилади.

8. Лойиҳа офиси давлат компаниялари билан биргаликда икки ой муддатда:

Лойиҳа офиси ишининг регламенти;



Дастурни амалга ошириш бўйича «йўл хариталари»ни ишлаб чиқиш ва белгиланган тартибда тасдиқлашни таъминласин.

Белгилансинки, Дастурни амалга ошириш тадбирларини молиялаштириш давлат компанияларининг шахсий маблағлари ҳисобидан амалга оширилади.

9. Ўзбекистон Республикаси Корпоратив бошқарув илмий-таълим маркази (кейинги ўринларда — Марказ) балансидаги бинолари, иншоотлари ва бошқа моддий-техника қимматликлари билан биргаликда Лойиҳа офисига берилсин.

Ўзбекистон Республикаси Корпоратив бошқарув илмий-таълим марказининг Васийлик кенгаши таркиби ва ташкилий тузилмаси 1 ва 2-иловаларга\* мувофиқ тасдиқлансин.

10. Белгилансинки, Марказ мавжуд ваколатлари билан бир қаторда: давлат органлари ва бошқа ташкилотлар ходимларини лойиҳа бошқаруви масалалари бўйича ўқитишни ташкил этади;

давлат органлари ва бошқа ташкилотлар ходимларининг лойиҳа бошқаруви ҳамда давлат харидлари соҳаларида малакасини ошириш бўйича махсус қисқа муддатли таълим дастурларини ишлаб чиқади;

лойиҳа бошқаруви ҳамда давлат харидлари соҳаларида кадрлар захирасини шакллантиради;

лойиҳа бошқаруви ҳамда давлат харидлари соҳаларида давлат органлари ва бошқа ташкилотлар ходимларини сертификатлаш тизимини ишлаб чиқади ва амалга жорий этади;

лойиҳа бошқаруви ҳамда давлат харидларининг халқаро ва миллий стандартлари бўйича ўқув қўлланмалар, ахборот берувчи адабиётлар ва бошқа материаллар ишлаб чиқишни амалга оширади.

11. Марказда 2018/2019 ўқув йилидан бошлаб:

хар йилги қабул квоталари 40 кишидан иборат бўлган магистратура таълим дастури асосида «Лойиҳа бошқаруви» («Project management») мутахассислиги бўйича тўлов-контракт асосида ўқитиш;

давлат органлари ва бошқа ташкилотлар ходимларини лойиҳа бошқаруви ҳамда давлат харидлари соҳалари бўйича тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш юзасидан имтиҳонларни муваффақиятли топширган тақдирда белгиланган намунадаги сертификатлар берилган ҳолда, махсус курслар ташкил этилсин.

12. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Лойиҳа бошқаруви миллий агентлиги билан биргаликда белгиланган тартибда:

магистрлар тайёрлаш соҳасидаги замонавий тенденцияларни ҳисобга олган ҳолда, «Лойиҳа бошқаруви» магистратура мутахассислиги бўйича кадрлар тайёрлаш соҳасида олий таълим давлат таълим стандартини тасдиқласин;

Олий таълим йўналишлари ва мутахассисликлари классификаторига «Лойиҳа бошқаруви» магистратура мутахассислигини киритсин.

13. Марказ икки ой муддатда кадрлар тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва

---

\* 1-2-иловалар «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

уларнинг малакасини ошириш бўйича ўқув режаларини хорижда қисқа муддатли стажировкалар ўташни ва лойиҳа бошқаруви ҳамда давлат харидлари соҳасидаги етакчи хорижий мутахассисларни кенг жалб қилишни назарда тутган ҳолда ишлаб чиқсин ва Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Лойиҳа бошқаруви миллий агентлиги билан келишган ҳолда тасдиқласин.

14. Ўзбекистон Республикаси Президентининг ва Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига 3-иловага мувофиқ ўзгартиш ва қўшимчалар киритилсин.

15. Ўзбекистон Республикаси Хусусийлаштирилган корхоналарга қўмаклашиш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Лойиҳа бошқаруви миллий агентлиги, Молия вазирлиги, Адлия вазирлиги ва бошқа манфаатдор идоралар, шунингдек, давлат компаниялари билан биргаликда икки ой муддатда қонун ҳужжатларига мазкур қарордан келиб чиқадиган ўзгартиш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

16. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н. Арипов, Ўзбекистон Республикаси Президенти Давлат маслаҳатчисининг биринчи ўринбосари Б.М. Мавлонов ва Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Лойиҳа бошқаруви миллий агентлиги директори Ш.М. Садиқов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси  
Президенти**

**Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент ш.,  
2018 йил 12 май,  
ПҚ-3720-сон

Ўзбекистон Республикаси  
Президентининг 2018 йил 12 майдаги  
ПҚ-3720-сон қарорига  
3-ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикаси Президентининг ва Ўзбекистон  
Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига  
киритилаётган ўзгартиш ва қўшимчалар**

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 30 сентябрдаги «Корпоратив бошқарув илмий-таълим маркази фаолиятини ташкил этиш чоратадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-2414-сон қарорининг рус тилидаги матнида:

а) 1-банд қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«1. Определить основными задачами и направлениями деятельности Научно-образовательного центра корпоративного управления:

осуществление с широким участием профессорско-преподавательских кадров ведущих образовательных учреждений экономически развитых стран специальных краткосрочных программ по повышению квалификации управленческих кадров и специалистов в сфере корпоративного управления, овладению ими современными методами менеджмента, маркетинга и бизнес-администрирования;

организацию обучения работников государственных органов и иных организаций по вопросам проектного управления;

разработку специальных краткосрочных образовательных программ по повышению квалификации работников государственных органов и иных организаций в сфере проектного управления и государственных закупок;

подготовку высококвалифицированных специалистов на основе международных стандартов проектного управления по образовательной программе магистратуры по специальности «Проектное управление» («Project management»);

подготовку высококвалифицированных специалистов в области управления бизнесом и корпоративного управления на основе используемых в экономически развитых странах образовательных программ магистратуры по специальности «Управление бизнесом» («Master of Business Administration — MBA»);

формирование кадрового резерва в сфере проектного управления и государственных закупок;

разработку и внедрение системы сертификации работников государственных органов и иных организаций в области проектного управления и государственных закупок;

разработку учебных пособий, справочной литературы и других материалов по международным и национальным стандартам проектного управления и государственных закупок;

внедрение в учебный процесс современных международных стандартов и методов подготовки управленческих кадров с широким использованием передовых педагогических и информационно-коммуникационных технологий, в том числе дистанционного обучения;

глубокое изучение на системной основе передового зарубежного опыта в сфере проектного и корпоративного управления, менеджмента и государственных закупок, а также подготовку предложений по совершенствованию законодательства в этой сфере;

установление тесных связей и развитие сотрудничества с ведущими зарубежными образовательными учреждениями и компаниями, реализацию с ними совместных партнерских программ по дальнейшему совершенствованию учебно-методической работы по подготовке и повышению профессионального уровня управленческих кадров в сфере проектного и корпоративного управления»;

б) 3-банднинг учинчи ва тўртинчи хатбошилари қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«является юридическим лицом в форме учреждения и в своей деятель-

ности подчиняется и подотчетен Национальному агентству проектного управления при Президенте Республики Узбекистан;

осуществляет на платно-контрактной основе подготовку, переподготовку и повышение квалификации управленческих кадров по специальным образовательным программам «корпоративное управление для руководящих работников», «проектное управление и государственные закупки», а также по образовательным программам магистратуры по специальностям «Проектное управление» («Project management») и «Управление бизнесом» («Master of Business Administration — MBA») с выдачей по окончании обучения соответствующих документов государственного образца. При этом на период обучения в Центре за обучающимися сохраняется занимаемая должность по основному месту работы»;

в) 4-банднинг иккинчи ва учинчи хатбошилари, шунингдек қарорга 1 ва 2-иловалар ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин;

г) 5-банднинг биринчи хатбошисидан «Р.С.Азимов» сўзи чиқариб ташлансин.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 27 июлдаги ПҚ-3150-сон қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Президентини ҳузуридаги Лойиҳа бошқаруви миллий агентлиги тўғрисидаги низомда:

а) қўйидаги мазмундаги 7<sup>1</sup>-банд билан тўлдирилсин:

«7<sup>1</sup>. 2018 — 2020 йилларда устав фондида давлат улуши устувор бўлган давлат корхоналари ва бошқа юридик шахсларни трансформация қилиш дастурини (кейинги ўринларда Дастур деб юритилади) амалга ошириш доирасида Агентликка Дастурда иштирок этувчи устав фондида давлат улуши устувор бўлган давлат корхоналари ва бошқа юридик шахсларга (кейинги ўринларда давлат компаниялари деб юритилади) нисбатан қўйидаги вазифалар юклатилади:

инвестиция активларининг ишончли бошқарувчилари ва давлатнинг ишончли вакилларининг давлат мулкани самарали бошқариш бўйича фаолиятининг натижадорлиги мониторингини олиб бориш;

давлат компанияларининг давлат пакетлари (улушлари) бўйича, шу жумладан, уларни давлатнинг ишончли вакилларига, бошқарувчи компанияларга ва хўжалик бошқаруви органларига ишончли бошқарувга бериш йўли билан акциядор (қатнашчи)нинг ҳуқуқларини рўёбга чиқариш;

давлат компаниялари фаолияти самарадорлигини, биринчи навбатда, ишлаб чиқаришни модернизациялаш ва техник жиҳатдан қайта жиҳозлаш, маҳсулот таннархини пасайтириш, меҳнат унумдорлигини ошириш, сифатни бошқаришнинг замонавий тизимларини жорий этиш ҳисобига ошириш юзасидан чора-тадбирлар комплексини ишлаб чиқиш ва уларни амалга оширишда қатнашиш;

давлат компаниялари томонидан дивидендларнинг Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетига ўз вақтида ва тўлиқ ҳажмда тўланишини таъминлашга қўмаклашиш»;

б) 8-банд қўйидаги мазмундаги «к» — «м» кичик бандлар билан тўлдирилсин:

«к) инвестиция активларининг ишончли бошқарувчилари ва давлатнинг ишончли вакилларининг давлат мулкани самарали бошқариш бўйича фаолиятининг натижадорлиги мониторингини олиб бориш соҳасида:

муассислар (акциядорлар, қатнашчилар) ва ишончли бошқарувчилар томонидан тақдим этиладиган ҳисоботлар ва ахборот, шу жумладан идоралараро электрон ҳужжат айланиши воситасида олинadиган ҳисоботлар асосида давлат компанияларининг молия-хўжалик фаолиятини таҳлил қилади, давлат компанияларининг бизнес-режаси параметрлари мунтазам равишда бажарилмаган тақдирда эса, ижро этувчи органи таркибини алмаштириш ташаббуси билан чиқади;

аудиторлик ташкилотлари томонидан тақдим этилган ҳужжатларни кўриб чиқиш якунлари бўйича давлат компанияларида ташқи аудитни ўтказиш учун аудиторлик ташкилотлари танловини амалга оширади ва тасдиқлайди;

давлат компанияси молия-хўжалик фаолиятини аудиторлик текшириш ёки улар фаолиятининг махсус масаласи бўйича аудиторлик текширишини ўтказиш ташаббуси билан чиқади;

давлат компаниялари ижро этувчи органи ва кузатув кенгаши раҳбарларининг корпоратив бошқаришнинг сифатли тизимини жорий этиш бўйича ҳисоботларини Агентликда вақти-вақти билан эшитишни ташкил этади;

ҳар чоракда давлат компаниялари, шунингдек ишончли бошқарувчилар фаолиятининг самарадорлиги ҳақида таҳлилий материаллар тайёрлайди;

л) давлат компанияларининг давлат пакетлари (улушлари) бўйича, шу жумладан, уларни давлатнинг ишончли вакилларига, бошқарувчи компанияларга ва хўжалик бошқаруви органларига ишончли бошқарувга бериш йўли билан акциядор (қатнашчи)нинг ҳуқуқларини рўёбга чиқариш соҳасида:

қонун ҳужжатларига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси номидан акцияларнинг давлат пакети (улушлари) бўйича давлат компанияларининг акциядори (қатнашчиси) ҳуқуқини амалга оширади, шунингдек ушбу ҳуқуқларни ишончли бошқарувчиларга беради;

давлат компаниялари, шу жумладан, чет элдаги жойлашганлари, бошқарув органларида ўзига эгаллик қилиш ва фойдаланиш учун берилган акцияларнинг давлат пакетлари (улушлар) бўйича акциядор (қатнашчи) сифатида давлат манфаатларини ифодалайди;

танлов асосида акцияларнинг давлат пакетларини (улушларини) ишончли бошқарувга беради, уларни давлатнинг ишончли вакилларига, давлат ва хўжалик бошқаруви органларига бериш ҳоллари бундан мустасно;

давлат компанияларидаги давлат улушини бошқариш бўйича ишончли бошқарувчилар билан, қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳолларда эса, бошқа юридик шахслар билан шартномалар тузади;

давлат компаниялари акциядорлари (қатнашчилари) умумий мажлисида иштирок этиш учун ишончли бошқарувчиларга, давлат вакилларига ва Агентлик ходимларига ишончномалар беради;

давлат компаниялари бошқарув органлари мажлислари кун тартиби масалалари юзасидан овоз бериш сиёсати бўйича ишончли бошқарувчиларга ва давлат вакилларига кўрсатмалар беради;

м) давлат компаниялари фаолияти самарадорлигини, биринчи навбатда, ишлаб чиқаришни модернизациялаш ва техник жиҳатдан қайта жиҳозлаш, маҳсулот таннархини пасайтириш, меҳнат унумдорлигини ошириш, сифатни бошқаришнинг замонавий тизимларини жорий этиш ҳисобига ошириш юзасидан чора-тадбирлар комплексини ишлаб чиқиш ва уларни амалга оширишда қатнашиш соҳасида:

давлат мулкани бошқариш масалалари бўйича қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда давлат органлари билан ўзаро ҳамкорлик қилади;

давлат компаниялари молия-хўжалик фаолиятини таҳлил қилади, шунингдек уларни молиявий соғломлаштириш чораларини кўради;

давлат компанияларининг самарали бизнес-режалари ишлаб чиқилишига кўмаклашади ва уларнинг параметрлари бажарилиши мониторингини олиб боради;

акциядорлик жамиятларини бошқаришда акциядорлар ва кузатувчи кенгашларнинг ролини тубдан оширишга, миноритар акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилишни таъминлашга, давлат компанияларининг молия-хўжалик фаолияти натижалари юзасидан ижро этувчи органларнинг акциядорлар олдидаги жавобгарлигини кучайтиришга йўналтирилган корпоратив бошқариш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирларини кўради;

давлат компанияларини самарали бошқаришни таъминлаш учун уларни корпоратив бошқаришнинг энг яхши илғор тажрибасини жорий этиш ишларини олиб боради;

давлат компаниялари фаолиятининг иқтисодий самарадорлигини, шу жумладан, уларнинг молиявий натижаларини ошириш чораларини кўради;

ишлаб чиқаришни модернизациялаш, технологик қайта жиҳозлаш ва кенгайтириш жараёнларига зарур инвестицияларни жалб этиш учун давлат компанияларининг қимматли қоғозларини чиқариш ташаббуси билан чиқиш орқали фонд бозорининг ривожланишига кўмаклашади;

давлат активларини бошқариш самарадорлигини ошириш, корпоратив бошқаришни ривожлантириш соҳасида консалтинг хизматлари кўрсатади;

солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар бўйича Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети, давлат мақсадли жамғармаларига, иш ҳақи ва дивидендлар бўйича муддати ўтган қарздорлик вужудга келганда, шунингдек бизнес-режа бўйича асосий параметрлар кетма-кет икки чорак давомида бажарилмаган ҳолларда давлат компаниясининг кузатув кенгашига давлат кенгашининг ижро этувчи органи билан меҳнат муносабатларини давом эттириш мақсадга мувофиқлиги тўғрисидаги масалани киритади;

маҳаллий давлат ҳокимияти органлари билан биргаликда ривожланган мамлакатларнинг илғор тажрибаларини жорий этиш, давлат компаниялари, давлатнинг ишончли вакиллари, инвестиция активларини ишончли бошқарувчиларнинг билим даражаси ва бошқарув қобилиятини ошириш йўли билан корпоратив бошқарув ва давлат активларини самарали бошқаришни ривожлантириш билан боғлиқ курслар, семинарлар, «давра суҳбатлари» ва бошқа тадбирлар ташкил этади;

корпоратив бошқарув тизимини такомиллаштириш ва давлат компания-

ларини бошқариш самарадорлигини оширишга йўналтирилган тадбирлар бўйича таклифлар тайёрлайди;

давлат активларини самарали бошқариш, корпоратив бошқарувнинг замонавий методларини жорий этиш, менежмент сифатини ошириш бўйича, шунингдек давлат компанияларидаги давлат вакилларининг фаолиятини тартибга солувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини тайёрлашда иштирок этади;

давлат компанияларига уларнинг ривожланишида кўмаклашади»;

в) қуйидаги мазмундаги 10<sup>1</sup>-банд билан тўлдирилсин:

«10<sup>1</sup>. Дастурни амалга ошириш доирасида Агентликка давлат компанияларига нисбатан қуйидаги ҳуқуқлар берилади:

Дастурга мувофиқ давлат компанияларининг ташаббусларини ишлаб чиқиш ва жорий этиш;

зарур ҳолларда давлат органлари, жумладан ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари, бошқа давлат ташкилотлари ва давлат компанияларидан Агентликка юклатилган вазифа ва функцияларни бажариш учун зарур бўлган ахборот ва материалларни, шу жумладан, тижорат, банк, солиқ сирларини ва бошқа чекланган ахборотларни ўз ичига оловчи маълумотларни сўраш ва олиш;

қўйилган вазифаларни тезкор ҳал қилиш учун илмий-тадқиқот, аудиторлик, адвокатлик, консалтинг ва бошқа ташкилотларни, корпоратив бошқарув, менежмент, молия ва қимматли қоғозлар соҳасида иш тажрибасига эга бўлган мустақил экспертлар ва мутахассисларни белгиланган тартибда жалб қилиш;

давлат компаниялари фаолиятини, жумладан муваффақиятли ўтган миллий ва халқаро тажриба асосида давлат уларнинг ташаббусларининг амалга оширилиши нуктаи назаридан доимий таҳлил қилиб бориш;

корпоратив бошқарувнинг самарали тизимини, жумладан бизнес-жараёнларни такомиллаштириш, асосий ишлаб чиқариш, маъмурий ва оператив жараёнларни оптималлаштириш, замонавий менежмент ва ресурсларни бошқаришни жорий этиш орқали йўлга қўйиш;

давлат мулкани, зарур ҳолда жойига чиққан ҳолда, хатловдан ўтказиш ва ундан фойдаланиш самарадорлигини мониторинг қилиш;

давлат органлари ва ташкилотлари орасидан давлат компанияларининг кузатув кенгашларига номзодларни танлаш;

ўз ваколатлари доирасида давлат компанияларининг устав фондидаги давлат акциялари пакетини (улушини) ўзгартириш бўйича буйруқлар чиқариш;

ишончли бошқарувчиларга давлатнинг акциядор (иштирокчи) сифатидаги ҳуқуқлари бузилишини ва (ёки) унинг оқибатларини бартараф этиш тўғрисида, дастлабки ҳолатни тиклаш тўғрисида бажарилиши мажбурий бўлган кўрсатмалар бериш, шунингдек уларнинг ижросини назорат қилиш;

давлат компанияларининг устав фондидаги давлат иштирокини оптималлаштириш бўйича таклифлар киритиш».

3. Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 27 октябрдаги «Корпоратив бош-

қарув илмий-таълим марказининг самарали фаолиятини таъминлашга доир ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида»ги 305-сон қарорида (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2015 й., 10-сон, 94-модда):

а) 2-бандда:

қуйидаги мазмундаги иккинчи хатбоши билан тўлдирилсин:

«Корпоратив бошқарув илмий-таълим марказининг (кейинги ўринларда Марказ деб аталади) муассиси Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Лойиҳа бошқаруви миллий агентлиги ҳисобланади»;

иккинчи — еттинчи хатбошилар тегишинча учинчи — саккизинчи хатбошилар деб ҳисоблансин;

учинчи хатбошидаги «Корпоратив бошқарув илмий-таълим марказининг (кейинги ўринларда Марказ деб аталади)» деган сўзлар «Марказ» деган сўз билан алмаштирилсин;

саккизинчи хатбошидаги «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг» деган сўзлар «Марказ Васийлик кенгашининг» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

б) 1-иловада:

2-банднинг иккинчи хатбошиси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Марказ ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Лойиҳа бошқаруви миллий агентлигига бўйсунди ва ҳисобот беради»;

11-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«11. Бошқарув кадрлари ва мутахассисларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини оширишнинг самарали тизимини ташкил этиш, шунингдек бизнесни бошқариш, лойиҳа ва корпоратив бошқарув соҳасида фундаментал ва амалий илмий тадқиқотлар олиб бориш Марказнинг асосий мақсади ҳисобланади»;

12-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«12. Қуйидагилар Марказнинг асосий вазифалари ва фаолият йўналишлари ҳисобланади:

корпоратив бошқарув соҳасида, иқтисодий ривожланган мамлакатларнинг етакчи таълим муассасалари профессор-ўқитувчи кадрларининг кенг иштирокида бошқарув кадрлари ва мутахассисларининг малакасини ошириш, уларнинг менежмент, маркетинг ва бизнесни бошқаришнинг замонавий усулларини эгаллаши бўйича махсус қисқа муддатли дастурларни амалга ошириш;

давлат органлари ва бошқа ташкилотлар ходимларини лойиҳа бошқаруви масалалари бўйича ўқитишни ташкил этиш;

давлат органлари ва бошқа ташкилотлар ходимларини лойиҳа бошқаруви ва давлат харидлари соҳасидаги малакасини ошириш бўйича махсус қисқа муддатли таълим дастурларини ишлаб чиқиш;

лойиҳа бошқаруви халқаро стандартлари асосида «Лойиҳа бошқаруви» («Project management») мутахассислигида магистратура таълим дастурлари бўйича юқори малакали мутахассислар тайёрлаш;

«Бизнесни бошқариш» («Master of Business Administration — MBA») мутахассислиги бўйича иқтисодий ривожланган мамлакатларда фойдалани-



ладиган магистратура таълим дастурлари асосида бизнесни бошқариш ва корпоратив бошқарув соҳасида юқори малакали мутахассислар тайёрлаш;

лойиҳа бошқаруви ва давлат харидлари соҳасида кадрлар захирасини шакллантириш;

лойиҳа бошқаруви ва давлат харидлари соҳасида давлат органлари ва бошқа ташкилотлар ходимларини сертификатлаш тизимини ишлаб чиқиш ва амалга жорий этиш;

лойиҳа бошқаруви ва давлат харидларининг халқаро ва миллий стандартлари бўйича ўқув қўлланмалар, маълумот берувчи адабиётлар ва бошқа материаллар ишлаб чиқиш;

илғор педагогика ва ахборот-коммуникация технологияларидан кенг фойдаланган ҳолда ўқув жараёнига бошқарув кадрлари тайёрлашнинг замонавий халқаро стандартлари ва усулларини жорий этиш;

лойиҳа бошқаруви ва корпоратив бошқарув, менежмент ва давлат қурилиши соҳасида илғор хорижий тажрибани тизимли асосда чуқур ўрганиш, шунингдек мазкур соҳада қонунчиликни такомиллаштириш бўйича таклифлар тайёрлаш;

етакчи хорижий таълим муассасалари ва компаниялар билан мустаҳкам алоқалар ўрнатиш ва ҳамкорликни ривожлантириш, улар билан лойиҳа бошқаруви ва корпоратив бошқарув соҳасида бошқарув кадрлари тайёрлаш ва уларнинг профессионал савиясини ошириш бўйича ўқув-методик ишларни янада такомиллаштириш юзасидан қўшма ҳамкорлик дастурларини амалга ошириш»;

13-бандда:

иккинчи хатбоши «Вазирлар Маҳкамасининг» деган сўзлардан олдин «Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Лойиҳа бошқаруви миллий агентлигининг» деган сўзлар билан тўлдирилсин;

еттинчи хатбоши «бизнесни бошқариш» деган сўзлардан кейин «лойиҳа» деган сўз билан тўлдирилсин;

саккизинчи хатбоши «тузилмаларнинг» деган сўздан кейин «лойиҳа бошқаруви» деган сўзлар билан тўлдирилсин;

15-банднинг биринчи хатбошисидаги «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг» деган сўзлар «Марказ Васийлик кенгашининг» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

19-бандда:

қуйидаги мазмундаги иккинчи хатбоши билан тўлдирилсин:

«Марказ директорини тайинлайди ва лавозимидан озод қилади, Марказ директорининг тақдимномасига мувофиқ директор ўринбосарлари номзодларини келишади»;

иккинчи — олтинчи хатбошилар тегишинча учинчи — еттинчи хатбошилар деб ҳисоблансин;

в) 2-иловада:

2-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«2. Марказга тўлов-контракт асосида магистрлар қабул қилишнинг ҳар йилги квотаси қуйидаги миқдорда белгиланади:

«Лойиха бошқаруви» («Project management») мутахассислиги бўйича — 40 киши;

«Бизнесни бошқариш» («Master of Business Administration — MBA») мутахассислиги бўйича — 40 киши»;

3-банд қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«3. Марказ ўқитишни тўлов-контракт асосида:

«Лойиха бошқаруви» («Project management») мутахассислиги бўйича магистратуранинг бир йиллик таълим дастурига мувофиқ;

«Бизнесни бошқариш» («Master of Business Administration — MBA») мутахассислиги бўйича магистратуранинг икки йиллик таълим дастурига мувофиқ амалга оширади.

Ўқитиш якуни бўйича давлат намунасидаги тегишли ҳужжатлар берилди»;

4-банддаги «хўжалик бошқаруви органлари ва тадбиркорлик бошқа субъектларининг раҳбар ходимлари ҳамда мутахассислари» деган сўзлар «давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, бошқа ташкилотларнинг раҳбар ходимлари ҳамда мутахассислари, шунингдек яқка тартибдаги тадбиркорлар» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

10-банднинг иккинчи хатбошисидаги «ижро этувчи ҳокимият» деган сўзлар «давлат ҳокимияти» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

21-бандда:

қўйидаги мазмундаги учинчи хатбоши билан тўлдирилсин:

«имтиҳонларни муваффақиятли топширганда белгиланган намунадаги сертификат берган ҳолда лойиха бошқаруви ва давлат харидлари соҳасида давлат органлари ва бошқа ташкилотларнинг ходимларини тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш»;

учинчи хатбоши тўртинчи хатбоши деб ҳисоблансин;

г) 3-илованинг 3-банди иккинчи хатбошисидаги «бизнесни бошқариш» деган сўзлар «самарали давлат бошқаруви ва бизнес маъмуриятчилиги, лойиха» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ  
ҚАРОРИ**399** Халқаро шартномага қўшилиш тўғрисида\*

1. Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги иштирокчи-давлатларнинг ҳукумат раҳбарлари кенгаши йиғилишида Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги иштирокчи-давлатларининг умумий илмий-технологик макон яратиш тўғрисида 2009 йил 20 ноябрь куни Ялта шаҳрида имзоланган 1995 йил 3 ноябрдаги Битимига ўзгартиришлар киритиш ҳақидаги Протоколига қўшилиш маъқуллансин.

2. Ўзбекистон Республикаси Инновацион ривожланиш вазирлиги мазкур халқаро шартнома амалга оширилиши учун жавобгар бўлган ваколатли орган этиб белгилансин.

3. Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги Ўзбекистон Республикаси мазкур халқаро шартномага қўшилиши ҳамда уни амалга оширишда жавобгар бўлган ваколатли орган тўғрисида депозитарийга тегишли билдиришнома йўлласин.

4. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳамда тегишли вазирлик ва идораларнинг раҳбарлари ушбу халқаро шартнома кучга киргандан кейин Ўзбекистон Республикасининг мажбуриятлари бажарилиши устидан белгиланган тартибда назоратни таъминласинлар.

5. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н. Арипов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси**  
**Президенти**

**Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент ш.,  
2018 йил 12 май,  
ПҚ-3722-сон

---

\* Ушбу қарор «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2018 йил 14 майда эълон қилинган.

## УЧИНЧИ БЎЛИМ

### ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИ

## **400** Ўзбекистон Республикасида мажбурий меҳнатга барҳам беришга доир кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида\*

Ўзбекистон Республикасида инсон ҳаёти ва фаолиятининг барча соҳаларида мажбурий меҳнатнинг олдини олиш ва унга тўлиқ барҳам беришга доир аниқ ҳамда амалий чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

Халқаро меҳнат ташкилоти (кейинги ўринларда ХМТ деб аталади) билан фаол ҳамкорлик қилинмоқда, ушбу ташкилотнинг 14 та, жумладан, 8 та асосий конвенцияси, шунингдек, болалар меҳнати ва мажбурий меҳнатга қарши курашишга доир конвенцияси ратификация қилинди. Республикада ХМТ Конвенцияларини ҳаётга татбиқ этишга доир миллий ҳаракатлар режаси қабул қилинди, мазмуни ва моҳияти ХМТ методологияси бўйича миллий меҳнат қонунчилигини ва меҳнат бозорини ривожлантиришга, бандликни, ижтимоий муҳофазани ва аҳоли билан мулоқотни таъминлашга йўналтирилган Муносиб меҳнат бўйича мамлакат дастури бажарилмоқда. Ушбу Ташкилот экспертларининг бевосита иштирокида қишлоқ хўжалигида болалар меҳнати ва мажбурий меҳнатдан фойдаланиш мониторинги олиб борилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг «Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларига ва халқаро меҳнат стандартларига мувофиқ фуқароларнинг кафолатланган меҳнат ҳуқуқларини таъминлашга доир чора-тадбирларни кучайтириш тўғрисида» 2017 йил 4 октябрдаги СҚ-231-III-сон қарори билан болалар меҳнати ва мажбурий меҳнатдан бирон-бир шаклда фойдаланишнинг олдини олиш ва бунга йўл қўймаслик бўйича ушбу йўналишда комплекс ташкилий-амалий чора-тадбирларни амалга ошириш назарда тутилган парламент назорати институти жорий этилди.

Кўрилган чора-тадбирлар болалар меҳнатига тўлиқ барҳам бериш, шунингдек, мажбурий меҳнатнинг олдини олиш ва бунга йўл қўймаслик учун етарли норматив-ҳуқуқий базани шакллантириш имконини берди, бу жаҳон ҳамжамияти, хусусан, ХМТ, Жаҳон банки ва Европарламент томонидан юқори баҳоланди.

Шу билан бирга, сўнгги пайтда барча даражадаги ҳокимлар томонидан таълим, соғлиқни сақлаш соҳалари ва бошқа бюджет ташкилотлари ходимларини ҳудудларни ободонлаштириш, шунингдек, қишлоқ хўжалигидаги

---

\* Ушбу қарор «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2018 йил 14 майда эълон қилинган.

турли ишларга мажбурий жалб қилиш шаклида меҳнат қонунчилиги нормаларини бузиш билан боғлиқ айрим ҳолатлар кузатилмоқда. Мансабдор шахсларнинг хизмат мавқеини суиистеъмол қилиш, юқорида қайд этилган шахсларни қўрқитиш, уларга нисбатан ҳақоратли сўзларни ва ҳаттоки, куч ишлатиш ҳолатлари ҳам қайд этилмоқда.

Ушбу ҳолат бундай ишларни бажаришга мажбурлаш давомида мазкур ишларга жалб этилган шахсларнинг жароҳат олишига ва айрим ҳолларда ҳалок бўлишига сабаб бўлаётган кўнгилсиз воқеалар рўй бераётгани билан янада мураккабланимоқда.

Маҳаллий давлат органлари мансабдор шахсларининг бундай хатти-ҳаракатлари республиканинг қонун ҳужжатлари талабларига зид бўлиб, унинг жаҳон майдонидаги нуфузига путур етказмоқда, мамлакат Ҳукумати ишига, биринчи навбатда, билимли ва соғлом баркамол авлодни тарбиялашга катта зарар етказмоқда, ижтимоий-сиёсий ҳаётни ислоҳ қилиш ва ҳудудлардаги ижтимоий-иқтисодий аҳволни яхшилашга қаратилган барча саъй-ҳаракатларни обрўсизлантирмоқда.

Бундан буён бу каби салбий ҳолатларга йўл қўймаслик, давлат органлари ишидаги тизимли камчиликларни бартараф этиш, шунингдек, Ўзбекистон Республикасида мажбурий меҳнатга жалб қилиш ҳолатларига тўлиқ барҳам бериш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Конституциясида ва бошқа қонун ҳужжатларида фуқароларнинг меҳнат ҳуқуқлари кафолатлангани, ҳар қандай шаклдаги мажбурий меҳнатдан фойдаланиш, бирон-бир жазо қўлланиши билан қўрқитган ҳолда ишларни бажаришга мажбурлашни тақиқловчи нормалар мустаҳкамланганини эътиборга олиб, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси, вилоятлар, Тошкент шаҳри, шаҳарлар ва туманлар ҳокимлари, барча даражалардаги давлат ва хўжалик бошқаруви органлари раҳбарлари:

фуқароларни, жумладан, таълим, соғлиқни сақлаш муассасалари, бошқа бюджет ташкилотлари ходимларини, таълим муассасалари ўқувчилари ва талабаларни мажбурий меҳнатга, шу жумладан туман ва шаҳарлар ҳудудларини ободонлаштириш ҳамда кўкаламзорлаштириш ишлари, мавсумий қишлоқ хўжалиги ишлари, металл чиқиндилари ва макулатура йиғиш, шунингдек, бошқа турдаги мавсумий ишларга жалб қилиш ҳолатларининг зудлик билан олдини олсинлар ва бунга чек қўйсинлар;

фуқароларни, хусусан, таълим ва соғлиқни сақлаш соҳаси, бошқа бюджет ташкилотлари ходимларини, талабалар ва таълим муассасалари ўқувчиларини мажбурий жамоат ишларига бевосита ёки билвосита жалб қилган мансабдор шахсларга нисбатан қатъий интизомий чоралар кўрсинлар;

мажбурий меҳнатдан фойдаланиш бўйича аниқланган ҳар бир ҳолат юзасидан тегишли ахборотни жавобгарлик чораларини қўллаш учун ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларига зудлик билан етказсинлар.

## 2. Белгилансинки:

а) давлат органлари ва бошқа ташкилотлар томонидан ҳашарлар қўйидаги шартларга қатъий риоя этилган ҳолда фақат ихтиёрий тарзда ташкил этилади ва ўтказилади:

умумхалқ ҳашарини ўтказиш тўғрисида фақат Ўзбекистон Республикаси Президентининг тегишли ҳужжати ёки Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори мавжуд бўлганда;

ҳашарлар унда иштирок этадиган шахслар меҳнат қиладиган тегишли ташкилот ҳудудида меҳнатни муҳофаза қилиш ва хавфсизлик нормаларига қатъий риоя этилган ҳолда ўтказилади;

ҳашарлар доирасида барча бошқа турдаги жамоат ишлари, шу жумладан қурилиш-таъмирлаш ва қишлоқ хўжалиги ишларига мажбурий жалб этишга қатъий йўл қўйилмаган ҳолда ободонлаштириш, кўкаламзорлаштириш, иш ўринларини тартибга келтириш ишлари амалга оширилади;

б) фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фақат тегишли маҳалла ҳудудида ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш, болалар ва спорт майдонларини жиҳозлаш, моддий-маданий мерос объектларини зарур ҳолатда сақлаш, қабристонларни қуриш, реконструкция қилиш, таъмирлаш ҳамда зарур ҳолатда сақлаш ишларида аҳолининг ихтиёрий иштирок этишини ташкил этади.

3. Автомобиль йўллари, ҳаракатланиш тиғиз бўлган кўчалар, сув объектлари, қирғоқбўйи ҳудудлар ва зоналар, қурилиш майдонлари, бино ва иншоотлар томлари, хавфли ишлаб чиқариш объектлари, шунингдек, инсонларнинг ҳаётига ёки соғлиғига хавф туғилиши юзага келиши мумкин бўлган бошқа жойларда ихтиёрий ташаббус билан ҳашарлар ва бошқа ишларни ўтказиш тақиқлансин.

4. Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги:

а) ходимларнинг кафолатланган меҳнат ҳуқуқларини таъминлаш, бирон-бир шаклдаги мажбурий меҳнатдан фойдаланиш ҳолатларини ўз вақтида аниқлаш ҳамда бартараф этиш бўйича Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги нормалари амалга оширилишини назорат қилиш чораларини кучайтирсин;

б) Касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши, Савдо-саноат палатаси ҳамда Ўзбекистон фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгаши билан биргаликда:

давлат органлари, шу жумладан, маҳаллий давлат органларининг, айниқса, қишлоқ хўжалиги ишлари қизғин даврда ходимларнинг ҳуқуқлари ҳамда манфаатларига риоя этилиши бўйича фаолияти юзасидан тизимли мониторинг олиб борилишини;

ўтказилган мониторинг яқунлари бўйича фуқаролик жамияти институтларини жалб этган ҳолда, хусусан, ҳудудларда оммавий эшитувлар ташкил этилишини таъминласинлар, бунда мажбурий меҳнатдан фойдаланишнинг ҳар бир ҳолати, келгусида бундай ҳолатларга йўл қўймаслик мақсадида муҳофама қилиниши лозим.

5. Қўйидагиларга:

а) Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасига фуқароларнинг кафолатланган меҳнат ҳуқуқларини таъминлаш ва Ўзбекистон Республикаси ҳудудида мажбурий меҳнатга йўл қўймаслик соҳасидаги қонун ҳужжатла-

рига риоя этилиши юзасидан назоратни кучайтириш, бу борадаги текширувлар самарадорлигини ошириш ва мажбурий меҳнат ҳолатлари аниқланганда эса айбдор шахсларга нисбатан тегишли жавобгарлик чораларини қўллаш;

б) Ўзбекистон Касаба уюшмалари Федерацияси Кенгашига:

жамоа шартномаси ва меҳнат тўғрисидаги қонунчилик талабларига риоя этилиши, хусусан, мажбурий меҳнатдан фойдаланишнинг олдини олиш борасида ташкилотлардаги касаба уюшмалари бошланғич бўғинларининг жавобгарлик чораларини кучайтириш;

мажбурий меҳнат ҳолатлари аниқланган тақдирда улар тўғрисида прокуратура органларига ҳамда Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлигининг Давлат меҳнат ҳуқуқ инспекцияси ва унинг ҳудудий бўлинмаларига зудлик билан маълум қилиш;

бошқа нодавлат нотижорат ташкилотлари ва оммавий ахборот воситалари билан ўзаро ҳамкорликда ушбу соҳадаги жамоатчилик назоратини фаоллаштириш тавсия этилсин.

6. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси, вилоятлар, Тошкент шаҳри, шаҳарлар ва туманлар ҳокимлари томонидан Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги ҳузуридаги Жамоат ишлари жамғармаси (кейинги ўринларда Жамғарма деб аталади) маблағларидан ниҳоятда самарасиз фойдаланилаётганлиги қайд этилсин.

Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар, Тошкент шаҳри, шаҳарлар ва туманлар ҳокимликлари Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги ҳузуридаги Жамоат ишлари жамғармаси фаолиятини ташкил этиш тўғрисида» 2017 йил 5 октябрдаги 799-сон қарори талабларига мувофиқ Жамғарма маблағларидан мақсадли ва самарали фойдаланишни таъминлаган ҳолда ҳақ тўланадиган жамоат ишларига ишсизлар ва банд бўлмаган аҳолини кенг жалб этиш бўйича амалий чора-тадбирлар кўрсинлар.

Жамғарма маблағларидан мақсадли, самарали ва режали фойдаланилиши Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси, вилоятлар, Тошкент шаҳри, шаҳарлар ва туманлар ҳокимлари фаолияти натижаларини баҳолашнинг муҳим кўрсаткичларидан бири сифатида белгилансин.

7. Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги Адлия вазирлиги ҳамда Ўзбекистон Касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши билан биргаликда:

фуқароларни мажбурий жамоат ишларига ноқонуний жалб қилиш ёки ҳар қандай шаклдаги мажбурий меҳнатдан фойдаланишда айбдор бўлган мансабдор шахсларга нисбатан жавобгарлик чораларини кучайтириш;

Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлигининг Давлат меҳнат ҳуқуқ инспекцияси ваколатларини кенгайтириш, шу жумладан, давлат органлари ва бошқа ташкилотлар томонидан меҳнат қонунчилигига риоя этилиши юзасидан назоратни кучайтиришга доир ваколатларини кенгайтириш;

ушбу қарор талабларини ҳисобга олган ҳолда Давлат бошқаруви орган-

лари ва маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари ходимларининг одоб-ахлоқ намунавий қоидаларини қайта кўриб чиқиш юзасидан бир ой муддатда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

8. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги, Молия вазирлиги Ўзбекистон Республикаси Автомобиль йўллари давлат қўмитаси, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари билан биргаликда:

а) бир ой муддатда туманлар (шаҳарлар) ҳокимликларининг ободонлаштириш бошқармалари, туман йўл эксплуатация корхоналари ҳамда Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлар автомобиль йўллари бош бошқармалари ҳузуридаги эксплуатация линия корхоналарининг фаолиятини танқидий таҳлил қилсинлар;

б) ўтказилган таҳлил яқунлари, халқаро тажрибани ўрганиш асосида бир ой муддатда ободонлаштириш тизимини тубдан ислоҳ қилишнинг қуйидагиларни:

амалдаги инфратузилмани, ободонлаштириш тизими ходимлари сони нормативларини, меҳнатга ҳақ тўлаш тариф сеткасини ва уларни моддий рағбатлантиришни қайта кўриб чиқишни;

хорижий давлатларнинг тажрибасини жорий қилиш ва мослаштириш, туман ва шаҳарларнинг йўл-эксплуатация хизматларини ва ободонлаштириш хизматлари моддий-техника базасини мустаҳкамлаш ва модернизация қилиш, уларни замонавий ихтисослаштирилган техникалар билан жиҳозлашни;

туман ва шаҳарлар йўл-эксплуатация хизмати ва ободонлаштириш хизматлари штатлари сонини кўпайтириш, уларнинг фаолияти самарадорлигини сифатли оширишни;

ободонлаштириш тизимини барқарор молиялаштиришнинг самарали механизмларини яратишни ва ушбу соҳага инновацияларни жорий қилишни;

ободонлаштириш тизими ҳолатининг ҳар ойлик мониторингини амалга оширишни;

ихтисослашган хусусий ташкилотларни кўрсатилган ишларни бажаришда давлат-хусусий шерикчилик ва аутсорсинг механизмларини жалб этишни жорий қилишни назарда тутувчи таклифлар киритсин.

9. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги билан биргаликда:

икки ой муддатда давлат органлари ва ташкилотлари томонидан ушбу қарорнинг бажарилиши натижадорлигини пухта таҳлил қилсин;

яқунлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Президенти девонига ушбу соҳада қонунни қўллаш амалиёти ҳолати тўғрисида ахборот ва қонун ҳужжатларини такомиллаштириш юзасидан аниқ таклифлар киритсин.

10. Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси, Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги ва бошқа оммавий ахборот воситаларига, шу жумладан, электрон оммавий ахборот воситаларига Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги, Ички ишлар вазирлиги, Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги ҳамда Ўзбекистон Республикасининг бошқа тегишли вазирликлари ва идораларининг маслаҳати кўмагида, аниқланган мажбурий меҳнат ҳолат-



ларини кенг ва танқидий ёритишни, шунингдек, мажбурий меҳнатга йўл қўймаслик тўғрисидаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ва бу борада амалга оширилаётган чора-тадбирлар мазмун-моҳиятини тушунтиришни ташкил этиш тавсия этилсин.

11. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳри, шаҳар ва туманлар ҳокимлари, давлат ва хўжалик бошқаруви органлари ўзлари қабул қилган, ушбу қарорга зид бўлган ҳужжатларнинг бир ҳафта муддатда қайта кўриб чиқилиши ва бекор қилинишини таъминласинлар.

12. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосарлари, Ўзбекистон Республикаси бандлик ва меҳнат муносабатлари вазири Ш.Д. Кудбиев, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимлари зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг  
Бош вазири**

**А. АРИПОВ**

Тошкент ш.,  
2018 йил 10 май,  
349-сон

**БЕШИНЧИ БЎЛИМ****ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
МАРКАЗИЙ БАНКИ БОШҚАРУВИНИНГ  
ҚАРОРИ****402 Ломбардлар томонидан фаолият ва операцияларни амалга ошириш қоидаларига ўзгартиришлар киритиш ҳақида\***

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2018 йил 7 майда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1290-2*

Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида»ги Қонуни ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 23 мартдаги ПҚ–3620-сон «Банк хизматлари оммабоплигини ошириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқаруви **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2003 йил 22 сентябрдаги 23/4-сон қарори (рўйхат рақами 1290, 2003 йил 10 декабрь) (Ўзбекистон Республикаси вазирликлари, давлат қўмиталари ва идораларининг меъёрий ҳужжатлари ахборотномаси, 2003 й., 23-сон) билан тасдиқланган Ломбардлар томонидан фаолият ва операцияларни амалга ошириш қоидаларига иловага мувофиқ ўзгартиришлар киритилсин.

2. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

**Марказий банк раиси**

**М. НУРМУРАТОВ**

Тошкент ш.,  
2018 йил 28 апрель,  
16/3-сон

---

\* Ушбу қарор «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2018 йил 8 майда эълон қилинган.

Ўзбекистон Республикаси  
Марказий банки Бошқарувининг 2018 йил  
28 апрелдаги 16/3-сон қарорига  
ИЛОВА

### **Ломбардлар томонидан фаолият ва операцияларни амалга ошириш қоидаларига киритилаётган ўзгартиришлар**

1. 7-банд қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«7. Ломбард:

гаровга ёки сақловга қўйилган ашёлардан фойдаланишга ва уларни тасарруф этишга;

йиллик қарз суммасининг ярмидан кўп миқдорда фоизлар ҳисоблаш, комиссия ва неустойка (штраф, пеня) ундириш, кредит шартномалари бўйича жавобгарликнинг бошқа чораларини қўллашга;

кредит буюртмаларини кўриб чиқиш, ссуда ҳисобварақларига хизмат кўрсатиш, кредитлар ажратиш учун тўловлар, шунингдек кредитлар муддатидан илгари сўндирилганлиги учун неустойка ундиришга ҳақли эмас.

Гаровга ёки сақлаш учун топширилган мол-мулк йўқолганда, камомад аниқланганда, агар бу ҳолатлар энгиб бўлмас куч оқибатида юз берганлигини исботлай олмаса, ломбард мол-мулк эгасига, томонлар келишувига кўра, мулккий зарарни гаров паттаси ёки сақлаш паттасида кўрсатилган мол-мулкни баҳолаш қиймати нархида тўлаши шарт.

Гаровга ёки сақлаш учун топширилган мол-мулк шикастланганда, агар шикастланиш энгиб бўлмас куч оқибатида юз берганлигини исботлай олмаса, ломбард мол-мулк эгасига, томонлар келишувига кўра, мулккий зарарни гаров паттаси ёки сақлаш паттасида кўрсатилган мол-мулк нархидан ошмаган қийматда тўлаши шарт.»

2. 13-банд қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«13. Кредитнинг суммаси ва муддати, шунингдек, бериладиган кредит бўйича ҳақ ставкасининг миқдори томонларнинг келишувига асосан мазкур Қоидалар талабларини инобатга олган ҳолда белгиланади.»

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
МАРКАЗИЙ БАНКИ БОШҚАРУВИНИНГ  
ҚАРОРИ

**403** **Микрокредит ташкилотлари томонидан молиявий операцияларни амалга ошириш қоидаларига ўзгартириш ва қўшимча киритиш ҳақида\***

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2018 йил 7 майда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1642-3*

Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида»ги ва «Микрокредит ташкилотлари тўғрисида»ги қонунларига ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 23 мартдаги ПҚ-3620-сон «Банк хизматлари оммабоплигини ошириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқаруви **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2006 йил 7 октябрдаги 24/3-сон қарори (рўйхат рақами 1642, 2006 йил 23 ноябрь) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2006 й., 46-47-сон, 470-модда) билан тасдиқланган Микрокредит ташкилотлари томонидан молиявий операцияларни амалга ошириш қоидаларига иловага мувофиқ ўзгартириш ва қўшимча киритилсин.

2. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

**Марказий банк раиси**

**М. НУРМУРАТОВ**

Тошкент ш.,  
2018 йил 28 апрель  
16/1-сон

---

\* Ушбу қарор «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2018 йил 8 майда эълон қилинган.

Ўзбекистон Республикаси  
Марказий банки Бошқарувининг 2018 йил  
28 апрелдаги 16/1-сон қарорига  
ИЛОВА

**Микрокредит ташкилотлари томонидан молиявий  
операцияларни амалга ошириш қоидаларига киритилаётган  
ўзгартириш ва қўшимча**

1. 4-банд қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«4. Микрокредит ташкилотининг капитали қуйидаги компонентлардан иборат:

- а) устав капитали;
- б) захира капитали;
- в) таксимланмаган фойда;
- г) бошқа ўз маблағлари.»

2. 6-банд қуйидаги мазмундаги хатбошилар билан тўлдирилсин:

«микромолиявий хизматлар кўрсатиш шартномалари бўйича йиллик қарз суммасининг ярмидан кўп миқдорида фоизлар ҳисоблаш, комиссия ва неустойка (штраф, пеня) ундириш, жавобгарликнинг бошқа чораларини қўллашга;

кредит буюртмаларини кўриб чиқиш, микрокредитлар (микроқарзлар) ажратиш, ссуда ҳисобварақларига хизмат кўрсатиш учун тўловлар, шунингдек жисмоний шахслар томонидан микрокредитлар (микроқарзлар) муддатидан илгари сўндирилганлиги учун неустойка ундиришга.»

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ ВА КОММУНИКАЦИЯЛАРИНИ  
РИВОЖЛАНТИРИШ ВАЗИРИНИНГ  
БУЙРУҒИ

**404** **Почта алоқаси хизматларини кўрсатиш қоидаларининг 9-бандига ўзгартириш киритиш тўғрисида\***

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2018 йил 7 майда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2219-8*

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 20 декабрдаги 1001-сон «Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида (Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2017 йил 14 мартдаги ПҚ–2833-сон қарори)»ги қарорига мувофиқ **бюраман:**

1. Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги бош директорининг 2011 йил 22 февралдаги 1-ю-сон буйруғи (рўйхат рақами 2219, 2011 йил 18 апрель) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2011 й., 16-сон, 167-модда) билан тасдиқланган Почта алоқаси хизматларини кўрсатиш қоидалари 9-бандининг учинчи хатбошисидан «ёки унинг нотариал тасдиқланган нусхаси» деган сўзлар чиқариб ташлансин.

2. Мазкур буйруқ Ўзбекистон Республикаси Хусусийлаштирилган корхоналарга кўмаклашиш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси билан келишилган.

3. Мазкур буйруқ расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

**Вазир**

**А. АХМЕДХАДЖАЕВ**

Тошкент ш.,  
2018 йил 1 май,  
169-мх-сон

*Келишилган:*

*Хусусийлаштирилган корхоналарга  
кўмаклашиш ва рақобатни  
ривожлантириш давлат  
қўмитаси раиси*

**Р. ГУЛЯМОВ**

*2018 йил 30 апрель*

---

\* Ушбу буйруқ «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2018 йил 8 майда эълон қилинган.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ ВА КОММУНИКАЦИЯЛАРИНИ  
РИВОЖЛАНТИРИШ ВАЗИРИНИНГ  
БУЙРУҒИ

**406** Давлат органлари ва бошқа бюджет ташкилотларининг ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш учун масъул бўлган раҳбарлари ва бўлинмалари ходимларини аттестациядан ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш тўғрисида\*

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2018 йил 8 майда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3007*

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 19 февралдаги ПФ–5349-сон «Ахборот технологиялари ва коммуникациялари соҳасини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармониغا, 2018 йил 19 февралдаги ПҚ–3549-сон «Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги фаолиятини ташкил этиш тўғрисида»ги қарорига мувофиқ, **буюраман:**

1. Давлат органлари ва бошқа бюджет ташкилотларининг ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш учун масъул бўлган раҳбарлари ва бўлинмалари ходимларини аттестациядан ўтказиш тартиби тўғрисидаги низом иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Мазкур буйруқ расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

**Вазир**

**А. АХМЕДХАДЖАЕВ**

Тошкент ш.,  
2018 йил 11 апрель,  
168-сон

---

\* Ушбу буйруқ «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2018 йил 10 майда эълон қилинган.

Ўзбекистон Республикаси  
Ахборот технологиялари ва коммуникацияла-  
рини ривожлантириш вазирининг  
2018 йил 11 апрелдаги 168-сон буйруғига  
ИЛОВА

**Давлат органлари ва бошқа бюджет ташкилотларининг ахборот  
технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш  
учун масъул бўлган раҳбарлари ва бўлинмалари ходимларини  
аттестациядан ўтказиш тартиби тўғрисидаги  
НИЗОМ**

Мазкур Низом Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 19 февралдаги ПФ–5349-сон «Ахборот технологиялари ва коммуникацияла-ри соҳасини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони ва 2018 йил 19 февралдаги ПҚ–3549-сон «Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги фаолиятини ташкил этиш тўғрисида»ги қарорига мувофиқ давлат органла-ри ва бошқа бюджет ташкилотларининг ахборот технологиялари ва комму-никацияларини ривожлантириш учун масъул бўлган раҳбарлари ва бўлин-малари ходимларини аттестациядан ўтказиш тартибини белгилайди.

**1-боб. Умумий қоидалар**

1. Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникация-ларини ривожлантириш вазирлиги (бундан буён матнда Вазирлик деб юри-тилади) давлат органлари ва бошқа бюджет ташкилотларининг ахборот тех-нологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш учун масъул бўлган раҳбарлари ва бўлинмалари ходимларини (бундан буён матнда аттестация-дан ўтказилувчилар деб юритилади) мазкур Низомда белгиланган талаблар-га мувофиқ ўз вақтида ва тегишли равишда аттестациядан ўтказишни таъ-минлайди.

2. Вазирлик ҳузуридаги «Электрон ҳукумат» тизимини ривожлантириш маркази аттестация ўтказиш бўйича ишчи орган ҳисобланади (бундан буён матнда Ишчи орган деб юритилади).

3. Аттестациянинг асосий вазифалари қуйидагилардан иборат:

юқори малакага, ташаббускорликка, жавобгарликка эга мутахассислар тоифасини аниқлаш;

ходимларнинг зарур касб тайёргарлигини, қайта тайёрлаш ёки малака-сини оширишни аниқлаш;

иш ташкил қилишни такомиллаштириш ва меҳнат самарадорлигини ошириш;

кадрларни танлаш ва жой-жойига қўйиш, кадрлар сиёсатида тегишли таклифларни ишлаб чиқишни мақбуллаштириш;

ходимларнинг касбий ўсишини ва хизмат мартабасини рағбатлантириш,



долзарб ва истиқболли иш участкаларига муносиб ва ўз ишига содиқ малакали раҳбарларни ва мутахассисларни кўрсатиш.

4. Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантиришга масъул давлат органлари бўлинмаларининг ва бошқа бюджет ташкилотларининг (бундан буён матнда ташкилот деб юритилади) раҳбарлари ва ходимлари аттестациядан ўтказилиши лозим.

### **2-боб. Ходимлар фаолияти самарадорлигини баҳолашнинг асосий мезонлари**

5. Аттестация ўтказишда аттестациядан ўтказилувчилар фаолиятини баҳолашдаги асосий мезонлар:

ахборот-коммуникация технологияларини ва электрон ҳукуматни ишлаб чиқиш, такомиллаштириш ҳамда давлат ва хўжалик бошқаруви ва маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг фаолиятига жорий қилишнинг ҳуқуқий асосларини назарда тутадиган Ўзбекистон Республикаси норматив-ҳуқуқий базаси тўғрисидаги билимларга эга бўлиш;

электрон ҳужжат айланиши тизимида ишлаш асослари, электрон рақамли имзо ва электрон почтадан фойдаланиш тўғрисидаги билимларга эга бўлиш;

шахсий компьютерда ишлаш кўникмалари юқори даражада бўлиши;

офис дастурий иловалари билан, шунингдек Интернет тармоғида, локал ва корпоратив тармоқларда ишлаш кўникмаларига эга бўлиши;

электрон ҳужжат айланиши тизими, электрон почта ва электрон рақамли имзодан фойдаланиш кўникмаларига эга бўлиши.

### **3-боб. Аттестация ўтказиш**

6. Аттестациядан ўтказилувчилар Вазирликда ва унинг ҳудудий бошқармаларида уч йилда бир марта аттестациядан ўтади.

7. Аттестациядан ўтказилувчиларнинг рўйхати Вазирлик билан келишилган ҳолда ташкилот раҳбари томонидан тасдиқланади.

8. Қуйидагилар аттестациядан ўтказилмайди:

ахборот-коммуникация технологиялари соҳасида икки йилдан кам бўлган иш стажига эга бўлган шахслар;

хомиладор аёллар, болани икки ва уч ёшгача парвариш қилиш бўйича таътилда бўлган аёллар, улар ишга чиққандан кейинги биринчи йил давомида;

узоқ даволанишни ўтаётган ходимлар;

республика ва чет эл давлатларига ўқув муассасаларида ўқишга, қайта тайёрлаш ва малака ошириш курсларига юборилган ходимлар;

муайян ишларни бажариш учун муддатли меҳнат шартномаси шартларида ишлайдиган шахслар;

18 ёшга етмаган шахслар;

ижтимоий муҳофазага мухтож, иш топишда қийналаётган ва меҳнат бозорида тенг шартлар асосида рақобатлаша олмайдиган шахслар учун энг

кам миқдордаги иш ўринларига захирага олиб ишга жойлаштирилган шахслар, бу иш жойларига қабул қилинган кундан бошлаб уч йил давомида.

9. Аттестациядан ўтадиган ходим қуйидагиларга мажбур:

аттестация комиссияси йиғилишига келиши;

аттестация комиссияси томонидан аттестация ўтказиш доирасида берилган саволларга жавоб бериши;

аттестация комиссияси аъзоларининг саволларидан келиб чиқиб, ўзига юклатилган меҳнат вазифаларини бажариш билан боғлиқ тушунтиришлар бериши шарт.

Ходим аттестация комиссияси йиғилишига узрли сабаблар билан келмаган ҳолларда, аттестация комиссияси томонидан аттестация бошқа кунга ўтказилади.

Аттестация комиссияси йиғилишига узрсиз сабаб билан келмаган ходимга огоҳлантириш берилади. Аттестацияга узрсиз сабаб билан такроран келмаган ҳолда, аттестация комиссияси тақдим қилинган ҳужжатлар асосида аттестациядан ўтадиган ходимнинг эгаллаб турган лавозимига лойиқ эмаслиги тўғрисида қарор чиқариш ҳуқуқига эга.

10. Вазирликнинг тегишли қарори билан доимий фаолият юритадиган, аъзолари сони бештадан кам бўлмаган Аттестация комиссияси тузилади (бундан буён матнда Комиссия деб юритилади). Комиссия таркибига: раис ва котиб (Ишчи орган вакиллари), шунингдек комиссиянинг бошқа аъзолари киритилади.

Комиссия ўз ишига турли соҳалардаги малакали экспертларни (келишган ҳолда) жалб қилиши мумкин.

11. Тегишли ташкилотнинг тақдим қилган ходимлар рўйхатига мувофиқ Ишчи орган бир ҳафта муддатда аттестация ўтказиш жадвалини ва саволномани тасдиқлайди. Комиссия котиби икки иш кuni ичида аттестациядан ўтказилувчиларга тасдиқланган саволлар рўйхатини юборади.

12. Ташкилот аттестациядан ўтказилувчиларнинг доимий ҳисобини юритиш мақсадида реестрни юритади, унга қуйидаги маълумотлар электрон шаклда киритилади:

ходимнинг фамилияси, исми ва отасининг исми;

ходимнинг паспорт маълумотлари;

ходимнинг компьютер саводхонлиги даражаси тўғрисидаги сертификат рақами ва берилган санаси;

ходимнинг малака ошириш курсини даврий ўтганлиги тўғрисидаги маълумотлар (мавжуд бўлса);

ходим аввалги аттестациядан ўтганлиги тўғрисидаги маълумотлар (мавжуд бўлса).

13. Аттестация ўтказиш санаси ва жадвали ташкилот билан келишган ҳолда Ишчи орган томонидан тасдиқланади.

14. Ишчи орган аттестация бошланишидан камида икки ой олдин ташкилотга қуйидагиларни тақдим этиш тўғрисида сўров юборади:

аттестация комиссияси таркибига киритиш учун номзодларни;

аттестациядан ўтадиган ходимлар рўйхатини.

15. Аттестация ўтказиш тўғрисидаги маълумот ва унинг режаси ташкилот раҳбари томонидан аттестация ўтказиш санасидан камида 1 (бир) ой олдин аттестациядан ўтказилувчи ходимга ёзма равишда (имзо чектириб) етказилади.

16. Комиссия аттестация ўтказиш давомида:

аттестациядан ўтказилувчи ходим тўғрисида қисқа маълумотни тинглайди; тасдиқланган саволлар рўйхатига мувофиқ аттестациядан ўтадиган билан суҳбат ўтказди;

аттестация натижаларига кўра аттестациядан ўтказилувчига баҳо беради; аттестациядан ўтказилувчининг фаолиятини яхшилаш бўйича тавсиялар беради;

Ишчи органга аттестация натижаларини тақдим этади;

бевосита аттестация ўтказиш билан боғлиқ бошқа масалаларни кўриб чиқади.

17. Комиссия котиби ҳар бир аттестациядан ўтказилувчи ходим ҳақидаги материалларни аттестация ўтказиш санасидан камида бир ҳафта олдин Комиссияга тақдим этади.

Материаллар тўпламига ходимнинг маълумоти тўғрисидаги, малака оширганлиги (мавжуд бўлса), иш стажи (бундан буён матнда маълумотлар-объективка деб юритилади) ҳужжатларининг нусхалари қиради. Қайта аттестациядан ўтишда, иловага мувофиқ ҳужжатларга аттестация варақаси кўшилади.

18. Аттестация натижалари икки нусхада расмийлаштирилади, ҳар бир нусха мос равишда Комиссиянинг ҳужжатларида, шунингдек ташкилотнинг аттестациядан ўтказилувчи ходимининг шахсий йиғма жилдида сақланади.

19. Аттестациядан ўтганлиги тўғрисида гувоҳномага эга бўлган раҳбар ва бўлинма ходими лавозимига қабул қилинган шахслар мазкур гувоҳнома амал қилиш муддати тугаганидан кейин икки ой давомида аттестация қилиниши лозим.

20. Талабгорнинг билимлари ва иш тажрибасини инобатга олиб комиссия қўйидаги қарорлардан бирини қабул қилади:

эгаллаган лавозимига лойиқ (аттестациядан ўтди);

эгаллаган лавозимига шартли равишда лойиқ (6 ойдан кейин қайта аттестациядан ўтиш);

эгаллаган лавозимига нолойиқ.

21. Аттестация қилинувчининг фаолиятини баҳолаш бўйича Комиссиянинг қарори кўпчилик овоз билан қабул қилинади, баённома билан расмийлаштирилади ва аттестация варақасига киритилади. Баённома қарори ва аттестация варақаси аттестацияда иштирок этган раис ва Комиссия аъзолари томонидан имзоланади. Аттестация натижалари аттестациядан ўтказилувчига танишиб чиқиши учун ёзма равишда имзо чектириб тақдим этилади.

22. Аттестация қарорлари овоз бериш тугаганидан кейин дарҳол эълон қилиниши керак, аттестациядан ўтказилганлар эса аттестация натижалари тўғрисида хабардор қилиниши билан аттестация варақаси имзоланади.

Агар аттестациядан ўтказилувчи ўзининг аттестация натижалари бўйи-

ча баённомани имзолашга рози бўлмаса, бу ҳақида баённомада белги қўйилади.

23. Комиссия аъзоларининг ваколатлари Вазирлик томонидан белгиланган муддат давомида амал қилади. Комиссия аъзоси бошқа лавозимга ўтса, унинг ўрнига мазкур лавозимга тайинланган шахс Комиссия аъзоси ҳисобланади.

#### **4-боб. Аттестация ўтказишга талаблар**

24. Комиссия йиғилишлари аттестация ўтказиш режаларига мувофиқ ўтказилади. Тасдиқланган комиссия таркиби аъзоларининг 3/5 қисми иштирок қилганда йиғилиш ваколатли ҳисобланади.

25. Аттестация суҳбат шаклида ўтказилади.

26. Аттестациядан ўтишда аттестациядан ўтказилувчиларга электрон мосламалардан, маълумотнома, махсус ёки бошқа адабиётдан, шунингдек ҳар қандай ёзувлардан фойдаланиш ман этилади. Кўрсатилган талаблар бузилган ҳолларда, аттестациядан ўтказилувчилар аттестациядан четлатилади ва аттестациядан ўтмаган деб ҳисобланади.

27. Комиссия йиғилишида бегона шахсларнинг иштирок этишига рухсат берилмайди.

28. Ҳар бир аттестациядан ўтказилувчига аттестация варақаси тузилади.

29. Аттестациядан ўтмаган ходимнинг ташкилоти аттестация ўтказилган кундан бошлаб уч ойдан кейин, лекин олти ойдан кечиктирмасдан мазкур ходимнинг қайта аттестациядан ўтиши учун мурожаат қилиши мумкин.

Агар аттестациядан ўтказилувчи қайта аттестациядан ўта олмаса ёки кўрсатилган муддатда қайта аттестациядан ўтиши учун мурожаат қилмаган бўлса, аттестация комиссияси унинг иш жойига хабарнома хатини юборади.

Хабарнома хати олганидан кейин ўн кун давомида, ташкилот раҳбари уч кун муддатда кўрилган чоралар тўғрисида Ишчи органни ёзма равишда хабардор қилиш билан аттестациядан ўтказилувчини эгаллаб турган лавозимидан озод қилиши ёки уни қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ишга ўтказиш масаласини кўриб чиқиши шарт.

#### **5-боб. Якуний қоидалар**

30. Иш берувчи Аттестация комиссиясининг ходимнинг эгаллаб турган лавозимига нолайиқ эканлиги тўғрисидаги қарори чиқарилган ҳолларда Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексининг 100-моддаси 2-бандига мувофиқ ишдан озод қилишгача тегишли қарор қабул қилиш ҳуқуқига эга.

31. Вазирликнинг ҳудудий бошқармалари ҳар чорақда Ишчи органга реестрга киритиш учун ва унинг тизимли янгиланиши учун жавобгар бўлинмалар, уларнинг ходимлари ва уларнинг белгиланган муддатларда аттестациядан ўтганликлари тўғрисидаги маълумотларни тақдим этади.

32. Аттестациядан ўтказилувчиларнинг реестрини шакллантириш, юри-тиш тартиби, мазкур реестрга киритиш учун маълумотларнинг шакли ва тақдим этиш муддатлари Ишчи орган томонидан белгиланади.

33. Аттестациядан ўтиш билан боғлиқ харажатлар тегишли Ташкилот-нинг маблағлари ҳисобидан қопланади.

34. Мазкур Низом Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги ва Ўзбекистон қасаба уюшмалари Федерацияси билан келишилган.

**Бандлик ва меҳнат муносабатлари  
вазирининг биринчи ўринбосари**

**Э. МУХИТДИНОВ**

2018 йил 11 апрель

**Ўзбекистон қасаба уюшмалари  
Федерацияси раиси**

**К. РАФИКОВ**

2018 йил 11 апрель

Давлат органлари ва бошқа бюджет ташкилотларининг ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш учун масъул бўлган раҳбарлари ва бўлинмалари ходимларини аттестациядан ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомга  
**ИЛОВА**

### Аттестация варағи

\_\_\_\_\_ (фамилия, исми-шарифи,

\_\_\_\_\_ иш жойи ва эгаллаб турган лавозими)

Туғилган йили ва жойи: \_\_\_\_\_

Маълумоти: \_\_\_\_\_

Умумий меҳнат стажи: \_\_\_\_\_

Шу жумладан лавозимида: \_\_\_\_\_

Мукофотлари: \_\_\_\_\_

Интизомий жазога тортилганми: \_\_\_\_\_

### АТТЕСТАЦИЯ КОМИССИЯСИНING ХУЛОСАСИ

---

---

---

---

---

Аттестация

комиссияси раиси:

\_\_\_\_\_

Комиссия аъзолари:

\_\_\_\_\_

\_\_\_\_\_

\_\_\_\_\_

\_\_\_\_\_

\_\_\_\_\_

\_\_\_\_\_

\_\_\_\_\_

«\_\_\_\_» \_\_\_\_\_ 20\_\_ й.

Аттестация комиссияси хулосалари

билан танишдим

\_\_\_\_\_

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИЧКИ ИШЛАР ВАЗИРИНИНГ  
БУЙРУҒИ

**407** Ўзбекистон Республикасида сиёсий бошпана бериш  
тўғрисидаги илтимоснома шаклини тасдиқлаш ҳақида\*

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2018 йил  
10 майда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3008*

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 29 майдаги ПФ–5060-сон Фармони билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикасида сиёсий бошпана бериш тартиби тўғрисидаги низомга мувофиқ **буюраман:**

1. Ўзбекистон Республикасида сиёсий бошпана бериш тўғрисидаги илтимоснома шакли иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Мазкур буйруқ расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

**Вазир**

**П. БОБОЖОНОВ**

Тошкент ш.,  
2018 йил 17 апрель,  
106-сон

Ўзбекистон Республикаси  
ички ишлар вазирининг 2018 йил  
17 апрелдаги 106-сон буйруғига  
ИЛОВА

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ПРЕЗИДЕНТИГА**

**Ўзбекистон Республикасида сиёсий бошпана бериш тўғрисида  
ИЛТИМОСНОМА**

Мен, \_\_\_\_\_  
(Ф.И.О.)

Сиздан, қуйидаги ҳолатларни инobatга олган ҳолда, менга Ўзбекистон Республикасида сиёсий бошпана беришингизни сўрайман.

1. Ўзининг фуқаролиги бўйича мансуб давлатда ёки доимий яшаш жойида ижтимоий-сиёсий фаолияти: \_\_\_\_\_

2. Диний эътиқоди учун ўзининг фуқаролиги бўйича мансуб давлатда ёки доимий яшаш жойида таъқиб қилинаётган ёки таъқиб қилишнинг жабрланувчиси бўлишига реал таҳдиднинг мавжудлиги: \_\_\_\_\_

3. Ўзининг фуқаролиги бўйича мансуб давлатда ёки доимий яшаш жойида \_\_\_\_\_

\* Ушбу буйруқ «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2018 йил 10 майда эълон қилинган.

ирқий ёки миллий мансублиги учун таъқиб қилинаётган ёки таъқиб қилишнинг жабрланувчиси бўлишига реал таҳдиднинг мавжудлиги: \_\_\_\_\_

4. Ўзининг фуқаролиги бўйича мансуб давлатда ёки доимий яшаш жойида халқаро ҳуқуқ нормаларида назарда тутилган инсон ҳуқуқлари бузилишининг бошқа ҳолатлари: \_\_\_\_\_

Шунингдек, ўзим ҳақимда қуйидагиларни маълум қиламан:

Туғилган куни, ойи, йили ва жойи: \_\_\_\_\_

Фуқаролиги: \_\_\_\_\_

(агар фуқаролиги йўқ шахс бўлса, унда доимий яшаш жойи кўрсатилади)

Миллати \_\_\_\_\_

5. Паспорт маълумотлари:

Ким томонидан берилган \_\_\_\_\_

Серияси \_\_\_\_\_, рақами \_\_\_\_\_, берилган вақти \_\_\_\_\_, амал қилиш муддати \_\_\_\_\_

6. Ўзбекистон Республикасида мен билан бирга (оила аъзолари кўрсатилиши керак):

| Т/р | Фамилияси, исми, отасининг исми | Туғилган куни, ойи, йили ва жойи | Қариндошлик даражаси | Паспорти (бошқа шахсини тасдиқловчи ҳужжати) |
|-----|---------------------------------|----------------------------------|----------------------|--|
| 1.  |                                 |                                  |                      |  |
| 2.  |                                 |                                  |                      |  |
| 3.  |                                 |                                  |                      |  |
| ... |                                 |                                  |                      |  |

Мен ва оила аъзоларим Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 29 майдаги ПФ–5060-сон «Ўзбекистон Республикасида сиёсий бошпана бериш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш тўғрисида»ги Фармонида кўрсатилган талаблар ва мажбуриятлар билан танишдик.

«\_\_\_» \_\_\_\_\_ 20\_\_ йил

\_\_\_\_\_ (имзо)

7. Илтимосномани тасдиқлаймиз (оила аъзолари кўрсатилиши керак):

| Т/р | Фамилияси, исми, отасининг исми | Қариндошлик даражаси | Имзоси |
|-----|---------------------------------|----------------------|--------|
| 1.  |                                 |                      |        |
| 2.  |                                 |                      |        |
| 3.  |                                 |                      |        |
| ... |                                 |                      |        |

Рус ёки бошқа хорижий тилга таржима қилиб берилди \_\_\_\_\_

(таржимоннинг имзоси)

Менинг сўзимдан тўғри ёзилди \_\_\_\_\_

(аризачининг имзоси)



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
МАРКАЗИЙ БАНКИ БОШҚАРУВИНИНГ  
ҚАРОРИ

**408** Аҳолининг кенг қатлами, шу жумладан ёш оилалар учун уй-жой қурилишини ва реконструкция қилишни молиялаштириш ва кредитлаш тартиби тўғрисида низомнинг 10-бандига ўзгартириш киритиш ҳақида\*

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2018 йил 10 майда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1727-3*

Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида»ги Қонуни ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 2 апрелдаги ПФ–5392-сон «Қурилиш соҳасида давлат бошқаруви тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармонига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқаруви **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2007 йил 15 сентябрдаги 24/6-сон қарори (рўйхат рақами 1727, 2007 йил 12 октябрь) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2007 й., 41-42-сон, 425-модда) билан тасдиқланган Аҳолининг кенг қатлами, шу жумладан ёш оилалар учун уй-жой қурилишини ва реконструкция қилишни молиялаштириш ва кредитлаш тартиби тўғрисида низом 10-бандининг «г» кичик банди қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«г) Қурилиш вазирлигининг ҳудудий бошқармалари томонидан берилган экспертиза хулосалари, қурилиш-монтаж ишларини бажаришга рухсати;».

2. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

**Марказий банк раиси**

**М. НУРМУРАТОВ**

Тошкент ш.,  
2018 йил 28 апрель,  
16/11-сон

---

\* Ушбу қарор «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2018 йил 10 майда эълон қилинган.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРИНИНГ  
БУЙРУҒИ**409 «Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги Олий малака комиссияси тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги буйруққа ўзгартиришлар киритиш тўғрисида\***

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2018 йил 10 майда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2166-4*

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 13 апрелдаги ПҚ–3666-сон «Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги фаолиятини янада такомиллаштиришга доир ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорига мувофиқ **буюраман:**

1. Ўзбекистон Республикаси адлия вазирининг 2010 йил 21 декабрдаги 304-мҳ-сон «Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги Олий малака комиссияси тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги буйруғига (рўйхат рақами 2166, 2010 йил 21 декабрь) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2010 й., 51-сон, 499-модда) иловага мувофиқ ўзгартиришлар киритилсин.

2. Мазкур буйруқ давлат рўйхатидан ўтказилсин ва Ҳукумат баённома қарорлари ва идоравий норматив ҳужжатларни ҳуқуқий экспертизадан ўтказиш бошқармаси Идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг давлат реестрига тегишли ёзув киритсин.

3. Ҳуқуқий хизмат кўрсатишни давлат томонидан тартибга солиш бошқармаси ҳамда Қонун ҳужжатларини таҳлил қилиш ва туркумлаш бошқармаси ушбу идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатни барча манфаатдор шахсларга етказилиши ва «Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами» — «Собрание законодательства Республики Узбекистан»да ҳамда Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базасида эълон қилинишини таъминласин.

4. Мазкур буйруқ расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

5. Мазкур буйруқ ижросини назорат қилиш вазир ўринбосари А. Ташкулов зиммасига юклансин.

**Вазир**

**Р. ДАВЛЕТОВ**

Тошкент ш.,  
2018 йил 10 май,  
268-мҳ-сон

---

\* Ушбу буйруқ «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2018 йил 11 майда эълон қилинган.

Ўзбекистон Республикаси  
адлия вазирининг 2018 йил 10 майдаги  
268-мх-сон буйруғига  
ИЛОВА

**«Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги  
Олий малака комиссияси тўғрисидаги низомни тасдиқлаш  
ҳақида»ги буйруққа киритилаётган ўзгартиришлар**

1. Буйруқнинг муқаддимасидаги «2011 йил 23 августдаги ПҚ–1602-сон «Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги» деган сўзлар «2018 йил 13 апрелдаги ПҚ–3666-сон «Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги фаолиятини янада такомиллаштиришга доир ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида»ги» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

2. Низомнинг 9-бандидаги «Нотариат, адвокатура ва ФХДЁ органлари» деган сўзлар «Ҳуқуқий хизмат кўрсатишни давлат томонидан тартибга солиш» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРИНИНГ  
БУЙРУҒИ

**410 «Нотариус стажёрининг фаолиятини ташкил этиш  
тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги  
буйруққа ўзгартиришлар киритиш тўғрисида\***

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2018 йил  
10 майда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2149-8*

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 13 апрелдаги ПҚ–3666-сон «Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги фаолиятини янада такомиллаштиришга доир ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорига мувофиқ **буюраман:**

1. Ўзбекистон Республикаси адлия вазирининг 2010 йил 20 октябрдаги 223-мх-сон «Нотариус стажёрининг фаолиятини ташкил этиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги буйруғига (рўйхат рақами 2149, 2010 йил 20 октябрь) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2010 й., 42-43-сон, 369-модда) иловага мувофиқ ўзгартиришлар киритилсин.

---

\* Ушбу буйруқ «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2018 йил 11 майда эълон қилинган.

2. Мазкур буйруқ давлат рўйхатидан ўтказилсин ва Ҳукумат баённома қарорлари ва идоравий норматив ҳужжатларни ҳуқуқий экспертизадан ўтказиш бошқармаси Идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг давлат реестрига тегишли ёзув киритсин.

3. Ҳуқуқий хизмат кўрсатишни давлат томонидан тартибга солиш бошқармаси ҳамда Қонун ҳужжатларини таҳлил қилиш ва туркумлаш бошқармаси ушбу идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатни барча манфаатдор шахсларга етказилиши ва «Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами» — «Собрание законодательства Республики Узбекистан»да ҳамда Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базасида эълон қилинишини таъминласин.

4. Мазкур буйруқ расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

5. Мазкур буйруқ ижросини назорат қилиш вазир ўринбосари А. Ташкулов зиммасига юклансин.

**Вазир**

**Р. ДАВЛЕТОВ**

Тошкент ш.,  
2018 йил 10 май,  
269-мҲ-сон

Ўзбекистон Республикаси  
адлия вазирининг 2018 йил 10 майдаги  
269-мҲ-сон буйруғига  
ИЛОВА

**«Нотариус стажёрининг фаолиятини ташкил этиш тартиби  
тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги буйруққа  
киритилаётган ўзгартиришлар**

1. Буйруқнинг муқаддимасидаги «2011 йил 23 августдаги ПҚ–1602-сон «Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги» деган сўзлар «2018 йил 13 апрелдаги ПҚ–3666-сон «Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги фаолиятини янада такомиллаштиришга доир ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида»ги» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

2. Низомнинг 13-бандидаги «Нотариат, адвокатура ва ФҲДЁ органлари» деган сўзлар «Ҳуқуқий хизмат кўрсатишни давлат томонидан тартибга солиш» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРИНИНГ  
БУЙРУҒИ**411** «Қорақалпоғистон Республикаси Адлия вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар адлия бошқармалари хузуридаги малака комиссиялари тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги буйруққа ўзгартиришлар киритиш тўғрисида\*

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2018 йил 10 майда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2151-5*

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 13 апрелдаги ПҚ-3666-сон «Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги фаолиятини янада такомиллаштиришга доир ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорига мувофиқ **буюраман:**

1. Ўзбекистон Республикаси адлия вазирининг 2010 йил 29 октябрдаги 232-мх-сон «Қорақалпоғистон Республикаси Адлия вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар адлия бошқармалари хузуридаги малака комиссиялари тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги буйруғига (рўйхат рақами 2151, 2010 йил 29 октябрь) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2010 й., 44-45-сон, 390-модда) иловага мувофиқ ўзгартиришлар киритилсин.

2. Мазкур буйруқ давлат рўйхатидан ўтказилсин ва Ҳукумат баённома қарорлари ва идоравий норматив ҳужжатларни ҳуқуқий экспертизадан ўтказиш бошқармаси Идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг давлат реестрига тегишли ёзув киритсин.

3. Ҳуқуқий хизмат кўрсатишни давлат томонидан тартибга солиш бошқармаси ҳамда Қонун ҳужжатларини таҳлил қилиш ва туркумлаш бошқармаси ушбу идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатни барча манфаатдор шахсларга етказилиши ва «Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами» — «Собрание законодательства Республики Узбекистан»да ҳамда Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базасида эълон қилинишини таъминласин.

4. Мазкур буйруқ расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

5. Мазкур буйруқ ижросини назорат қилиш вазир ўринбосари А. Ташкулов зиммасига юклансин.

**Вазир**

**Р. ДАВЛЕТОВ**

Тошкент ш.,  
2018 йил 10 май,  
270-мх-сон

---

\* Ушбу буйруқ «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2018 йил 11 майда эълон қилинган.

Ўзбекистон Республикаси  
адлия вазирининг 2018 йил 10 майдаги  
270-мх-сон буйруғига  
ИЛОВА

**«Қорақалпоғистон Республикаси Адлия вазирлиги,  
вилоятлар ва Тошкент шаҳар адлия бошқармалари ҳузуридаги  
малака комиссиялари тўғрисидаги низомни тасдиқлаш  
ҳақида»ги буйруққа киритилаётган ўзгартиришлар**

1. Буйруқнинг муқаддимасидаги «2011 йил 23 августдаги ПҚ–1602-сон «Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги» деган сўзлар «2018 йил 13 апрелдаги ПҚ–3666-сон «Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги фаолиятини янада такомиллаштиришга доир ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида»ги» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

2. Низом 5-бандининг учинчи хатбошисидаги, 9-бандининг иккинчи хатбошисидаги ва 12-бандининг тўртинчи хатбошисидаги «Нотариат, адвокатура ва ФХДЁ органлари» деган сўзлар «Хуқуқий хизмат кўрсатишни давлат томонидан тартибга солиш» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРИНИНГ  
БУЙРУҒИ

**412 «Фуқаролик ҳолати далолатнома ёзувларининг шакллари ва уларни тўлдириш бўйича қоидаларни тасдиқлаш ҳақида»ги буйруқнинг муқаддимасига ўзгартириш киритиш тўғрисида\***

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2018 йил  
10 майда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2397-3*

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 13 апрелдаги ПҚ–3666-сон «Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги фаолиятини янада такомиллаштиришга доир ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорига мувофиқ **бу юраман:**

1. Ўзбекистон Республикаси адлия вазирининг 2012 йил 23 октябрдаги 234-мх-сон «Фуқаролик ҳолати далолатнома ёзувларининг шакллари ва уларни

---

\* Ушбу буйруқ «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2018 йил 11 майда эълон қилинган.

тўлдириш бўйича қоидаларни тасдиқлаш ҳақида»ги буйруғининг (рўйхат рақами 2397, 2012 йил 23 октябрь) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2012 й., 43-сон, 501-модда) муқаддимасидаги «2011 йил 23 августдаги ПҚ–1602-сон «Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2012 й., 29-сон, 329-модда)» деган сўзлар «2018 йил 13 апрелдаги ПҚ–3666-сон «Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги фаолиятини янада такомиллаштиришга доир ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

2. Мазкур буйруқ давлат рўйхатидан ўтказилсин ва Ҳукумат баённома қарорлари ва идоравий норматив ҳужжатларни ҳуқуқий экспертизадан ўтказиш бошқармаси Идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг давлат реестрига тегишли ёзув киритсин.

3. Ҳуқуқий хизмат кўрсатишни давлат томонидан тартибга солиш бошқармаси ҳамда Қонун ҳужжатларини таҳлил қилиш ва туркумлаш бошқармаси ушбу идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатни барча манфаатдор шахсларга етказилиши ва «Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами» — «Собрание законодательства Республики Узбекистан»да ҳамда Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базасида эълон қилинишини таъминласин.

4. Мазкур буйруқ расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

5. Мазкур буйруқ ижросини назорат қилиш вазир ўринбосари А. Ташкулов зиммасига юклансин.

**Вазир**

**Р. ДАВЛЕТОВ**

Тошкент ш.,  
2018 йил 10 май,  
271-мх-сон

ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKACI MOЛИЯ BAZIRINING  
БУЙРУҒИ

**413** «Давлат бюджетининг пул маблағларини режалаштириш ва бошқариш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги буйруқни, шунингдек унга ўзгартириш ва қўшимчаларни ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида\*

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2018 йил  
11 майда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2112-2*

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 29 августдаги 245-сон «Ўзбекистон Республикаси Бюджет кодексини амалга ошириш бўйича норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни тасдиқлаш тўғрисида»ги қарорига мувофиқ **буюраман**:

1. Қуйидагилар ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин:

Ўзбекистон Республикаси молия вазирининг 2010 йил 6 майдаги 39-сон «Давлат бюджетининг пул маблағларини режалаштириш ва бошқариш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги буйруғи (рўйхат рақами 2112, 2010 йил 17 июнь) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2010 й., 24-25-сон, 203-модда);

Ўзбекистон Республикаси молия вазирининг 2011 йил 20 июндаги 36-сон «Давлат бюджетининг пул маблағларини режалаштириш ва бошқариш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги буйруғи (рўйхат рақами 2112-1, 2011 йил 2 август) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2011 й., 31-сон, 331-модда).

2. Мазкур буйруқ Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси ва Давлат божхона қўмитаси билан келишилган.

3. Мазкур буйруқ расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

**Вазир**

**Д. КУЧКАРОВ**

Тошкент ш.,  
2018 йил 9 апрель,  
75-сон

*Келишилган:*

*Давлат солиқ  
қўмитаси раиси*

**Б. ПАРПИЕВ**

*2018 йил 9 апрель*

---

\* Ушбу буйруқ «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2018 йил 14 майда эълон қилинган.



*Давлат божхона  
қўмитаси раиси*

**М. АЗИМОВ**

*2018 йил 9 апрель*

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МОЛИЯ ВАЗИРИНИНГ  
БУЙРУҒИ

**414** Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети пул маб-  
лағларини кассали режалаштириш ва бошқаришни  
амалга ошириш бўйича ҳужжат шакллари ва уларни тақдим  
қилиш тартиби тўғрисидаги йўриқномани тасдиқлаш ҳақида\*

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2018 йил  
11 майда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3009*

Ўзбекистон Республикаси Бюджет кодекси, Ўзбекистон Республикаси  
Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 29 августдаги 245-сон «Ўзбекистон  
Республикаси Бюджет кодексини амалга ошириш бўйича норматив-ҳуқуқий  
ҳужжатларни тасдиқлаш тўғрисида»ги қарорига мувофиқ **бююраман:**

1. Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети пул маблағларини касса-  
ли режалаштириш ва бошқаришни амалга ошириш бўйича ҳужжат шаклла-  
ри ва уларни тақдим қилиш тартиби тўғрисидаги йўриқнома иловага муво-  
фиқ тасдиқлансин.

2. Мазкур буйруқ расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга ки-  
ради.

**Вазир**

**Д. КУЧКАРОВ**

Тошкент ш.,  
2018 йил 9 апрель,  
76-сон

---

\* Ушбу буйруқ «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2018 йил 14 майда  
эълон қилинган.

Ўзбекистон Республикаси  
молия вазирининг 2018 йил 9 апрелдаги  
76-сон буйруғига  
ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети пул маблағларини  
кассали режалаштириш ва бошқаришни амалга ошириш бўйича  
хужжат шакллари ва уларни тақдим қилиш тартиби тўғрисидаги  
ЙЎРИҚНОМА**

Мазкур Йўриқнома Ўзбекистон Республикаси Бюджет кодекси ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 29 августдаги 245-сон «Ўзбекистон Республикаси Бюджет кодексини амалга ошириш бўйича норматив-ҳуқуқий хужжатларни тасдиқлаш тўғрисида»ги қарорига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети (бундан буён матнда Давлат бюджети деб юритилади) пул маблағларини кассали режалаштириш ва бошқаришни амалга ошириш бўйича хужжат шаклларини тўлдириш ва тақдим қилиш тартибини белгилайди.

**1-боб. Умумий қоидалар**

1. Ушбу Йўриқнома Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Фазначилиги ва унинг ҳудудий бўлинмалари (бундан буён матнда Фазначилик бўлинмалари деб юритилади), Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси (бундан буён матнда ДСҚ деб юритилади), Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси (бундан буён матнда ДБҚ деб юритилади), шунингдек солиқ ва бошқа мажбурий тўловларни ундириш бўйича бошқа ваколатли органлар (бундан буён матнда бошқа ваколатли органлар деб юритилади), бюджет ташкилотлари ва бюджет маблағлари олувчиларга нисбатан татбиқ этилади.

2. Давлат бюджети пул маблағларини кассали режалаштириш ва бошқаришни амалга ошириш бўйича хужжат шакллари ҳамда ушбу хужжатларни ДСҚ, ДБҚ, бошқа ваколатли органлар ва бюджет ташкилотлари томонидан фазначилик бўлинмаларига тақдим этиш муддатлари мазкур Йўриқномага мувофиқ белгиланади.

3. Давлат бюджети пул маблағларини кассали режалаштириш ва бошқаришни амалга ошириш бўйича хужжат шаклларини (бундан буён матнда хужжатлар деб юритилади) тақдим этиш мазкур Йўриқноманинг 1-иловасидаги схемага мувофиқ амалга оширилади.

4. Давлат бюджети (Республика бюджети ва маҳаллий бюджетларнинг) касса режаси Фазначилик бўлинмалари томонидан мазкур Йўриқноманинг 2 ва 3-иловаларига мувофиқ шаклда Молия вазирлиги ахборот тизимида амалга оширилади.

5. Давлат бюджети пул маблағларини кассали режалаштириш ва бошқариш асосида фазначилик бўлинмалари бюджет ташкилотлари ва бюджет

маблағлари олувчиларга харажатларни тўлаш учун рухсатномалар берадилар.

Йўриқноманинг 4-илоvasида бир йилда (чоракда) бир марта бериладиган харажатларни тўлаш учун рухсатнома бўйича харажатлар моддалари (кичик модда ва элементлар) рўйхатига биноан молия органлари йилига тўлиқ харажатларни тўлаш учун рухсатномалар беради.

### **2-боб. Давлат бюджети даромадлари тушуми прогнозини тузиш бўйича маълумот алмашуви**

6. Давлат бюджетига кутилаётган йиллик ва ойлик тушумлар контингенти тўғрисида Йўриқноманинг 5 ва 6-иловаларига мувофиқ шаклда ДСҚ, ДБҚ ва бошқа ваколатли органлар томонидан Молия вазирлиги Фазначилигига маълумот тақдим этиш йўли билан амалга оширилади.

7. ДСҚ ва бошқа ваколатли органлар мазкур Йўриқноманинг 5-илоvasига мувофиқ шаклни келгуси молия йили учун жорий молия йилининг 30 декабрига қадар, 6-илоvasига мувофиқ шаклни келгуси ой учун ўтган йилнинг мос ой тушумлари, кутилаётган ўсиш динамикаси ва бошқа омилларни эксперт баҳолаш ва экстраполяция йўли билан жорий ойнинг 28 санасига қадар зарур маълумотларни ўз ҳудудий бўлинмаларидан йиғиб жамлаган ҳолда туманлар кесимида ҳамда ДБҚ вилоятлар кесимида Молия вазирлиги Фазначилигига тақдим этадилар.

8. Молия вазирлиги Фазначилиги мазкур Йўриқноманинг 6-бандида кўрсатилган ДСҚ, ДБҚ ва бошқа ваколатли органлар томонидан тақдим этилган маълумотларни 1 кун муддатда Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри бўйича Фазначилик бошқармаларига етказди.

9. Фазначилик бўлинмалари томонидан мазкур маълумотлар 1 кун муддатда Молия вазирлиги ахборот тизимига киритилади.

10. Давлат бюджети даромадлари тушуми прогнозини тузиш бўйича маълумот алмашуви электрон ҳужжат кўринишида Молия вазирлиги ахборот тизими ҳамда ДСҚ, ДБҚ ва бошқа ваколатли органлар ахборот тизимлари ўртасида маълумот алмашувини таъминлаш орқали амалга оширилиши мумкин.

### **3-боб. Давлат бюджети харажатлари прогнозини тузиш бўйича маълумот алмашуви**

11. Бюджет ва бюджет маблағлари олувчи ташкилотларда кутилаётган йиллик ва ойлик харажатлар тўғрисида мазкур Йўриқноманинг 7 ва 8-иловаларига мувофиқ шаклда бюджет ташкилотлари томонидан бюджет ҳисоби ва ҳисоботи юритилишини комплекс автоматлаштириш учун мўлжалланган «УзАСБО» дастурий мажмуи орқали фазначилик бўлинмаларига маълумот тақдим этиш йўли билан амалга оширилади.

Молия вазирлигининг тегишли бошқармалари томонидан амалга ошириладиган харажатлар бўйича маълумотлар мазкур Йўриқноманинг 7 ва

8-иловаларига мувофиқ Молия вазирлигининг тегишли бошқармалари томонидан Давлат молиясини бошқаришнинг ахборот тизими (ДМБАТ) дастурига киришиб борилади.

Бунда бюджет ташкилотлари томонидан бюджет ҳисоби ва ҳисоботи юритилишини комплекс автоматлаштириш учун мўлжалланган «УзАСБО» дастурий мажмуига уланмаган бюджет маблағлари олувчилар мазкур шаклларни қоғоз шаклда тақдим этадилар.

12. Бюджет ташкилотлари ва бюджет маблағлари олувчилар мазкур Йўриқноманинг 7-иловасига мувофиқ шаклни келгуси молия йили учун жорий молия йилининг 30 декабрига қадар, 8-иловасига мувофиқ шаклни келгуси ой учун жорий ойнинг 28 санасига қадар вазначилик бўлинмаларига тақдим этадилар.

#### **4-боб. Жавобгарлик**

13. Вазначилик бўлинмаларига мазкур Йўриқномага мувофиқ тақдим этиладиган маълумотларнинг ўз вақтида тақдим этилиши ҳамда тўғри ва ишончлилигига ДСК, ДБК, бошқа ваколатли органлар, бюджет ташкилотлари ва бюджет маблағлари олувчилар масъулдирлар.

14. Мазкур Йўриқнома талабларини бузган шахслар қонун ҳужжатларига мувофиқ жавобгардир.

#### **5-боб. Яқуний қоида**

15. Мазкур Йўриқнома Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси ва Давлат божхона қўмитаси билан келишилган.

*Давлат солиқ  
қўмитаси раиси*

**Б. ПАРПИЕВ**

*2018 йил 9 апрель*

*Давлат божхона  
қўмитаси раиси*

**М. АЗИМОВ**

*2018 йил 9 апрель*

Ўзбекистон Республикаси  
 Давлат бюджети пул маблағларини кассали  
 режалаштириш ва бошқаришни амалга  
 ошириш бўйича ҳужжат шакллари ва  
 уларни тақдим қилиш тартиби  
 тўғрисидаги йўриқномага  
 1-ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети пул маблағларини  
 кассали режалаштириш ва бошқаришни амалга ошириш  
 бўйича ҳужжат шаклларини тақдим этиш  
 СХЕМАСИ**

| Субъектлар  | Тадбир  | Муддатлар   |
|---|---|---|
| ДСҚ<br>ДБҚ<br>бошқа ваколатли<br>органлар                 | 1) Давлат бюджетига ойлик даромадлар тушуми прогнозини тақдим этиш<br>2) Давлат бюджетига йиллик даромадлар тушуми прогнозини тақдим этиш   | 1) Келгуси ой учун жорий ойнинг 28 санасига қадар<br>2) Келгуси молия йили учун жорий молия йилининг 30 декабрига қадар |
| Бюджет ташкилотлари<br>ва бюджет маблағлари<br>олувчилар  | Давлат бюджетига ойлик харажатлар тўғрисидаги маълумотни тақдим этиш  | 1) Келгуси ой учун жорий ойнинг 28 санасига қадар<br>2) Келгуси молия йили учун жорий молия йилининг 30 декабрига қадар |
| Молия вазирлигининг<br>тегишли<br>бошқармалари            | Республика бюджетидан Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри маҳаллий бюджетларига ажратиладиган трансфертлар ва бошқалар | Келгуси ой учун жорий ойнинг 28 санасига қадар  |
| Ўзбекистон<br>Республикаси Молия<br>вазирлиги Ҳазначилиги | Давлат бюджети пул маблағларини режалаштириш ва бошқариш ҳамда ХТР бериш  | Доимий равишда  |

Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети пул маблағларини кассали режалаштириш ва бошқаришни амалга ошириш бўйича ҳужжат шакллари ва уларни тақдим қилиш тартиби тўғрисидаги йўриқномага 2-ИЛОВА

\_\_\_\_\_ йил учун Давлат бюджети (Республика бюджети ва маҳаллий бюджетларнинг)  
КАССА РЕЖАСИ

млн сўм

| Кўрсаткичлар   | Қатор<br>коди | Ян-<br>варь | Фев-<br>раль | Март | Жами<br>1-чорак<br>бўйича | Ап-<br>рель | Май | Июнь | Жами<br>2-чорак<br>бўйича | Июль | Ав-<br>густ | Сен-<br>тябрь | Жами<br>3-чорак<br>бўйича | Оқ-<br>тябрь | Ноябрь | Де-<br>кабрь | Жами<br>4-чорак<br>бўйича | Йиллик<br>жами |
|--|---------------|-------------|--------------|------|---------------------------|-------------|-----|------|---------------------------|------|-------------|---------------|---------------------------|--------------|--------|--------------|---------------------------|----------------|
| <b>Йил (чорак, ой) бошига эркин қолдиқ</b>                     |               |             |              |      |                           |             |     |      |                           |      |             |               |                           |              |        |              |                           |                |
| <b>Кассали тушумлар — жами</b>                                 | <b>1000</b>   |             |              |      |                           |             |     |      |                           |      |             |               |                           |              |        |              |                           |                |
| солиқ бўлган тушумлар  | 1100          |             |              |      |                           |             |     |      |                           |      |             |               |                           |              |        |              |                           |                |
| солиқ бўлмаган тушумлар  | 1200          |             |              |      |                           |             |     |      |                           |      |             |               |                           |              |        |              |                           |                |
| бюджетлараро трансфертлар                                      | <b>1300</b>   |             |              |      |                           |             |     |      |                           |      |             |               |                           |              |        |              |                           |                |
| қуйи турувчи бюджетлар билан ўзаро ҳисоб китоблар              | 1310          |             |              |      |                           |             |     |      |                           |      |             |               |                           |              |        |              |                           |                |
| қайтарилган ссудалар   | 1320          |             |              |      |                           |             |     |      |                           |      |             |               |                           |              |        |              |                           |                |
| <b>Касса харажатлари — жами</b>                                | <b>2000</b>   |             |              |      |                           |             |     |      |                           |      |             |               |                           |              |        |              |                           |                |
| Бюджет ва бюджет маблағлари олувчи ташкилотларнинг харажатлари | <b>2100</b>   |             |              |      |                           |             |     |      |                           |      |             |               |                           |              |        |              |                           |                |
| 1-гуруҳ (иш ҳақи ва унга тенглаштирилган тўловлар)             | 2110          |             |              |      |                           |             |     |      |                           |      |             |               |                           |              |        |              |                           |                |
\* Ушбу қарор «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2018 йил 14 майда эълон қилинган.

Ўзбекистон Республикаси  
Соғлиқни сақлаш вазирлиги ва Ички ишлар  
вазирлигининг 2018 йил 25 апрелдаги 23,  
32-сон қарорига  
ИЛОВА

**Ҳайдовчи ва ҳайдовчиликка номзодларни транспорт воситаларини бошқаришга яроқлилигини текшириш учун тиббий кўрикдан ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомга киритилаётган ўзгартириш ва қўшимчалар**

1. 5-банд қуйидаги мазмундаги хатбоши билан тўлдирилсин:

«Ногиронлиги бўлган шахсларни махсус ускуналар билан қайта жиҳозланган ва автомат узатгичли енгил транспорт воситаларини бошқаришга яроқлилигини аниқлаш учун дастлабки ва даврий тиббий кўрикдан ўтказиш тиббий меҳнат эксперт комиссиялари (бундан буён матнда ТМЭК деб юритилади) томонидан бепул амалга оширилади.»

2. 10-банддан «ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 31 январдаги 54-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2003 й., 1-2-сон, 17-модда) билан тасдиқланган Транспорт воситаларини мажбурий техник кўрикдан ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомнинг талаблари асосида транспорт воситасини мажбурий техник кўрикдан ўтказиш жараёнида ҳайдовчилар» деган сўзлар чиқариб ташлансин.

3. 25-банд учинчи хатбошиси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«протез бандлик ва меҳнат муносабатлари органлари протез устахоналарида назорат кўригидан ўтганлиги тўғрисидаги маълумотнома асосида (махсус ускуналар билан қайта жиҳозланган (қўл билан бошқариладиган) ва автомат узатгичли енгил транспорт воситаларини бошқаришга рухсат этилаётган чап оёғи тўлиқ ёки қисман ампутация қилинган шахсларга).»

4. Қуйидаги мазмундаги 2<sup>1</sup>-боб билан тўлдирилсин:

**«2<sup>1</sup>-боб. Ногиронлиги бўлган шахсларни махсус ускуналар билан қайта жиҳозланган ва автомат узатгичли енгил транспорт воситаларини бошқариш учун тиббий кўрикдан ўтказиш**

27<sup>1</sup>. Ногиронлиги бўлган шахслар махсус ускуналар билан қайта жиҳозланган ва автомат узатгичли енгил транспорт воситаларини бошқаришга яроқли эканликларини аниқлаш учун ариза билан турар жойдаги ТМЭКга мурожаат қилади.

27<sup>2</sup>. Ногиронлиги бўлган шахсларни ТМЭКда тиббий кўрикдан ўтказиш муддати 3 календарь кунидан ошмаслиги керак. Тиббий кўрикдан ўтказиш муддати мураккаб, қўшимча тиббий кўрик талаб этилганда ТМЭК раиси томонидан, асосланган ҳолда, 14 календарь кунига узайтирилиши мумкин.

27<sup>3</sup>. ТМЭК томонидан тиббий кўриқдан ўтказиш натижаларига кўра унинг раиси ва аъзолари томонидан имзоланадиган хулоса расмийлаштирилади.

27<sup>4</sup>. Ногиронлиги бўлган ҳайдовчилар ва ҳайдовчиликка номзодлар тиббий кўриқдан ўтиш учун ушбу Низомнинг 11-бандида белгиланган ҳужжатларга ногиронликни белгилловчи ТМЭК хулосасини илова қилган ҳолда умумий асосларда тиббий комиссияга мурожаат қиладилар.

Бунда тиббий комиссия томонидан ногиронлиги бўлган шахсга 083х шаклидаги тиббий маълумотнома фақат «В» тоифасидаги шахсий транспорт воситасини бошқаришга яроқли ёки яроқсиз деб берилади.

27<sup>5</sup>. Қўйидагилар махсус ускуналар билан қайта жиҳозланган (қўл билан бошқариладиган) узатгичли енгил транспорт воситасини бошқаришга тиббий кўрсатма ҳисобланади:

ҳаракатнинг ифодаланган чегараланишига сабаб бўладиган оёқ кафт деформацияси;

оёқнинг 7 см ва ундан ортиқроқ калталиги;

бир ёки иккала сон суягининг ампутацион чўлтоқлиги, чўлтоқлик қайси қисмдан бўлиши ва протезлаш имкониятидан қатъи назар;

бир ёки иккала оёқ болдир соҳасининг ампутацион чўлтоқлиги;

бир томонлама сон ёки болдир қисми чўлтоғи, иккинчи оёқнинг ҳаракат ёки статик фаолиятининг ифодаланган даражадаги бузилиши билан (оёқ панжасининг ампутацион чўлтоқлиги, деформацияси, қон томир касалликлари, йирик периферик нервларнинг шикастланиши ва бошқалар);

ўтириш ҳолати сақланган пастки оёқларнинг парези ёки фалажлиги; юриш, ўтириш фаолиятининг бузилишига олиб келувчи умуртқа поғонаси, тос ёки иккала оёқларнинг турғун деформацияси ёки касалликлари (оёқларнинг анкилозловчи полиартрити, оғир даражадаги кифосколиоз ва спондилити, псевдоартроз, эндартерит II ва III даражаси, филоёқлилик ва бошқалар);

ўтириш ҳолати сақланган пастки оёқларнинг парези ёки фалажлиги;

чап оёқ қон томир ва нерв толаларининг шикастланиши, ифодаланган трофик бузилишлари билан.

27<sup>6</sup>. Қўйидагилар автоматик трансмиссия воситаси ёрдамида транспорт воситасини бошқаришга тиббий кўрсатма ҳисобланади:

чап қўл ёки кафтнинг йўқлиги;

чап оёқ ёки оёқ панжасининг йўқлиги;

кафт ёки чап оёқ панжасининг деформацияси, ҳаракатнинг ифодаланган бузилишлари билан;

чап сон ёки болдир чўлтоқлиги, бир вақтнинг ўзида чап қўлнинг йўқлиги;

ўнг кафт бармоқ ёки фалангаларининг йўқлиги, шунингдек, фалангалараро бўғимларнинг ҳаракатсизлиги (бош бармоқнинг 2 та фалангаси йўқлиги, бош бармоқ сақланган ҳолда, ўнг қўлнинг иккита ва ундан ортиқ бармоқларининг йўқлиги ёки ҳаракатсизлиги ёхуд битта бармоқнинг келтирувчи функциясининг йўқлиги);

мустақил ҳаракатланиш лаёқатининг I ва II даражали бузилиши билан кечувчи чап томонлама гемипарез.».

5. Мазкур ўзгартириш ва қўшимчалар Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги ва Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши билан келишилган.

*Бандлик ва меҳнат  
муносабатлари вазири*

*Ш. КУДБИЕВ*

*2018 йил 25 апрель*

*Ўзбекистон касаба уюшмалари  
Федерацияси Кенгаши раиси*

*К. РАФИКОВ*

*2018 йил 25 апрель*

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
МАРКАЗИЙ БАНКИ БОШҚАРУВИНИНГ  
ҚАРОРИ

**416** «Пул ресурсларининг банклараро электрон бозорида операцияларни амалга ошириш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарорни ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида\*

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2018 йил  
12 майда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1535-1*

Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида»ги Қонунига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқаруви **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2005 йил 26 ноябрдаги 26/5-сон «Пул ресурсларининг банклараро электрон бозорида операцияларни амалга ошириш тартиби тўғрисида низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарори (рўйхат рақами 1535, 2006 йил 11 январь) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2006 йил, 2-сон, 10-модда) ўз кучини йўқотган деб топилсин.

---

\* Ушбу қарор «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2018 йил 14 майда эълон қилинган.

2. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

**Марказий банк раиси**

**М. НУРМУРАТОВ**

Тошкент ш.,  
2018 йил 31 март,  
12/13-сон

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
МАРКАЗИЙ БАНКИ БОШҚАРУВИНИНГ  
ҚАРОРИ

**417** **Банклараро пул бозорида электрон савдо платформаси орқали операцияларни амалга ошириш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида\***

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2018 йил  
12 майда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3010*

Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида»ги Қонуни ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 13 сентябрдаги ПҚ–3272-сон «Пул-кредит сиёсатини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқаруви **қарор қилади:**

1. Банклараро пул бозорида электрон савдо платформаси орқали операцияларни амалга ошириш тартиби тўғрисидаги низом иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан уч ойдан кейин кучга киради.

**Марказий банк раиси**

**М. НУРМУРАТОВ**

Тошкент ш.,  
2018 йил 31 март,  
12/12-сон

---

\* Ушбу қарор «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2018 йил 14 майда эълон қилинган.

Ўзбекистон Республикаси  
Марказий банки Бошқарувининг 2018 йил  
31 мартдаги 12/12-сонли қарорига  
ИЛОВА

## **Банклараро пул бозорида электрон савдо платформаси орқали операцияларни амалга ошириш тартиби тўғрисидаги НИЗОМ**

Мазкур Низом Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида»ги Қонуни ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 13 сентябрдаги ПҚ–3272-сон «Пул-кредит сиёсатини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига мувофиқ банклараро пул бозорида электрон савдо платформаси орқали операцияларни амалга ошириш тартибини белгилайди.

### **1-боб. Умумий қоидалар**

1. Мазкур Низомда қуйидаги асосий тушунчалардан фойдаланилади:

**банклараро пул бозори** — электрон биржа савдоларини ташкил этиш ва ўтказиш орқали миллий ва хорижий валютада пул маблағларини қисқа муддатга (1 йилгача) жойлаштириш ва/ёки жалб қилиш операцияларини (бундан буён матнда пул бозоридаги операциялар деб юритилади) амалга ошириш тизими;

**валюта биржаси** — чет эл валютаси, давлат қимматли қоғозлари, молиявий ҳосила инструментлари (деривативлар) олди-сотдиси ҳамда улар билан боғлиқ бошқа биржа битимлари бўйича биржа савдоларини, шунингдек банклараро пул бозорини ҳамда Марказий банкнинг тижорат банклари билан амалга ошириладиган кредит ва депозит аукционларини ташкил этувчи юридик шахс;

**электрон савдо платформаси** (бундан буён матнда савдо тизими деб юритилади) — банклараро пул бозорида электрон шаклда биржа савдоларини ўтказиш имконини берувчи ҳамда қабул қилинган буюртмаларни рўйхатга олиш, биржа битимларини тузиш, жорий маълумотларни савдо иштирокчилари иш ўринларида акс эттириш, савдо жараёнини баёнлаштириш ва якуний биржа ҳужжатларини шакллантиришни таъминловчи валюта биржасининг автоматлаштирилган тизими;

**контрагент** — банклараро пул бозорида пул маблағларини жойлаштириш ва/ёки жалб этиш бўйича биржа битими иштирокчиларидан бири;

**савдо иштирокчилари** — банклараро пул бозорида савдо тизими орқали операцияларни амалга оширишда иштирок этувчи тижорат банклари ҳамда Ўзбекистон Республикаси Марказий банки (бундан буён матнда Марказий банк деб юритилади);

**буюртма** — буюртма берувчи томонидан маълум миқдордаги пул маблағларини жойлаштириш ва/ёки жалб этиш бўйича шартлар акс эттирилган электрон шаклдаги бирламчи таклиф;

**биржа битими** — биржа томонидан рўйхатга олинган, биржа савдосининг биржада қайд этилган натижаси бўйича тузилган биржа товарига доир олди-сотди шартномаси;

**қарши буюртмалар** — қарама-қарши йўналишга эга бўлган буюртмалар, яъни пул маблағларини жойлаштириш учун таклифга пул маблағларини жалб этиш учун қўйилган буюртма ёхуд пул маблағларини жалб этиш учун қўйилган буюртмага пул маблағларини жойлаштириш учун таклиф;

**индикаторлар** — савдо тизими орқали савдо иштирокчилари томонидан амалга оширилган пул бозоридаги операциялар бўйича ҳисобланган ўртача тортилган фоиз ставкалари.

2. Пул бозоридаги операциялар Марказий банк билан тижорат банклари ҳамда тижорат банклари ўртасида ўзаро савдо тизими орқали амалга оширилади.

3. Пул бозоридаги операциялар тижорат банклари томонидан банкнинг ликвидлигини таъминлаш ёки пул маблағларини жойлаштириш орқали даромад олиш мақсадида, Марказий банк томонидан эса пул-кредит сиёсати мақсадларидан келиб чиққан ҳолда амалга оширилади.

4. Савдо иштирокчилари пул бозоридаги операцияларни амалга оширишда мазкур Низом талабларига ҳамда валюта биржасининг биржа савдолари қоидаларига риоя қилишлари шарт.

5. Марказий банк банклараро пул бозорида тузилган барча биржа битимлари бўйича тўлиқ маълумотлар билан танишиш ҳуқуқига эга.

6. Тижорат банклари банклараро пул бозорида ўз битимлари ва бошқа тижорат банклари томонидан ўзаро амалга оширилган операциялар бўйича маълумотлар (банк номлари тўғрисидаги маълумотлар бундан мустасно) билан танишиш ҳуқуқига эга.

7. Валюта биржаси ўз ваколати доирасида:

банклараро пул бозорида биржа савдоларини ташкил этади ва ўтказди; савдо иштирокчиларига савдо тизими дастурий таъминотини тақдим этади ва уларнинг техник созлигини таъминлайди;

банклараро пул бозори индикаторларини шакллантиради; пул бозоридаги операцияларга оид маълумотларнинг конфиденциаллигини таъминлайди;

савдо иштирокчиларини савдоларни ўтказиш жойи, вақти ва савдо яқунлари тўғрисида ўз вақтида хабардор қилади.

## **2-боб. Савдо тизимида операцияларни амалга ошириш**

8. Пул бозоридаги операциялар валюта биржаси ҳамда банклар томонидан тузиладиган Бош битимга мувофиқ амалга оширилади.

9. Бош битимда хўжалик субъектлари фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисидаги қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа шартлар билан бир қаторда қуйидагилар кўрсатилиши лозим:

Марказий банк ва тижорат банклари ўртасида ҳамда тижорат банклари ўртасидаги ўзаро тузиладиган биржа битимлари учун мажбурий шартлар;



фоиз тўловларини ҳисоблаш, уларни тўлаш тартиби ва муддатлари;  
Бош битимнинг амал қилиш муддати.

10. Савдо иштирокчилари биржа савдоларида уларнинг номидан биржа битимлари тузишга ваколатли бўлган ўз ходимлари (трейдерлар) (бундан буён матнда трейдер деб юритилади) орқали иштирок этади.

11. Биржа савдолар банк иш кунлари соат 9:00 дан бошланиб Марказий банкнинг банклараро тўлов тизими иш вақти яқунланишига 30 дақиқа қолгунига қадар амалга оширилади.

12. Савдо иштирокчилари мустақил равишда савдо тизимига киришнинг қуйидаги услубларидан бирини танлашлари мумкин:

масофавий — иш ўрнидан фойдаланиш орқали;

валюта биржаси савдо залидаги иш ўрнидан фойдаланиш орқали.

13. Валюта биржаси савдо тизимида ишлаш учун савдо иштирокчиларини икки босқичли логин ва пароль билан таъминлайди.

Биринчи босқич логини ва паролидан фойдаланиш ҳуқуқига фақатгина трейдер эга бўлади.

Биринчи босқич логини ва пароли савдо иштирокчисига савдо тизими фаоллаштириш ҳуқуқини беради.

Иккинчи босқич логини ва паролидан фойдаланиш ҳуқуқи банк раҳбари томонидан ваколат берилган биржа савдолари бўйича биржа битимларини тузишга масъул бўлган шахсга берилади.

Иккинчи босқич логини ва пароли савдо иштирокчисига биржа битимини тасдиқлаш ҳуқуқини беради.

### **3-боб. Савдо тизимида операцияларнинг амалга оширилиши**

14. Биржа битимлари савдо тизимида томонлар бир-бирини биржа битими бўйича контрагент сифатида кўрсатувчи қарши буюртмалар асосида тузилади.

15. Биржа битимларини тузиш учун савдо тизимига битим тузишга ташаббус қилаётган савдо иштирокчисининг пул маблағларини жойлаштириш ва/ёки жалб этиш бўйича буюртмаси (бундан буён матнда дастлабки буюртма деб юритилади) киритилади.

16. Дастлабки буюртмада қуйидаги кўрсаткичлар кўрсатилиши лозим:

пул маблағларини жалб этиш ёки жойлаштириш;

жалб этиладиган ёки жойлаштириладиган валюта тури;

жалб этиладиган ёки жойлаштириладиган пул маблағлари миқдори;

пул маблағларини жалб этиш ёки жойлаштириш муддати;

пул маблағларини жалб этиш ёки жойлаштириш бўйича фоиз ставкаси;  
фоиз тўловларини тўлаш муддати.

17. Савдо тизимига киритилган дастлабки буюртмага пул маблағларини жалб этиш ва/ёки жойлаштириш мақсадида контрагентлар томонидан қарши буюртмалар киритилади.

18. Пул маблағларини жойлаштириш учун буюртмалар навбати фоиз

ставкасининг ўсиб бориши тартибида, фоиз ставкалари тенг бўлганда эса буюртмалар тақдим этилган вақт тартибида жойлаштирилади.

19. Пул маблағларини жалб этиш учун буюртмалар навбати фоиз ставкасининг камайиб бориши тартибида, фоиз ставкалари тенг бўлган тақдирда эса буюртмалар тақдим этилган вақт тартибида жойлаштирилади.

20. Биржа битимларини тузишда савдо тизими қарши буюртмаларнинг битим кўрсаткичларининг бир-бирига мувофиқлигини текширади.

21. Дастлабки буюртма тақдим этган савдо иштирокчиси контрагентлар томонидан киритилган қарши буюртмалардан ўзига мос келганларини дастлабки буюртма доирасида тасдиқлайди.

Дастлабки буюртмани тасдиқлаш натижасида савдо тизимида биржа битими автоматик тарзда рўйхатдан ўтади.

22. Биржа битими савдо тизимида қарши буюртмаларнинг (дастлабки буюртма ва қарши буюртмалар) рўйхатга олиниши билан тузилган ҳисобланади.

23. Ҳар бир биржа битими тузилганда савдо тизими уни рўйхатга олади, унга рўйхатга олиш рақамини бириктиради ва савдо иштирокчиларига ўзаро ҳисоб-китобларни амалга оширишга асос бўладиган биржа гувоҳномаларини тақдим этади.

24. Тузилган биржа битимлари бўйича барча ҳисоб-китоб операцияларининг ижроси савдо иштирокчилари томонидан битим тузилган банк иш куни Марказий банкнинг банклараро ҳисоб-китоблар бўйича электрон тўлов ҳужжатларини узатиш, қабул қилиш ва назорат қилиш вақти яқунланишига қадар амалга оширилади.

25. Савдо тизими тақдим этилган ҳар қандай дастлабки буюртма у бекор қилинганга, тўлиқ қондирилганга ёки биржа савдолари якунига қадар амал қилади. Савдо тизими тақдим этилган ҳар қандай буюртма биржа битимлари тузилганга қадар савдо иштирокчилари томонидан ўзгартирилиши ёки бекор қилиниши мумкин.

26. Савдо тизими орқали тузилган биржа битимлари бўйича пул маблағларини қайтариш муддати келганда жалб қилинган маблағлар ва унга ҳисобланган фоизларни қайтариш банк томонидан қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади. Пул маблағларини қайтариш куни пул маблағлари тегишли ҳисобрақамига келиб тушган кун деб ҳисобланади.

27. Биржа битимлари бўйича барча тўловлар битим тузилган валютада амалга оширилади.

28. Биржа битимлари бўйича жойлаштирилган пул маблағлари томонларнинг ўзаро келишувига асосан муддатидан аввал қайтарилиши мумкин.

29. Савдо тизимининг воситачилик ҳақи биржа савдолари қоидаларида белгиланган тартибда ундирилади.

30. Савдо иштирокчиларига қуйидагилар тақиқланади:

бошқа савдо иштирокчиларига, уларнинг бозор хатти-ҳаракатларини ўзгартириш мақсадида, тўғридан-тўғри ёки билвосита босим ўтказиш;  
савдо тизимида сохта битимлар тузиш;

савдо тизимида тузилган битимлар бўйича ҳисоб-китобларни ўтказишдан воз кечиш;

савдо тизимида шаклланаётган бозор ҳолатига босим ўтказиш мақсадида била туриб ёлғон ахборот тарқатиш;

валюта биржаси ва савдо иштирокчиларига ҳаққоний бўлмаган ва бузиб кўрсатилган ахборотни тақдим этиш;

бозор конъюнктурасини шакллантиришга сезиларли таъсир кўрсатиши мумкин бўлган ахборотни валюта биржасига тақдим этмаслик (яшириш).

#### **4-боб. Банклараро пул бозори индикаторлари**

31. Валюта биржаси савдо иштирокчилари томонидан савдо тизими орқали амалга оширилган операцияларнинг фоиз ставкалари асосида пул бозори индикаторларини шакллантиради.

32. Индикаторлар пул бозорида амалга оширилган операцияларнинг ставкалари асосида қуйидаги белгиланган стандарт муддатлар кесимида ҳисобланади:

1 кунлик;

2 кундан 7 кунгача;

8 кундан 30 кунгача;

31 кундан 90 кунгача;

91 кундан 180 кунгача;

181 кундан 1 йилгача.

Индикаторларни ҳисоблашда пул бозоридаги операциялар жойлаштирилган муддатларга кўра тегишли белгиланган стандарт муддатлар оралиқларига киритилади.

33. Валюта биржаси савдо тизими орқали стандарт муддатлар кесимида шаклланган индикаторларни мунтазам равишда (ҳафтада камида бир марта) Марказий банкка тақдим этади ҳамда ушбу маълумотлар Марказий банк ва валюта биржасининг расмий веб-сайтларида жойлаштириб борилади.

#### **5-боб. Яқуний қоидалар**

34. Савдо иштирокчилари томонидан савдо тизимида тузилган биржа битимининг амал қилиш муддати Бош битимнинг амал қилиш муддати доирасида бўлиши лозим.

35. Мазкур Низом талаблари бузилишида айбдор бўлган шахслар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда жавобгар бўлади.

36. Мазкур Низом «Ўзбекистон республика валюта биржаси» АЖ билан келишилган.

*«Ўзбекистон республика валюта биржаси» АЖ бош директори*

*Н. БЕКМИРЗАЕВ*

*2018 йил 30 март*

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МОЛИЯ ВАЗИРИНИНГ  
БУЙРУҒИ

**418** «Пахта толасининг ички ва ҳақиқатда сотилган нархлари ўртасидаги ижобий фарқ маблағларини «Пахтасаноат» ҳудудий акциядорлик бирлашмасининг махсус ҳисоб рақамига тўплаш ва унинг ишлатилиши тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги буйруқни, шунингдек унга ўзгартиришларни ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида\*

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2018 йил 12 майда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1922-4*

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 12 февралдаги 106-сон «Ўзпахтасаноат» акциядорлик жамияти корхоналарида ишлаб чиқарилган пахта толасини сотиш ва ҳисоб-китоблар механизмини такомиллаштириш тўғрисида»ги қарорига мувофиқ **буюраман:**

1. Айрим идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар иловага мувофиқ ўз кучини йўқотган деб топилсин.

2. Мазкур буйруқ «Ўзпахтасаноат» акциядорлик жамияти билан келишилган.

3. Мазкур буйруқ расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

**Вазир**

**Д. КУЧКАРОВ**

Тошкент ш.,  
2018 йил 8 май,  
91-сон

*Келишилган:*

**«Ўзпахтасаноат» АЖ  
бошқаруви раиси**

**А. МАҚСУДОВ**

*2018 йил 4 май*

---

\* Ушбу буйруқ «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2018 йил 14 майда эълон қилинган.

Ўзбекистон Республикаси  
молия вазирининг 2018 йил 8 майдаги  
91-сон буйруғига  
ИЛОВА

**Ўз кучини йўқотган деб топилаётган идоравий норматив-  
ҳуқуқий ҳужжатлар  
РЎЙХАТИ**

1. Ўзбекистон Республикаси молия вазирининг 2009 йил 23 февралдаги 8-сон «Пахта толасининг ички ва ҳақиқатда сотилган нархлари ўртасидаги ижобий фарқ маблағларини «Пахтасаноат» ҳудудий акциядорлик бирлашмасининг махсус ҳисоб рақамига тўплаш ва унинг ишлатилиши тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги буйруғи (рўйхат рақами 1922, 2009 йил 18 март) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2009 й., 12-сон, 135-модда).

2. Ўзбекистон Республикаси молия вазирининг 2011 йил 1 мартдаги 19-сон «Пахта толасининг ички ва ҳақиқатда сотилган нархлари ўртасидаги ижобий фарқ маблағларини «Пахтасаноат» ҳудудий акциядорлик бирлашмасининг махсус ҳисоб рақамига тўплаш ва унинг ишлатилиши тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар киритиш ҳақида»ги буйруғи (рўйхат рақами 1922-1, 2011 йил 18 март) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2011 й., 12-13-сон, 122-модда).

3. Ўзбекистон Республикаси молия вазирининг 2012 йил 28 майдаги 43-сон «Пахта толасининг ички ва ҳақиқатда сотилган нархлари ўртасидаги ижобий фарқ маблағларини «Пахтасаноат» ҳудудий акциядорлик бирлашмасининг махсус ҳисоб рақамига тўплаш ва унинг ишлатилиши тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар киритиш ҳақида»ги буйруғи (рўйхат рақами 1922-2, 2012 йил 16 июнь) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2012 й., 25-сон, 277-модда).

4. Ўзбекистон Республикаси молия вазирининг 2014 йил 30 октябрдаги 71-сон «Пахта толасининг ички ва ҳақиқатда сотилган нархлари ўртасидаги ижобий фарқ маблағларини «Пахтасаноат» ҳудудий акциядорлик бирлашмасининг махсус ҳисоб рақамига тўплаш ва унинг ишлатилиши тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар киритиш ҳақида»ги буйруғи (рўйхат рақами 1922-3, 2014 йил 17 ноябрь) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2014 й., 47-сон, 560-модда).

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРИНИНГ  
БУЙРУҒИ**419** **Норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ижрочиларга етказиш ҳамда уларнинг моҳияти ва аҳамиятини аҳоли ўртасида тушунтириш бўйича намунавий «Йўл харитаси»ни тасдиқлаш тўғрисида\***

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2018 йил  
12 майда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3011*

Ўзбекистон Республикасининг «Хуқуқий ахборотни тарқатиш ва ундан фойдаланишни таъминлаш тўғрисида»ги Қонуни ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 13 апрелдаги ПҚ–3666-сон қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги тўғрисидаги низомга мувофиқ **буюраман:**

1. Норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ижрочиларга етказиш ҳамда уларнинг моҳияти ва аҳамиятини аҳоли ўртасида тушунтириш бўйича намунавий «Йўл харитаси» иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Давлат органлари ва ташкилотлари ўз фаолияти соҳаларига оид норматив-ҳуқуқий ҳужжат қабул қилинганда бир ҳафталик муддатда ушбу норматив-ҳуқуқий ҳужжатни ижрочиларга етказиш ҳамда моҳияти ва аҳамиятини аҳолига тушунтириш бўйича мазкур буйруқнинг 1-бандида белгиланган намунавий «Йўл харита» асосида ўзларининг «Йўл харита»сини тасдиқлашлари, шунингдек уларнинг амалга оширилишини таъминлашлари ҳамда доимий назоратни амалга оширишлари белгилаб қўйилсин.

3. Қонун ҳужжатларини таҳлил қилиш ва туркумлаш бошқармаси ҳамда Ҳуқуқий тарғибот ва маърифат бошқармаси тегишли равишда:

ушбу идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатни барча манфаатдор шахсларга етказилиши ва «Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами» — «Собрание законодательства Республики Узбекистан»да ҳамда Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базасида эълон қилинишини таъминласин;

давлат органлари ва ташкилотлари томонидан ўз фаолияти соҳаларига оид норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ижрочиларга етказиш ҳамда моҳияти ва аҳамиятини аҳолига тушунтириш бўйича тасдиқланган «Йўл харита»ларининг амалга оширилишини доимий мониторинг қилиб борсин ва назоратни амалга оширсин.

4. Мазкур буйруқ давлат рўйхатидан ўтказилсин ва Ҳуқумат баённома қарорлари ва идоравий норматив ҳужжатларни ҳуқуқий экспертизадан ўтказиш бошқармаси Идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг давлат реестрига тегишли ёзувни киритсин.

5. Ўзбекистон Республикаси адлия вазирининг 2017 йил 3 мартдаги

---

\* Ушбу буйруқ «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2018 йил 14 майда эълон қилинган.

46-мх-сон «Норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг ижрочиларга етказилиши ҳамда моҳияти ва аҳамиятининг аҳоли ўртасида тушунтирилиши юзасидан намунавий чора-тадбирлар режасини тасдиқлаш тўғрисида»ги буйруғи (рўйхат рақами 2866, 2017 йил 3 март) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й., 10-сон, 150-модда) ўз кучини йўқотган деб топилсин.

6. Мазкур буйруқ расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

7. Мазкур буйруқнинг ижросини назорат қилиш вазирнинг биринчи ўринбосари Н. Жўраев ва вазир ўринбосари А. Ташкулов зиммасига юклансин.

**Вазир**

**Р. ДАВЛЕТОВ**

Тошкент ш.,  
2018 йил 12 май,  
278-мх-сон

**Норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ижрочиларга етказиш ҳамда уларнинг моҳияти ва аҳамиятини  
аҳоли ўртасида тушунтириш бўйича намунавий  
«ЙЎЛ ХАРИТАСИ»**

| Т/р | Тадбир номи  | Амалга ошириш механизми<br>ва босқичлари  | Ҳар бир механизми<br>амалга ошириш<br>муддатлари   | Масъул<br>ижрочилар              |
|-----|--|---|--|----------------------------------|
| 1.  | Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар, ахборот-таҳлилий материаллар (норматив-ҳуқуқий ҳужжатнинг концепцияси баён этилган тушунтириш хати, ўзгартириш ва қўшимчалар тушунтирилган ҳолдаги таққослаш жадвали)ни тизимдаги барча идораларга электрон шаклда юбориш. | 1. Белгилаб олинган рўйхат бўйича қонун ҳужжатларини тизимдаги барча ташкилотларнинг расмий электрон почта манзилларига юбориш.<br>2. Юборилган қонун ҳужжатларининг ижрочиларга етиб борганлигини аниқлаштириш ва қайд қилиш.  | Келиб тушган куннинг ўзида<br><br>Шу куннинг ўзида   | Давлат органлари ва ташкилотлари |
| 2.  | Қабул қилинган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ўзининг расмий веб-сайтига жойлаштириш.  | 1. Норматив-ҳуқуқий ҳужжат матнини тегишли форматга ўтказиш.<br>2. Норматив-ҳуқуқий ҳужжат матнини расмий веб-сайтига жойлаштириш.<br>3. Расмий веб-сайтга жойлаштирилган қонун ҳужжати матнининг назорат ҳолатини текшириб туриш.  | Норматив-ҳуқуқий ҳужжат расман эълон қилингандан сўнг бир кун ичида<br><br>Доимий                            | Давлат органлари ва ташкилотлари |
| 3.  | Қабул қилинган норматив-ҳуқуқий ҳужжатнинг аҳамиятига қараб тарғибот материаллари тўпламини яратиш, уни тизимдаги ва бошқа манфаатдор ташкилотларга етказиб бериш.   | 1. Ахборот-таҳлилий материаллардан фойдаланган ҳолда ҳужжатлар тўпламини (маъруза матни, тақдимот, аннотация, инфографика, схема ва ҳ. к.) тайёрлаш.<br>2. Тарғибот материаллари тўпламини тизимдаги ташкилотларга етказиб бериш.<br>3. Норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг мазмун-моҳиятини тушунтиришга қаратилган материаллар матнини, заруратга кўра рус, инглиз ва бошқа хорижий тилларга таржима қилиш, кенг фойдаланувчилар учун «Жаҳон» ахборот агентлигига етказиш. | Норматив-ҳуқуқий ҳужжат қабул қилингандан сўнг 3 кун ичида<br><br>Икки ҳафта муддатда                        | Давлат органлари ва ташкилотлари |
| 4.  | Оммавий ахборот воситалари, шу жумладан босма ва электрон оммавий ахборот воситалари ходимлари учун марказий ва ҳудудий матбуот анжуманларини ўтказиш.   | 1. Матбуот анжумани ҳақида расмий веб-сайт ва ижтимоий тармоқлар орқали журналистларни хабардор қилиш.<br><br>2. Матбуот анжуманини ўтказиш ва оммавий ахборот воситаларига тайёрланган тарғибот материаллари тўпламини тақдим этиш.  | Норматив-ҳуқуқий ҳужжат қабул қилингандан сўнг 3 кун ичида<br>Норматив-ҳуқуқий ҳужжат қабул қилингандан сўнг | Давлат органлари ва ташкилотлари |



| Т/р | Тадбир номи  | Амалга ошириш механизми ва босқичлари  | Ҳар бир механизмни амалга ошириш муддатлари  | Масъул ижрочилар                 |
|-----|--|--|--|----------------------------------|
|     |  | 3. Матбуот анжуманини оммавий ахборот воситалари ва ижтимоий тармоқларда ёритиш.   | 1 ҳафта ичида  |                                  |
| 5.  | Давлат органлари ва ташкилотлар ҳамда уларнинг худудий идораларида «Ҳуқуқий билимлар» ўқув машғулотларини жорий этиш, малакали мутахассислар, олимлар, экспертларни жалб этган ҳолда норматив-ҳуқуқий ҳужжат ва ахборот-таҳлилий материалларнинг ўқиб ўрганилишини ташкил этиш.  | 1. Чорақлик «Ҳуқуқий билимлар» ўқув машғулотларини ўтказиш графикларини тасдиқлаш.<br>2. Графикка асосан малакали мутахассислар, олимлар, экспертларни жалб этган ҳолда ўқув машғулотини ўтказиш.  | Ҳар чоракда<br>Графикка асосан   | Давлат органлари ва ташкилотлари |
| 6.  | Тегишли норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинганидан кейин унинг ижросини ташкил этиш, ижрочиларга етказиш ва аҳоли ўртасида моҳияти ва аҳамиятини тушунтиришни ташкил этишга масъул бўлган давлат бошқаруви органи томонидан:<br>норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг мақсади, мазмун-моҳиятини ва аҳамиятини тушунтириш бўйича худудий ва республика, ҳуқуқий тарғибот гуруҳларини шакллантириш ва тасдиқлаш;<br>норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг мақсади ва моҳиятини аҳолига етказиш бўйича ташкилотлар, маҳаллалар ва бошқа жамоаларда манзилли ва предметли ҳуқуқий тарғибот тадбирларини ташкил қилиш. | 1. Худудий ва республика тарғибот гуруҳларини шакллантириш.<br>2. Худудий ва республика гуруҳлари таркибини тасдиқлаш.<br>3. Тарғибот гуруҳларини тарғибот материаллари тўплами билан таъминлаш.<br>4. Тарғибот тадбирининг Концепцияси, дастури ва календарь режасини тайёрлаш ва тасдиқлаш.<br>5. Манзилли ва предметли тарғибот тадбирларини ўтказиш.   | Норматив-ҳуқуқий ҳужжат қабул қилингандан сўнг 1 ҳафта ичида<br><br>Тарғибот тадбирларини ўтказиш календарь режасига мувофиқ | Давлат органлари ва ташкилотлари |
| 7.  | Қабул қилинаётган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг моҳияти ва аҳамиятини аҳолига оммавий ахборот воситалари, шу жумладан босма ва электрон оммавий ахборот воситалари орқали етказиш.  | 1. Норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг моҳияти ва аҳамиятини тушунтиришга қаратилган мақола, материалларни веб-сайтларда жойлаштириш.<br>2. Мустақил экспертлар, мутахассислар ва аҳолининг фикри ва муносабатини акс эттирувчи таҳлилий ток-шоулар, мунозаралар, баҳслар ҳамда ҳуқуқни қўллаш амалиётини кенг муҳокама қилишнинг бошқа замонавий шакллари назарда тутилган медиа режани ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш.<br>3. Медиа режага асосан тарғибот тадбирларини амалга ошириш. | Норматив-ҳуқуқий ҳужжат қабул қилингандан сўнг 3 кун ичида<br><br>Режага асосан  | Давлат органлари ва ташкилотлари |
| 8.  | Қабул қилинган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни етказишда веб-технологияларни қўллаш.  | 1. Норматив-ҳуқуқий ҳужжат матни бўйича савол-жавоблар, анимацион роликлар ва бошқа усуллардан фойдаланган ҳолда ҳуқуқий ахборот контентини яратиш.<br>2. Ижтимоий тармоқлар (Facebook.com, Twitter, Youtube, odnoklassniki.ru, Myoutube.uz ва ҳ. к.)да яратилган махсус профиллар орқали тайёрланган ҳуқуқий тарғибот материалларини тарқатиш.  | Қонун ҳужжати қабул қилингандан сўнг 1 ҳафта ичида   | Давлат органлари ва ташкилотлари |

| Т/р | Тадбир номи   | Амалга ошириш механизми ва босқичлари   | Ҳар бир механизмни амалга ошириш муддатлари   | Масъул ижрочилар                 |
|-----|---|---|---|----------------------------------|
| 9.  | Аҳолининг ҳуқуқий саводхонлигини аниқлаш мақсадида, зарур ҳолларда, белгиланган тартибда ижтимоий сўровлар ўтказиш. | <ol style="list-style-type: none"> <li>1. Сўровнома саволномасини тузиш.</li> <li>2. Сўровнома ўтказиладиган аҳоли тоифалари ва ҳудудларни белгилаб олиш.</li> <li>3. Сўровномани ўтказиш.</li> <li>4. Сўровнома натижаларини умумлаштириш, таклиф кириштиш.</li> </ol> | Сўровнома ўтказиш зарур деб ҳисобланганда 1 ҳафта ичида Саволнома тузилгандан сўнг 1 ҳафталик муддатда Сўровнома ўтказилгандан кейин 1 ойлик муддатда | Давлат органлари ва ташкилотлари |

Изоҳ:

1. Мазкур Намунавий «Йўл харитаси»га қўшимча тадбирлар киритилиши мумкин.
2. Давлат органлари ва ташкилотлари ўз фаолияти соҳаларига оид қабул қилинган қонун ҳужжатларини ижрочиларга етказиш ҳамда моҳияти ва аҳамиятини аҳолига тушунтириш бўйича, улар қабул қилинганидан кейин бир ҳафта муддат ичида мазкур Намунавий йўл харитаси асосида ўз марказий аппаратлари ва ҳудудий органларининг режаларини тасдиқлашлари ва уларнинг амалга оширилишини таъминлашлари лозим.

**Ўзбекистон Республикаси**  
**Адлия вазирлиги вазирликлар, давлат қўмиталари ва**  
**идораларнинг норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини**  
**давлат рўйхатидан ўтказиш ҳолати тўғрисида**  
**2018 йил 7 майдан 12 майгача**  
**бўлган маълумотни маълум қилади**

**I. Давлат рўйхатидан ўтказилди:**

1. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлигининг 2018 йил 23 апрелдаги 85, 13 қ/қ-сон «Ўзгачаларнинг қарамоғига муҳтож пенсионерларни асосий озиқ-овқат маҳсулотлари билан текин таъминлаш тўғрисидаги низомни ўз кучини йўқотган деб топиш ҳақида»ги қарори.

**2018 йил 7 майда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 636-1.**

2. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2018 йил 28 апрелдаги 16/3-сон «Ломбардлар томонидан фаолият ва операцияларни амалга ошириш қоидаларига ўзгартиришлар киритиш ҳақида»ги қарори.

**2018 йил 7 майда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1290-2.**

3. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2018 йил 28 апрелдаги 16/1-сон «Микрокредит ташкилотлари томонидан молиявий операцияларни амалга ошириш қоидаларига ўзгартириш ва қўшимча киритиш ҳақида»ги қарори.

**2018 йил 7 майда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1642-3.**

4. Ўзбекистон Республикаси ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирининг 2018 йил 1 майдаги 169-мх-сон «Почта алоқаси хизматларини кўрсатиш қоидаларининг 9-бандига ўзгартириш киритиш тўғрисида»ги буйруғи.

**2018 йил 7 майда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2219-8.**

5. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Давлат божхона қўмитасининг 2018 йил 1 майдаги 87, 01-02/15-36-сон «Жисмоний шахслар томонидан фақат эркин алмаштириладиган валютада экспорт қилиш рухсат этилган товарларни Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан ташқарига олиб чиқишнинг чекланган меъёрларини, шунингдек унга ўзгартиришлар ва қўшимчани ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида»ги қарори.

**2018 йил 7 майда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 731-2.**

6. Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирининг 2018 йил 11 апрелдаги 168-сон «Давлат органлари ва бошқа бюджет ташкилотларининг ахборот технологияла-

ри ва коммуникацияларини ривожлантириш учун масъул бўлган раҳбарлари ва бўлинмалари ходимларини аттестациядан ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш тўғрисида»ги буйруғи

**2018 йил 8 майда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3007.**

7. Ўзбекистон Республикаси ички ишлар вазирининг 2018 йил 17 апрелдаги 106-сон «Ўзбекистон Республикасида сиёсий бошпана бериш тўғрисидаги илтимоснома шаклини тасдиқлаш ҳақида»ги буйруғи.

**2018 йил 10 майда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3008.**

8. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2018 йил 28 апрелдаги 16/11-сон «Аҳолининг кенг қатлами, шу жумладан ёш оилалар учун уй-жой қурилишини ва реконструкция қилишни молиялаштириш ва кредитлаш тартиби тўғрисида низомнинг 10-бандига ўзгартириш киритиш ҳақида»ги қарори.

**2018 йил 10 майда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1727-3.**

9. Ўзбекистон Республикаси адлия вазирининг 2018 йил 10 майдаги 268-мх-сон «Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги Олий малака комиссияси тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги буйруққа ўзгартиришлар киритиш тўғрисида»ги буйруғи.

**2018 йил 10 майда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2166-4.**

10. Ўзбекистон Республикаси адлия вазирининг 2018 йил 10 майдаги 269-мх-сон «Нотариус стажёрининг фаолиятини ташкил этиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги буйруққа ўзгартиришлар киритиш тўғрисида»ги буйруғи.

**2018 йил 10 майда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2149-8.**

11. Ўзбекистон Республикаси адлия вазирининг 2018 йил 10 майдаги 270-мх-сон «Қорақалпоғистон Республикаси Адлия вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар адлия бошқармалари ҳузуридаги малака комиссиялари тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги буйруққа ўзгартиришлар киритиш тўғрисида»ги буйруғи.

**2018 йил 10 майда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2151-5.**

12. Ўзбекистон Республикаси адлия вазирининг 2018 йил 10 майдаги 271-мх-сон «Фуқаролик ҳолати далолатнома ёзувларининг шакллари ва уларни тўлдириш бўйича қоидаларни тасдиқлаш ҳақида»ги буйруқнинг муқаддимасига ўзгартириш киритиш тўғрисида»ги буйруғи.

**2018 йил 10 майда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2397-3.**

13. Ўзбекистон Республикаси молия вазирининг 2018 йил 9 апрелдаги 75-сон «Давлат бюджетининг пул маблағларини режалаштириш ва бошқариш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги буйруқни, шунингдек унга ўзгартириш ва қўшимчаларни ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида»ги буйруғи.

**2018 йил 11 майда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2112-2.**

14. Ўзбекистон Республикаси молия вазирининг 2018 йил 9 апрелдаги 76-сон «Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети пул маблағларини кассали режалаштириш ва бошқаришни амалга ошириш бўйича ҳужжат шакллари ва уларни тақдим қилиш тартиби тўғрисидаги йўриқномани тасдиқлаш ҳақида»ги буйруғи.

**2018 йил 11 майда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3009.**

15. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Ички ишлар вазирлигининг 2018 йил 25 апрелдаги 23, 32-сон «Хайдовчи ва хайдовчиликка номзодларни транспорт воситаларини бошқаришга яроқлилигини текшириш учун тиббий кўрикдан ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги қарори.

**2018 йил 12 майда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2472-1.**

16. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2018 йил 31 мартдаги 12/13-сон «Пул ресурсларининг банклараро электрон бозорида операцияларни амалга ошириш тартиби тўғрисида низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарорни ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида»ги қарори.

**2018 йил 12 майда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1535-1.**

17. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2018 йил 31 мартдаги 12/12-сон «Банклараро пул бозорида электрон савдо платформаси орқали операцияларни амалга ошириш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарори.

**2018 йил 12 майда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3010.**

18. Ўзбекистон Республикаси молия вазирининг 2018 йил 8 майдаги 91-сон «Пахта толасининг ички ва ҳақиқатда сотилган нархлари ўртасидаги ижобий фарқ маблағларини «Пахтасаноат» худудий акциядорлик бирлашмасининг махсус ҳисоб рақамига тўплаш ва унинг ишлатилиши тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги буйруқни, шунингдек унга ўзгартиришларни ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида»ги буйруғи.

**2018 йил 12 майда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1922-4.**

19. Ўзбекистон Республикаси адлия вазирининг 2018 йил 12 майдаги 278-мх-сон «Норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ижрочиларга етказиш ҳамда

уларнинг моҳияти ва аҳамиятини аҳоли ўртасида тушунтириш бўйича намунавий «Йўл харитаси»ни тасдиқлаш тўғрисида»ги буйруғи.

*2018 йил 12 майда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3011.*

## II. Давлат реестридан чиқарилди:

1. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлигининг «Ўзгаларнинг қарамоғига муҳтож пенсионерларни асосий озиқ-овқат маҳсулотлари билан текин таъминлаш тўғрисида»ги низом (рўйхат рақами 636, 1999 йил 15 февраль).

*Адлия вазирининг 2018 йил 7 майдаги 260-мҳ-сон буйруғига асосан давлат реестридан чиқарилди.*

2. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитасининг «Жисмоний шахслар томонидан фақат эркин алмаштириладиган валютада экспорт қилиш рухсат этилган товарларни Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан ташқарига олиб чиқишнинг чекланган меъёрлари (рўйхат рақами 731, 1999 йил 18 май), шунингдек унга ўзгартиришлар ва қўшимча (рўйхат рақами 731-1, 2010 йил 8 ноябрь).

*Адлия вазирининг 2018 йил 7 майдаги 264-мҳ-сон буйруғига асосан давлат реестридан чиқарилди.*

3. Ўзбекистон Республикаси молия вазирининг «Давлат бюджетининг пул маблағларини режалаштириш ва бошқариш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги буйруғи (рўйхат рақами 2112, 2010 йил 17 июнь), шунингдек унга ўзгартириш ва қўшимчалар (рўйхат рақами 2112-1, 2011 йил 2 август).

*Адлия вазирининг 2018 йил 11 майдаги 272-мҳ-сон буйруғига асосан давлат реестридан чиқарилди.*

4. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг «Пул ресурсларининг банклараро электрон бозорида операцияларни амалга ошириш тартиби тўғрисида низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарори (рўйхат рақами 1535, 2006 йил 11 январь).

*Адлия вазирининг 2018 йил 12 майдаги 275-мҳ-сон буйруғига асосан давлат реестридан чиқарилди.*

5. Ўзбекистон Республикаси молия вазирининг «Пахта толасининг ички ва ҳақиқатда сотилган нархлари ўртасидаги ижобий фарқ маблағларини «Пахтасаноат» ҳудудий акциядорлик бирлашмасининг махсус ҳисоб рақамига тўплаш ва уни ишлатилиши тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги буйруғи (рўйхат рақами 1922, 2009 йил 18 март), шунингдек унга ўзгартиришлар (рўйхат рақами 1922-1, 2011 йил 18 март), (рўйхат рақами 1922-2, 2012 йил 16 июнь), (рўйхат рақами 1922-3, 2014 йил 17 ноябрь).

*Адлия вазирининг 2018 йил 12 майдаги 277-мҳ-сон буйруғига асосан давлат реестридан чиқарилди.*

6. Ўзбекистон Республикаси адлия вазирининг «Норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг ижрочиларга етказилиши ҳамда моҳияти ва аҳамиятининг аҳоли ўртасида тушунтирилиши юзасидан намунавий чора-тадбирлар режасини тасдиқлаш тўғрисида»ги буйруғи (рўйхат рақами 2866, 2017 йил 3 март)

*Адлия вазирининг 2018 йил 12 майдаги 278-мҳ-сон буйруғига асосан давлат реестридан чиқарилди.*

**Мазкур ҳужжатлар қонунчиликка ўзгартириш киритилиши ва/ёки янги норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилиниши муносабати билан давлат реестридан чиқарилди.**

